

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

---

Профессор А.Н.Юнусхўжаев таҳрири остида

# ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЁИЛИШ

*Дарслик*

Тошкент-2007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

---

Тошмухамедов Э.Р., Зайнутдинов Х.С., Комилов А.М., Муҳамедова Р.А.,  
Журавлева Е.Б., Исломов М.З.

**ФАРМАЦЕВТИКА ИШНИ ТАШКИЛ ЁИЛИШ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан  
Олий таълим бўйича фармацевтика институтлари учун дарслик  
сифатида тавсия этилган

Тошкент-2007

## **МУНДАРИЖА**

### **Сўз боши**

## **АҲОЛИ ВА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш принциплари.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини бошқариш.
- 1.3. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика фаолияти хизматини бошқарувчи ташкилотларнинг асосий вазифалари ва функциялари.

### **2-БОБ. ДОРИХОНАЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

- 2.1. Дори воситалари билан чакана савдо қилиш қоидалари.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасида дорихоналарни очиш тартиби.
- 2.3. Дорихона муассасаларининг номланиши, турлари ва уларни жойлаштириш тартиблари.
- 2.4. Дорихоналарнинг функциялари ва вазифалари.
- 2.5. Дорихона хоналарининг таркиби, уларни фаолият турига қараб жиҳозланиши.
- 2.6. Дорихоналарнинг ташкилий тузилиши.
- 2.7. Дорихона ходимлари лавозимларининг номланиши.

### **3-БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЕЦЕПТСИЗ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

- 3.1. Ҳалқаро амалиётда дори воситалари туркумланишини асосий принциплари. Туркумлаш шакллари.
- 3.2. ATC (ANATOMICAL THERAPEUTIC CHEMICAL CLASSIFICATION SYSTEM) туркумланиш тизими.
- 3.3. ОТС – воситалар тизими. Рецептсиз сотиладиган воситаларга қўйилган асосий талаблар, ишлаб чиқарувчи фирмалари ва ривожланиш истикболлари.
- 3.4. Дори воситаларини рецептсиз бериш ва дорихона ассортименти.
- 3.5. Ҳалқаро амалиётда фармацевтик васийлик.
- 3.6. Фармацевтик товарларни штрихли кодлаш тизими ва маркалаш.

### **4-БОБ. ДОРИХОНАЛАРДА РЕЦЕПТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕРИШ**

- 4.1. Рецепт ва унинг функциялари, рецепт турлари.
- 4.2. Рецепт қабул қилиш ва дори воситасини бериш ишларини ташкил қилиш тартиби.

- 4.3. Рецептларни таксировкаси, рўйхатга олиш ва бериш тартиби.
- 4.4. Микдорий ҳисобда турувчи дори воситалари.

#### **5-БОБ. ДОРИХОНА ШАРОИТИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

- 5.1. Дорихонада дори тайёрлаш бўйича иш жойларни жиҳозлаш ва ташкил қилиш.
- 5.2. Асептик шароитда дори воситалари тайёрлашни ўзига хос хусусиятлари.
- 5.3. Дорихона тайёрланадиган дори воситалари сифатини назорат қилиш.
- 5.4. Дорихонада тайёрланган дори воситаларини расмийлаштириш.
- 5.5. Дорихонада тайёрланган дори воситаларини сақлаш муддатлари.

#### **6-БОБ. ДОРИХОНАДА ҒАМЛАМАЛАР БЎЛИМИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. ЛАБОРАТОРИЯ ВА ҚАДОҚЛАШ ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ**

- 6.1. Ғамламалар бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари.
- 6.2. Ғамламалар бўлими ходимлари орасида штатлар ва вазифаларни тақсимланиши.
- 6.3. Дорихонада товарларни қабул қилиш қоидалари ва уларни бошқа бўлимларга бериш тартиби.
- 6.4. Лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш.

#### **7-БОБ. ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ НАЗОРАТ РУХСАТНОМА ТИЗИМИ**

- 7.1. Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини белгиловчи назорат-руҳсатнома тизими.
- 7.2. Дори воситаларининг сифат стандартлари.
- 7.3. Фармацевтика соҳасида халқаро сифат стандартлари.
- 7.4. Дори воситалари сифатини назорат қилиш лабораторияси ишини ташкил қилиш.
- 7.5. Ишлаб чиқаришда фармацевтик маҳсулотлари сифат назоратини ташкил қилиш.
- 7.6. Фармацевтик маҳсулотларни сертификатлаштириш ва сифатини бошқариш тизими.
- 7.7. Дори воситаларини қалбакиллаштириш муаммолари.
- 7.8. Ностандарт дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби.

#### **8-БОБ. ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИНИНГ ДОРИХОНАСИ**

- 8.1. Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси вазифалари.
- 8.2. Дорихона биносига қўйилган талаблар ва ундаги асбоб ускуналардан фойдаланиш қоидалари.
- 8.3. Дорихона муассасасидан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини бериш тартиби.

8.4. Ҳисоб ва ҳисобот.

8.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги.

## **9-БОБ ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

9.1. Фармакоиқтисодиёт тўғрисида тушунча.

9.2. Фармакоиқтисодиёт вазифалари ва унга қўйиладиган талаблар

9.3. Фармакоиқтисодиёт объектлари ва фармакоиқтисодиётда харажатларнинг таснифи.

9.4. Фармакоиқтисодий таҳлил усуллари. Дори воситалари формулярлари.

## **10-БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБ ИСТИҚБОЛИНИ АНИҚЛАШ**

10.1. Дори воситалари истеъмолини шакллантирувчи омиллар.

10.2. Эҳтиёж, талаб, истеъмол, таклиф тушунчалари.

10.3. Дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш усуллари.

10.4. Дори воситаларга бўлган талабни турлари ва таснифи.

10.5. Даволаш-профилактика муассасалари доимий фаолиятдаги ҳайъат вазифалари.

## **11-БОБ. ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДА УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

11.1. Дори воситаларининг муомила соҳасида логистик ёндашуви.

11.2. Товар ҳаракатининг каналлари. Савдо тармоғининг асосий турлари.

11.3. Улгуржи воситачилар вазифалари, функциялари ва таснифи.

11.4. Улгуржи фармацевтик ташкилотлар фаолияти, дорихона омборида товарлар ҳаракатини ташкил қилиш.

11.5. Дори воситалари ва тиббиётда ишлатиладиган буюмларни сақланишини ташкил қилиш.

## Кириш сўзи

Аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини сифатли дори воситалари билан ўз вақтида таъминлашни ташкил қилиш соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа доришунос мутахассислар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида дорихона муассасалари Ҳамдўстлик давлатларида биринчилар қаторида давлат таассаруфидан чиқарилди. Натижада фармацевтика ишини ташкил қилиш бўйича мавжуд бўлган асосий дарсликлар дори воситалар муомаласининг кўп масалалари бўйича ўз амалий аҳамиятини йўқотди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида фармацевтика фаолияти соҳасини мустақил ривожланишини халқаро тажрибаларга суянган ҳолда ташкил қилиш, соҳа мутахассислари ташаббусларини қўллаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор ҳуқуқий ва меёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўз навбатида кўплаб янги дори воситаларини яратилиши, фармацевтик ёрдамни такомиллашган усуллари амалиётга кириб келиши билан фармацевтика ишини ташкил қилишни асосий йўналишлари ёритилган дарслик яратиш вазифаси яна ҳам долзарб бўлиб қолди. Қўлингиздаги дарсликда аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашни ташкил этишда ҳозирги кун нуқтаи назаридан дорихона муассасалари мутахассислари учун зарур бўлган масалалар 11 бобда келтирилган. Амалий аҳамияти ортиб бораётган рецептсиз дори воситалар савдосини ташкил қилиш ва фармацевтик хизматни сифатли таъминлашга қаратилган мавзулар мумкин қадар кенгроқ ёритилди.

Дори воситалари муомаласига тааллуқли айрим атама ва терминлар дарсликда биринчи марта баён қилинганлиги муносабати билан уларни фармацевтика соҳаси нуқтаи назаридан шарҳлаб, умумий тушунчалар ҳам берилди.

Амалдаги дастур доирасида тайёрланган ушбу дарсликда фармацевтика ишини ташкил қилиш бўйича талабалар учун керакли бўлган асосий масалалар ёритилиб, қўшимча маълумотлар ва тегишли меёрий ҳужжатлардан мустақил фойдаланиш учун кўрсатмалар берилган.

Дарслик фармацевтика институти талабалари ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланаётган кенг мутахассислар оммаси учун мўлжалланган.

Биринчи бор чоп этилган ушбу дарслик айрим камчиликлардан ҳоли эмас ва уни такомиллаштириш борасидаги маслаҳат ва таклифларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Муаллифлар дарсликни тайёрлаш учун керакли маълумотларни тузишда қатнашган Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси ходимлари: М.А.Саидов, А.И.Нуритдинова, Г.Э.Содиқова, А.М.Тўхтаева, Д.Т.Саипова, З.Ш.Хидоятова ва М.Я.Саидовага ҳамда рецензентларга катта миннатдорчилик билдиради.

# **АҲОЛИ ВА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

## **1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ**

### **1.1. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлашни ҳимоя қилишда қонунчиликнинг конституцион асослари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий вазифаси Республика аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилиш, даволаш ишларини ташкил қилиш, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини яратиш, даволаш-профилактика муассасалари учун моддий техника базасини яратиш, тиббиёт ва фармацевт кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, аҳоли ўртасида санитария эпидемиология ҳолатини тегишли тартибда барқарор ҳолатда сақлаш ва таъминлашни ташкил қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган фуқароларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири соғлиқни сақлаш ҳуқуқидир. “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқармалари, тегишли илмий текшириш институтлари фаолият кўрсатмоқдалар, тиббиёт ва фармацевт кадрлар тайёрлаш ишлари эса, тегишли институтлар ва тиббиёт коллежлари томонидан амалга оширилади.

Малакали тиббий хизматни махсус тиббий ва фармацевтика билимларига эга, Гиппократ қасамёдини қабул қилган ва ёрдамга муҳтож, ҳар қандай беморга сидқидилдан хизмат қиладиган тиббиёт мутахассислари амалга оширадilar. Қонунчилик асосида етарли малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг тиббий ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига рухсат этилмайди.

Давлат томонидан ваколатланган органлар хусусий соғломлаштириш муассасаларини очиш, ҳамда уларнинг фаолияти, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифати устидан белгиланган тартибда назорат олиб боради.

Тиббиёт ва Фармацевтика фаолиятини олиб боровчи субъектлар фаолиятлари мавжуд стандартлар талабларига жавоб бермаса, фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномадан (лицензиядан) суд ҳукми асосида маҳрум қилинади.

Малакали тиббий ва фармацевтик хизмат кўрсатишни таъминлаш ишлари қуйидаги яратилган шарт-шароитлар билан мунтазам равишда таъминланиб туришини кўзда тутган ҳолда тузилади:

– давлат даволаш ва санитария, дам олиш муассасалари тармоғининг мавжудлиги ва ҳозирги кунларда ҳам мунтазам фаолият кўрсатиб туриши;

– нодавлат ва идоравий тиббий муассасаларини рағбатлантириш ва ривожлантириш. Кўплаб ишлаб чиқариш тармоқлари, муассасалар ва ташкилотларнинг поликлиникалари, амбулатория, санатория, кундузги даволовчи стационар, дам олиш масканлари, шифохона, қишлоқ врачлик пунктлари, она ва бола шифохоналари ва соғломлаштириш марказларини янада кўпайтириш;

– аҳолини барча қатламларини эътиборга олган ҳолда, улар ўртасида кенг қамровли диспансеризация ва эмлаш ишларини тегишли тартибда олиб бориш, ҳамда касалликларни олдиндан аниқлаш ва уларни олдини олиш, тегишли ташхис қўйиш;

– тиббиёт ва фармацевт кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар фаолиятлари самарадорлиги ва малакаси устидан давлат назоратини ўрнатиш;

– тиббий суғурта тизимини яратиш, меҳнат қобилиятини йўқотган, ишга яроқсиз ёки ногирон бўлиб қолган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан қонун асосида белгиланган тўловлар ажратиш;

– аҳолини маълум ижтимоий ҳимояга мухтож тоифасига, тиббий муассасалар томонидан бепул тиббий хизмат кўрсатиш. Ногиронлар ва боқувчисидан маҳрум бўлган ва оғир беморларга (яъни тегишли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1999 йил 5 мартдаги 134-сонли буйруғи асосида тасдиқланган) дорихоналардан бепул дори воситалари олишга ёрдам бериш;

– тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини замонавий асбоб-анжомлар, техника воситалари билан жиҳозлаш ва уларга қулай шароитлар яратиш;

– Республиканинг ҳамма вилоят марказларида ва иложи борича аҳоли зич яшайдиган минтақаларида ва Тошкент шаҳридаги Республика тез тиббий ва шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг фаолиятини такомиллиштириш.

Ҳозирги кунда давлат томонидан кафолатланган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек “Соғлом авлод учун” Республика фонди томонидан ҳам оналар ва болалар соғлигини сақлаш йўлида самарали ишлар олиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти мулк шакллариининг янги тизими, қудратли ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, илғор фан ва технологияларни барпо этиш, халқ фаравонлигини ошириш, эркин шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қулай шарт-шароитлар яратилаётган жамиятдир. Шунинг учун ҳам Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимида ҳам мулкдорлар тоифасида кенг йўл очиш, улар орқали аҳолига ва даволаш-профилактика муассасаларига юқори малакали тиббий ва фармацевтик ёрдам кўрсатилиб, улар жамиятимизда,

Соғлиқни сақлаш тизимида етакчи ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлган жамиятнинг масъул шахсига айлансин.

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг (1996 йил 29 августдаги ва 1999 йил 15 апрелдаги ўзгартириш ва қўшимчалари билан) қонунига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидаги ваколатларга эгадир:

- Соғлиқни сақлаш ва тиббий суғуртанинг, Соғлиқни сақлаш сифати давлат стандартларининг меъёрий базасини ишлаб чиқади, ҳамда барча тиббиёт муассасаларининг уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида тармоқ давлат дастурларини амалга оширади;

- давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бюджет маблағлари ҳисобидан ташкиллаштиради;

- даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг сертификацияси ва аккредитациясини амалга оширади;

- шифокорларга тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш учун, фармацевтларга фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар беради;

- тиббий хизмат тарифлари даражасини бошқариб боради;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланишга рухсат этилган дори воситаларини стандартлаштириш ва рўйхатга олишни амалга оширади.

Шундай қилиб Соғлиқни сақлаш ишларинининг асосий принциплари Республика Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари, фармойиш ва кўрсатмалари билан белгиланиб, асосан аҳоли соғлиғини сақлаш ва ҳар тарафлама юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишдан иборат.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббиёт хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш чоралари белгиланди. Соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилиш Давлат дастури тасдиқланди ва уни концепцияси берилди. Бунга мувофиқ бепул тиббиёт ёрдам кўрсатиладиган ва бюджетдан таъминланадиган даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек уларни босқичма-босқич пулли хизматларга ўтказилиш муддатлари белгиланди ва дастурни амалга оширишга доир асосий чора-тадбирлар тасдиқланди.

Ҳозирги кунда эса, ушбу белгиланган вазифаларни бажариш борасида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кенг қамровли ва юқори

малакали тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, бунга мисол тариқасида Тошкент шаҳрида Республика шошилинич тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказини очилиши, вилоятларда эса, бу марказни филиаллари очиб, уларни юқори малакали тиббиёт ва фармацевт кадрлар билан таъминланди ва ўз масулияти вазифаларини шараф билан бажармоқдалар.

## **1.2.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ**

Бошқариш илми ҳар қандай халқ хўжалиги фаолиятини бошқариш асосларида ўзини маълум бир хусусиятлари билан иштирок этгани каби Соғлиқни сақлаш тизими ҳам ўзининг маълум бир бошқариш жараёнига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аҳоли соғлиғини сақлаш, муҳофаза қилиш ва даволашни давлат томонидан кафолатланганлиги қайд этилади. Бунинг учун эса Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун Президент фармон ва қарорлари ҳамда, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва кўрсатмалари Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади. Вазирлик томонидан эса, бу меъёрий ҳужжатлар Соғлиқни сақлаш ташкилотларига тегишли бошқарма ва бўлимлар орқали куйи корхоналарга яъни Соғлиқни сақлаш бошқармаларига, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва вилоят Соғлиқни сақлаш бўлимларига етказилиб, улар ҳам бу вазифаларни ўз тасарруфидаги ҳамма даволаш-профилактика муассасаларига етказадилар.

Бошқариш илми, бошқаришнинг илмий асосларига суянган ҳолда, бошқариш ишларини янада такомиллаштириш, унда бошқаришни ташкилий, тарбиявий томонларини эътиборга олган ҳолда раҳбарни замонавий бошқариш усуллари билан қуроллантирган ҳолда, аҳоли билан ишлаш, уни ишчанлик фаолиятини яхшилаш, шу борада аҳоли соғлиғини яхшилаш ва тиклаш борасида энг замонавий усулларни қўллаб, инсон омилини ва тафаккурини эъзозлаган ҳолда, ҳар тарафлама инсон соғлиғини муҳофаза қилиши зарур.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 18-сонли Қарорига асосланиб, ушбу қарор “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида” бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида” 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ2107 – сонли фармонини бажариш юзасидан ҳамда аҳоли соғлиғини сақлаш ишлари устидан давлат назоратини таъминлаш чоралари қайд этилган.

Ушбу фармонга асосан Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, аҳолига бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши, бошқаришнинг барча даражасида аҳолига тиббий ёрдамни яхшилаш билан

бир қаторда, тизимни маблағ билан таъминлаш жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий клиникаларни ташкил этиш, даволаш-профилактика, ҳамда санитария - эпидемиология муассасалари томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши, бошқарув органларининг мансабдор шахслари, Соғлиқни сақлаш ходимларининг ноқонуний хатти- ҳаракати юзасидан шикоятлар ва аризалар, коида бузишлар ва суистеъмолчиликларни олдини олиш тўғрисида масалалар кўрсатилган. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низом, вазирлиқнинг маъмурий бошқарув ходимларнинг сони, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси тўғрисидаги, вазирнинг уринбосарлари, шу билан бирга бошқариш жараёнида, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи лавозимида кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирининг уринбосари ҳисобланиши кўрсатилган. Ушбу фармон ва амалдаги қарорларга кўра Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармация Соғлиқни сақлаш тизимини ажралмас қисми эканлигини қайд этилган. Таъкидлаш лозимки республикада фармацевтика фаолиятини мувофиқлаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги 132-сонли Қарори муҳим роль ўйнайди. Шу қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан “Фармация” ишлаб чиқариш бирлашмасини “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмасига айлантирилди. Уюшма фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасида сақлаб қолинди.

“Дори-дармон” давлат акциядорлик уюшмаси ва унинг ҳудудий бирлашмалари дори воситалари ва тиббиёт буюмлари буюртмаларининг асосий турлари яъни давлат буюртмалари бўйича Соғлиқни сақлаш органлари томонидан тасдиқланган ҳаётий зарур (асосий) дори воситалари ва тиббий ашёлар билан таъминлашни бажарилиши аниқ кўрсатилди.

Шу қарорга асосан давлат акциядорлик уюшмаси ва ҳудудий “Дори-дармон” давлат акциядорлик бирлашмалари ўзининг ишлаб чиқариш – хўжалик ва молиявий фаолияти истиқболини, мустақил белгилайди, бозор конъюнктурасини ташкил этган ҳолда, маркетинг хизматларини кўрсатади, давлат ва бошқа органларда, ўз таъсисчиларининг манфаатларини ифодалайди.

“Дори - дармон” ДАУ фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 май 131 –сонли Қарори билан “Дори - дармон” акциядорлик компаниясига айлантирилди. Ушбу Қарорга кўра қуйидагилар “Дори -дармон” акциядорлик компаниясининг асосий вазибалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳамда ҳаётий муҳим бўлган асосий дори –дармонлар ва тиббиёт буюмларига, шу жумладан гиёҳванд ва ҳисобда

турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

- “Дори - дармон” акциядорлик компанияси таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш;

- дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш.

Ушбу қарорга мувофиқ “Дори - Дармон” АК таркибига кирган корхона ва ташкилотлар рўйхати ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

### **1.3. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ ХИЗМАТИНИ БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ССВ ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ишлари ўзининг маълум тартибдаги ўзига хос бошқарилиш тизимига эга бўлиб, бу тизим аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда ва дори воситалари билан аҳолини тегишли тартибда таъминлашда муҳим уринни эгаллайди.

Республикада Соғлиқни сақлаш тизимига раҳбарлик қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилган бўлиб, вазирлик асосан қуйидаги масалаларни ҳал этади:

– аҳолини соғлиғи ва унга боғлиқ равишда ҳалқ хужалигини ва унинг муҳофаа фаолиятларини яхшилаш ва Соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш;

– аҳолига юқори малакали ва аҳолини ҳамма қатлами учун муқобил тиббий ёрдамни ташкил этиш;

– аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишда, касалликларни олдини олиш чора тадбирларини ривожлантириш;

– оналик ва болаликни муҳофаза қилиш;

– Республика санитария – эпидемиология ҳолатини яхши бўлишини таъминлаш;

– аҳолини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари, вирусга қарши ва ташхис воситалари ва бошқа тиббиётда ишлатиладиган буюмлар билан таъминлаш;

– давлат режаларига асосланиб, даволаш-профилактика муассасалари ва дорихона тизимини ривожлантириш чора тадбирларини куриш;

– тиббиёт ва фармация соҳасидаги илмий изланишларни ривожлантириб, унинг самарадолигини ошириб, уларни Соғлиқни сақлаш ва фармация амалиётига қўллаш чора тадбирларини кўриш;

– тиббиёт ва фармацевт кадрлар тайёрлашни, улар малакасини ошириш, борасидаги назарий ва амалий жихатдан билимларини юқори савияга кўтариш;

– меҳнатни илмий асосда ташкил этилган, бошқариш асосида Соғлиқни сақлаш муассасаларини тегишли юқори малакали кадрлар билан таъминлаб, аҳоли соғлиғини тиклашда юқори натижаларга эришиш;

– ҳукумат томонидан Соғлиқни сақлаш ишларига ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиб, Соғлиқни сақлаш биноларини таъмирлаш ва янгитдан қуриладиганларини, ўз вақтида ишга тушириш ишларини амалга ошириш.

Бу ишларни амалга ошириш учун маълум бир бошқарув тизими шакллانган бўлиб, улар маълум бошқарма, бўлим ва ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Вазирлик қошида ҳайъат (Коллегия) ташкил этилган бўлиб, унга Соғлиқни сақлаш тизимидаги долзарб муаммоларни, вазирликнинг коллегия аъзолари билан биргаликда ҳал қилиш вазифаси юклатилган. Илмий, амалий, клиник ва эпидемиологик муаммоларни муҳокама қилиш, уларни режа асосида амалга ошириш тиббиёт ва фармациядаги илмий ва амалий иш натижаларини Республика тиббиётига қўллаш ва шу йўл билан Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий ва илмий йўналишларни ривожлантириш учун вазирлик қошида Олимлар тиббиёт илмий кенгаши ташкил қилинган.

Олимлар тиббиёт илмий кенгаши таркибига жамоатчилик асосида Республикани кўзга кўринган йирик олимлари киритилган бўлиб, улар тиббиётга ва фармацияга оид илмий йўналишни ривожлантириш билан бирга уларни Соғлиқни сақлаш ва фармация амалиётига қўллаш ишлари билан шуғулланадилар.

Ундан ташқари Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси Давлат санитария эпидемиология назорати департаменти, Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармаси, Кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармаси, Маъмурий хўжалик бошқармаси, Назорат инспекцияси, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, Дори воситалари сиёсати маркази ва бошқа бўлимлар, соғлиқни сақлаш ишларини Республика миқёсида бошқаришда муҳим вазифаларни бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли Қарорига ва Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 1995 йил 2 июндаги 250-сонли буйруғига асосан, вазирлик қошида Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси ташкил этилди.

ССВнинг Дори воситаларини ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази, Фармакопея, Фармакология, Янги тиббий

техникалар каби қўмиталарга, Гиёҳвандлар назорати қўмитасига, Дори воситалари ва тиббий техникани қайд этиш бўлими, ҳамда назорат қилиш бўйича Фармацевтик инспекцияси мавжуддир.

Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази қошида:

- вакцина, зардоб воситалари ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш лабораторияси;
- дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси;
- тиббий техника сифатини назорат қилиш лабораторияси;
- фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси;
- илмий услубий ва ахборот бўлими ташкил этилган.

Бош бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинган дори воситалари сифатини назорат қилади;
- истъеъмолчилар ва таъминотчилар ўртасида дори воситалари сифати масаласида англашилмовчилик, келишмовчилик ва баҳс бўлиб қолган тақдирда, дори воситалари сифатини арбитраж анализи ўтказиб охирги яқунловчи ҳулоса беради;
- Ўзбекистон Республикасига чет элдан сотиб олиб келтирилаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини Давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал уларнинг сифатини ҳар тарафлама назорат қилади;
- янги дори воситаларига ишлаб чиқилган меъёрий техник ҳужжатлар лойиҳасига ҳулосалар беради;
- дори воситалари сифатини назорат қилишнинг амалда қўлланилаётган усуллариини такомиллаштиради ва янги усулни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб боради;
- янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий ишлар билан шуғулланади;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган, сақланаётган, қўлланилаётган дори воситалари ва тиббий буюмлари сифатини дастлабки давлат назоратидан ўтказади;
- эскириб қолган дори воситаларини Давлат реестридан чиқариш тўғрисида тавсияномалар тайёрлайди.

Бош бошқармага юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун унда экспертлар кенгаши ташкил қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК(ЎЗФАРМ САНОАТ) КОНЦЕРНИ.

Республика аҳолисининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини яхшироқ қондириш ва фармацевтика саноатини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 2 июндаги ПФ 290 – сонли фармони асосида Узфармсаноат, Давлат – акционерлик концерни ташкил этиб, унинг таркибига эса, бир қатор илмий текшириш институтлари ва Узкимёфарм ишлаб чиқариш бирлашмаси киритилишига қарор қилинди.

- Узфармсаноат концернининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
- Дори воситалари яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг даволаш-профилактика муассасаларининг дори воситаларига, биологик фаол моддаларга, бошқа тиббий ва санитария – гигиена маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид тадбирларни амалга ошириш;
  - Фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш, ушбу тармок корхоналарини ҳудудий жихатдан жойлаштиришни такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини ўтказиш масалалари юзасидан давлат ҳоқимияти ва бошқарувининг Республика ҳамда маҳаллий органлари билан ҳамкорликда ишлаш;
  - Дори воситалари ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш соҳасида Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш;
  - Республикада дори воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хорижий шериклар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳисобига уларни четдан ҳарид қилишни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш масаласи билан шуғулланиш қайд этилади.

## **2–БОБ. ДОРИХОНАЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

### **2.1. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини кенг жорий этиш ва чуқурлаштириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, Республика аҳолисини дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқорида қайд этилганидек Республика “Дори-дармон” акционерлик компанияси вилоятлар, Тошкент шаҳрида ва Қорақалпоғистон Республикасида унинг ҳудудий бирлашмалари ташкил этилди.

Дори воситалари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи асосан мулкчилик шаклининг акционер, жамоа ва хусусий дорихоналарига руҳсат этилди. Бу дорихоналарга дори воситаларни сотишда тегишли тартиб – қоидаларга амал қилиш, улар билан савдо қилиш қоидаларини таъминлаш масъулияти юклатилган.

Дори воситаларини сотиш Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонун асосида дорихона муассасалари томонидан олиб борилади ва дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади.

Дорихона иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Дорихоналар ишини бошқариш эса шу қонунга асосан олий фармацевтика маълумотиغا эга бўлган шахсларгагина руҳсат этилиши таъкидланган. Шунингдек дорихона дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, ҳамда даволаш, касалликни олдини олишга мўлжалланган дори воситалари тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини шифобахш озик-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларни ҳарид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларни шахобчалари, даволаш ва касалликни олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада дори воситалари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги 1994 йил 14 июлдаги ПФ – 916 фармони ижро этиш юзасидан ҳамда Республика аҳолисини дори воситалари, вакциналар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли Қарори эълон қилинди, бунга асосан Республика дорихона муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиш қоидалари, чекланган чакана нархларда сотиладиган ва барча дорихона муассасаларида мавжудлиги мажбурий бўлган энг зарур дори воситалар рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида дори воситалари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи “Дори-дармон” акционерлик компанияси дорихона муассасаларига, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъий назар,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус рухсатномаси (лицензиясига) эга бўлган бошқа дорихоналарга рухсат этилади. Дорихона муассасаларида дори воситаларни сотишга фақат махсус фармацевтик маълумотга эга бўлган шахсларга рухсат берилади. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг дорихона муассасаларидан ташқарида - бозорларда, кўчада, жамоат жойларида ва уйда сотилиши қатъиян тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 июль 276 – сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган ва ваколатли лабораторияда сифат бўйича назоратдан ўтмаган дори воситалари ва тиббиёт буюмларни сотиш мумкин эмас.

Дори воситаларни аҳолига врач рецепти билан ва рецептсиз бериш шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларига бериладиган дори воситалари рўйхати ва уларни бериш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. ССВ томонидан врачнинг рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситалардан ташқари барча дори воситалар дорихоналардан фақат белгиланган шакллардаги рецептларга кўра берилиши керак.

Тайёр дори воситаларни, бериш витринасига врач рецептсиз бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар уларнинг нархи кўрсатилган ҳолда қўйилади.

Даволаш-профилактика муассасалари врачларига шифохонада керакли дори воситалари бўлмаганда стационар даволанишда бўлган беморларга рецепт ёзиб беришга рухсат этилади. Бунда дори нақд пулга сотиб олинганлиги ҳақида маълумот касаллик тарихига ёзиб қўйилиши шартдир.

Махсус ижтимоий ҳимояга мухтож беморларга бепул рецептлар бўйича дори воситалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дорихона муассасаларидан берилади. Дорихона муассасалари томонидан бепул рецептлар бўйича берилган дори воситалари Вазирлар Маҳкамасининг “Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1997 йилдаги 532-сонли Қарорида амбулаторияда даволашда дори воситалари бепул бериладиган касалликлар ва шахслар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади. Уларга ҳақ тўлаш эса, Соғлиқни сақлаш муассасалари билан тегишли тартибда тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли ва 2000 йил 5 августдаги 307 сонли Қарорларига асосланиб, чакана дорихона тармоғида дори воситалари ва тиббиёт буюмларга нарх белгилашнинг ягона тартиби жорий этилди.

Шунга асосланиб, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Ўзбекистон Республикасига импорт бўйича етказиб беришда катнашувчи воситачилар сонидан қатъий назар, база нархига 20 фоиздан ортиқ бўлмаган, қолган дори воситалари учун улгуржи савдода 20 фоиз, чакана савдо учун 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда

шартномавий нархлар бўйича улгуржи ва чакана савдо тармоғи орқали сотилиши белгилаб қўйилди.

Ана шу қарорга асосланиб мулкчилик шаклининг ҳамма туридаги дорихоналарда, дорихона филиалларида ва қишлоқ врачлик пунктлари қошидаги дорихоналарида дори воситаларини, тиббиёт буюмларини ва беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган санитария ва гигиена ашёларини аҳолига сотиш ушбу белгиланган чакана нархларда амалга оширилади.

## **2.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОРИХОНАЛАРНИ ОЧИШ ТАРТИБИ**

Дорихона Соғлиқни сақлаш тизимининг ажралмас таркибий қисмидаги тиббиёт муассасаси бўлиб, у аҳолини, даволаш-профилактика муассасаларини (ДПМ) ва бошқа ташкилотларни узлуксиз равишда дори воситалари, санитария-гигиена буюмлари, боғлов материаллари ва беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган ашёлар билан таъминлаш билан шуғулланади.

Дорихоналар асосан дори тайёрлаш, таъминот, савдо, молия ва хўжалик ишлари билан шуғулланиб, уларни ишлаб чиқариш фаолияти врачлар томонидан ёзиб берилган рецептлар асосида ва ДПМ ларни талабномалари асосида дори воситаларини тайёрлаб беради. Катта миқдордаги айрим дори воситаларини лаборатория-қадоқлаш ишлари билан шуғулланадилар, уларни сифатини назорат қиладилар ва тайёр дори воситаларини аҳолига ва ДПМ ларига сотадилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги 132-сонли Қарори асосида Республика “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмаси ташкил этилди, шу қарор асосида мулкчиликнинг хусусий, жамоа ҳамда акционер дорихоналар уюшмаси ташкил этилди. Худди шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунига асосан фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш - дорихона ишини бошқариш олий маълумотли фармацевтларгагина рухсат этилди.

Юқоридаги қайд этилган фаолиятларни амалга ошириш ва қонун асосида дорихона очиш ва тегишли фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун эса, махсус лицензия олиш зарур бўлади. Бу лицензия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сонли Қарори билан тасдиқланган “Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом асосида” махсус рухсатнома, лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ташкил этилган махсус ҳайъат томонидан бериладиган рухсатнома (лицензия) асосида олиб борилади.

Лицензия ҳайъати таркибига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ҳудудида фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи бошқа масъул юридик шахсларнинг вакиллари киради.

Лицензия ҳайъати – ҳайъат раиси, аъзолари ва техник гуруҳидан иборат. Лицензия ҳайъати раиси Соғлиқни сақлаш вазирнинг буйруғига асосан тайинланади. Ҳайъат таркиби ва структураси, ҳайъат раиси томонидан такдим этилади ва бунга асосан Соғлиқни сақлаш вазири томонидан чиқарилган буйруққа биноан фаолият кўрсатади.

Юқорида келтирилган қарор ва тегишли қонунларга асосан лицензия бериш тартиби ва шартлари ҳақида “Низом” ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу низомга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фармацевтика фаолиятини кўрсатиш учун лицензия беришнинг умумий тартиблари ва шартларини белгиланади. Ушбу тартиблар мулкчилик туридан, қайси вазирлик ёки тармоққа бўйсинишидан, қайд этилган манзилидан қатъий назар, барча жисмоний ва юридик шахслар учун мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Фармацевтика фаолияти билан шуғулланаётган барча юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фармацевтика фаолияти кўрсатаётган, чет эл ваколатхоналарининг ҳам кўрсатилган фаолияти учун лицензиялари бўлиши кўзда тутилади.

Лицензия – бу махсус ҳисобдаги ҳужжат бўлиб, ўзининг такрорланмас тартиб рақамига эга бўлади.

Лицензия аниқ юридик ёки жисмоний шахсга берилади, лицензияни бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериш ман этилади.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан, қайси вазирлик ва тармоққа тегишлигидан, мулкчилик туридан қатъий назар, лицензиясиз фаолият билан шуғулланиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ССВ лицензия ҳайъати томонидан фармацевтика фаолиятининг қуйидаги турлари учун лицензиялар берилади:

- тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўладиган дорихоналарга;

- врач рецепти бўйича дори воситалари ва стерил эритмалар тайёрлаб сотиш, шунингдек тайёр дори воситалари ва тиббий ашёларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарга;

- Ўзбекистон Республикаси ССВ дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан қўллашга руҳсат этилган дори воситалари ва тиббий буюмларни корхона шароитида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини берадиган юридик шахсларга;

- Ўзбекистон Республикаси ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан қайд этилган гиёҳванд ва психотроп моддалар сақлаган воситаларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлган дорихоналарга.

Лицензия бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссия тузилади. Эксперт комиссия таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Бунда эксперт комиссия таркибига мажбурий тарзда тегишли ихтисосликлар бўйича мутахассислар киритилади.

Эксперт комиссия йиғилиши камида ойига икки марта ўтказилади.

Фармацевтика фаолиятининг мазкур Низомга мувофиқ лицензияланадиган турлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш;
- б) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тайёрлаш;
- в) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари яратиш бўйича илмий – тадқиқот ишлари;
- г) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сифатини назорат қилиш;
- д) дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш;
- е) дори воситаларини улгуржи сотиш;
- ж) тиббиёт буюмларини улгуржи сотиш;
- з) доривор ўсимликлар, ҳайвонот ва минерал асосга эга бўлган хом ашёни етиштириш, йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш.

Юқорида қайд этилган фаолият турларини “а” - “ж” кичик бандларида кўрсатилган фармацевтика фаолиятини амалга оширишга лицензиялар фақат юридик шахсларга берилиши мумкин, бунда “б” - “д” кичик бандларида кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишга лицензия фақат дорихона муассасаларига берилади.

Мазкур Низом 3 –бандининг “а” - “ж” кичик бандларида кўрсатилган фармацевтика фаолияти турларини амалга ошириш учун олинган лицензия, лицензиатларга улар ишлаб чиқарган ва тайёрлаган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш ҳуқуқини беради. Юридик ёки жисмоний шахс томонидан фармацевтика фаолияти фақат лицензияда белгиланган фаолият тури (унинг бир қисми) бўйича амалга оширилиши мумкин.

Лицензиатда тегишли фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) мавжуд бўлган тақдирда, лицензия бериш вақтида кўрсатиб ўтилган филиаллар (алоҳида ҳудудлардаги бўлинмалар ва объектлар) сонига қараб улардан ҳар бирининг жойлашган жойи кўрсатилган ҳолда лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган лицензия нусхалари берилади.

Лицензия талаблари ва шартлари:

Фармацевтика фаолиятини амалга оширишда лицензиат қуйидаги қоидаларга риоя қилишга мажбур:

- фаолиятни фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;
- фаолиятни лицензияда кўрсатилган фаолият доирасида, шунингдек лицензия битимида мувофиқ кўрсатилган манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш;
- лицензия талабгори лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун шарт –шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий –техник базадан, асбоб –ускуналардан ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

- дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

- экология ва санитария –гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиш;

- дори воситаларини тайёрлашда лицензиат шунингдек дори воситаларини анализ қилиш учун ваколатли назорат –таҳлил лабораторияси билан шартнома тузиш.

Фармацевтика фаолиятининг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий –техник базага, асбоб –ускуналарга, бошқа техника воситаларига ва ходимларга талаблар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Лицензия махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкалари катъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак. Лицензия бланкаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488 –сон Қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Фармацевтика фаолияти бўйича тегишли бошқарув ва меъёрий-техник ҳужжатлар талаблари дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш ва сотиш тартиблари бузилганда, лицензия ҳайъати тавсияси бўйича белгиланган тартибда, дорихона эгасини лицензиядан махрум қилинади ёки уни фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйилади.

Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ССВ буйруғига, ҳайъат раиси кўрсатмаларига ва ҳайъат қарорига мувофиқ таҳлил ишларини олиб боради. Ҳайъат мажлисларида катнашади, ҳайъат раиси томонидан амалдаги қонун ва ССВ буйруқ ва йўриқномаларига зид бўлмаган вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг лицензияси ҳозирги кунда ҳайъат томонидан фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга лицензия чексиз муддатга берилади.

Дорихона муассасалари ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан тасдиқланган тегишли Сан ПиН меъёрларига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатадилар.

### **2.3. ДОРИХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида дорихоналар дори воситаларини тайёрлаш, қадоклаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ – овқатларни, маъданли сувларни, даволаш – косметика маҳсулотларни харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасасидир. Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларни филиаллари,

даволаш ва касалликнинг олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради. Дорихона шахобчалари, қишлоқ врачлик пунктлари қошидаги дорихоналар, шунингдек шифохоналараро дорихоналар ҳам шу дорихона муассасалари тартибига киради.

Айрим ҳолатларда дорихоналар маҳсуслаштирилган бўлади, чунки маҳсуслаштирилган дорихоналар, аҳолини ва ДПМ ларни юқори сифатли фаолиятни таъминлаш хизматига эга бўлади, маҳсуслаштирилган дорихоналар қуйидаги сифат кўрсаткичлари билан фарқ қилади:

- тайёр дори воситаларини олди-сотди савдоси билан шуғулланадиган маҳсус тайёр дорилар билан савдо қилувчи дорихоналар;

- таъминоти, фаолияти, хусусияти билан фарқ қиладиган майда улгуржи савдо ва шифохоналараро дорихоналар;

- алоҳида контингентли беморларга хизмат қиладиган болалар ва ёши улуг қарияларга хизмат қиладиган гериатрик дорихоналар;

- сотилаётган дориларни маҳсус гуруҳларига хос дори воситалари, доривор ўсимликлар билан савдо қиладиган дорихоналар, гомеопатик дорихоналар, ва маҳсус касалларни даволашга ихтисослаштирилган (тери-таносил, руҳий ва диабет касаллари учун) дорихоналар.

Худди шунингдек ўқув ишлаб чиқариш дорихоналари бўлиши мумкин. Акционерлик дорихоналар эса, ўз фаолиятларини кўрсатишда туман, шаҳар, қишлоқ ва шаҳар типигаги посёлкалар ҳудудида жойлашиб аҳолига дори воситалари ва бошқа тиббиёт буюмлари савдоси билан хизмат қиладилар.

Тайёр дори воситалари савдоси билан хизмат қиладиган дорихоналар асосан шаҳарларда, қишлоқларда, поликлиникалар қошида ва бошқа жойларда ташкил қилиниб, улар аҳолини рецепт асосида ёки рецептсиз беришга руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар, санитария гигиена, буюмлари, боғлов материаллари ва беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган ашёлар билан узлуксиз таъминлаб турадилар.

Маҳсус болаларга хизмат қиладиган дорихоналар асосан катта шаҳарларда ёки вилоят марказларида ташкил этилиб, болалар учун ишлаб чиқарилган кичик дозада тайёрланган дори воситалари ёки экстемпорал равишда рецепт асосида тайёрланадиган дори воситалари савдо амалга оширилади. Дорихонада дори тайёрлаш учун зарур дори хом ашёлари (субстанциялар) ва ёрдамчи материаллар захираси бўлиши зарур. Шунингдек болалар учун тайёрланадиган дори воситалари бошқа тайёрланадиган дори воситаларидан, таъми, ранги ва ташқи қуриниши билан фарқ қилиши кўзда тутилади.

Гериатрик дорихоналар асосан ёши улуг инсонларга хизмат қилиш учун маҳсуслаштирилган бўлиб, ушбу дорихоналар қарияларни ёши, руҳий физиологик ҳолатларини эътиборга олиб, тегишли тартибда врачлар томонидан ёзиб берилган рецептлар асосида дори воситаларини беришлари кўзда тутилган. Шунингдек ушбу дорихоналар дориларни сақлаш, ичиш тартиб-қоидаларини уларга аниқ тушунтириб беришлари ва қарияларга дори воситалари қабул қилиш бўйича маслаҳат берувчи марказ ҳисобланади.

Гериатрик дорихоналар шу тоифадаги аҳолини дори воситаси билан таъминланаётганлигини ҳар тарафлама таҳлил қилиб улар учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар эҳтиёжини доимо ўрганиб боради ва шуларни дорихонада узлуксиз равишда бўлишини таъминлайди.

Доривор ўсимликлар дорихонаси одатда йирик шаҳарларда ва вилоят марказларида аҳолини доривор ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари дамлама, қайнатма ҳолида врачлар рецепти билан ва рецептсиз ҳар хил чойлар ҳолида, шарбатлар шаклида фитобарларда тайёрлаб аҳоли учун фойдали ва нисбатан безарар бўлган дори воситалари билан таъминлаш учун ташкил қилинади.

Бу дорихоналар рецептураси ўзига хос мураккаблик томонлари ҳам мавжуд чунки, айрим йиғмалар таркибига ўнлаб доривор ўсимликлар хом ашёси киритилади, шунинг учун бу йиғмаларни тайёрлаш белгиланган тартиб асосида амалга оширилиб, фармацевтдан ўзига хос билим ва маҳоратни талаб этади.

Доривор ўсимликлардан дори воситаларга аҳоли эҳтиёжини қондириш айрим ҳолларда фармацевтлар ва врачлар ҳамкорлигида дори воситаси чой, қайнатма, дамлама ёки коктейл шаклида дорихонани ўзида алоҳида бўлимларда ва фитобарларда ташкил қилиниши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда эса Республика ССВ қошидаги лицензия ҳайъати томонидан бундай дорихона ёки бўлимлар очишга рухсатнома берилиб бормоқда, чунки бундай дорихоналарни бўлиши аҳоли учун фойдали ва иқтисодий томондан эса, арзон дори шакли бўлиб аҳоли эҳтиёжини бундай дори воситаларига қондиришда муҳим рол ўйнайди.

Гомеопатик воситалар муомаласини амалга оширувчи дорихоналар ҳам маҳсулаштирилган дорихоналар туркумига кириб, улар ҳам маълум даражада аҳолини ўзига хос гомеопатик рецептлар асосида тайёрланган дори воситасилари билан таъминлашга ёрдам беради. Ушбу дорихоналарни иложи борица, гериатрик беморларни даволаш учун ташкил қилинган маҳсус даволаш ва даволаш-профилактика муассасалари яқинида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Гомеопатик дорихоналарда дори воситалари асосан тайёр дори воситалари шаклида берилади, лекин бу ҳилдаги дорихоналарда ҳам экстремпорал ҳолда айрим дори воситаларини тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш мумкин. Ҳозирги кунда алоҳида мақомга эга бўлган гомеопатик дорихоналар Республикамизда ташкил этилган эмас, лекин маълум дорихоналарда алоҳида гомеопатия бўлими сифатида ташкил қилинган. Таъкидлаш лозимки Тошкент фармацевтика институтининг дори турлари технологияси кафедраларида кўплаб гомеопатик дори шакллари технологияси айниқса Республикамизда мавжуд бўлган хом ашёлардан асос сифатида фойдаланиб амалиётда қўллаш учун тайёрлаб қўйилган технологик жараёнлар яратилган.

Ўқув ишлаб чиқариш дорихоналари асосан, ёш мутахассисларни ёки юқори курс студентларини ишлаб чиқариш ёки магистратура амалиёти машғулотларини ўтказиш ёки фармацевтларни малакасини ошириш учун

база сифатида ташкил қилиниб, шу билан бирга аҳолини ва ДПМ ларини дори воситалари ва бошқа тиббий ашёлар билан таъминлаб туриш ишларини ҳам амалга оширади.

Ушбу дорихоналарда ўқув ва амалий машғулотларни ўтказиш учун қўшимча хоналар бўлиб, бу хоналарни эса ўқув ва амалий машғулотлар учун зарур бўлган асбоблар, приборлар ва бошқа анжомлар билан жиҳозланади. Ўқув –компьютер хоналари, замонавий педагогик технологияларга оид масофали ўқитишга мўлжалланган техника воситалари, ўқув адабиётлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлари билан таъминланиши мақсадга мувофиқ.

Ўқув ишлаб чиқариш дорихоналари илмий изланишлар ёки илмий изланишлар самарасини дорихона амалиётига татбиқ этишга ҳам мўлжалланган ҳолда курилиб ташкил этилади.

Шунингдек талабаларни ва магистрантларни малакавий битирув (диплом) ишларини бажариш учун ҳам база бўлиши мумкин.

## **2. 4. ДОРИХОНАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихоналарнинг асосий вазифалари аҳолини, даволаш-профилактика муассасаларини ва бошқа ташкилотлар, мактаб, болалар боғчалари ва айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг тиббий санитария қисмларини дори воситалари, санитария-гигиена буюмлари, дезинфекция воситалари ва беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган тиббий буюмлар билан узлуксиз равишда таъминлаб туришдан иборат.

Тиббий буюмлар жумласига касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар. Уларга боғлаш ва тикиш материаллари, шприцлар, қон ва инфузион эритмалари қўйишга мўлжалланган системалар, беморларни парваришлашда қўлланиладиган ашёлар ва материаллар киради.

Дорихоналар бажарган ишлари, мулкчилик шакллари эътиборга олинган ҳолда улар ишлаб чиқариш, таъминлаш, савдо ва хўжалик фаолиятлари билан шуғулланади.

Уларни ишлаб чиқариш фаолияти шундан иборатки, улар дорихонада врачлар томонидан ёзилган рецепт асосида ва ДПМ ларни талабномалари ва бошқа ташкилотларни буюртмалари асосида дори воситалари тайёрлаб берадилар ёки тайёр дори воситасини берадилар, лаборатория-қадоқлаш ишларини бажарадилар, аҳолига тайёрлаб берилаётган экстемпорал дори воситалари ва тайёр дори воситаларини сифатини назорат қиладилар ва тегишли тартибда уларни расмийлаштирган ҳолда ташки томондан безалишига эътибор берадилар.

Шунингдек дорихоналар ўзларига юклатилган вазифаларга мос равишда қуйидаги функцияларни бажарадилар:

- тиббиёт ходимлари ўртасида тегишли тартибда ахборот бериш ишларини ўтказиш, унда дорихонадаги мавжуд ва янги дори воситалари тўғрисида

маълумот бериш, бирорта дори воситаси бўлмай қолганда уни ўрнини босувчи бошқа дори воситасини таклиф қилиш, бу дориларни ишлатиш тартиби, дозаси ва сақлаш қоидалари тўғрисида объектив ва мукамал равишда ахборот ишларини ўтказадилар;

- айрим ҳолларда ўзларида вақтинча йўқ дори воситаларини, бошқа дорихоналарда мавжуд эканлиги айтилиб уни манзили беморга тушунтириб берилади;
- доривор ўсимликлар хом ашёсини териш, тайёрлаш, сақлаш ишларини амалга оширадилар, худди шундай ишларга уларга бириктирилган дорихона филиалларини ҳам жалб этадилар;
- дорихоналарда санитария-гигиена талаблари асосида тегишли бошқарув ишларини амалга оширадилар;
- зарур бўлиб қолган тақдирда беморларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишлари зарур;

Худди шунингдек дорихоналар мулкчилик шаклидан назар, зарур бўлиб қолганда аҳолига дори воситалари билан кўрсатиладиган тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида ўзининг дорихона шахобчаларини очиши мумкин.

Дорихоналар иқтисодий кўрсаткичлари мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятига қараб юқорида қайд этганимиздек, акционерлик, жамоа ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи хусусий дорихоналар ва шифохона дорихоналарига бўлинади. Бу дорихоналарнинг фаолият турлари эса, дорихона очиш тартиб қоидалари тўғрисидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосидаги лицензия бериш ҳайъати томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида мувофиқлаштириб турилади.

## **2.5. ДОРИХОНА ХОНАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, УЛАРНИ ФАОЛИЯТ ТУРИГА ҚАРАБ ЖИҲОЗЛАНИШИ**

Дорихоналарни очиш тартибига оид Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Санитария қоидалари ва уларни гигиеник меъёрларига (Сан ПиН № 0078-98 ва Сан ПиН № 0162-04) асосан, дорихонанинг фаолият кўрсатиш турига қараб, унда белгиланган хоналарга қўйиладиган асосий талаблар келтирилган.

Ундаги кўрсатилган умумий низомга асосан, ҳар қандай дорихона Сан ПиН тартиб қоидалари асосида ташкил этилади ва ундаги хоналар ва жиҳозларга ва уларни жойлаштиришга маълум талаблар қўйилади.

Сан ПиН № 0162-04 га асосан тайёр дорилар билан савдо қиладиган дорихоналар кўп қаватли биноларни биринчи қаватида ёки алоҳида биноларда ташкил этишга рухсат этилади.

Кўп қаватли биноларда, дорихонани ўзини алоҳида кириш йўли, бинони орқа томонидан бўлиб ундан ҳар хил товарлар қабул қилиш ёки бўш идишларни чиқариш ва айрим кишиларни қабул қилиш учун хизмат қилади.

**Тайёр дори воситалари дорихоналари учун энг кам таркибдаги  
хоналар майдонининг ҳажми.**

| Хоналарни номи                                                                            | Хоналарни майдони м <sup>2</sup><br>дан кам бўлмаслиги |
|-------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|
| 1.Савдо зали шундан:                                                                      | 16                                                     |
| а) Ишчи ўринлари зонаси                                                                   | 8                                                      |
| б) Аҳолига хизмат қилиш зонаси                                                            | 8                                                      |
| 2. Тайёр дори воситаларини очиш ва сақлаш учун.                                           | 8                                                      |
| 3. Термолабиль (иссиқа чидамсиз) дориларни сақлаш учун                                    | 4                                                      |
| 4. Ёрдамчи хоналар, ходимларни шахсий кийим ёки ҳалатни ечиб кийиниш ёки овқатланиш учун. | 4                                                      |
| 5.Хожатхона (қўл ювиш учун раковина билан)                                                | 4                                                      |
| Жами                                                                                      | 34                                                     |

Хоналарни пол, деворлари дезинфекцияловчи воситалар билан ҳўл латтада артиб тозаланиши, ойналарни эса ёз кунлари алоҳида куёшдан сақловчи парда ёки пардани ўрнини босувчи куёшдан химояловчи буюмлар билан жиҳозланиши, ойналардаги дарчалар унга тутилган майда сеткачали тутиш билан бирга очилиб ёпиладиган бўлиши керак.

Дорихонани иситиш тизими мавжуд бўлиб, кўп қаватли биноларда жойлашган ҳолатларда марказлаштирилган иситиш системасига уланган бўлиши керак. Иситувчи радиаторларни иложи бўлса, устки қисми силлиқ ва тез артиб тозаланадиган бўлиши керак.

Сан ПиН №0078-98 асосида эса, умумий типдаги дорихоналари учун ва шифохона дорихоналари учун ишлаб чиқилган бўлиб унда дорихона ходимларининг шахсий гигиена қоидаларига, дорихонадаги ишлаб чиқарувчи асбоб анжомлар ва дорихона приборларига қўйиладиган талаб ҳам кўрсатилгандир. Бу меъёр ва талабларга Республика ҳудудида жойлашган ҳамма дорихоналар уларни мулкчилик шакли ва кимга тегишлилигидан қатъий назар бу талабларга риоя қилишлари шарт.

Умумий ва шифохона дорихоналарининг хоналари ва уларни ҳажм меъёрлари ва жиҳозланиши Сан ПиН № 0078-98 бўйича берилади.

## **2.6. ДОРИХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ**

Бажараётган иш ҳажмига қараб мулкчилик шаклидан қатъий назар, дорихонада уз имкониятларини ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган меъёрлар доирасида дорихона ва унинг бўлимлари ташкил этилади.

Тайёр дорилар билан савдо қиладиган дорихоналарда одатда алоҳида бўлимлар ташкил қилинмайди.

Бошқа кўпчилик дорихоналарда иккита бўлим; рецептура ишлаб чиқариш ва рецептсиз сотишга руҳсат этилган дори воситалари бўлимлари

ташқил этилади. Ҳозирги кунда энг катта дорихоналарда 4 та бўлим бўлиши қайд этилади. Собиқ иттифок даврида ва ҳозирги кунда Россия Федерациясида бу дорихоналарни 1-гуруҳ дорихоналари деб юритилади ва юқорида қайд этилган бўлимлардан ташқари уларда яна бир неча бўлимлар бўлиши мумкин дейилади.

Бизнинг Республикамизда ҳам юқорида қайд этилган 4 та бўлимдан, яъни рецептура ишлаб чиқариш бўлими, рецепт билан бериладиган тайёр дорилар бўлими, ғамламалар бўлими ва рецептсиз сотишга рухсат этилган дорилар бўлимлари мавжуд бўлган дорихоналар фаолият кўрсатмоқда. Лекин бу билан бўлимлар сони чекланади деган гап эмас, дорихонада яна бошқа бўлимлар ҳам очиш мумкин. Масалан, санитария-гигиена бўлими, кузойнақлар бўлими, гомеопатик дорилар бўлими, фитобар ва бошқалар.

Бу бўлимларни бўлим бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари бошқаради. Бўлим бошлиқлари ва унинг ёрдамчилари асосан олий маълумотли фармацевтлар булади. Лекин санитария-гигиена бўлими кузойнақлар, фитобарларда бўлим бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари лавозимларида ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистентлар ишлашларига рухсат этилади.

Ҳар бир бўлим ўзининг тегишли вазифаларини бажаради.

Рецептура ишлаб чиқариш бўлими аҳолидан якка тартибдаги амбулатория рецептлари ва даволаш-профилактика муассасаларининг талабномалари асосида экстенпорал ёки тайёр дори воситаларини аҳолига тайёрлаб бериш, сифатини назорат қилиб, ичиш ва сақлаш тартиб қоидаларини уларга тушунтириб бериш билан шуғулланадилар. Зарур бўлиб қолган тақдирда дорихона мутахассислари аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Ғамламалар бўлими эса, дори воситаларига, тиббий ва бошқа беморларни парвариш, қилиш буюмларига буюртма-талабномалар ёзиб дорихона таъминотчиларига: фармацевтика заводларига ёки улгуржи дорихона муассасаларига, фирма ва ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатадилар.

Шунингдек бўлим мутахассислари доимий равишда дори воситалари ва бошқа тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, аниқлаб борадилар. Бўлимда дори воситаларини тегишли тартибда сақлаш, дорихонани бошқа бўлимларига дори воситаларини бериш, шунингдек шу бўлимда тез-тез, такрорланиб турадиган рецептлар асосида дорихона ярим фабрикат ва стандартларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланиб уларни тегишли тартибда сифати назорат қилиниб лаборатория-қадоқлаш ишларини амалга оширадилар.

Тайёр дорилар бўлими эса аҳолидан ва даволаш-профилактика муассасаларидан тайёр дориларга келиб тушган рецептлар асосида, фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналаридан келтирилган дори воситаларини рецепт асосида бериш билан шуғулланадилар. Бу бўлимда асосан олий маълумотли фармацевтлар фаолият кўрсатадилар.

Рецептсиз сотишга руҳсат этилган дорилар бўлимида Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан рецептсиз сотишга руҳсат этилган дори воситалари санитария-гигиена ва тиббий буюмлари, ёш болалар махсус овқатлари ва беморларни парвариш қилишда ишлатадиган бошқа буюмлар сотиш билан ҳам шуғулланадилар. Айрим дорихоналарда шу бўлимдан беморларга кислород ёстикларини бериш ишлар билан ҳам шуғулланадилар.

## **2.7. ДОРИХОНА ХОДИМЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлашга катта эътибор берилди. Ўтган давр ичида дорихона тизимида туб ўзгаришлар юз берди, дори-дармон таъминотини такомиллаштиришга оид қатор қарорлар, дорихона муассасалари фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жадал суратлар билан ривожланиб келаётган фармация соҳасида янги йўналишлар ташкил қилинди, бу эса ўз навбатида, янги лавозимлар ташкил қилинишини тақозо қилади.

Бугунги кунда фармацевт кадрлар қуйидаги соҳа муассасаларида фаолият кўрсатмоқдалар:

- турли мулкчиликдаги дорихоналар;
- дорихона омборлари;
- дорихона филиаллари;
- дорихона корхоналари;
- назорат таҳлил лабораториялари;
- бошқа муассасалар.

Фармацевт кадрлар лавозим номенклатураси ва лавозим низомлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Қуйида келтирилган жадвалда олий маълумотли ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган фармацевт кадрларни лавозим номенклатураси келтирилди:

### **ДОРИХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ ЛАВОЗИМ НОМЕНКЛАТУРАСИ**

| №  | Олий маълумотли фармацевт                                          | Ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистенти                                                                          |
|----|--------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Дорихона мудир - фармацевт                                         | -                                                                                                                    |
| 2. | Мудир муовини - фармацевт                                          | -                                                                                                                    |
| 3. | Бўлими мудир фармацевт (олий маълумот талаб этиладиган бўлимларда) | Бўлим мудир- фармацевт ассистенти (рецептсиз савдо бўлими, доривор ўсимликлар, санитария ва гигиена буюмлари бўлими) |
| 4. | Бўлим мудир муовини – фармацевт                                    | Бўлим мудир муовуни                                                                                                  |
| 5. | Фармацевт-технолог                                                 | Фармацевт ассистенти                                                                                                 |

|                                                                                                          |                                                                                      |                                                                                                  |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 6.                                                                                                       | Фармацевт-аналитик                                                                   | -                                                                                                |
| 7.                                                                                                       | Дорихона филилалли мудирлари - фармацевт                                             | Филиал мудирлари – фармацевт ассистенти                                                          |
| <b>ДОРИХОНА ОМБОРИ (УЎЛГУРЖИ САВДО МУАССАСАЛАРИ)</b>                                                     |                                                                                      |                                                                                                  |
| 1                                                                                                        | Мудир - фармацевт                                                                    | -                                                                                                |
| 2                                                                                                        | Мудир муовини - фармацевт                                                            | -                                                                                                |
| 3                                                                                                        | Бўлим мудирлари – фармацевт (қабул бўлими, захарли ва гиёҳвандлик воситалари бўлими) | Бўлим мудирлари – фармацевт ассистенти (олий маълумотли фармацевт талаб этилмайдиган бўлимларда) |
| 4                                                                                                        | -                                                                                    | Бўлим мудирининг муовини – фармацевт ассистенти                                                  |
| 5                                                                                                        | Фармацевт - технолог                                                                 | -                                                                                                |
| 6                                                                                                        | Фармацевт - аналитик                                                                 | -                                                                                                |
| 7                                                                                                        | -                                                                                    | Фармацевт ассистенти                                                                             |
| <b>ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, КОСМЕТИК ВОСИТАЛАР ВА ПАРАФАРМАЦЕВТИКА МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР</b> |                                                                                      |                                                                                                  |
| 1                                                                                                        | Олий маълумотли фармацевт                                                            | Ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистенти                                                      |
| 2                                                                                                        | Рахбар - фармацевт                                                                   | -                                                                                                |
| 3                                                                                                        | Рахбар муовини - фармацевт                                                           | -                                                                                                |
| 4                                                                                                        | Фармацевт муҳандис                                                                   | -                                                                                                |
| 5                                                                                                        | Агроэколог                                                                           | -                                                                                                |
| 6                                                                                                        | Биотехнолог                                                                          | -                                                                                                |
| 7                                                                                                        | Фармацевт-косметик                                                                   | -                                                                                                |
| <b>НАЗОРАТ ТАХЛИЛ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ</b>                                                                    |                                                                                      |                                                                                                  |
| 1                                                                                                        | Олий маълумотли фармацевт                                                            | Ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистенти                                                      |
| 2                                                                                                        | Мудир – фармацевт                                                                    | -                                                                                                |
| 3                                                                                                        | Мудир муовини – фармацевт                                                            | -                                                                                                |
| 4                                                                                                        | Фармацевт-аналитик                                                                   |                                                                                                  |
| 5                                                                                                        |                                                                                      | Лаборант – фармацевт ассистенти                                                                  |
| <b>ФАРМАЦЕВТ КАДРЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН БОШҚА МУАССАСАЛАРДА</b>                                            |                                                                                      |                                                                                                  |
| 1                                                                                                        | Олий маълумотли фармацевт                                                            | Ўрта махсус маълумотли фармацевт ассистенти                                                      |
| 2                                                                                                        | Клиник фармацевт                                                                     | -                                                                                                |
| 3                                                                                                        | Фармацевт назоратчи                                                                  | -                                                                                                |
| 4                                                                                                        | Фармацевт маркетинг                                                                  | -                                                                                                |

### **3- БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЕЦЕПТСИЗ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**


#### **3.1 ҲАЛҚАРО АМАЛИЁТДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ТУРКУМЛАНИШИНИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ. ТУРКУМЛАШ ШАКЛЛАРИ**

Дори воситалари турли ўлчовлар бўйича туркумланиши мумкин. Масалан, фармакотерапевтик хусусияти бўйича, таъсир этиш механизми, дорихоналардан муомалага чиқариш хусусиятлари, ишлаб-чиқарувчи фирмалар, дори шакллари бўйича ва ҳакозо. Классификациялаш хили, кўйилган мақсад ва маълумотлар истеъмол хусусиятларига ҳам боғлиқ. Илмий изланиш жараёнида олимлар дори воситаларни туркумлашда таъсир механизми, қўшимча реакциялар, таъсир этувчи воситани кимёвий тузилиши ва бошқалар бўйича фойдаланишади. Бундай туркумлашлар амалий Соғлиқни сақлашда фойдаланадиган услубларга қараганда кўпроқ аҳамиятга эга. Фармацевт маркетинглар, врачлар, фармакотерапевтик кўрсаткичлар бўйича (юрак-қон томирлар, яллиғланишга қарши, қандли диабет ва бошқалар), ҳамда дорихонадан дориларни рецепт бўйича ёки рецептсиз сотилиши бўйича туркумлашдан фойдаланишади.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида узок вақт академик М.Д.Машковский томонидан тавсия этилган дори воситаларни туркумлашдан фойдаланилган. У ўз долзарблигини ҳозирги кунда ҳам йўқотмаган. Бу туркумлашда воситалар фармакотерапевтик гуруҳларга бўлинади .

Қуйида клиник-фармакологик кўрсаткичлар бўйича ва таъсир механизми бўйича дори воситаларни туркумлаш бўйича мисол келтирилган (1 – расм). Бу туркумлашда дори воситани патентланмаган ҳалқаро номи кўрсатилганидек маълум фирмага тегишли савдо номи ҳам кўрсатилган.

Қатор Европа давлатларида дори воситалари дорихонадан бериладиган дорилар тартибига мувофиқ – рецепт билан бериладиган ва рецептсиз бериладиган дори воситаларига бўлинади. Бу “Одам учун дори воситаларни категориясини аниқлаш ҳақида”ги Европа иттифоқи томонидан 1992 йил 31 мартда қабул қилинган Кенгаш дастурида аниқланган. Дастурда дорихоналардан фақат махсус рецепт бўйича берилиши керак бўлган воситалар ҳам ажратиб кўрсатилган.



**1 – расм.** Клиник-фармакологик кўрсаткичлар ва таъсир механизмига мувофиқ туркумлаш мисоли (-дори воситасининг ҳалқаро номи; \*дори воситанинг савдо номи)

### 3.2. ATC (ANATOMICAL THERAPEUTIC CHEMICAL CLASSIFICATION SYSTEM) ТУРКУМЛАНИШ ТИЗИМИ

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) турли давлатлар врачларига, фармацевтларга амалий фаолият учун дори воситаларини АТС туркумланиш тизимини тавсия этади.

Ушбу тизим бозорни маркетингли изланишида, дори воситалари эҳтиёжи ва истеъмоли таҳлилида, реклама ва бошқа жараёнларда қўлланилиши мумкин. АТС туркумланиш тизимини ЖССТ томонидан 1996 йилдан тавсия қилинган халқаро стандарт деб қўрилиши мумкин.

АТС туркумланиш тизими – бу дори воситаларини маълум анатомик орган ёки системага, ҳамда уларни кимёвий, фармакологик ва терапевтик хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлишга асосланган. Шундай қилиб, ушбу туркумланиш бир нечта даражага эга бўлиб, ҳар бир дори воситасига АТСни маълум гуруҳига мансублик коди берилади.

Воситалар 5 та турли даражали гуруҳларга туркумланади.

1 – даража – лотин ҳарфлари билан белгиланган 14 та асосий анатомик гуруҳлар. Дори воситаси кодида қуйидаги ҳарф биринчи бўлиб жойлашган:

A – Овқат ҳазм қилиш системасига ва метаболизм жараёнига таъсир қилувчи воситалар.

B – Қон системаси ва гемопоззга таъсир этувчи воситалар.

C – Юрак қон томирларига таъсир этувчи воситалар ва бошқалар.

2 – даража – асосий терапевтик (фармакологик) гуруҳ, бунда воситалар асосий терапевтик натижа ёки фармакологик хусусиятига қараб бўлинади. Кодда иккита араб сонлари билан белгиланади, 01 дан бошлаб:

A – Овқат ҳазм қилиш системасига ва метаболизмга таъсир қилувчи воситалар.

A01 – Стоматологияда фойдаланиладиган воситалар.

A02 – Антацидли, ошқозон ярасига қарши ва ветроген воситалар ва бошқалар.

3 – даража – кичик терапевтик (фармакологик) гуруҳ, кодда битта лотин ҳарф билан белгиланади.

A – Овқат ҳазм қилиш системасига ва метаболизмга таъсир қилувчи воситалар.

A02 – Антацидли, ошқозон ярасига қарши ва ветроген воситалар

A02A – Антацидлар.

4 – даража – терапевтик (фармакологик) кимёвий кичик гуруҳни ифодалайди. Кодда битта лотин ҳарф билан белгиланади.

A – Овқат ҳазм қилиш системасига ва метаболизмга таъсир қилувчи воситалар.

A02 – Антацидли, ошқозон ярасига қарши ва ветроген воситалар

A02A – Антацидлар.

A02AB – Алюминий бирикмалари.

5 – даража – кимёвий субстанция (терапевтик фаол воситани халқаро патентланмаган номи). Кодда 01 дан бошланган иккита араб сонлари билан белгиланади.

A – Овқат ҳазм қилиш системасига ва метаболизмга таъсир қилувчи воситалар.

A02 – Антацидли, ошқозон ярасига қарши ва ветроген воситалар

A02A – Антацидлар.

A02AB – Алюминий бирикмалари.

A02AB02 – Algedratum

РИБО Алюминий гидроксид – 500

”Rivopharm”

A02AB04 – Carbaldratum

Алюгастрин “Polfa” ва бошқалар.

**АТС КОДИ ҚҲЙИДАГИ ВОСИТАЛАРГА БЕРИЛМАЙДИ:**

- комбинациялаштирилган воситаларга (белгиланган комбинацияли фаол моддалар турли давлатларда кенг қўлланиладиганлари бундан истисно; масалан, диуретиклар ва  $\beta$  - адренорецепторли блокаторлар);
- Лицензиялашга сўров берилгунга қадар (расмий рўйхатга олинмаган) янги субстанцияларга;
- Ёрдамчи воситаларга ва халқ табобати воситаларига.

АТС туркумланиш тизимида, агар восита турли дори шаклларида чиқарилмаса ва турли таъсир кучига эга бўлмаса, ҳамда турли таркибли ва истеъмол қилиш учун кўрсатмалар ҳар хил бўлмаса битта коддан ортиқ кодга эга бўлиши мумкин. Масалан, бир жойга ёки тизимли бир дори воситаси АТСни бир нечта кодларига эга.

АТС тизими ЖССТ томонидан дори воситаларини миллий реестрларини тузиш учун тавсия этилади. АТС ни халқаро кодлари йилда 2 марта қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Уларни: [www.whocc.umd.mo](http://www.whocc.umd.mo) сайтида топиш мумкин. Ундан ташқари улар “Who Drug”, “Information” ва “Who Pharmacructical News letter” ҳам нашр қилинади.

АТС кодларини тўлиқ туркумланиш индекси дори воситаларини статистик изланиш методологиясида ҳамкорлик бўйича ЖССТ маркази томонидан ҳар йили қайта нашр қилинади.

### **3.3. ОТС – ВОСИТАЛАР ТИЗИМИ. РЕЦЕПТСИЗ СОТИЛАДИГАН ВОСИТАЛАРГА ҚҲЙИЛГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ФИРМАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**


ОТС воситалар (Over the counten drugs). Врач рецептисиз сотиладиган дори воситалар гуруҳидир. Буюкбританияда бундай дорилар икки категорияга бўлинади - фақат дорихона орқали сотиладиган (“РОМ” гуруҳи –

Pharmacy only medicines) ва умумий савдо тармоқ орқали сотиладиганлар (“GLS” гуруҳи – General sales list, инг )

Рецептсиз сотиладиган воситалар бозори 1970 йилларда АҚШ, Буюкбритания ва бошқа, Ғарбий Европа давлатларида фаол ривожлана бошлаган эди. ОТС воситалар бозорини вужудга келишини қуйидаги асосий сабабларини айтиб ўтиш лозим:

- умумтерапевтик тажрибада ишлатиладиган воситаларни чиқарилиш шакллари ва ассортиментларини кенгайтириши (гиёҳванд бўлмаган анальгетиклар, яллиғланишга қарши ностериод воситалар, витаминлар, метаболизм стимуляторлари, антацид воситалар ва бошқалар);
- тиббий хизматларни, врачга ташрифни қимматлаштириши, диагностика, рецептларни ёзиб беришга тўловлар ва бошқалар;
- ижтимоий умумтаълим даражасини ўсиши ва аҳолини бандлигини, ҳамда шахсий соғлиққа бўлган масъулиятни ошириши;

Турли давлатларда рецептсиз сотиладиган дориларга талаблар турлича, ammo улар орасида қуйидаги фармакотерапевтик, маълумот, иқтисодий ва инфор­мацион талабларни ажратиш мумкин (2 - расм):




2 – расм. ОТС - воситаларга қўйиладиган талаблар

ОТС – воситалар статуси одатда қайд этиш гувоҳномаси (сертификати) берилаётганда тўла ҳуқуқли миллий ташкилотлар томондан белгиланади. У

ёки бу воситани қўллашда янги қўшимча маълумотларлар пайдо бўлганда бу статус қайта кўриб чиқилади.

ОТС – воситасини ЕИ доирасидаги статуси “Одам учун доривор воситаларни категориясини аниқлаш ҳақида” 31 март 1992 йилдан ЕИ Кенгаш Директиваси томонидан аниқланади.

ОТС – воситаларини бозори қуйидаги кўринишда олиб бериладиган (3 –расм):



3 – расм. Рецептсиз сотиладиган дори воситаларини бозори муомаласи.

ОТС – воситалари бозор тизимида истеъмолчига алоҳида эътибор берилади. Рецептсиз сотиладиган дори воситалари муомаласи қуйидагиларга асосланиб бўлинади:

- шахсий сабабларга ва афзалликларга кўра;
- фармацевт маслаҳатларига кўра;
- яқинлар, дўстлар маслаҳатларига кўра;
- оммавий ахборот воситалари ва рекламага кўра;
- восита баҳосига кўра;
- ўров материалларини сифатли безалганлигига кўра ва бошқалар.

ОТС – воситалар бозори ривожланишини асосий шартларига ишлаб чиқарувчи фирмаларни ва дистрибьютерларни усталик билан олиб борган фармацевтик маркетинги киради.

ОТС – воситаларини ишлатишда рационал фойдаланиш жавобгарлиги асосан истеъмолчи зиммасида. Бунда, фармацевт қизиқтирилаётган дори воситаси ҳақида албатта тўлиқ ва объектив маълумот бериши керак. Бу тадбирда фармацевтларни асосий вазифалари сифатида қуйидагилар келтирилган:

- Рецептсиз сотиладиган дори бўйича тўлиқ маълумот бериш, ишлатилиши, хусусиятлари, бўлиши мумкин бўлган ножуя таъсирлар, дори воситалари ва озик-овқатларнинг ўзаро таъсирлари ва бошқалар;
- Маълумот берувчи варақа (йўриқнома) мавжудлигини текшириш, сақлаш, ишлатиш муддати, восита ўров материалларини бутунлиги;
- Мижоз талаби бўйича дори воситаси хусусиятлари тўғрисида чуқурроқ маълумот бериш;
- Рационал ишлатиш ва сақлаш шароитларини кўрсатиш;
- Истеъмолчилар орасида тарқаладиган реклама буклетларини, проспектларини, брошюра, лифлетлар билан таништириш ва объектив хулоса бериш.

#### МУСТАҚИЛ ДАВОЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯ МОҲИЯТИ ВА ПАЙДО БЎЛИШНИ ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.

Кўп йиллар давомида турли давлатларда аҳолини соғлиғини сақлаш харажатларини асосий қисми мажбурий тиббий суғурта тизими орқали молиялаштирилган. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб тиббий суғуртани бир қатор Давлатларда миллий тизимлари ресурсларни жиддий етишмаслигини бошдан кечира бошлади.

Бунга асосан қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

- инсон ўртача умрини узайиши натижада аҳоли орасида ёши улуғ одамларнинг кўпайиши (уларда эса сурункали касалликлар кўп учрайди ва тиббий ёрдам харажатлари катта ҳажмда ишлатилади);
- тиббиёт ва техника соҳасидаги катта муваффақиятлар натижасида амалий тиббиётда тиббий хизматлар спектри кенгайди;
- инсонларни ҳаёт тарзи яхшиланиши ва уларнинг умумтаълим даражасини ошганлиги натижасида истеъмолчилар ўз соғлиғига фаол таъсир кўрсата бошладилар, профилактик тадбирлар ва воситаларга қизиқиш ошиб борди;
- дори воситалари бозорини жадал ривожланиши.

Соғлиқни сақлаш ресурсини икки йўл билан кўпайтириш мумкин: социал таъминот бюджетини кенгайтириш ва ўз – ўзини даволашни рағбатлантириш. Биринчи ҳолатда, фуқаро харажатлари солиқларни кўпайиши, эгилувчан тизим йўли билан компенсация қилиниши мумкин. Иккинчисида, фуқароларни соғлиқни сақлаш бўйича харажатларини аксарият қисмини тўғридан тўғри ўз ҳисобидан тўлайди ва бунда Соғлиқни озгина бузилишини, даволаш масъулияти ва жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Европа иттифоқига кирган давлатларда муаммони биринчи ҳолати одатда кузатилмайди, чунки бу давлатлар бюджет харажати нормалари мувофиқлаштирилган (Европа иттифоқи ҳақидаги Битим, Маастрихт битими). Аксарият давлатлар соғлиқни сақлаш ресурслар муомаласи иккинчи ҳолатга бўйсунади. Жавобгар мустақил даволаниш концепцияни қабул қилиниши Соғлиқни сақлаш харажатларини ижтимоий муҳофаза даражасида ушлаб туришга ва инсонларни ўз соғлиғи ҳақида ўзлари қайғуриши имконини беради.

Жавобгар мустақил ўз-ўзини даволашда – осон аниқланадиган симптом ва ўзгаришларни даволаш учун истеъмолчи арзон дори воситаларини ишлатади. Масалан, шамоллаш, бош ёки мушак оғриғи, овқат ҳазм қилишни бузилиши, енгил ҳолсизланиш ва бошқалар. Амалда ўз-ўзини даволашни оила аъзоларига, танишларига кенг тарқатиши мумкин. Ўз-ўзини даволаш врач даволашига альтернатив бўла олмайди, у ўз чегараларига эга.

Эркин сотувда бўлмаган дори воситаларни малакали маслаҳат ва назоратсиз истеъмол қилишда шахсий жавобгарликни олиш ўз-ўзини даволашга кирмайди.

Жавобгар ўз-ўзини даволашни ўтказишда қуйидагиларга риоя қилмоғи зарур:

- рецептсиз сотиладиган дори воситаларини амалиётга жорий этиб тасдиқланган буйруқ ва Давлат реестрида мавжудлиги;
- рецептсиз сотиладиган дорилар бозори юқори даражада ривожланган бўлиши: ассортиментнинг хилма-хиллиги, воситалар тўғрисидаги объектив маълумотлардан эркин фойдаланиш;
- ўзига диагноз қўйиш қобилиятга эга бўлиш;
- аҳолини катта қисмини юқори тўловга қобилиятлилиги.

Жавобгар ўз-ўзини даволаш концепция асослари “Мустақил даволаниш учун тиббий маҳсулотлар баҳоси қўлланмаси”да тўлиқ ёритилган.

Бу концепцияда хусусан қуйидагилар айтилган:

- Инсонлар индивидуал ёки коллектив ҳолда ўз соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга ва бунда шахсий соғлиқни сақлашда қоидаларига риоя қилиб қатнашишга мажбурдирлар;
- тиббий консультациялар талаб қилинмайдиган касалликларни симптомларини тез ва самарали бартараф этиш учун истеъмолчига барча шароитлар яратиб берилиши зарур;
- малакали тиббий ёрдам олиш қийин бўлган қишлоқ жойларда ва маълум регионларда аҳолига жавобгар ўз-ўзини даволашда амалий даволаниш ёрдами кучайтириши керак.

Рецептсиз сотиладиган дорилар бозори умумий фармацевтик бозорни таркибий қисми ҳисобланади.

Йирик фармацевтик компаниялар ўтган асрнинг 80 – йилларида рецептсиз дориларни ишлаб чиқаришга ва савдосига катта аҳамият беришмаган, чунки уларни рентабеллиги, оригинал ва рецепт билан бериладиган дорилар билан солиштирилганда жуда паст эди, аммо 90 – йиллар бошига келиб бирламчилик ҳуқуқи ўзгарди ва кўпгина фармацевтик

фирмалар рецептсиз сотиладиган дориларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича махсус концепциялар ишлаб чиқди. Бунга қуйидаги омиллар асосий сабаб бўлди:

- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан жавобгар ўз-ўзини даволашни рағбатлантирилгани учун рецептсиз сотиладиган дорилар истеъмолини кўпайиши;
- рецепт билан сотиладиган дори воситаларини рецептсиз сотиш категориясига айлантириш имконини ўсганлиги;
- рецептсиз сотиладиган дорилар баҳосини қаттиқ назорати бўлмаганлиги, (чунки уларни баҳоси медицина суғурта тизимлари томонидан қопланмайди);
- оригинал дори воситаларнинг рентабеллик даражасини пасайиши;
- оригинал дори воситаси патентли муҳофаза муддати тугагандан сўнг ҳаётийлик циклини узайиш имконияти.

Рецептсиз сотиладиган дори воситалари бозори ҳажми турли давлатларда анчагина фарқ қилади. Масалан, 1992 йилда у бутун дори воситаларни савдо ҳажмини 8% дан 17% гача ташкил этган. Аммо 1995 йилда катта учлик давлатларида рецептсиз сотиладиган дорилар бозори қуйидагича ҳажмга эга эди:

Европа иттифоқига кирган давлатларда – 10 млрд. долл. (рецептли дорилар бозорини 11% ҳажми)

АҚШ – 15 млрд. дол. (рецептли дорилар бозорини 25% ҳажми)

Япония – 7 млрд. дол. (рецептли дорилар бозорини 15% ҳажми).

1987 йилдан 1993 йилгача бозорни бу сектори ўсишни юқори даражага эга бўлган, 9,9% ташкил қилган. 1993 йилдан 2000 йилгача рецептсиз сектор бозори ўсиш даражаси анча пасайди. Шунинг учун ҳозир кўпгина фармацевтик компаниялари бозорни бу сектори учун янги воситалар устида тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар ва ривожланишни маркетинг стратегиялари қайта кўриб чиқилмоқда. Бу тадбирлар истеъмолчиларни жалб этиш учун самарали ва жадал таъсир этувчи омилларга киради. Чет эл мутахассислари томонидан ўтказилган кўпгина бренд ва савдо маркаларни ўрганиш, шуни кўрсатдики, 70% га яқин брендлар 10 йилдан ортиқ, 35% эса – 20 йилдан ортиқ ёшга эга. Маркетинг нуқтаи назардан муваффақиятли рецептсиз сотиладиган дорилар брендлари 50 дан ва ундан ортиқ ёшга эга бўлиши мумкин. Масалан, “Аспирин”, “Bayer” (Германия) ёши 100 йилдан ортиқ “Smith Kline Beecham” (Буюк Британия) фирмасини “Панадол” савдо маркаси 50 йилга яқин.

Рецептсиз дориларни асосий ишлаб чиқарувчилари орасида Ўзбекистон фармацевтика бозорида тақдим этилганлардан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: “Bayer” (Германия), “Smith Kline Beecham” (Буюк Британия), “Lek” (Словакия), “Berlin - Chemie” (Германия), “KRKA” (Словения), “Gedeon Richter” (Венгрия), “Egis” (Венгрия), “Rivopharm” (Швейцария), “UPSA” (Франция), “Zentiva” (Словакия), “Ajanta”, (Хиндистон), “Chinoïn” (Венгрия), “Poffa” (Польша), “Pharmachin” (Болгария), “Unigue” (Хиндистон), “Galena” (Чехия), “Richard Bittner” (Австрия), “Ratiopharm” (Германия) ва бошқалар.

- 2000 йилдан бошлаб рецептсиз сотиладиган дориларнинг дунё бозори барқарорлашди ва савдо ҳажмини ўсишига эга бўлди.

### **3.4. ДОРИ ВОСИТАЛАРНИ РЕЦЕПТСИЗ БЕРИШ ВА ДОРИХОНА АССОРТИМЕНТИ**

Врач рецептсиз бериладиган дори воситалари дорихона чакана савдосининг асоси ҳисобланади. Масалан, рецептсиз сотиладиган дори ва бошқа маҳсулотлар дорихона оборотининг 50-60%ини ташкил этади. Бошқа давлатлар каби Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда рецептсиз дори воситаларини сотиш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилмоқда:

- Дори воситалари ассортименти ошиб бориши;
- Аҳоли билим даражаси ва савиясини ўсиши;
- ўзини ва оила аъзоларининг соғлиғига эътиборли бўлиш;
- соғлом турмуш тарзига интилиш.

Рецептсиз дориларни бериш (дунё бўйича термин қабул қилинган over the counter drug – ОТС - drug) дорихона асосини ташкил этади. Соғлиқни сақлаш тизимида давлатнинг олиб борган сиёсати, ҳар бир одамнинг дори воситаларини танлаб олиш ҳуқуқи, соғлиғига бўлган жавобгарлиги дорихонадаги бу йўналишни аҳамиятини тобора оширмоқда. Ривожланган давлатларда касалликка чалинган одамлар замонавий дори воситалари, биологик актив моддалар ва бошқа усуллар ёрдамида ўз-ўзини даволаш билан шуғулланиб, шу омиллар таъсирида бир қатор мамлакатларда ўз-ўзини даволаш “жавобгарлиги” концепцияси Соғлиқни сақлаш ишларини давлат сиёсати миқёсида олиб борилмоқда.

Европа иттифоқига кирган давлатларда ўзини даволаш деганда ўзлари белгиланган симптомлар ва хатоликларни дори воситалари ёрдамида даволаш тушунилади. Амалиётда эса бу бир оила аъзоси томонидан иккинчи аъзосини даволашдир.

Рецептсиз бериладиган дори воситаларини рационал қўлланилиши ўз-ўзини даволаш жавобгарлигида қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- врач рецепти талаб этилмайдиган дори воситасини олиш тартибини аниқлаш;
- истеъмолчининг кўпроқ маълумот олиши учун ўзгача усулларни ишлаб чиқиш;
- рецептсиз бериладиган дори воситалари рекламасига бўлган талабларни ишлаб чиқиш;
- мустақил таълим олиш;
- қайд қилиш тартиби.

Дунё амалиётида врач рецептсиз олинган, ножўя таъсири жуда кам бўлган дори воситаларнинг ҳаммаси “Уй аптекаси” номини олган. Дорихона шахобчаларида фақат рецептсиз сотиладиган дориларни ва айрим

парафармацевтик турдаги маҳсулотларни савдосини амалга ошириш кўзда тутилади.

Рецептсиз дори воситаларни савдоси одатда дорихонада алоҳида бўлим ташкил этиб олиб борилади. Бу бўлим савдо залида жойлашади ва жиҳозланиши санитария ва техник меъёрларга мос бўлиши керак. Дорихона ассортиментини яққол кўрсатиш ва реклама қилиш учун савдо залида алоҳида витринали стол очиш мумкин.

Бўлимни фармацевт бошқаради, бўлимда олий ва ўрта махсус маълумотли фармацевтлар ишлайди.

**Тиббий буюмлар ҳам дорихона ассортиментида муҳим ўрин тутади:**

**Боғлов материаллари.** Боғлов материалларининг асосий функционал аҳамияти яранинг иккиламчи инфекциядан ҳимоя қилиш, тезроқ битиб кетиши учун шароит яратишдир. Асосий боғлов материалларига дока, докали бинт ва пахта киради.

**Тиббиёт докаси** - ноёб сеткасимон газлама бўлиб, икки тури чиқарилади: гигроскопик ва таранг оқартирилган. Дока тоза пахта, қоғоз толали ва сирғалувчи толали (50% ёки 30%) бўлади.

**Докали тиббиёт бинти** – фиксация ва қўйиш учун, яна боғлов материалларини тайёрлаш учун ишлатилади. Бинтлар стерил ва ностерил бўлади. Стерил бинтлар эни 5, 7, 10, 14 ва 16 см ли ва узунлиги 2, 5, 7 ва 10 м, ностерил бинтлар эни 3 дан 16 см гача ва узунлиги 2 дан 10 м гача бўлади. Бинтларда чок бўлмаслиги керак.

Бинт қадоғидаги маркировкаси: ишлаб чиқарган муассаса номи, бинт тури ва ҳажмлари, стандарт кўрсаткичлари (ГОСТ), стерил ёки ностериллиги, чиқарилган вақти. Стерил бинтларда стерилизация муддати (яроқлилик муддати) ва қадоқни очиш тартиби кўрсатилади.

**Тиббиёт пахтаси** – мақсадга кўра гигроскопик ва компрессли бўлади. Компрессли пахтага сув кам сингади, у шиналарни қўйишда, иситиладиган компрессларда ишлатилади. Гигроскопик тиббиёт пахтаси 3 турга бўлинади: кўз, хирургик ва гигиеник. Гигроскопик пахта боғловлар учун ишлатилади. Пахта стерил ёки ностерил бўлади, рулонларда 25, 50, 100 ва 250 г дан ва КИП ҳолида 20, 30, 40, 50 кг дан чиқарилади. Ностерил пахта рулони оддий қоғоз ёки полиэтилен билан қопланади. Стерил пахта рулони 2 қават – ички ва ташқи бўлади.

Ҳар бир ўрамдаги пахтани маркировкаси бўлиши шарт. Ундан ишлаб чиқарувчи номи, товар белгиси, пахта тури, массаси, стерил ёки ностериллиги, ишланган йили, стандарт кўрсаткичи (ГОСТ) кўрсатилади.

Дока, докали бинт ва пахта асосида: тиббиёт боғлов пакетлари, стерил тиббиёт боғловлари, салфеткалар, тиббиёт докали бўлаклар ва бошқалар ишлатилади.

Тиббиёт трубкасимон докаси трикотаж енгдан иборат бўлиб, таранг сирғалувчи бойламдан иборат. Эластикли трубкасимон тиббиёт докалари – сеткали тузилишга эга ва эластомерли ипдан ишланади. Энига қараб 7 хил ўлчамли бор: 10, 20, 25, 30, 35, 40, 75 мм.

### **Касалларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар.**

Уларга қуйидаги воситалар киради:

1. Резинали грелкалар, эсмарх кружкаси, компрессли клёнкалар, белбоғлар, бандажлар, тиббиёт банкалари, кўзни ювиш учун ванналар ва бошқалар.
2. Ётиб қолган касалларнинг хожати учун зарур буюмлар.
3. Касалнинг шахсий гигиенаси учун зарур буюмлар (матраслар, простиналар, резина матоли буюмлар.
4. Дори воситасини қабул қилиш учун идишлар.

### **Парафармацевтик воситалар**

Гигиена ва косметика воситалари. Бу гуруҳга: атир совун, паста ва тиш порошоклари, суюқ парфюмерия воситалари, косметик кремлар ва бошқа товарлар киради.

Атир совун – ёғ кислоталарининг натрийли тузларидан иборат, бўёвчи моддалар қўшилган, оқартириладиган ва хид берувчи моддалар, пластификатор, антиоксидантлар ва бошқа компонентдан иборат. совунлар: экстра, болалар учун, I, II турлари бор. Атир совун қобик ёки қобиксиз 300 г гача фасофка қилинади. 300 г гача бўлган совунда фақат ишлаб чиқарган муассаса товар белгиси қўйилади. Атир совун куруқ, ёпиқ ва яхши шамоллайдиган жойларда 20<sup>0</sup>С дан паст ва 75% ҳаво намлигидан юқори бўлмаган жойларда сақланади.

Тиш пасталари ва порошоклари. Тиш пастаси деб гел ҳосил қилувчи ва юза фаол моддаларнинг сув-глицерин эритмасидаги суспензиясига айтилади. Гигиеник ва даволовчи – профилактик турлари бор. Пасталарни таги ёпишган пластмасса қопқоқ билан ёпиладиган идишларга қадоқланади. Кўрсатилган тартибда тасдиқланган форма, ҳажм ва устки томони кўриниши берилган намуна ва чизмаларга мос бўлиши керак. Пасталар футлярда ва футлярсиз чиқарилади.

Тиш порошоги деб фаол қўшимчалар ёки қўшимчасиз бўлган кимёвий чўктирилган чўкмага айтилади. Ёқимли таъм берувчи ароматизаторлари бор (масалан: ялпиз ёки анис, ментол таъми). Тиш пастаси ва порошоги қадоқланган идишда: тури, товар белгиси, ишлаб чиқарган корхона номи ва жойлашган жойи, ишлаб чиқарган вақти, стандарт кўрсаткичи, стандарт белгиси (ГОСТ) кўрсатилган бўлиши керак.

Сақланадиган жойда ҳаво намлиги 70% дан ошмаслиги, температура 0<sup>0</sup>С дан паст +25 <sup>0</sup>С дан юқори бўлмаслиги керак. Тиш порошогига қуёш нурлари тушмаслиги керак, одатда уларни сақланиш муддати чиқарилган кунидан бошлаб 12 ой белгиланади.

Суюқ парфюмерия воситаларига одеколон, атир, спиртли ёки сув – спиртли эритмалар билан парфюмер – композициядан иборат. Флакон ёки пробиркаларда чиқарилади. Уларни қадоқлаш жараёнида этикеткасида товар белгиси, ишлаб чиқарган корхона номи ва жойлашган жойи, маҳсулот тури, ҳажми, стандарт кўрсаткичи кўрсатилади.

Атирларни яхши шамоллатувчи ускуналари бўлган жойларда сақланади. Сақланиш муддати чиқарилган кундан бошлаб одекалон, атир, туалет сувлари учун 12 ой.

Косметик кремлар – терини парваришlash учун қўлланилади, улар ёғли ёки эмульсион бўлади. Эмульсион кремлар сув/ёғ, ёғ/сув типдаги ёки аралашган типдаги бўлиб, қўйилишига қараб: суяқ ва куюқ бўлади. Сақланиш шароити: намлик 70% дан кам, температураси +5 °C дан паст ва +20 °C дан юқори бўлмаслиги керак. Сув/ёғ типдаги эмульсион кремлар сақланиш жараёнида табиий ёғлар 50% дан кўп бўлганлиги сабабли устида юпка кислотали қатлам пайдо бўлиши мумкин. Косметик кремларни сақланиш муддати – 12 ой, суяқ кремлар ва биокремлар учун – 6 ой.

Минерал сувлар деб таркибида ноорганик минерал тузлар ва ионлар бўлиб одам организмига шифобахш хусусияти бўлган, ион бўлиб, газ билан бойитилган, биологик фаол, специфик хусусиятлари мавжуд бўлган табиий сувга айтилади. Минераллаштириш даражасига қараб (1 дан 10 г/л) ва (10 дан 15 г/л) га бўлинади. Фаол компонентлар сақланишига қараб сувлар: углерод сақловчи (“Боржоми”, “Нарзан”, “Ессентуки”), темир моддали (“Арман”), мишьякли (“Вайхир”), борли (“Лазаревская”), кремнийли (“Джава”), бромли (“Юрмала”), органик моддалар сақловчи (“Нафтуся”) турлари мавжуд.

Минерал сув идишларининг маркировкасида: ишлаб чиқарган корхона номи, унинг товар белгиси, сув тури, унинг гуруҳи, булоқ номи ёки номланиши, минерализацияси (г/л), ишлатилиши, қўйилган вақти, сақланиш муддати, стандарт кўрсаткичи кўрсатилади.

Минерал сув идишини горизонтал ёки вертикал равишда сақланади. Сақланиш тартиби пробка тагидаги материалга нисбатан олинади. Агар аниқ кесилган пробкадан иборат бўлса яшиқларда горизонтал ҳолда 18 қатор баландликдан кўп бўлмаган ҳолда, вертикал шароитда ишлаб чиқарилган корхонада 5 кундан ортиқ сақланмайди.

Кронен пробкали идишларда ҳам горизонтал, ҳам вертикал равишда сақланади. Минерал сувлар бутилкаларда яхши шамоллайдиган жойларда, намлик сақланмайдиган, температура +5 °C дан 20 °C гача. Қўйилган кундан бошлаб темирли яроқлик муддати минерал сувларга 4 ой, бошқа сувлар учун 1 йил.

Кўзойнакли оптика буюмлари. Асосий кўз коррекцияси ва химояси учун қўлланиладиган воситалар кўзойнаклар ҳисобланади. Давлат стандартига биноан 4 та асосий кўзойнакли линзалар тури мавжуд: А – афокал, О – бир фокалли, Б – бифокал, Т – трифокал.

Афокал линзалар тасвирни иккиламчи тарзда кўрсатмайди, ғилайлик асоратли мавжуд ҳолда фойдаланилади.

Бир фокал – бир фокалли линзалар миопияда, гиперметропияда, астигматизмда, анизометропияда кўз рефракцияси бузилганда ишлатилади. Конкар номли қайтарувчи линзалар миопияда ишлатилади. Гиперметропияда мусбат йиғувчи конвенкс номли линзалар ишлатилади.

Бифокал линзалар деб юқори қисми бошқа, пастки қисми бошқа рефракцияга эга бўлган линзаларга айтилади. Юқори қисми (асосий линза)

узоқни кўриш учун, пастки (кўшимча линза) яқинни кўриш ва ўқиш учун мўлжалланган.

Трифокал линзалар кучли пресбиопияда (қариликдаги узоқни кўрмаслик) ишлатилади.

Кўзойнаклар турли қиррасиз шаклда ишланади. Ҳар бир линзада оптик маркази қора ўчиб кетадиган нуқта билан белгиланади ва белгиси рефракция катталиги этикеткада ёпиштирилган бўлади.

Амалиётда қуйидаги турдаги контакт линзалар бор:

- газ ўтказувчи ва ўтказмайдиган қаттиқ линзалар;
- газ ўтказувчи гидрофил, эластик юмшоқ линзалар;
- юқоридаги 2 турдаги линзаларнинг ўртасидаги эгилувчан линзалар;
- УФ – нурланишдан сақловчи юмшоқ линзалар.

Контакт линзалар бевосита кўзга тақилгани учун алоҳида талаб ва парваришга эга. Қуйидаги гуруҳ воситалари парваришлаш учун қўлланилади:

- линзаларни тозалаш учун эритмалар;
- дезинфекция системаси (иссиқлик таъсири, пероксидли, кимёвий);
- контакт линзалар тақувчилар учун кўз томчилари;
- сақланиш муддати 2 йил бўлган линзаларни хона ҳароратида сақлаш учун эритмалар.

### **3.5. ҲАЛҚАРО АМАЛИЁТДА ФАРМАЦЕВТИК ВАСИЙЛИК**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 90 – йиллар бошида Соғлиқни сақлашни миллий тизимини ривожлантиришда янги стратегик йўналишни аниқлади. Бу ҳар бир беморга сифатли тиббий ва фармацевтик васийлик (ёрдам, муҳофаза) кўрсатиш.

Фармацевтик васийлик – аҳоли касаллигини олдини олиш ва соғлигини таъминлаш бўйича фармацевт ва врачни фаол ишга жалб қилишдир. У аниқ бемор олдида дори воситасини сотилишидан бошлаб то уни охирги таъсиригача даволаниш натижаларида фармацевт фаол иштироки ва назоратини таъминлайди.

Сифатли фармацевтик васийликни ўтказиш учун қуйидаги шароитлар зарурдир:

Биринчидан, фармацевтлар фармакология, патофизиология, биохимия, фармакокинетика ва кенг тарқалган касалликларни даволаш схемаси фармакодинамикасидан етарли билимга эга бўлишлари керак.

Иккинчидан, фармацевтик бозорга тушадиган маълумотларни тўғрилигини назорат қилиш тизими мавжудлиги.

Учинчидан дори воситалари ва уни ножўя таъсирлари бўйича тўлиқ ҳажмда ва профессионал билимга эга бўлишлари керак.

Тўртинчидан, компания вакиллари, врачлар, дорихонага келувчи беморлар билан мулоқотда фармацевт профессионал ахлоқ ва этика, деонтология меъёрларига риоя қилиши зарур.

Фармацевтик васийлик ўз ичига қуйидагиларни олади:

- оптимал дори шакллари ва дори воситаларни истеъмол йўллари танлаш;
- турли дори воситаларни бир вақтда ишлатиш қоидаларини тушунтириш;
- индивидуал дозалаш хусусиятларини аниқлаш;
- дори воситаси ва озиқ-овқатни ўзаро таъсирини тушунтириш;
- дори воситани қабул қилишда керакли вақтни тўғри аниқлаш;
- инсон органлари функциясига дориларни ножўя таъсирини кўрсатиш;
- воситаларни сақлаш бўйича тегишли амалий ёрдам кўрсатиш;
- рецептсиз сотиладиган дорилар мавжуд бўлмаганда ўхшаш дорилар билан алмаштириш;
- истеъмолчиларга рецептсиз сотиладиган дориларнинг замонавий рўйхати, нархи, ишлаб чиқарувчи фирма ва бошқалар ҳақида маълумотлар бериш.

Фармацевтик васийлик миллий Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш шароитларида жавобгар мустақил ўз-ўзини доволаниш концепциясини нормал ривожланишида муҳим шароитларидан ҳисобланади.

### **3.6. ФАРМАЦЕВТИК ТОВАРЛАРНИ ШТРИХЛИ КОДЛАШ ТИЗИМИ**

Кўпчилик ривожланган давлатларда дори воситалари ва бошқа тиббий буюмлар учун кўпинча штрихли идентификацияларни миллий тизимлари жорий қилинган, аммо фармацевтик товарларни штрихли кодланиши умуман ишлатилмайдиган ёки тавсиявий ҳарактерга эга давлатлар салмоғи ҳам етарли.

Штрихли кодлаш товарни нархи, сақлаш муддати ва бошқа зарур маълумотларни олиш учун қўлланилади. Штрихли кодлашлар савдони автоматлаштирилган тизимларида қўлланилади. Дори воситаси ҳақида маълумот ва сақлаш учун электрон ҳолатда код қўйилади. Берилган код бўйича зарур параметрлар (нархи, сони, етказиб берувчи, қадоқлаш тури, сақлаш муддати ва бошқалар) ҳақида керакли маълумот олинади. Одатда, бу кодлар махсус қоидалар бўйича дори ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилади ва масъул орган томонидан рўйхатга олинади. Бу қоидалар махсулотларни товарли номерлашни Ҳалқаро ассоциацияси томонидан тасдиқланган.

EAN қоидаларига кўра кодлаш маълумотлари турли шаклдаги штрихлар ва оқ йўللари тушириш йўли билан амалга оширилади. Штрих-код 4 – расмда кўрсатилган. Товар коди ҳақидаги маълумотлар савдо тармоғига автоматлаштириш йўли билан киритилади. CCD сканер томонидан ўқилади.

Ишлаб чиқарувчи фирмалардан ташқари айрим ҳолларда товарларни штрих-кодлар билан дистрибьютерлар, дорихоналар ҳам маркалайдилар.

Дорихоналар фаолиятида штрихли кодлаш тизимини жорий этилиши дори воситалари ва тиббий буюмларни қалбакилаштириш ҳолларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

### Баъзи давлатлар маҳсулотларини штрихли кодлари

| №   | Код     | Давлат        | №   | Код      | Давлат         |
|-----|---------|---------------|-----|----------|----------------|
| 1.  | 93      | Австралия     | 21. | 87       | Нидерландия    |
| 2.  | 90-91   | Австрия       | 22. | 70       | Норвегия       |
| 3.  | 54      | Бельгия       | 23. | 560      | Португалия     |
| 4.  | 789     | Бразилия      | 24. | 590      | Польша         |
| 5.  | 50      | Буюк Британия | 25. | 888      | Сингапур       |
| 6.  | 380     | Болгария      | 26. | 383      | Словения       |
| 7.  | 599     | Венгрия       | 27. | 858      | Слованкия      |
| 8.  | 400-440 | Германия      | 28. | 460-485  | МДХ давлатлари |
| 9.  | 489     | Гонконг       | 29. | 00-09    | АҚШ, Канада    |
| 10. | 520     | Греция        | 30. | 729      | Таиланд        |
| 11. | 57      | Дания         | 31. | 869      | Турция         |
| 12. | 690     | Хитой         | 32. | 471      | Тайвань        |
| 13. | 385     | Хорватия      | 33. | 64       | Финландия      |
| 14. | 539     | Ирландия      | 34. | 30-37    | Франция        |
| 15. | 729     | Исроил        | 35. | 859      | Чехия          |
| 16. | 569     | Исландия      | 36. | 76       | Швейцария      |
| 17. | 84      | Испания       | 37. | 73       | Швеция         |
| 18. | 80-83   | Италия        | 38. | 600; 601 | ЮАР            |
| 19. | 890     | Индия         | 39. | 860      | Югославия      |
| 20. | 880     | Корея         | 40. | 45;49    | Япония         |

## Штрих код EAN – 13

|               |                  |              |                              |               |                  |        |                |                                             |
|---------------|------------------|--------------|------------------------------|---------------|------------------|--------|----------------|---------------------------------------------|
| 482           | 3540             | 1            | 8                            | 4             | 7                | 9      | 7              | >                                           |
| Давлат коди — | Корхона номери — | Товар номи — | Истеъмолчилар хусусиятлари — | Ҳажм, масса — | Ингредиентлари — | Ранг — | Назорат сони — | Лицензия бўйича тайёрланган товар белгиси — |

4 – расм. Штрих кодларни структура ва мисоллари.

Фармацевтика маҳсулотларини маркалаш.

Фармацевтика маҳсулотларини маркалаш қоидаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ваколатли органи дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси белгилайди. Европа иттифоқига кирган давлатларда эса маркалаш қоидалари 1992 йилда қабул қилинган 92/27/ЕЕС Директива томонидан аниқланади. У ҳар бир воситада барча зарур маълумотлар бўлган аннотация – қўшимча қилинадиган варақа бўлишини белгилайди. Бу маълумот устки этикеткада берилса, бундай ҳолда аннотация зарур эмас. Аннотация истеъмолчи учун тушунарли тилда воситани қисқача характеристикаси асосида тузилади. У қуйидаги маълумотларга эга бўлиши керак:

- воситани савдо ва ҳалқаро номи;
- ишлаб чиқарувчи фирма номи;
- таркиби, ишлаб чиқариш шакли, дори воситани дозаси (ёрдამчи моддаларни номи ҳам ёзилади);
- қўллаш бўйича кўрсатмалар;
- қўллаш усули, дозаси;
- тўғри келмаслик шартлари;
- қўллашда огоҳ бўлишлик;
- овқат, спиртли ичимликлар ва бошқа дорилар билан ўзаро таъсири;
- дозаси ошиб кетганда, бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар.
- воситани сақлаш қоидаси ва воситани яроқсизлигини аниқлаш.

Иккиламчи ўрамда у йўқ бўлса, бирламчи ўрамда қуйидагилар аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак:

- воситани савдо ва ҳалқаро номи;
- таркиби, дозаси, фаол ингредиентлар ва ёрдამчи моддалар бўйича маълумот билан воситани чиқарилиш шакли;
- қўллаш усули;
- махсус кўрсаткичлари;

- қўллаш муддати (ой, йил);
- махсус сақлаш шароитлари;
- дори воситасини савдо лицензияси эгаси, адреси ва номи;
- савдо лицензия номери;
- дори воситасини ишлаб чиқариш серияси, номери.

Бунда ОТС воситалари учун ишлатиш кўрсатмалари ҳам бўлиши керак.

## **4-БОБ. ДОРИХОНАЛАРДА РЕЦЕПТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕРИШ**

### **4.1. РЕЦЕПТ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ, РЕЦЕПТ ТУРЛАРИ**

Европа иттифоқи директива маслаҳатига мувофиқ 31 март 1992 йилдан “Одам учун дори воситалари категориясини аниқлаш ҳақида” (92/26/ЕС) да “Рецепт” - дори воситасига ёзма буйруқ, уни ҳуқуқли мутахассис ёзиб беради, деган аниқлик киритилган .

Фақат рецепт бўйича қўйиладиган дори воситалари учун алоҳида кичик гуруҳлар белгиланади:

- бир марталик ёки кўп марталик рецептлар бўйича қўйиладиган дори воситалари;
- махсус рецепт бўйича сотиладиган дори воситалари;
- рецепт бўйича ва ишлатишда чекланишга эга бўлган дори воситалари.

Фақат рецепт бўйича дори воситалари қўйидаги ҳолларда сотилиши мумкин:

- агар истеъмолчини соғлиғига хавф етадиган бўлса, (дорини тўғри ишлатса ҳам) ва тиббий кўриги бўлмаганда;
- агар кўпчилик истеъмолчилар дори воситасини нотўғри истеъмол қилиш натижасида уларни соғлиғига зарар етадиган бўлганда;
- агар дори воситасида кейинчалик изланишни талаб қилувчи моддалар, зарарли таъсирлар бўлганда;
- агар восита парентерал қўллаш учун бўлганда.

Махсус рецепт бўйича сотиладиган дори воситалари:

- Ҳалқаро конвенция ва ваколатли миллий тизим томонидан психотроп ёки гиёҳвандлик воситаси сифатида аниқланадиган моддалар;
- Нотўғри ишлатилганда (суистеъмол қилиш, ўрганиш, ноқонуний мақсадларда қўллаш) хавф-хатар туғдирадиган дори воситалари;
- Янгилиги натижасида ёки фармакологик хусусиятлари туфайли эҳтиётлик юзасидан бу гуруҳга ажратиш мумкин бўлган моддалар.

Рецепт бўйича сотиладиган ва чекланган доирада ишлатиладиган дори воситалари:

- фармакологик хусусиятлари, янгилиги учун ва аҳолини соғлиғини сақланиши натижасида фақат стационар шароитларда ишлатилади;
- стационар шароитда қўйилган диагнозни даволаш учун фойдаланади, лекин бошқа шароитларда ҳам назорат остида бу дори воситасини қабул қилиш мумкин;
- амбулатория шароитида даволаниш учун мўлжалланган, лекин уни ишлатишда жиддий қўшимча таъсирларга олиб келиш эҳтимоли бўлгани учун рецепт мутахассис томонидан ёзилиб, доимий тиббий назоратда бўлиши керак.

## Рецепт функциялари:

Тиббиёт - тиббиёт нуқтаи назаридан – рецепт – беморни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда доза ва таркиби врач томондан белгиланган дори воситаларни сотиб олиш ва қўллаш учун ишлатиладиган асосий ҳужжатдир.

Юридик - юридик ҳужжат бўлиб – ёзилиш санаси кўрсатилади, бемор ва врач фамилияси, дорини фармакологик хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда рецепт бланкаси ишлатилади бунда рецепт ёзадиган ва улар бўйича дори тайёрлайдиган шахслар юридик жавобгарликка эга;

Технологик -технологик нуқтаи назардан рецепт – фармацевтга дори тайёрлашда кўрсатма ва асос бўлиб хизмат қилади, қандай дори воситаларидан фойдаланиш ва қандай дори шаклга келтиришни кўрсатади.

Иқтисодий- иқтисодий ҳужжат бўлиб – дори ва ёрдамчи моддаларни сарфлаш учун, тариф ва нархни аниқлаш учун ҳужжат ҳисобланади.

Ижтимоий – турли ижтимоий-иқтисодий имтиёз мақомига эга инсонларга малакали дори воситалар ёрдами кўрсатиш учун кафолат беради.

## РЕЦЕПТ ЁЗИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.

Даволаш – профилактика муассасаси врачлари мавжуд кўрсатмаларга мувофиқ беморга дори воситаларига рецепт ёзиб, уни шахсий муҳр билан тасдиқлашлари керак. Рецепт бланкалари шакли иловаларда берилган.

Рецептлар типография йўли билан чоп этилган рецепт бланкасига дори воситасини қўллаш шакли, беморни ёши кўрсатилади. Барча рецептлар аниқ ва равшан тўлдирилиши лозим. Рецептда тузатишлар мумкин эмас. Дори воситаси таркиби, дори шакли, дорини тайёрлаш усули, беморга сотиш учун врач фармацевтга кўрсатмаси лотин тилида ёзилади. Лотин қисқартмаларни ишлатиш фақат тиббиётда ва фармацевтикада умумий қабул қилинган қисқартмалар бўлиши мумкин. Ингредиентларга яқин бўлган қисқартмаларни ишлатиш мумкин эмас, чунки улар қандай дори воситаси ёзилганлигини аниқлашда адаштиради. Заҳарли таъсир этувчи дорилар ва гиёҳвандлик воситалари рецепт бошида ёзилади, сўнг қолганлари. Дорини истеъмол қилиш йўли, дозаси кўрсатилган, ичиш вақти (овқатдан олдин ёки кейин) ва уни муддати давлат тилида ёзилади. Умумий кўрсатмалар билан чекланиш ман этилади.

Амбулатория шароитида даволанишга мухтож шунингдек стационар шароитда даволаниб амбулатория шароитида даволашни давом эттирадиган беморларга зарур дори воситаларига рецепт ёзиб берилади.

Қуйидаги ҳолатларда рецепт ёзиб бериш тақиқланади:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиётда ишлатишга рухсат этилмаган дори воситаларига;

- касаллик белгилари мавжуд бўлмаганда;
- фақат даволаш-профилактика муассасасида ишлатиладиган дори воситалари (наркоз учун эфир, хлорэтил, фентанил, сомбревин, калипсол, фторотан, кетамин ва бошқалар).

Агар рецептда захарли, наркотик ва бошқа ингредиентлар қўшилмасидаги кучли таъсир қилувчи воситалар ёзиб берилган бўлса, уларни тайёрланган дори таркибига киритмай алоҳида бериш тақиқланади.

Пушти рангдаги махсус рецептура бланклари ёзиб берилган наркотик дори-дармон воситалари ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига фақат шу мақсадлар учун бириктириб қўйилган дорихоналардан берилади. Захарли ва наркотик дори воситалари бериш ҳуқуқига эга бўлган дорихона ва даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари ва “Дори-дармон” ҳудудий бирлашмалари томонидан белгиланади.

Этилморфин гидрохлорид, кодеин, кодеин фосфат ва натрий этаминалнинг бошқа дори-дармон воситалари билан аралшмаси шаҳар (шаҳар ёки қишлоқ маъмурий туман) доирасида барча дорихоналар томонидан ўзлари жойлашган ҳудуддаги даволаш-профилактика муассасаларининг рецептлари бўйича берилади.

Беморга дори тез зарурият бўйича олиш керак бўлса, рецептни юқори бурчагига “*sito*” (тез) ёки “*statim*” (дархол) белгилари қўйилади.

Экстемпорал яъни яқка тартибда тайёрланадиган дориларга рецепт ёзилганда суюқ дорилар миқдори миллилитрларда, томчиларда, қолганлари – граммларда ёзилади.

- Рецепт ёзилганда врач “сурункали беморга” деб ёзиб, рецептни ишлатиш муддати ва унга дорини сотиш вақти (ҳар ҳафта, ҳар ой ва б.) бўлиши керак, кўрсатма врач имзоси ва шахсий муҳри билан тасдиқланиши керак.

Бузилиш, тузатиш билан ва бир-бирига тўғри келмайдиган дори воситалари билан ёзилган рецепт ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва унга дори берилмайди. Рецепт “Рецепт ҳақиқий эмас” ёзуви билан бекор қилинади.

### Рецептдаги муҳим қисқартмалар

| Қисқатирилган | Тўлиқ ёзилиши      | Таржимаси        |
|---------------|--------------------|------------------|
| 1             | 2                  | 3                |
| Aa            | Ana                | тенг             |
| ac. acid      | Acidum             | кислота          |
| amp.          | Ampulla            | ампула           |
| aq.           | Aqua               | сув              |
| aq. bestill.  | Aqua destillata    | дистилланган сув |
| but.          | Butyrum            | ёғ (қаттиқ)      |
| comp., cps.   | Compositus (a, um) | мураккаб         |
| D.            | Da (Detur, Dentur) | бер (берилсин)   |

| 1            | 2                 | 3                        |
|--------------|-------------------|--------------------------|
| D.S.         | Da, Singa         | бер белгила              |
| D.t.d.       | Detur, Signetur   | берилсин (белгилансин)   |
| dul.         | Da (Dentur) tales | бер (берилсин)           |
| div.in p.aed | doses             | шундай доза              |
|              | dilutus           | суюлтирилган             |
|              | divide in partes  | тенг қисмларга ажрат     |
|              | aequales          |                          |
| extr.        | extractum         | экстракт ажратма         |
| f.           | fiat (fiant)      | ҳосил бўлсин             |
| gtt.         | gutta, guttae     | томчи, томчилар          |
| inf.         | infusum           | настой                   |
| in amp.      | in ampullis       | ампулада                 |
| in tabl.     | in tab(u)lettis   | таблеткада               |
| lin.         | linimentum        | суюқ суртма              |
| liq.         | liquor            | суюқлик                  |
| M.pil.       | massa pilularum   | пилюла массаси           |
| M.           | Misce, Misceatur  | аралаштир аралаштирилсин |
| N.           | numero            | дона                     |
| ol.          | oleum             | ёғ (суюқ)                |
| past.        | pasta             | паста                    |
| pil.         | pilula            | пилюла                   |
| p.aeq.       | partes aequales   | тенг қисмлар             |
| ppt., praec. | praecipitatus     | чўктирилган              |
| Pulv.        | pulvis            | кукун дори               |
| q.s.         | quantum satis     | керакли миқдори          |
| r., rad.     | radix             | илдиз                    |
| Rp.:         | Recipe            | беринг                   |
| Rep.         | Repete, Repetatur | қайтар (қайтарилсин)     |
| rhiz.        | rhizoma           | илдизпоя                 |
| S.           | Signa, Signetur   | белгила, белгилансин     |
| sem.         | semen             | уруғ                     |
| simpl.       | simplex           | оддий                    |
| sir.         | sirupus           | сироп                    |
| sol.         | solutio           | эритма                   |
| supp.        | suppositorium     | шамча                    |
| tabl.        | tab(u)letta       | таблетка                 |
| t-ra, tinct. | tintura           | настойка                 |
| ung.         | unguentum         | суртма дори              |
| vit.         | vitrum            | шиша идиш                |

## **4.2. РЕЦЕПТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ДОРИ ВОСИТАСИНИ БЕРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Дорихона ишида масъулиятли вазифалардан бири рецептларни қабул қилиш ва улар бўйича дори воситаларини бериш ҳисобланади. Бу ишни бажарилишда фармацевт рецепт ёзган врач томонидан қилинган ҳатоларини аниқлаш ва фармацевтик деонтология негизлари асосида рецептни бажариш мақсадида жуда эътиборли бўлиши керак.

Фармацевт тайёр дорига рецепт қабул қилаётганда тегишли барча маълумотлар борлигини текширган ҳолда қабул қилиб, беморга сақлашни ва уй шароитида қабул қилиш қоидаларини эслатади.

Экстемпорал дориларга рецепт қабул қилаётганда фармацевт беморни ёшини аниқлаб, рецепт ёзилган санага, ёзилган ингредиентларни дозаси ва тўғри келишига алоҳида эътибор бериши керак. Болаларга дори тайёрлаётганда заҳарли ва маҳсус ҳисобда турувчи дориларга ҳам катта эътибор берилади.

Заҳарли, гиёҳванд ва этил спирт сақловчи дори тайёрлаётганда фармацевт диққатини жалб этиш учун қизил қалам билан чизилади. Агар врач ёзган заҳарли, гиёҳванд ёки кучли таъсир этувчи дори дозаси юқори бирламчи дозадан ошса, лекин рецепт тегишли тарзда ёзилмаган бўлса, фармацевт дозировкани  $1/2$  дозада тўғрилаб юқори бирламчи деб белгилаши керак.

Гиёҳвандлик ёки унга тенг моддалари бўлган рецепт қабул қилинаётганда фармацевт бир марталик сотилиши, битта рецепт бўйича бериладиган меъёрини текшириши керак.

Рецепт ҳатолар билан ёзилган ёки дори воситалари бир-бирига тўғри келмаганда ва бошқа ҳатолари бўлганда, “рецепт бекор қилинади” деган ёзув билан бекор қилиниб маҳсус журналда рўйхатга олинади.

Агар врач рецептда қилган ҳатоси ёки шубхали маълумот бўлса, фармацевт врач билан телефон орқали боғланиб восита номини аниқлаб, уни дозасини, фармакологик киришишлигини аниқлаб, сўнг дорини сотиши мумкин.

Рецепт қабул қилиш бўйича фармацевт иш жойи бажарилаётган ишига мувофиқ мослашган бўлиши керак. Рецептни тез ишлаши учун столда турли хил информацион – маълумотли жадваллар бўлиши керак: заҳарли, маҳсус ҳисобда турувчи ва кучли таъсир этувчи доривор моддаларни бир марталик ва суткалик дозалари, ингредиентларни бир-бирига мослиги, врачлар томонидан тез-тез ёзиладиган индивидуал тайёрланадиган дорилар нарҳи ва бошқалар.

Дорихона муассасаларининг асосий мақсади аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашдир. Рецептларни қабул қилиш шифокор рецепти асосида дори тайёрлаш уларни ички дорихона назорати ва дорихона муассасаларидан дори воситаларни бериш қоидалари келтирилган. Рецептларни қабул қилиш шифокор рецепти ва даволаш-профилактика муассасаси талабномаси асосида дори тайёрлаш, уларни

сифатини назорат қилиш ва тайёрланган дориларни дорихоналарда сотиш учун рецептура ишлаб чиқариш бўлимлари ташкил қилинади, Бўлимларга бўлим мудир ва унинг ўринбосарлари раҳбарлик қилади. Рецептура ишлаб чиқариш бўлимларида фармацевт ва фармацевт ассистенти лавозимлари мавжуддир.

Фармацевт лавозимида қуйидаги вазифалар юклатилади:

- қабул қилинган рецептлар асосида индивидуал усулда тайёрланган дори воситаларни сифатини назорат қилиш, дориларни сотиш ва дорихона ичида тайёрлов ишлари билан шуғулланиш;
- рецептларни қабул қилиш ва тайёр дори воситаларни сотиш, ички дорихона учун тайёрланган дори воситалари ва дорихона учун тайёрланган дори воситаларни сифатини тўлиқ назорат қилиш;
- дорихона раҳбарияти дорихонада тушунтириш ишларини олиб бориш фармацевтлар ишини назорат қилиш, тунги пайтлардан ишлаш учун фармацевт лавозимини ажратиш мумкин.

Фармацевт иш жойида қуйидаги тегишли маълумотли адабиётлар бўлиши керак: Давлат фармакопеяси, бир марталик ва суткалик дозалар жадваллари, адабиётлар, алоҳида Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари, дори воситаларига маълумотномалар, дори воситалари синонимлари, нарх жадвали, ишлаб чиқариш тарифлари, ҳисоб ҳужжатлар (квитанция, журнал, нотўғри ёзилган рецептни ҳисоблаш учун журнал, сигнатуралар ва ҳ.к.).

Иш жойида рецепт қабул қилиш ва дори бериш жараёнида фармацевт риоя қилиши шарт бўлган вазифалар:

- “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”, “Гиёҳвандлик воситаси ва психотроп моддалар тўғрисида” ва бошқа дори воситалари муомаласи истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунлар ва ҳ.к;
- гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рўйхати ва уларнинг прекурсорлари;
- Соғлиқни сақлаш вазирлигини тегишли буйруқ ва йўриқномалари;
- фармацевтлар этикаси ва деонтология қоидалари.

Ҳозирги вақтда Соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим муаммолардан бири бўлиб дори воситалардан рационал фойдаланиш ҳисобланади, унинг зарурияти кўп томонлардан аниқланади:

- чегараланган бюджет маблағи ҳисобига дори воситалари сотиб олиш;
- дори воситаларини нораціонал тайёрланиши ва фойдаланиши;
- ностандарт, қалбаки дори воситаларини бозорда мавжудлиги.

Фармацевт иш жойини асбоб-ускуналар билан таъминлаётганида қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши керак:

- иш жойида иш давомида керак бўлмайдиган нарсалар бўлмаслиги;
- ҳар бир предмет доимий жойига эга бўлиши;
- тез-тез ишлатиладиган предметлар қўл остида бўлиши.

Фармацевт чарчамаслиги учун қуйидаги санитария - гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим: температура, иш жойни ёритилиши ва вентилияцияси.

Гиёҳвандлик воситалари – мисол учун этилморфин гидрохлорид, кодеин, кодеина фосфат, этаминал натрий, барбамил, фепранон ва бошқалар тоза ҳолда ва индифферент моддалар билан аралашмасида махсус рецепт бланкаларида ёзилади. Бундай рецептга муассаса бошлиғи (ёки уни ёрдамчиси) томонидан қўшимча имзо қўйилади ва муассаса муҳри билан тасдиқланади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тоза ҳолда ёки индифферент қўшимчалар билан бирга фақат давлат Соғлиқни сақлаш муассасасида ишлайдиган врач томонидан ёзишга рухсат этилади.

Агар дори воситаси таркибига бошқа дори воситалари билан аралашиб заҳарли моддалар қўшилса, уйқу, нейролептик, антидепрессив, анаболик воситалар, стероидли гармонлар, транквилизаторлар бўлса тўлиқ нархига бериладиган формадаги рецепт бланкасида ёзилади ва қўшимча Соғлиқни сақлаш муассаса муҳри “Рецептлар учун” муҳри билан тасдиқланади .

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар фақат бир марталик рецепт бўйича берилади ва уни тузатишга рухсат этилмайди. Бу воситаларни рўйхати ва бир рецепт учун дозаси бериш тартиби, сақлаш, ҳисобини олиб бориш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2001 йил 28 ноябрь 527 –сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Заҳарли ёки кучли таъсир этувчи дорилар учун рецепт ёзилганда врач дори дозасини ёзма равишда ёзиши ва ундов белгиси қўйиши керак.

Рецепт таркибида заҳарли, гиёҳванд, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлса, бундай дорилар рецепти дорихонада қолади, беморга сигнатура берилади.

Ҳар бир рецептда дори воситалари таркибига қарамай, асосий мажбурий реквизитлар бўлиши шарт:

- даволаш-профилактика муассасаси штампи (номи, адреси ва телефон рақами кўрсатилиши);
- рецепт ёзиб берилган сана;
- касалнинг фамилияси, исми ва унинг ёши;
- шифокор фамилияси, исми;
- дори воситаси номлари ва сони ;
- дори воситаси фойдаланишнинг аниқ усули;
- шифокорнинг шахсий муҳри ва имзоси.

Қўшимча рецепт реквизитлари дори воситаси таркибидан ва рецептура бланк формасидан иборат бўлади.

Рецептлар типографик йўл билан чоп этилган бланкларга ёзилади.

Рецепт бланкаси 3 хил бўлади.

1. Болалар ва катталар учун тўлиқ нархга дори воситасини олиш учун ёзиладиган (биринчи шакл). Илова - 1
2. Бепул, дорилар ёзиш учун ва психотроп хусусиятга эга бўлган дори воситалари учун (иккинчи шакл). Илова - 2
3. Пушти рангли рецепт бланки бўлиб фақат гиёҳвандлик воситалари ёзиш учун тавсия этилган (учинчи шакл). Илова - 3

Биринчи формадаги рецепт бланкасига заҳарли дори воситалари ухлатувчи дорилар, нейролептик, антидепрессив, стероид гармонлар, транквилизаторлар, астмага қарши воситалар, заманиха настойкаси, этил спирти сақлаган дори воситалари, кучли таъсир этувчи моддалар, антибиотиклар, сульфаниламид ва бошқа воситалар.

Иккинчи формадаги бланкага гангитувчи дори воситалардан фақат 1 та дори воситаси ёзилади.

Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрь 532-сонли қарори асосида қуйидаги тоифа беморларга бепул дори воситалари берилади.

- Сил касаллиги.
- Мохов касаллиги.
- Онкологик касалликлар.
- Спид ОИТС (орттирилган иммун танқислик синдроми).
- Эндокринологик касалликлар.
- Руҳий касалликлар.
- Ясама юрак қопқоқчаларини қўйиш операциясини ўтказилгандан кейин ва аъзоларини қўчириб қўйган беморлар.
- Ҳеч кими йўқ, муҳтожлар.
- II – жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари ҳамда имтиёз томонидан уларга тенглаштирилганлар.
- 1941-1945 йил меҳнат фронт қатнашчилари.
- Чернобиль АЭС фалокати оқибатларини тугатишда қатнашиб ногирон бўлганлар.
- Байналминал ҳарбий хизматчилар.

Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 31 май 188-сонли қарори асосида

- Ядро полигонлари ва унга тенглаштирилган корхоналарда ишлаган нафақадаги фуқароларга бепул дори воситалар берилади.

Махсус рецептура бланкда мажбурий рецептлардан ташқари қўшимча реквизитлар бўлиши керак.

- серия номери ва ҳимоя даражаси (пушти рангли қоғози ҳимоя сув белгилари билан);
- бош шифокор ёки унинг ўринбосари имзоси ёки бўлим раҳбарининг имзоси ва рангли муҳр билан тасдиқланади.
- касаллик тарихи номери.

Битта бланкада фақат битта дори воситаси номини ёзиш мумкин. 2 - шаклдаги рецептура бланкида мажбурий ва қўшимча реквизитлар бўлиши керак:

- серия номери ва адрес ёки бемор тиббий картасининг номери;
- “Рецепт учун” даволаш-профилактика муассасаси муҳри;
- шифокорнинг ва касалнинг тўлиқ фамилия ва исми;

Бепул ва имтиёзли дори воситалари бериш учун рецепт 2 нусхада ёзилади.

1 - шаклдаги бланкларда заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори воситалари, этил спирти, апоморфин гидрохлорид, атропин сульфат, гомотропин гидробромид, дикаин, кумуш нитрат, пахикарпин гидройодид,

пилокарпин гидрохлорид, адреналин гидрохлорид, галазолин ва бошқалар ёзилади.

Фармацевт рецептни тўғри ёзилганлигини ва дори воситаси фойдаланиш усулини текшириш керак. Дори воситаси таркиби, дори шакли, белгилаши ва фармацевтга шифокор мурожаати дори воситаси ишлаб чиқариш ва бериш ҳақида лотин тилида ёзилади.

Илова - 1

|                                                                                                                               |                                                                 |     |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b><br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги                                                                   | <b>Тиббиёт хужжатлари</b><br>Форма №1<br>ЎзР ССВ томонидан 2002 |     |
| даволаш муассасасининг номи (муассаса штампи) «__» ____ №__<br>тасдиқланган                                                   |                                                                 |     |
| <b>РЕЦЕПТ</b><br>(каттага, болага – кераксизи ўчирилсин)                                                                      |                                                                 |     |
| <b>Серияси 000000</b>                                                                                                         | <b>№000000</b>                                                  |     |
| “__” ____ 20__ йил<br>(рецепт ёзилган сана)                                                                                   |                                                                 |     |
| Беморнинг Ф.И.Ш. _____<br>Ёши _____<br>Шифокорнинг Ф.И.Ш. _____                                                               |                                                                 |     |
| Сўм                                                                                                                           | Тийин                                                           | Rp. |
|                                                                                                                               |                                                                 |     |
| Сўм                                                                                                                           | Тийин                                                           | Rp. |
|                                                                                                                               |                                                                 |     |
| <b>Шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри</b><br><i>Рецепт 10 кун, 1 ой давомида ҳақиқий ҳисобланади</i><br>(кераксизи ўчирилсин) |                                                                 |     |

## Рецепт бланки формасини тўлдириш бўйича ШИФОКОРГА ЭСЛАТМА

- даволаш-профилактика муассасаси коди босмахона усули билан босилади ёки штамп қўйилади;
- якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шифокорларнинг рецептларини тепа қисмининг ўнг томонига босмахона усули билан уларнинг манзили, лицензиясининг тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати ва лицензия берган ташкилотнинг номи босилади ёки штамп қўйилади;
- рецептда дори номи лотин тилида, аниқ, равшан қилиб, сиёҳда ёки шарикли ручка билан ёзилади, тузатишлар киритиш тақиқланади;
- битта рецептура бланкида иккитадан ортиқ бўлмаган оддий дори воситалари ёзилади;
- этил спирти, таркибида заҳарли моддалар ҳамда миқдорий ҳисобда турувчи психотроп дори воситалари ва прекурсорлар бўлган дори-дармонлар алоҳида рецепт бланкасида ёзилади ва рецепт бланкаси қўшимча даволаш-профилактика муассасасининг “Рецептлар учун” муҳри билан тасдиқланади;
- белгиларни фақат қоидаларда белгиланганидек қисқартириб ёзишда рухсат берилади холос;
- қаттиқ ва сочилувчи моддалар – граммлар (0,001; 0,5; 1,0) суюқлари – миллилитр, грамм ва томчилар ҳисобида кўрсатилади;
- “Ичилади”, “Ишлатилиши маълум” ва ҳақозо деган умумий кўрсатмалар билан чекланиш тақиқланади;
- беморнинг фамилияси, исми-шарифи, ёши, шифокорнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади;
- шифокорнинг имзоси унинг шахсий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- “Каттага”, “болага” деб кўрсатилган белгилардан кераксиз ўчирилади.

| Якка тартибда тайёрланган дори № |            | Дорихона штампи |          |
|----------------------------------|------------|-----------------|----------|
| Қабул қилди                      | Тайёрланди | Текширди        | Топширди |
|                                  |            |                 |          |

**Ўзбекистон Республикаси**  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
даволаш муассасасининг  
номи (муассаса штампи) «\_\_»  
\_\_\_\_ №\_\_ тасдиқланган

**Тиббиёт хужжатлари**  
Форма №2  
ЎзР ССВ томонидан 2002

|        |                       |         |
|--------|-----------------------|---------|
| Рецепт | Серия .....           | № ..... |
|        | «...»                 | .....   |
|        | (рецепт ёзилган сана) |         |

Тўлиқ қиймати  
1

Бепул  
2

Имтиёзли  
3

Беморнинг Ф.И.Ш. (тўлиқ)

Улуғ ватан уруши  
ногирони

Болалар

Бошқалар

Ёши \_\_\_\_\_

Амбулатор беморнинг тиббий карта номери ёки манзилгохи

Шифокорнинг Ф.И.Ш. (тўлиқ)

|     |       |     |
|-----|-------|-----|
| Сўм | Тийин | Рр. |
|-----|-------|-----|

**Шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри**

*Рецепт 10 кун, 1 ой давомида ҳақиқий ҳисобланади  
(кераксизи ўчирилсин)*

## **Рецепт бланки формасини тўлдириш бўйича ШИФОКОРГА ЭСЛАТМА**

- даволаш-профилактика муассасаси коди босмахона усули билан босилади ёки штамп қўйилади;
- якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шифокорларнинг рецептларини тепа қисмининг ўнг томонига босмахона усули билан уларнинг манзили, лицензиясининг тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати ва лицензия берган ташкилотнинг номи босилади ёки штамп қўйилади;
- бепул ва имтиёзли дори воситалари учун рецепт 2 нусхада, тўлиқ нархига олинадиган дори воситалари учун бир нусхада ёзилади;
- рецептда дори номи лотин тилида, аниқ, равшан қилиб, сиёҳда ёки шарикли ручка билан ёзилади. Тузатишлар киритилганда шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри билан тасдиқланади;
- битта рецептура бланкида биттадан ортиқ бўлмаган оддий дори воситалари ёзилади;
- белгиларни фақат қоидаларда белгиланганидек қисқартириб ёзишда рухсат берилади холос;
- қаттиқ ва сочилувчи моддалар – граммлар (0,001; 0,5; 1,0) суюқлари – миллилитр, грамм ва томчилар ҳисобида кўрсатилади;
- “Ичилади”, “Ишлатилиши маълум” ва ҳақозо деган умумий кўрсатмалар билан чекланиш тақиқланади;
- тўлов шакли тагига чизилади, кераксизлиги ўчирилади;
- беморнинг фамилияси, исми-шарифи, ёши, манзили ёки тиббиёт карта номери кўрсатилади;
- шифокорнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади. Шифокорнинг имзоси унинг шахсий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- бу рецепт бланкасида психотроп воситалари кучли таъсир қилувчи, захарли дори воситалари, апоморфин гидрохлорид, атропин сульфат, гоматропин гидробромид, дикаин, кумуш нитрат, пахикарпин гидройодид, анаболик гармонлар ва бепул дори воситалари олиш учун ёзилади.

**наркотик дори воситалари учун махсус рецепт бланк  
ФОРМАСИ**

**НАРКОТИК ДОРИ ВОСИТАСИ САҚЛАЙДИГАН ДОРИ ВОСИТАСИ  
ОЛИШ УЧУН РЕЦЕПТ**

**ZZ №XXXXXXX**

(даволаш-профилактика муассасаси штампи)

\_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

|              |   |
|--------------|---|
| А. Rp. _____ | Д |
| Л _____      | О |
| О _____      | Р |
| Х _____      | И |
| И _____      | Х |
| Д _____      | О |
| А _____      | Н |

Қабул қилиш \_\_\_\_\_


|                                    |   |
|------------------------------------|---|
| Х _____                            | А |
| И Беморнинг Ф.И.Ш. (тўлиқ) _____   | Д |
| С касаллик тарихи № _____          |   |
| О Шифокорнинг Ф.И.Ш. (тўлиқ) _____ | Қ |
| Б _____                            | О |
| Д _____                            | Л |
| А _____                            | А |
| Г _____                            | Д |
| И _____                            | И |

Х  
У  
Ж  
Ж  
А  
Т

М.Ў.

Сиёҳли ручкада ёзилади  
Тузатишлар киритиш тақиқланади

**Изоҳ:** Бланк пушти рангли бўлиб, ҳимоя сув белгиси билан белгиланган.



Дорихонада рецепт қабул қилиш ва дори воситаларини бериш тартиби

- ⇨ — тўғри бажарилиш механизми  
 → — рецептда нотўғри ҳолатлар механизми

Гиёҳвандлик воситаси номлари, психотроп ва заҳарли моддалар, рецепт бошида ёзилади. Суюқ моддалар миқдори миллилитр, грамм ва томчиларда, бошқа моддалар – граммларда белгиланади, дори воситаси даволаниш усули, дозаси, частоталар, қабул қилиш вақти ва унинг узоқлиги ўзбек ёки рус ёки миллий тилларда ёзилади.

Якка тартибда дори тайёрлаш учун рецептдаги ингредиентларни мувофиқлигини текшириш керак. Маълумки 2 ёки ундан ортиқ мувофиқ дори воситаси терапевтик самарадорликни кучайтиради (морфин+промедол) ёки пасайтиради (пилокарпин+атропин).

Этил спирти учун белгиланган бериш нормалари:

- тоза кўринишда – рецепт “компресс қўйиш учун” ёзуви билан 50 гр гача;
- бошқа ингредиент аралашмада – 50 гр гача;
- сурункали касалларга – “Махсус тайинлаш” рецепт бўйича 100 гр гача.

Бошқа дори воситаси рецептда ёзилган миқдорида берилади, белгиланган рецептларнинг таъсир қилиш муддати қўйидагича:

- гиёҳвандлик воситаси ва психотроп, наркотик моддалар учун рецептлар 10 кун ичида ҳақиқийдир
- (1-шакл) рецептура бланклари 10 кун ичида ҳақиқийдир.
- (2-шакл) бланкдаги рецепт 30 кун ичида ҳақиқийдир.

#### **4.3. РЕЦЕПТЛАРНИ ТАКСИРОВКАСИ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ**

Тўғри ёзилган рецепт таксировка қилинади – унинг чакана нарҳи аниқланади. Дори воситасини чакана нарҳи дорининг таркибига кирган моддалар нарҳи, дорихона идишининг нарҳи, дори тайёрлаш учун белгиланган тарифлар асосида шаклланади.

Қабул қилинган тариф дорихона ёки акционер бирлашма буйруғи асосида тасдиқланган бўлади.

Тарификация асосига қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш, назорат, қадоқлаш ва экстенпорал дори формалари, ички дорихонани тайёрлаш, дори воситаси қадоқлаш учун вақт харажатларининг меъёрлари.
- бир минимал иш вақтининг қиймати (ўртача иш ҳақи эътиборга олинади, аммо бу қиймат доимий эмас, ўзгариб туриши мумкин).

Мисол.

|       |     |                    |
|-------|-----|--------------------|
| 180,0 | Rp: | Euphyllini 0.01    |
| 30,0  |     | Sacchari 0.2       |
| 29,0  |     | M., ut fiat pulvis |
| 15,0  |     | D.t.d №15          |
| 254,0 |     |                    |

S. 1 та порошокдан 2 маҳал

Дори модданинг нархи (180+30) га тайёрлаш учун тариф 29 сўм ва 10 тадан кейинги ҳар бир порошок учун 3 сўм (3x5) олинади.  
 $180+30+29+15=254$

Якка тартибда тайёрланадиган дори турлари ҳар хил усуллар билан рўйхатга олинади. Квитанция билан рецептни рўйхатга олиш усули – энг кўп қўлланиладиган усулдир. Квитанция бир нусхада тўлдирилади. Квитанция 3 қисмдан иборат.

Биринчи қисмда рецепт номери, касал ФИШ, қиймати ва дори тури белгиланади. Бу қисм дорихонада қолади. У рецепт бўйича ишлаб чиқарган ҳисоб учун асосдир. Уларнинг миқдори бўйича иш куни охирида қабул қилинган рецептлари ва унинг умумий қиймати ҳисобланади. Корешоклар дорихонада сақланади ва улар 50 ва 100 та дан жамланади.

Иккинчи қисмда рецепт номери, дори турининг шакли, унинг қиймати, касал фамилияси, дори ишлаб чиқариш вақти белгиланади. Бу қисм буюртмачига берилади.

Учинчи қисмида 2 та бир хил номерлардан иборат – “тайёрладим”, “текширдим”, “юбордим” ёзилади ва уни рецептга ёпиштирилади.

Дорихоналарда якка тартибда дори тайёрлаш учун рецептлар рецептура журналарида рўйхатга олинади. Бунда сана, рецепт номери, касалнинг ФИШ, дори тури, дори нархи ёзилади. Иш куни бошидан бошлаб рецепт номери ёзилади. Кун охирида графалар бўйича жами санаб чиқилади. Алоҳида дистилланган сув қийматини ва дори ишлаб чиқариш бўйича тариф ҳисобланади. Дори олиш учун касалга жетон ёки квитанция берилади.

Айрим дорихоналарда дорини тайёрлаш учун буюртма чекли усулда олиб борилади. Дорини таксировка қилиниб нархи тўлангандан сўнг рецепт фармацевтга тайёрлаш учун берилади.

Врач рецепти бўйича дори воситасини беришда дорихона мутахассис ходими қуйидаги қоидаларга қатъий риоя қилиши керак.

Агар рецептда тайёрланадиган дори воситаси таркибида бошқа ингредиентлар билан биргаликда гиёҳвандлик воситалари, психотроп, моддалар, захарли, кучли таъсир қилувчи, апоморфин гидрохлорид, атропин сульфат, гоматропин гидробромид, дикаин, кумуш нитрат, пахикарпин гидройодид, анаболик гармонлар бўлса, уларни алоҳида бериш ман қилинади. аҳоли жойлардаги дорихоналарга гиёҳванд ва психотроп моддаларни даволаш-профилактика муассасаси рецептлари бўйича берилади.

Ветеринария даволаш муассасалари рецептлари билан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни бериш қатъиян ман қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи, захарли дори воситалари сақлаган якка тартибда тайёрланган дори воситасини беришда беморларга рецепт ўрнида тепаси сариқ чизиғи бўлган ва қора шрифтли “Сигнатура” ёзуви бўлган сигнатура берилади.

Айрим ҳолларда дорихонада кўрсатилган дори бўлмаса, у ҳолда дори воситаларини синоними берилиши мумкин.

Дорихона муассасаларига сотилган ёки берилган дори воситаларини қайтариб олиш ман этилади. Ундан ташқари профилактика ва уй шароитида даволаш учун ишлатиладиган буюмлар, тиббиёт асбоб ва ускуналарини, болаларни парваришlash буюмларни, шахсий гигиена воситалари, парфюмерия-косметик воситалар қайтариб олинмайди ва алмаштириб берилмайди. Махсус бланкаларга ёзилган дори воситалари бланкалари дорихонада қолдирилади.

**Рецептларни сақлаш.** Рецептлар махсус сейфларда ёки металл шкафларда сақланади. Ишлатилган гиёхвандлик воситалари учун берилган рецептлар қайд қилинган, печатланган ой ва йил бўйича шнурланган махсус сейфларда сақланиши керак

Рецептларни сақланиш муддатлари:

Имтиёзли берилган дори воситалари -3 йил.

Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар учун – 5 йил.

Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли дори воситалари – апоморфин гидрохлорид, атропин сульфат, гоматропин гидробромид, дикаин, кумуш нитрат, пахикарпин гидройодид, этил спирти, анаболик гармонлар учун –1 йил.

Сақланиш муддатлари тугаган рецептларни комиссия томонидан далолатнома асосида йўқ қилинади.

Анаболик таъсирга эга гармонлар шу жумладан стероид гармонлар, транквилизаторлар, антидепрессив моддалар, нейролептиklar, 8-оксихинолин сақлаган дори воситалари ва антигистамин воситаларга берилган рецептлар “Дори берилган” штампи билан босилади. Уларни яна қайтадан олиш учун янги рецепт лозим бўлади.

Дорихоналардан бепул ёки имтиёзли дори воситаларини рецепт асосида амбулатория шароитида даволанувчи фуқарони фақат давлат тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаси шифокори бериши мумкин.

Яна имтиёзли дори воситаларини мустақил бериш ҳуқуқи қуйидаги шифокорларга берилган:

- амбулатория поликлиника врачларига;
- Соғлиқни сақлаш территориал орган бошқармаси билан келишувга асосан амалиётдаги врачларга;
- мустақил қабул қилувчи фельдшер ёки акушерларга;
- қишлоқ даволаш-профилактика муассасасида врач бўлмаганда;
- мустақил қабул қилувчи тиш врачларига.

Имтиёзли рецептлар даволовчи врач томонидан қуйидаги дори воситаларига ёзилади:

- психотроп, кучли таъсир этувчи, заҳарли, анаболик гармонларга;
- онкологик ёки гематологик касал бўлган беморларга гиёхвандлик воситалари;

Микдорий ҳисобда турувчи ёки имтиёзли дори воситалари рецепт бланкасида битта турдаги дори воситалари ёзилади.

Рецепт бланкасини тўлдириш вақтида шифокор дори воситаси учун тўлов турини кўрсатиши керак.

Рецептда даволовчи шифокорнинг телефон рақами бўлиши шарт, чунки рецептда кўрсатилган дори воситалари дорихонада мавжуд бўлмаса, у ҳолда дорихона ходими шифокор билан телефон орқали маслаҳатлашиб кўрсатилган дори воситасидан бошқа синонимини таклиф қилиши мумкин бўлади.

Агар керакли имтиёзли дори воситалари ёки уларнинг синоними дорихонада бўлмаса, у ҳолда беморлар (инвалидлар ва уруш қатнашчилари, 80 ёшдан ошган кекса фуқаролар ва қийин кўзғалиб юрувчи одамлар)га телефон орқали ёки почта орқали хабар берилади.

Бу ҳақда имтиёзли дори оладиган беморнинг имтиёзли дори бериш картасида белги қўйилади. Имтиёзли рецептнинг таъсир муддати – 30 кун; гиёҳванд ва психотроп дориларга – 10 кун, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар, дори моддалари: апоморфин гидрохлорид, кумуш нитрат, атропин сульфат, гоматропин гидробромид, дикаин, пахикарпин гидроидид, анаболик гармонларга – 10 кун белгиланган.

#### **4.6. МИҚДОРИЙ ҲИСОБДА ТУРУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ**

Миқдорий ҳисобда турувчи дори воситалари махсус хужжатланган алоҳида ассортиментланган товарларнинг табиий ўлчовларда белгиланган ҳисоби (кг, л, дона ва бошқалар) да бериладиган дори воситалар гуруҳига айтилади.

Миқдорий ҳисобда турувчи дори воситаларга:

- гиёҳвандлик воситалари психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатига кирган дори воситалар;
- заҳарли моддалар рўйхатига кирган дори воситалари;
- апоморфин гидрохлорид, атропин сульфат, дикаин, гоматропин гидробромид, кумуш нитрат, пахикарпин гидроидид субстанциялари;
- этил спирти киради.

Миқдорий ҳисобда турувчи дори воситаларининг миқдорий таҳлил ҳисоби зарур бўлган гиёҳвандлик ва бошқа дори моддалар ҳисоб китобида олиб борилади. Улар номерланган, шнурланган, пломбаланган бўлиб, уларда ҳудудий фармацевтик идораларнинг бошқармаси раҳбари имзоси ва муҳри бўлиши керак.

Китоб бир йилда бир марта тутилади. Китобнинг биринчи варағида дори воситасининг номи ёзилади. Китоб 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида ойнинг бошига қолдиқ ва кирим, иккинчи қисмида сарфланган дори воситалари миқдори ва ойнинг охирига қолдиқ ёзилади.

Ҳар қандай дори воситасига – дори формаси, дозаси, қадоклашига алоҳида варақ ажратилади. Бу варақ ҳисоб бирлиги, кирими (ҳар бир келган хужжатга алоҳида номер ва сана кўрсатилади), чиқим (кундаги ёзувлар) ҳар бир унинг тури бўйича (амбулатория ёки даволаш-профилактика муассасаси рецепти ёки дорихона бўлими ва пунктлари) кўрсатилади. Агар ёзилганда

хатога йўл қўйилса, у ҳолда хато тўғрилаб ёзилади ва бу ишга масъул бўлган шахснинг имзоси қўйилади.

Ҳар ойнинг 1-санасида масъул бўлган шахс ҳисобда турувчи дори воситаларни китобда ёзилган қолдиғи билан таққослайди. (инвентаризация ўтказгунча китобдаги қолдиқ бошланғич қолдиқ ҳисобланади.). Тайёр дори воситалари бўйича бу қолдиқлар тенг бўлиши лозим.

Китобдаги ва умумий миқдор ўртасида фарқ бўлса, у ҳолда табиий йўқотиш топилади. Табиий йўқотиш – бу табиий жараён даврида (масалан куриб қолиш, учиш, оқиш ва ҳ.к.) моддани миқдорини ўзгаришига айтилади.

Табиий йўқотиш меъёрлари дори воситалари ва этил спирти учун ЎЗР ССВнинг 1999 йил 21 декабрь 576 - сонли буйруғига асосан “Дорихона муассасаларида дориларнинг, этил спиртининг, пахтанинг, тиббий зулукларнинг ва шишали дорихона идишларининг табиий камайиш чекланган миқдорини ва уларда ишлатиш қўлланмаларини тасдиқлаш ҳақида” ги буйруқда берилган.

Аниқ товар тури бўйича табиий йўқотиш чегараси меъёрий ҳужжатларда ҳажмий равишда кўрсатилади. Дори воситаларини сақлашда, тайёрлашда ва қадоқлашда табиий йўқотиш нарҳини тўлдириш учун ҳақиқий меъёрлари мавжуд.

Нотўғри сақланиш оқибатида яроқсиз ҳолга келган ёки эҳтиётсизлик натижасида дори воситалари табиий йўқотиш меъёрларига кирмайди. Кўрсатилган меъёрлар ишлаб чиқаришдаги тайёр дори воситаларига нисбатан ишлатилмайди. Инвентаризация ўтказиш жараёнида кўрсатилган қимматбаҳо моддий бойликлар етишмаган ҳолларда табиий йўқотиш меъёри қўлланилади. Инвентаризациядан сўнг қолган моддий бойликлар кейинги ой бошига ўтказилади. Гиёҳвандлик, психотроп, заҳарли дори воситалари ва этил спирти табиий йўқотиш меъёри фоиз ҳисобида ўрнатилган бўлиб, уларнинг сарфлаш турига қарашлидир.

| Сарфланиш тури                                                                                | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, бошқа миқдорий ҳисобда турувчи дори моддалар (фоизда) | Этил спирти (фоизда) |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|
| Якка тартибда тайёрланган дори воситалари                                                     | 1                                                                                                                           | 2                    |
| Қўшимча технологик операцияларсиз тортиб олиш ва ўлчаш (аралаштириш, эритиш, дозаларга бўлиш) | 0,4                                                                                                                         | 0,7                  |

95 фоизли этил спиртининг табиий йўқотиши ҳисоби қуйидагича:

Масалан, ой охиридаги китоб қолдиғи – 13,9 кг  
ҳисобланган қолдиқ – 13,8 кг

Амбулатория рецептлари бўйича этил спиртининг кундалик сарфи: 1,5; 0,5; 1,3; 2,1.

Даволаш-профилактика муассасаси кўрсатмаси бўйича этил спиртининг сарфи – 2кг.

Ечим эталони табиий йўқотиш ҳисоби тўғрисидаги буйруғига асосан ҳисобланади:

2% амбулатория рецептураси бўйича этил спирти сарфидан  $(1,5+0,5+1,3+2,1)*2\% / 100=0,108$  кг.

0,7 % масса бўйича (ангро) этил спирти сарфидан  $2,0 * 0,7\% / 100\% = 0,014$  кг.

Ҳаммаси бўлиб  $0,108+0,014=0,122$  (кг), яъни қолдиқ 0,1 кг (табиий йўқотиш).

Дорихона тайёрловидаги бошқа дори воситалари учун табиий йўқотиш меъёрлари сарфининг турига боғлиқдир. Бу меъёрлар сарфланган миқдорга эмас, балки сарфланган моддалар нарҳига нисбатан ўрнатилган.

## **5.БОБ. ДОРИХОНА ШАРОИТИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

### **5.1. ДОРИХОНАДА ДОРИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ИШ ЖОЙЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Бозор иқтисодиёти сиёсати олиб борилаётган, дорихоналарнинг салмоқли қисми хусусийлаштирилаётган шароитда уларнинг санитария-гигиена меъёр ва қоидаларига риоя қилинишига алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаммамизга маълумки, дорихоналарнинг асосий вазифалари дори воситаларни сифатли тайёрлаш, аҳолини, даволаш-профилактика муассасаларини, поликлиника ва амбулаторияларни дори воситалари билан таъминлаш, аҳолини кундалик дори воситаларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Аҳолини ва турли даволаш-профилактика муассасаларини сифатли дори воситалари билан таъминлаш кўп жиҳатдан дори воситани тайёрлайдиган шахсларнинг билим-савиясига, улар томонидан маҳсус тартиб қоида ва қонунлар тўла-тўқис бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Дори воситалари тайёрлаш билан шуғулланадиган дорихоналарда одатда уч гуруҳ хоналар бўлади:

#### **1. Ишлаб чиқариш хоналари:**

Дори харид қилиш учун келадиган шахсларни кутиш хонаси (савдо зали), рецептларни қабул қилиш бўлими, дори воситаларни тайёрлаш – ассистентлар хонаси, дори воситаси учун ишлатиладиган идишларни ювиш хонаси, дори воситаларини сақлаш хоналари, стериллаш хонаси, фармацевт-аналитик хонаси, дориларни қадоқлаш хоналари.

#### **2. Хизмат қилиш ва хўжалик ишлари учун хоналар, дорихона мудирининг хонаси, ходимларнинг кийиниш хоналари ҳожатхона ва ҳ.к.**

#### **3. Ёрдамчи хўжаликка оид хоналар – шиша идишлар сақланадиган хона, таралар, ёқилғи, ҳидли дори воситалар учун, дезинфекция моддалари учун хоналар, гараж ва бошқа хоналар.**

Дорихоналарда дори воситалари асосан ассистентлар хонасида тайёрланади.

Ассистентлар хонаси дори воситаларини тайёрловчи фармацевт технолог ва фармацевт ассистентларнинг меҳнатларини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш қоидаларига мос, етарли иш жойига мулжалланган ассистентлар столлари билан жиҳозланади. Бу ассистентлар столларида тайёрланадиган дори воситаларининг турларига (кукунлар, суюқ дорилар ва хоказо) кура алоҳида иш жойлари ажратилади. Бу столларда суюқ дори воситаларини, порошокларни, суртмаларини тайёрлаш, назорат ўтказиш учун, қадоқлаш ишларини бажариш учун алоҳида иш жойлари бўлиши лозим. Улар дори воситалари тайёрлаш учун зарурий бўлган кичик механизация воситалари ва бошқа ускуналар билан жиҳозланади.

Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг 2004 йил 30 июнда 304-сонли “Дорихона муассасаларининг моддий-техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар. “Асосий ҳолатлар тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи тасдиқланди.

Ушбу тармоқ стандарти “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, Дори воситалари тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, Тошкент Фармацевтика институти томонидан ишлаб чиқарилган.

Ушбу стандарт мулкчилик шаклидан қатъий назар чакана, улгуржи савдо билан шуғулланувчи барча дорихоналар учун мажбурийдир. Стандартда кириш, термин ва атамалар, умумий ҳолатлар дорихона муассасаларининг хоналари ва уларнинг жиҳозланиши, дори воситалари қабул қилишга қўйиладиган талаблар, дори воситаларининг сақлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб ва ҳисобот ишлари, дорихона ходимларига бўлган талаблар, дорихона фаолиятини ташкил этиш, дорихона муассасасини тугатиш бўйича маълумотлар берилган.

Сан ПиН №0162-04 – бу тайёр дори воситаларини сотишда дорихона қурилишидаги санитария қоидалари ва меъёрлари акс эттирилган расмий ҳужжатдир. Ушбу ҳужжат 5 та бўлимдан иборат.

1 бўлим – умумий ҳолатлар.

2 бўлим – дорихона жойлашиши ва қурилишига қўйиладиган талаблар

3 бўлим – дорихонанинг жиҳозланиши ва хоналарига бўлган талаблар

4 бўлим – дорихона хоналарининг санитар қурилиши

5 бўлим – дорихона ходимларининг шахсий гигиенаси ва хоналарни тозалашдаги қўйиладиган талаблар. Ҳозирги кунда Сан ПиН 0162-04 ишлаб чиқарилган, ундан аввал яъни 1998 йилда эса дорихоналар учун умумий Сан ПиН 0078-98 ишланган эди.

Дорихона ўз фаолиятини фармацевтика фаолиятига берилган лицензия асосида олиб боради. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ишлари ЎзР ВМ нинг 2003 йил 31 октябрь 477 – сонли Қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

## **5.2. АСЕПТИК ШАРОИТДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЙЁРЛАШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Асептик шароитда дори воситалари тайёрлаш учун асосан катта дорихоналарда алоҳида изоляцияланган хоналар ажратилади.

Асептик шароитда дори воситалари тайёрланадиган хонада оптимал санитария гигиена шароити яратиш учун дориларни стерилизация қиладиган автоклавлар ва бошқа аппаратлар қўшни хонага (кокторийга) жойлаштирилади.

Кокторий-дорихона хоналаридан бири бўлиб, унда сув хайдалади ва ассистент ишига боғлиқ бўлган ҳар хил фармацевтик жараёнлар: дамлама ва қайнатмалар тайёрлаш, дориларни стериллаш, қайнатиш, буғлатиш ишлари ҳам бажарилади.

Баъзи бир дорихоналарда асептик шароитда дори тайёрлаш учун махсул блок-хоналар курилади. Блоклар 3 та секциядан иборат бўлади:

- А) асептик хона
- Б) стерилизация хонаси
- Г) тамбур

Асептик хонада дори воситалари тайёрланади. Стерилизация хонасида автоклав, 200 °С гача иситадиган курутгич шкаф ва бошқа стерилизация шкафлари урнатилади.

Тамбур (боксдан олдинги хона)да фармацевт, стерилланган халат қалпоқча, тапочка (бахилла) ларни кийиб, сунгра асептик хонага киради. Баъзи дорихоналарда асептик шароитда дорилар тайёрлаш учун махсус хоналар бўлмаслиги натижасида, дориларни қисман асептик шароитда тайёрлаш имконини берувчи стол бокслардан фойдаланилади. Асептик блок ҳаво тортиш вентилицияси билан жиҳозланади. Бунда микроблар тарқалишини камайтириш мақсадида ҳаракатланувчи рециркуляцион ҳаво тозалагичлар ўрнатилиши тавсия этилади.

Асептик блокда, тайёрлаш, дистиляция, стерилизация хоналарда ҳавони зарарсизлантириш мақсадида бактерицид нурлатгичлар ўрнатилади. Улар 1-2 соатга иш вақтидан олдин ёқилиб ишлатилади. Нурлатгичларнинг ўчиргичлари хонага киришда жойлаштирилади. Хонага кириш фақат нурлатгич ўчирилгандан 15 минутдан сўнг руҳсат этилади.

Ходимлар ишлайдиган хоналарда бактерицид нурлатгичлар ердан 1,8-2 м баландликда ўрнатилади.

Асептик блокга киритиладиган жиҳозлар олдиндан дезинфекция воситалари билан артилади. Асептик блокда ишлатилмайдиган жиҳозларни сақланиши қатъиян ман этилади. Асептик блок дорихонанинг бошқа хоналаридан шлюз билан ажратилади. Асептик шароитда дори тайёрлайдиган ходимлар шлюзга киришда стерил халат, 4-қаватли докали ниқоб, қалпоқча, бахиллалар киядилар. Докали ниқоблар ҳар 4 соатда алмаштириши шарт. Асептик блокдан ташқари ностерил санитария кийимида юриш ман этилади.

Санитария кийимлари биксларда стерилланади ва беркитилган биксларда сақланади (сақлаш вақти 3 суткадан ошмаслиги керак).

Пойафзаллар иш бошлашдан олдин ва иш куни тугагач ташқи томонидан дезинфекцияланади ва шкафларда, яшикларда сақланади.

Дориларни тайёрлаш учун керакли моддалар ёпиқ шкафларда штанглазларда тоза шароитда сақланади. Штанглазлар тўлдиришдан олдин ювиб, стерилланади.

Ёрдамчи материаллар (пахта, дока, пергамент қоғоз, филтрлар ва бошқ.) биксларда ёки оғзи беркитиладиган шиша идишларда ёпиқ ҳолда 3 сутка сақланади. Очилган материаллар 24 соат мабайнида ишлатилиши зарур.

Бикс ҳар бир очилгандан сўнг, яхши беркитилади. Бикс ичидан буюмни стерилланган пинцет билан олиш мумкин. Ёрдамчи материаллар

стериллаш учун биксларга тайёр ҳолатда солинади (пергамент ва филтър қоғози, керакли ўлчамларда кесилган докадан тайёрланган тампонлар).

Ювилган идишларда ювиш воситаларининг қолдиғи ва тозалик даражаси 5-иловага биноан текширилади. Ювилгандан сўнг идишлар стерилланади, тиқинланади ва гипс беркитиладиган шкафларда сақланади. Шкафлар ички томонидан оч ранг қраска билан бўялади ёки пластик билан копланеди.

Асептик шароитда дори тайёрлаш ва қадоқлаш учун стерилланган идишлар 24 соатдан ортиқ сақланмайди.

Катта сиғимдаги баллонларни ювилгандан сўнг 30 дақиқа давомида буғ билан зарарсизлантирилади. Зарарсизлантирилгандан сўнг баллонлар стерил тиқин воситалари билан тиқинланиб ёки стерил пергамент билан боғланиб тоза шароитда 24 соат давомида сақланади.

Кўз томчиларни ва инъекцион эритмаларни тиқинлаш учун тиқинларни алюминли қалпоқчалар тайёрлаш ва ювиш ўтказилади. Инъекцион эритмаларни ва кўз томчиларни тайёрлашда кичик механизация воситаларини қўллаш уларни зарарсизлантириш ёки стериллаш шарти билан руҳсат берилади.

Концентрланган эритмалар, ярим-фабрикатлар, дорихона ички маҳсулотлари асептик шароитда тайёрлаб уларни физик-кимёвий хоссаларига ва яроқлик муддатига мувофиқ сақланади.

Асептик блокда ишламайдиган ходимларга ушбу хоналарга кириш ман этилади.

Ностерил дори шакллари тайёрланишида ишлатиладиган дори воситалари зич беркитилган штанглазларда (ёки бошқа идишда) сақланиши керак.

Ностерил дори шаклларни тайёрлашда ишлатиладиган стерил идишларни сақлаш муддати 3- кундан ошмаслиги керак.

Дорихонада тайёрланадиган ва қадоқланган дориларни беркитиш учун тиқин воситалар стерилланиб сақланади.

Дориларни тайёрлашда ва қадоқлашда ишлатиладиган кичик механизация воситалари уларни ишлатиш қўлланмасига мувофиқ ювилади ва зарарсизлантирилади. Агарда ишлатиш қўлланмасида кўрсатмалар бўлмаса, иш охирида кичик механизация воситалари ажратилади, иссиқ сувда (50-60°C) ювилади, зарарсизлантирилиб, стерилланади. Зарарсизлантирувчи моддалар буюмлардан иссиқ сув билан ювилгач, дистилланган сув билан чайилади ва тоза ҳолатда сақланади. Тайёрланган материалларнинг хоссаларига биноан буюмлардан зарарсизлантирувчи эритмаларни иссиқ сувда ювиб, дистилланган сувда чайиб тоза ҳолда сақлайдилар.

Ҳар бир сменанинг бошида тарозилар, шпателлар, кайчилар ва бошқа дорихона кичик жиҳозларини 3% водород пероксиди эритмаси ёки спирт – эфирли аралашмаси билан артилади.

Бюретка мосламалари ва томизғичлар ҳар 10 кунда концентратлардан бўшатилиб, иссиқ сув (50-60°C) ва хантал кукуни аралашмаси билан ёки 3% водород пероксиди ва 0,5% ювиш воситаси эритмаси билан ювилиб,

дистилланган сув билан чайилади. Ювилгандан сўнг у ердаги сувларда ювиш воситаларини қолдиғи аниқланади.

- Дори моддани ҳар тортиб ёки ўлчаб олгандан кейин штанглазнинг оғзи қисми ва тиқинини, шунингдек қўл торозлари дока билан артилади. Докали салфеткалар фақат бир марта ишлатилади.

Иш жараёнида ишлатиладиган қоғозли ва мумланган капсулалар, шпателлар, иплар, ассистент (кадоқлаш) хонасидаги қутиларда сақланади. Ёрдамчи материаллар ёпиқ жавонларда тоза ҳолда сақланади.

Инъекция учун ишлатиладиган тозаланган сувни олиниши, ташиши ва сақланишига қўйиладиган санитария талаблари:

- Дистилланган сувни олиниши ва сақланиши алоҳида шу мақсадга ажратилган дистилляция хонасида ўтказилади – Ушбу хонада сув ҳайдаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишлар ўтказилмайди. Инъекция учун сувни олиниши асептик блокнинг дистиллаш хонасида ўтказилади. Бу ерда сув ҳайдаш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишлар ўтказилиши ман этилади.

- Ҳар куни сув ҳайдашдан олдин 10-15 дақиқа давомида аквадистиллятордан совутгични ёқмасдан буғ ўтказилиши керак. Дистилланган сувни биринчи томчилари 15-20 дақиқа давомида тўкилиб, кейингиси йиғилади.

- Тоза стерилланган ва буғ билан ишланган сув тўплагичларга олинган дистилланган сув ва инъекция учун сув йиғилади. Баъзан шиша баллонларга йиғиш мумкин. Сув тўплагичлар устида “Дистилланган сув”, “Инъекция учун сув” каби ёзувлар бўлиши керак. Агарда бир нечта сув тўплагичлар бир вақтда ишлатилса, уларга тартиб рақами қўйилади.

- Шиша сув тўплагичлар иккита тешикли тиқинлар билан зич беркитилиши керак, улар баллонлар учун мосламаларга ва тагликларга ўрнатилади.

- Сув тўплагичлар шиша найчалар ёрдамида аквадистилляторга бириктирилади. Резинали найчалар фақат шиша найчаларни бириктириш учун ишлатилади.

- Иш ўринларига сув баллонларда ёки сув ўтказувчи трубка - мосламалар орқали юборилади. Сув ўтказувчи трубкалар сувни сифатига таъсир этмайдиган материаллардан тайёрланади, шунингдек ювишга ва зарарсизлантирилишига мосланган.

- Трубкаларни ювилиши ва зарарсизлантирилиши йиғилишидан олдин 14 кунда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда ўтказилади.

- Шиша ва металл трубкаларни зарарсизлантириш учун автоклавдан 30 дақиқа давомида кучли буғ юборилади. Полимер материаллардан ва шишадан тайёрланган трубкаларни 6% водород пероксиди эритмаси билан ювиб стерилланади. Кейин дистилланган сув билан ювилади. Трубкаларни тозаланиши махсус дафтарда қайд этилади.

- Пироген моддалардан шиша найчаларни ва идишларни тозалаш учун уларни 1% калий перманганат эритмаси билан 25-30 дақиқа давомида қайта ишланади. Эритмани тайёрлаш учун 10 қисм 1% калий перманганат

эритмасига 65 қисм 1,5% сульфат кислотаси эритмаси қўшилади. Трубкалар қайта ишлангандан сўнг инъекция сув билан ювилади.

- Дистилланган сувни асептик шароитида 3 кундан ортиқ сақлаб бўлмайди.

- Инъекция учун сувни асептик шароитда 24 соат давомида сақлаш мумкин.

Касалхоналар инфекцион бўлимларидан келган идишларни дорихонада 1% хлорамин эритмаси билан ва янги тайёрланган водород пероксиди 3% эритмаси ва 0,5% ювиш воситаси эритмаси билан аралашмаси ёрдамида зарарсизлантирилади: Хлораминни активланган эритмасини тайёрлаш учун хлорамин оддий сувда эритилиб тенг равишда активатор қўшилади. Бунда идишлар активланган хлорамин билан 30 дақиқа давомида зарарсизлантирилади. (2 кун давомида сақланган хлорамин эритмаси ишлатилганда идишларни зарарсизланиши 2 соатгача узайтирилади).

Водород пероксиди ва “Дезмол” эритмаси аралашмаси оддий сувда тайёрланади. Ушбу эритмада идишлар 80 дақиқа давомида зарарсизлантирилади. 3%-ли водород пероксид эритмасидан 1 литр тайёрлаш учун 120 мл пергидрол олиб сув қўшилади. Шу эритмага 5 г ювиш воситаси қўшилади.

Пергидрол ва хлорамин билан ишлашда резина қўлқоплар муҳофаза қилувчи кўзойнаклар ва 4 қаватли докали бойлагичлардан фойдаланилади.

Ювиш воситалари ишлаб чиқарувчи ўрамида ёки полиэтилен қопларда куруқ жойда сақланади.

### **5.3. ДОРИХОНАДА ТАЙЁРЛАНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

Дорихонада тайёрланадиган дори воситаларини сифати стандарт талабларига мос бўлиши энг долзарб масалалардан биридир. Бунга эришиш мумкин бўлган йўллардан бири тайёрланган дори воситалари сифатини таъминлаш ва назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29 декабрь 2002 йил 583-сонли буйруғи “Дорихона муассасаларида тайёрланган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисидадир. Ушбу қўлланма дорихона муассасаларида тайёрланадиган, қадоқланадиган дори турларининг сифатини баҳолаш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрларини белгилайди ҳамда дорихона муассасаларида кўрсатма сифатида фойдаланилади.

Дорихоналарда дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ишларини олиб бориш учун назорат – аналитик хоналари ташкил этилади. Назорат – аналитик хоналарида аналитик столлар бўлиб, улар керакли тартибда жиҳозланган бўлиши шарт. Столлар олдида айланма вертушкалар уларда эса штангласлар, штангласларда керакли реактивлар бўлади. Столларда бюреткалар ва зарур бўлган эритмалар туриши шарт. Бундан

ташқари давлат фармакопеясининг охирги нашри ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бўлиши лозим.

Дорихонада тайёрланган дори воситалари сифатини назорат қилувчи фармацевт-аналитик, фармацевт-технологларнинг ҳуқуқ ва бурчлари:

- дорихонада тайёрланган дорилар сифатини назорат қилиш;
- дори воситалардан бўшаган штангласларини ўзи вақтида тўлдириб туриш;
- ассистентлар хонасида дори воситаларни амалдаги белгиланган қодаларга биноан тўғри сақланишини таъминлаб туриш;
- кадоқловчиларнинг иш жараёнларига раҳбарлик қилиш;
- кадоқловчиларнинг ўрталаридаги вазифаларини тақсимлаб бериш.

Дорихонада тайёрланган дорилар сифатини оширишни таъминлайдиган қуйидаги омилларга алоҳида эътибор бериш керак:

- дори воситаларни қабул қилиш жараёнида уларни диққат билан текшириб, сифат юзасидан шубҳа туғилса назорат-аналитик лабораториясига юбориш;
- амалдаги буйруқлар, талабларга мувофиқ дорихонада санитария ва фармацевтика тартибларига риоя қилиш;
- ишлаб чиқаришда ишлатиладиган аппарат, асбоб-ускуналарнинг аниқ, тўғри ишлашини таъминлаш;
- дорихонада дори воситаларининг физик-кимёвий хоссаларини яроқлилик муддатини эътиборга олиб, муайян шарт-шароитларда сақлаш (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 10 мартдаги 109-сонли буйруғи “Дори воситалари тиббиёт буюмларининг яроқлилик муддати тўғрисида”);
- дори моддалари билан тўлдирилган штангласлардаги ёрликларда тегишли ёзувларнинг бўлишини назорат қилиш;
- дорихонада келиб тушган рецептларни ёки талабномаларни тўғри расмийлаштирилганини текшириш ва дориларни тайёрлаш технологияси қодаларига амал қилиш кабилардир.

Якка тартибда тайёрланадиган дори воситалари, тез бузилувчи ва турғун бўлмаган препаратлар, концентратлар, ярим фабрикатларни сифат ва миқдорини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 апрель 2000 йилда тасдиқланган 195-сонли (Дорихона шароитларида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини яхшилаш борасида) буйруғига мувофиқ дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд: ёзма, оргонолептик, оғзаки, физикавий ва кимёвий назорат.

Бундан ташқари қабул қилиш назорати ҳам мавжуд. Қабул қилиш назоратида дорихонага келиб тушган дори воситаларини қадоқланиши, маркировкаси ва ташқи кўриниши текширилади. Агар шубҳа туғилса бу дори воситаси назорат таҳлил лабораториясига жўнатилади.

**Ёзма назорат.** Фармацевт томонидан тайёрланган дори воситаси учун алоҳида паспорт тўлдирилади. Паспортда сана, рецепт ёки талабноманинг номери ва ҳар бир ингредиентнинг номи ва миқдори, олинган дозаларининг

сони ёзилади. Паспортда тайёрлаган, қадоқлаган ва текширган шахсларнинг имзоси бўлиши шарт.

Ушбу назорат туридан дорихонада тайёрланадиган барча дори шакллари ўтиши лозим.

Агар дори воситаси яримфабрикат ёки концентратлардан тайёрланса, паспортда олинган миқдор ва уларнинг концентрацияси кўрсатилади. Порошоклар, шамчалар тайёрланганда эса ҳар бир ингредиентнинг массаси ва уларнинг миқдори қайд этилади. Паспорт бир ой давомида сақланади.

**Органолептик назорат.** Бу назоратда дори воситасининг ташқи кўриниши, ранги, хиди, таъми, бир хил аралашганлиги механик аралашмаларнинг йўқлиги теширилади.

Катталарга тайёрланган ичиш учун дори воситаларининг баъзи бирлари, болаларга тайёрланган ичиш учун дори воситаларининг ҳаммасининг таъми текширилади.

**Оғзаки назорат.** Бунда фармацевт-технолог дори воситаси таркибига кирувчи биринчи ингредиентнинг номини айтади. Бошқа мураккаб дори аралашмаларида эса фармацевт ингредиентларининг номи ва миқдорини эсида қолгани бўйича кўрсатади. Ушбу назорат тури айрим дори воситаларида ўтказилади. Оғзаки назорат 5 та дори шакли тайёрланиб бўлингач олиб борилади.

**Физикавий назорат.** Бу назоратда дори шаклининг ҳажми ва умумий массаси текширилади. Дорихонада тайёрланадиган ва қадоқланадиган дори воситасининг ҳар бир серияси, якка тартибда тайёрланадиган дори воситаларининг баъзилари, стерилизация талаб қиладиган дори шакллари, стерилизацияга қадар қадоқлангандан сўнг физикавий назоратдан ўтадилар.

**Кимёвий назорат.** Бунда дори воситаларининг (сифатининг таҳлили) чинлиги ва миқдори текширилади.

Дорихонада қуйидаги дори воситаларининг сифати текширилади:

1. дорихонада қадоқланадиган дори воситаларининг ҳар бир сериялари;
2. якка тартибда тайёрланадиган дори воситаларининг баъзи бирлари (0,1% фармацевт аналитик лавозими бўлса, 0,3% фармацевт аналитик лавозими бўлмаса);
3. барча концентратлар, яримфабрикатларнинг ҳар бир сериялари;
4. штангласлардаги ва бюретка қурилмаларидаги дори воситалари;
5. омборхонадан дорихонага келтирилган дори воситаларининг баъзи бирлари;
6. тозаланган сув (хлоридлар, сульфатлар, кальций тузларининг йўқлиги).
7. Дорихонада қуйидаги дори воситаларининг сифати ва миқдори текширилади:
8. барча инъекция учун тайёрланадиган дори воситалари (стерилизацияга қадар ва ундан сўнг);
9. таркибида гиёҳванд ва заҳарли моддалар сақлаган ва кўз касалликларида ишлатиладиган дори воситалари (томчилар, суртмалар);

10. атропин сульфат, кумуш нитрат, хлорид кислотаси эритмалари (ичиш учун);
11. барча концентрат ва яримфабрикатлар;
12. дорихонада тайёрланадиган барча дори воситаларининг ҳар бир сериялари;
13. стабилизаторлар;
14. этил спиртининг концентрацияси.

Дорихонада тайёрланган дориларнинг сифатини назорат қилиб бўлингач, уларнинг натижалари тегишли ҳужжатларда қайд этилади. Қайд этиш дафтаридан намуналар 1 – 5 жадвалда келтирилган

#### **5.4. ДОРИХОНАДА ТАЙЁРЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 15 апрелдаги 177 - сон “Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларни ташқи безагига доир қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига асосан тайёрланадиган дори воситаларининг ёрлиқлари бўйича меъёрлар мувофиқлаштирилган.

Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларини ташқи безашда тегишли ёрлиқлардан фойдаланилди, уларни қўлланилишига қараб қуйидагиларга бўлинади, ҳамда тегишли ажратиш рангли хошиялар билан фарқланади.

- а) “Сиртқи” – тўқ сариқ рангли;
- б) “Ичиш учун” – яшил рангли;
- в) “Кўз томчиси” – пушти рангли;
- г) “Кўз уртмаси” – пушти рангли;
- д) “Инъекция учун” – кўк рангли;

Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларини ташқи безашда ишлатиладиган ёрлиқларнинг барчасида қуйидаги шартли белги ва ёзувлар бўлиши керак:

- а) эмблема (илон ўралган ваза);
- б) дорихонанинг номи;
- в) дорининг номи;
- г) қўллаш усули;
- д) “Болалардан эҳтиёт қилинг”;
- г) “Салқин ва ёруғлик тушмайдиган жойда сақлансин” – деган оғохлантирувчи ёзувлар;
- ж) “Сиртқи” ишлатиладиган суртма дорилар ёрлиғида “Суртма” деган, “Ичиш учун” ишлатиладиган кукун дорилар ёрлиғида “Кукун дори” деган ёзув, “Кўз томчиси” дориси ёрлиғида томчи ва кўзнинг расми, “Кўз суртмаси” дориси ёрлиғида кўзнинг расми; “Инъекция” учун ишлатиладиган дорилар ёрлиғида “Стерилланган” деган ёзув ҳамда игнали шприц расми бўлади.

Алоҳида сақлаш шароитини, эҳтиётлик билан ишлатишни талаб қилинадиган дори воситаларига асосий ёрликдан ташқари, қўшимча огоҳлантирувчи ёзувлар ёпиштирилади.

Дорихонага келадиган дори моддалари ва бошқа товарларни қабул қилишда кириш назорати ўтказилиши шарт, яъни товарларни кўздан кечириш. Ушбу назорат улгуржи фирмалари (дорихона омборлари) шароитида ҳам ўтказилади.

Кириш назорати сертификатда кўрсатилган препаратни ташқи кўриниши ва ишлатиш қоидаси ҳамда таҳлил сертификатини ўз ичига олади.

Нazorat вақтида қуйидагиларга эътибор берилади:

- Товарнинг тамғаланиши, товар номи, дозалари, чиқариш шакли, ишлаб чиқарувчи корхона номи, сифат сертификати ва таҳлил сертификати мослиги;

- товарнинг герметиклиги ва ўрамнинг мустахкамлиги;

- ўрам устидаги ишлаб чиқарувчи сериясининг рақами ва кузатувчи хужжатлардаги серия рақамини сифат сертификатидаги ва таҳлил сертификати рақамига туғри келиши.

Сифат сертификати ёки таҳлил сертификатининг фармацевтик маҳсулот сифатини текшириш Давлат тизимига кирмаган лабораториялар томонидан расмийлаштирилган бўлса ҳам уларни қабул қилиш ман этилади.

Агарда дори препарати сифати ҳақида шубҳа туғилса, унда фармацевтик инспекцияга текширишга юборилиши лозим.

Кириш назорати натижалари махсус тасдиқланган дафтарга киритилади.

## **5.5. ДОРИХОНАДА ТАЙЁРЛАНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ САҚЛАШ МУДДАТЛАРИ**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томондан 21 апрель 2000 йилда тасдиқланган 195 – сонли Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари сифатини яхшилаш тўғрисидаги буйруққа асосан дорихона шароитида тайёрланадиган дори шакллариининг сақлаш муддатлари қуйидагича:

- таркибида глюкоза ва бензилпенициллин сақлаган сувли сувли эритмалар – 1 кун;

- куз томчилари – 2 кун;

- инъекциялари эритмалари -2 кун;

- кайнатма, дамламалар, шилимшиклар – 2 кун;

- эмульсиялар, суспензиялар – 3 кун

- бошқа дори шакллари – 10 кун.

Буйруқда бошқа дори шакллари: кўз томчилари тайёрлаш учун концентратлар, мазлар, ичиш учун микстура ва турли эритмалар, уларни тайёрлаш учун концентратлар, кукунлар, бурун томчилари ва сиртга ишлатиладиган эритмалар ва бошқа дори воситалар тайёрлаш учун яримфабрикатларни сақлаш муддатлари жадвал тарзида келтирилган.

Дорихона шароитида тайёрланидиган кўпгина дори воситаларини яроқлилиқ муддатлари одатда 60 кундан кўп бўлмаган муддатлар белгиланади.

Дорихонада тайёрланидиган дори воситалари сифат назорати натижалари қуйидаги дафтарларда расмийлаштирилади:

15. Органолептик, физик ва кимёвий сифат назорат натижаларини қайд этиш дафтари. Бу дафтарда назорат қилинган сана, тартиб номери, дори турининг таркиби, рецепт номери, назорат натижалари, дори тайёрловчиларнинг, текширувчининг имзолари бўлиши шарт.
16. Дори воситалари ҳақиқийлиги назорат қилиш натижаларини қайд этиш дафтари. Бу дафтарда назорат қилинган сана, тартиб номери, номи, тайёрловчи корхонанинг серия ва анализ номери, тўлдирилаётган штангласнинг номери, аниқланаётган модда, тўлдирувчи ва текширилувчиларнинг имзолари бўлади.
17. Дорихонада қадоқланган дориларни ва саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотларни органолептик, физик ва кимёвий сифат назорат қилишни қайд этиш дафтари. Дафтарда назорат қилинган сана, тартиб номери, қадоқланган серия номери, қадоқланган дорининг номи, тайёрлаган заводнинг серия номери, қадоқловчининг фамилияси, исми, шарифи, назорат натижалари, якуни, текширилувчининг имзоси бўлиши шарт.
18. Тозаланган сув сифатини назорат қилиш натижаларини қайд қилиш дафтари. Дафтарда олинган сана, назорат қилинган сана, тартиб номери, баллон ёки бюретка номери, ёт аралашмаларни текшириш натижалари (хлорид, сульфат, калций, аммоний, қайтарувчи модда, углерод ангидриди), текширувчининг имзоси бўлиши шарт.
19. Бюретка қурилмасидаги эритмалар ҳақиқийлигини текшириш натижаларини қайд этиш дафтари. Бу дафтарда сана, тартиб номери, бюреткалардаги эритмалар номи, текширувчининг имзоси бўлиши шарт.

Оргонолептик, физик ва кимёвий сифат назорат натижаларини  
қайд этиш дафтари

| Назорат қилинган сана | Тартиб номери, шунинг ўзи анализ № | Дори турининг таркиби | Шартли белгиси | Рецепт № | Назорат натижалари |                  |              | Дори тайёрловчиларнинг фамилияси, исми, шарифи | Текширувчининг имзоси |
|-----------------------|------------------------------------|-----------------------|----------------|----------|--------------------|------------------|--------------|------------------------------------------------|-----------------------|
|                       |                                    |                       |                |          | Органо-лептик      | физик ва кимёвий | ҳақиқий-лиги |                                                |                       |
| 1                     | 2                                  | 3                     | 4              | 5        | 6                  | 7                | 8            | 9                                              | 10                    |
|                       |                                    |                       |                |          |                    |                  |              |                                                |                       |

2-жадвал

Дори воситалари ҳақиқийлигини назорат қилиш натижаларини  
қайд этиш дафтари

| Назорат қилинган сана | Тартиб номери, шунинг ўзи анализ № | Номи | Тайёрловчи заводнинг серия ва анализ № | Тўлдирилаётган штангласнинг № | Аниқланаётган модда | Натижа | Имзолар    |            |
|-----------------------|------------------------------------|------|----------------------------------------|-------------------------------|---------------------|--------|------------|------------|
|                       |                                    |      |                                        |                               |                     |        | тўлдирувчи | текширувчи |
| 1                     | 2                                  | 3    | 4                                      | 5                             | 6                   | 7      | 8          | 9          |
|                       |                                    |      |                                        |                               |                     |        |            |            |

3-жадвал

Дорихонада қадокланган дориларни ва саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотларни оргонолептик, физик  
ва кимёвий сифат назорат қилишни қайд этиш дафтари

| Назорат қилинган сана | Тартиб номери, шунинг ўзи анализ № | Қадокланган серия № | Қадокланган дорининг номи | Тайёрланган заводнинг серия № | Қадокловчининг фамилияси, исми, шарифи | Аниқландиган модда | Натижа (қониқарли ёки қониқарсиз ) | Текширувчи имзоси |
|-----------------------|------------------------------------|---------------------|---------------------------|-------------------------------|----------------------------------------|--------------------|------------------------------------|-------------------|
| 1                     | 2                                  | 3                   | 4                         | 5                             | 6                                      | 7                  | 8                                  | 9                 |
|                       |                                    |                     |                           |                               |                                        |                    |                                    |                   |

4-жадвал

Тозаланган сув сифатини назорат қилиш натижаларини қайд этиш дафтари.

| Намуна<br>олинган<br>сана | Назорат<br>қилинган<br>сана | Тартиб<br>номери,<br>шунинг ўзи<br>анализ № | Баллон<br>ёки<br>бюретка<br>№ | Ўт аралашмаларни текшириш натижалари |                      |                      |                      |                        |                           | Қониқарл<br>и ёки<br>қониқарс<br>из | Текширув-<br>чининг<br>имзоси |
|---------------------------|-----------------------------|---------------------------------------------|-------------------------------|--------------------------------------|----------------------|----------------------|----------------------|------------------------|---------------------------|-------------------------------------|-------------------------------|
|                           |                             |                                             |                               | Хло-<br>рид<br>иони                  | Суль-<br>фат<br>иони | Каль-<br>ций<br>иони | Аммо-<br>ний<br>иони | кайтарувчи<br>моддалар | Углерод<br>ангидри-<br>ди |                                     |                               |
| 1                         | 2                           | 3                                           | 4                             | 5                                    | 6                    | 7                    | 8                    | 9                      | 10                        | 11                                  | 12                            |
|                           |                             |                                             |                               |                                      |                      |                      |                      |                        |                           |                                     |                               |

5-жадвал

Бюреткалар қурилмасидаги эритмалар ҳақиқийлигини текшириш натижаларини қайд этиш дафтари

| Сана | Тартиб № | Бюреткалардаги эритмалар номи               |                                             |                                             |                                            |                        |                          |  |
|------|----------|---------------------------------------------|---------------------------------------------|---------------------------------------------|--------------------------------------------|------------------------|--------------------------|--|
|      |          | натрий<br>бромиднинг<br>20 % ли<br>эритмаси | натрий<br>бензоатнинг<br>10% ли<br>эритмаси | водород<br>хлориднинг<br>10% ли<br>эритмаси | натрий карбо-<br>натнинг 5% ли<br>эритмаси | валериана<br>дамламаси | Текширувчининг<br>имзоси |  |
| 1    | 2        | 3                                           | 4                                           | 5                                           | 6                                          | 7                      | 8                        |  |
|      |          |                                             |                                             |                                             |                                            |                        |                          |  |

## **6. БОБ. ДОРИХОНАДА ҒАМЛАМАЛАР БЎЛИМИ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. ЛАБОРАТОРИЯ ВА ҚАДОҚЛАШ ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ**

### **6.1. ҒАМЛАМАЛАР БЎЛИМИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Ғамламалар бўлимининг асосий вазифалари дорихонага таъминотчилардан келтирилган дори воситалари ва бошқа тиббий буюмларни қабул қилиб олиш, сақлаш, уларни бошқа бўлимларга, даволаш-профилактика муассасаларига, ташкилотларга, шахобчаларига тарқатиш ҳамда лаборатория ва қадоқлаш ишларини амалга оширишдан иборат.

Ғамламалар бўлимининг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

4. дорихонани дори воситалар тиббиёт буюмларининг керакли ассортименти билан таъминланиб туришини кузатиб бориш, товар ғамламаларининг тўғри сақланишини ташкил этиш;
5. зарурий товарлар учун буюртма талабномалар тузиб, ўз вақтида дорихона омборига юбориш;
6. таъминотчилардан келган буюмларни қабул қилиб олиш;
7. бўлимдаги товарларнинг ҳаракати тугрисида ҳисобот тузиб бориш;
8. рецептсиз савдо бўлимига тегишли товарларни бериш;
9. ассистентлар хонасидаги штангласларни дори воситалари билан тўлдириб туриш;
10. дорихонага бириктирилган ДПМларга, дорихона шахобчаларига товарларни тарқатиш;
11. тарқатилган товарлар учун юк-хати ва бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.

### **6.2. ҒАМЛАМАЛАР БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ ОРАСИДА ШТАТЛАР ВА ВАЗИФАЛАРНИ ТАҚСИМЛАНИШИ**

Ғамламалар бўлимида фармацевт ва қадоқловчилар хизмат қилиб, улар бевосита бўлим мудури ва муовинларига бўйсинадилар.

Бўлимда фармацевт-технологнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бўлимдаги лаборатория ишларини олиб бориш, жумладан, концентрланган эритмаларини, ярим фабрикатлар, дорихонада ва тез-тез учраб турадиган рецептлар бўйича олдиндан дорилар тайёрлаш; қадоқловчилар ўртасида ишларни тақсимлаб, қадоқланган маҳсулотларни қабул қилиш;

товарлар сақлаш хоналарида Давлат фармакопеяси ва амалда тасдиқланган йўриқномаларнинг талабларига мувофиқ тўғри сақланишини таъминлаш;

штангласларни дори воситалари билан тўлдириб туриш;  
бириктирилган даволаш-профилактика муассасалари ва дорихона бўлимларидан тушган талабномалар асосида товарлар тўплаш;  
дори воситалари ва бошқа тиббий буюмларга буюртма тузишда қатнашиш, вақтинчалик йўқ бўлган дори воситаларига буюртма тузишда қатнашиш, вақтинчалик савдода бўлмаган ва янги қабул қилинган дори воситаларининг ҳисобини олиб бориш;  
дорихонага олиб келинган товарларни қабул қилишда қатнашиб, уларни сақланиш жойлари бўйича жойлаштиришни ташкил қилиш;  
бўлимда фармацевтик тартиб ва санитария меъёр ва қоидаларига риоя қилишни назорат қилиб туриш;

Қадоқловчилар эса қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

12. дори воситаларни қадоқлаш;
13. товарларни қабул қилишда ва бўлимларга тарқатишда қатнашиш;
14. тарозилардан, қадоқлаш ускуналардан тўғри фойдаланиб, уларни озода сақланишини таъминлаш;
15. фармацевт ва фармацевт ассистентларнинг ишлаб чиқаришга доир кўрсатмаларини бажариш.

Қадоқловчи бажарилган ишнинг сифати ва иш жойининг санитария ҳолати учун жавобгар ҳисобланади.

Ғамламалар бўлими дорихона омборхонасидан товарларни олиш учун буюртма-талабнома ёзади. Буюртма талабнома 2 нусхада омборхонанинг тегишли бўлимлари учун расмийлаштирилади. Таркибида захарли, гиёҳвандлик воситалари ва этил спирти бўлган дори препаратлари учун алоҳида буюртма талабномалар ҳар ойда режа асосида дорихона омборхонасига, айрим ҳолларда режадан ташқари шошилиш буюртмалар тузилади.

Ғамламалар бўлиmidан дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига товарларни талабнома юк-хатига мувофиқ берилади. Талабнома юк-хати 3 нусхада тўлдирилади. Унинг биринчи нусхаси товарлар ҳисоботига киритилиб, иккинчиси товарларни қабул қилган ходимга берилади, учинчи нусхаси эса уларни тарқатган моддий жавобгар шахсда қолади.

Ғамламалар бўлимида қуйидаги хоналар бўлади:

товарларни қабул қилиш хонаси;

тайёр дори воситаларини, иссиққа чидамсиз - термолабил дори воситаларини, минерал сувларни, ҳар хил идишларни, дори воситаларини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш ва беришда керак бўладиган ёрдамчи материаллар, доривор ўсимликлар ҳамда боғлов материалларини сақлайдиган хоналар.

Айрим дорихоналарни ғамламалар бўлимида лаборатория ва қадоқлаш ишларини бажариш учун алоҳида хона бўлиб, унда концентратлар, ярим фабрикатлар тайёрлаш ва қадоқлаш ишлари бажарилади. Уларни бажариш учун эса ҳар хил кичик механизация воситаларидан фойдаланилади.

Ғамламалар бўлимидаги дори воситалари Давлат фармакопеяси талабларига мувофиқ сақланади. Дори воситаларининг сақлаш қоида ва шартларига аниқ риоя қилинса, уларнинг бузилиш ҳолларини олди олинади. Дори воситаларини сақлашда уларни токсикологик хоссалари, фармакологик гуруҳлари, қўлланиш усуллари, агрегат ҳолатлари, яроқлилиқ муддати таъсирчанлигига асосан гуруҳларга таснифланади.

Ёруғликка сезгир препаратлар тўқ зарғалдоқ рангли шиша идишларда, баъзида ёруғлик ўтказмайдиган қора қоғоз ёпиштирилган штангласларда сақланади.

Намликка сезгир препаратлар куруқ жойларда сақланади.

Резина буюмлари салқин хоналарда, қоронғи шкафларда ва тоқчаларда сақланади. Улар сақланадиган хоналар ва шкафлардаги намлик 60% дан кам бўлмаслиги керак. Унинг учун карбон кислотасининг эритмаси ва резина буюмларини эластиклигини сақлаш мақсадида аммоний карбонат ёки хлорид, очиқ идишларда қўйилади.

Боғлов материалларини куруқ ёруғ хоналарда алоҳида шкаф тортмаларида сақланади. Уларни сақлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб қилинади.

Гиёҳванд, заҳарли дори воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар, этил спирти алоҳида шарт-шароитларга риоя қилинган ҳолда сақланади. Ушбу дори воситалари сақланадиган хоналар ёруғлик ёки товуш сигнализацияси билан таъминланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар сақланадиган сейфларнинг иккитадан калити бўлиши лозим. Уларнинг бири жавобгар шахсда, иккинчиси эса мудирда бўлади. Гиёҳванд дори воситалари сақланадиган сейфларда уларни ўлчаш учун қўл тарозилари, дори воситаларини тайёрлаш учун ховонча, цилиндр, воронка бўлиши шарт.

Прекурсорлар сақланадиган хоналарда табиий вентиляция бўлиши лозим.

Прекурсорлар сақланганда чанг билан ифлосланмаслик ва бошқа чораларни кўриш керак, акс ҳолда портлаш ходисаси рўй бериши мумкин. Этил спирти аланга олувчи препаратлар қаторига киргани учун, уни оғзи маҳкам ёпиладиган идишларда ёруғликдан ҳимоя қилинган ҳолда, салқин жойларда, алоҳида хоналарда сақланиши керак.

Смена тугагач, юқорида қайд этилган моддалар сақланадиган хоналар ёпилиб, муҳрланади ёки пломбланади.

Ғамламалар бўлимида бажарилган лаборатория ва қадоқлаш ишлари “Лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш дафтари”да қайд этилади. Бу дафтарда лаборатория иши учун берилган дори воситаларнинг номи, ўлчов бирлиги, миқдори, баҳоси, умумий нарҳи билан биргаликда тайёрлаб, қадоқлаб топширилган маҳсулотларнинг серияси, ўлчов бирлиги, номи, миқдори, баҳоси, умумий нарҳи, хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг нарҳлари орасидаги фарқлар

акс эттирилади, ҳамда ишни бажариб сифатини текшириб қабул қилиб олган шахсларнинг имзолари қўйилади.

Дорихоналарда ходимларнинг иш фаолиятини енгиллаштириш учун олдиндан концентратлар, яримфабрикатлар тайёрланади:

50% ли глюкоза, 20% ли натрий бромид, 20% ли магний сульфат, 10% ли калий йодид, димедролнинг 1% ли, бор кислотасининг 2% ли, натрий тиосульфатнинг 60% ли, натрий хлориднинг 0,9% ли эритмалари ва ҳоказо.

Тайёр дори воситалари бўлими ҳар хил секцияли шкафлар, столлар ва пештахталар билан жиҳозланади, ундан ташқари термолабил дори воситалари учун музлатгичлар, захарли, гиёҳвандлик воситалари учун эса қулфланадиган темир сейфлар бўлади. Бўлимни мудир ва унинг ўринбосарлари – олий маълумотли фармацевтлар бошқаради.

Дорихонадаги дори воситаларини ва бошқа тиббий буюмларни рецептсиз берадиган бўлим ҳам кутиш залига жойлаштирилади. У ҳар хил тўсиқлар билан ажратилган бўлади. Рецептсиз савдо бўлимини эса ўрта махсус маълумотли фармацевт – ассистенти бошқариши мумкин. Бу бўлимнинг вазифаси аҳолига врач рецептсиз беришга руҳсат этилган дори воситалари, гигиена буюмлари ҳамда бошқа тиббиёт ва беморлар парваришида ишлатиладиган буюмлар билан савдо қилишдан иборат.

### **6.3. ДОРИХОНАДА ТОВАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚА БЎЛИМЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ**

Ғамламалар булими дорихона омборидан буюмларни олиш учун буртма–талабнома ёзади. Буюртма–талабнома уч нусхада омборнинг тегишли булимлари учун расмийлаштирилади.

Таркибида захарли, гиёҳванд моддалар ва этил спирти бўлган дори воситалари учун алоҳида буюртма – талабномалар ҳар ойда режа асосида дорихона омборига юборилади.

Ғамламалар булимидан дорихонанинг бошқа булимларига ва дорихона шахобчаларига буюмларни талабнома юк - хатига мувофиқ берилади. Талабнома юкхати уч нусхада тулдирилади. Биринчи нусхаси товарлар ҳисоботига киритилади. Иккинчи нусхаси товарларни қабул қилган шахсда қолади. Учинчи нусхаси эса уларни таркатган моддий жавобгар шахсда бўлади.

Ғамламалар бўлимида расмийлатриладиган ҳужжатлар намуналари 1-3 жадвалда келтирилган.

-----сонли буюртма талабнома

Хос рақами

Юк жўнатувчи: дорихона омборхонаси  
бўлими----- Хос рақами

Юк қабул қилувчи: -----сон дорихона

Хос рақами

Тўловчи Хос рақами

Жараён тури Хос рақами

Назорат сони

Хос рақами

| Сатр<br>номери | Товар-<br>нинг<br>хос ра-<br>қами | Хақиқий<br>жўнати-<br>ладиган<br>товар-<br>нинг<br>миқдори | Нарҳи  |              | Товар-<br>нинг<br>номи,<br>хос ра-<br>қами | Ўлчов<br>бирлиги,<br>хос ра-<br>қами | Талаб<br>қилинди | Рухсат<br>берилди |
|----------------|-----------------------------------|------------------------------------------------------------|--------|--------------|--------------------------------------------|--------------------------------------|------------------|-------------------|
|                |                                   |                                                            | Чакана | Улгур-<br>жи |                                            |                                      |                  |                   |
| 01             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 02             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 03             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 04             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 05             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 06             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 07             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 08             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 09             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |
| 10             |                                   |                                                            |        |              |                                            |                                      |                  |                   |

ва ҳоказо

Дорихона мудир ----- Тиббий товарларни тарқатиш  
/имзо/ бўйича масъул ходим -----

Таъминот бўлими

бошлиғи /савдо бўлими/ ----- Дорихона омборининг сақ лаш бўлим мудир .

-----  
/имзо/

Дорихона  
Таъминотчи ----- комиссия таркиби раис, аъзолар  
№ счёта бўйича таъминотчидан, сифат ва миқдор бўйича олинди.

| № | Номла-<br>ниши | Код | Серия | Анализ | Сақлаш<br>мудда-<br>ти | Ўлчов<br>бирли-<br>ги | Миқ-<br>дори<br>(фак-<br>тик) | Хуж-<br>жат<br>бўйи-<br>ча<br>миқ-<br>дор | Омбор-<br>хона<br>нарҳи | Омбор-<br>хона<br>сумма-<br>си | Сотиш<br>нарҳи | Сотиш<br>сумма-<br>си | База<br>нарҳи | Камо-<br>мад |
|---|----------------|-----|-------|--------|------------------------|-----------------------|-------------------------------|-------------------------------------------|-------------------------|--------------------------------|----------------|-----------------------|---------------|--------------|
|   |                |     |       |        |                        |                       |                               |                                           |                         |                                |                |                       |               |              |

ЮК ХАТИ

|                   |                                       |
|-------------------|---------------------------------------|
| Ғамламалар бўлими | Дорихонанинг бўлимига ёки шахобчасига |
|-------------------|---------------------------------------|

| № | Номланиши | Шифри | Серияси | Яроқлилиқ<br>муддати | Ўлчов<br>бирлиги | Миқдори | Омбор-<br>хона<br>нарҳи | Сотиш<br>нарҳи | Суммаси |
|---|-----------|-------|---------|----------------------|------------------|---------|-------------------------|----------------|---------|
|   |           |       |         |                      |                  |         |                         |                |         |

Жами

Товар берилди. ----- Товар олинди. -----

#### **6.4. ЛАБОРАТОРИЯ ВА ҚАДОҚЛАШ ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ**

Дорихоналарда тайёр дори воситалари миқдорини ошириш, экстенпорал тайёрлашни тезлаштириш учун лаборатория ва қадоқлаш ишлари олиб борилади, улар “лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш китобида (дафтарида)” расмийлаштирилади. Улар номерланган, шнурланган, муҳрланган бўлиши, уларда юқори ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчининг имзолари бўлиши шарт. Китобдаги барча ёзувлар маълум бир вазифалар бажарилгандан сўнг ёзилади.

Агар иш куни мобайнида дори воситаларини қадоқлаш тугатилмаган бўлса, маҳсулотни қадоқлаб бўлинган қисми китобда расмийлаштирилиши шарт.

Лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш бу ишлардаги пайдо бўлиши мумкин бўлган фарқларни аниқлайди, қадоқлаш ишлари учун белгиланган табиий йўқотиш меъёрининг суммасини кўрсатади.

Аҳолидан олинган рецептлар бўйича тоза ҳолда берилган спиртнинг нархи ва миқдори лаборатория ишларини ҳисобга олиш китобида кундаги ҳисобланган рецептлар асосида ёзилади. Аҳолига берилган тоза ҳолдаги дистилланган сувнинг миқдори ва нархи ҳам шу китобда ҳисобга олиб борилади.

Ойнинг охирида дори воситаларини тайёрлаш ва қадоқлаш ишларига жавобгар шахслар “лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш китоби” бўйича қадоқланган суюқликлар, кукунлар, дозаланган порошоклар, мазлар, тайёр дори воситалари, таблеткалар, ампулалар, драже ва бошқалар миқдорларини ҳисоблайдилар.

Лаборатория ва қадоқлаш ишлари бўйича берилган хом ашё ва тайёр маҳсулот орасидаги аниқланган фарқлар бир нусхада расмийлаштириладиган маълумотномада дорихона товар ҳисоботининг кирим ва чиқим қисмида акс эттирилади. Лаборатория ва қадоқлаш ишлари бўйича ҳисоб – назорат гуруҳининг ходими томонидан (кўп чиқиш) ва (кам чиқиш) маълумотномасини текширилганда ой якуни чиқарилганлигини тўғрисида тасдиқловчи имзо чекади.



-----сон дорихона

ЛАБОРАТОРИЯ ВА ҚАДОҚЛАШ ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ДАФТАРИ.

----- да бошланди ----- да тугалланди.


[illegible]

## 7. БОБ. ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ НАЗОРАТ-РУХСАТНОМА ТИЗИМИ

### 7.1. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ НАЗОРАТ-РУХСАТНОМА ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика хизматининг назорат-руҳсатнома тизими - дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, тиббий-профилактик ва тиббий-косметик воситаларнинг сифатини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини белгиловчи ташкилий тузилмадир.

**Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш давлат тизимининг ташкилий тузилмаси**



Назорат–руҳсатнома тизимининг асосий вазифаси - дори воситаларини тиббиёт амалиётида ишлатиш учун руҳсат бериш ва татбиқ этиш босқичида тўлақонли ўрганилишини таъминлаш, корхоналар томонидан сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки мамлакатга хориждан олиб келиниши, сақланиш ва сотиш (тарқатиш) шароитларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш оқибатлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилишдир.

Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида уларнинг сифатини таъминлашга бўлган талабларни доимий равишда ўсиб боришининг сабаби ушбу воситаларнинг сифати уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги билан узвий равишда боғлиқлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, дори воситалари сифатининг таъминланиши ҳар бир бемор ва бутун бир жамиятнинг хавфсизлиги таъминланишининг кафолатидир.

**Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика хизматининг назорат-руҳсатнома тизимининг шаклланиш босъичлари**

|                    |                                                                                                                                                                                                  |
|--------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1992 й. 6 март     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармакология ва фармакопоя лъҳмталарини ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши                                           |
| 1995 й. 25 май     | Соғлиқни сақлаш вазирлиги лъошида Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат лъилиш бош бошлърмасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 181-сон лърори |
| 1995 й. 25 май     | Фармакопоя лъҳмитаси “Ўзфармсаноат” тасарруфидан чиъларилиб, Бош бошлърма таркибига киритилиши                                                                                                   |
| 1996 й. 13 февраль | Бош бошлърма лъошида тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш идорасини ташкил этиш.                                                                                                              |
| 1997 й. 25 апрель  | Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги лъонун                                                                                                            |

Назорат-руҳсатнома тизимининг ташкил этилиши ва ривожланишини шартли равишда III босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда (1992-1995) давлат миқёсидаги дори воситаларининг сифати ва хавфсизлигининг назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги фармакология ва фармакопоя кўмиталари зиммасига юклатилган эди. Республикамизда фармацевтика соҳасининг ривожланиб бориши, хориждан келтирилаётган ва маҳаллий ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг номенклатурасининг кўпайиши, фармацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт буюмлари сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимида ягона давлат сиёсатини таъминлаш заруратини белгилади.

Шу даврда мустақил Ўзбекистоннинг фармацевтика тизимида дори воситалари ва тиббий техника сифатини регламентлаштириш бўйича қуйидаги асосий йўналишлар белгиланди:

Ўзбекистон Республикасининг миллий дори сиёсатини шакллантириш ва ривожланишини таъминлаш;

Дори воситалари муомаласи тартибининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ҳалқаро амалиёт тажрибасига таянган ҳолда янгилаш;

Самарадорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш ягона давлат тизимини ташкил этиш;  
Фармацевтик ва тиббий маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқариш, лицензиялаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш;  
Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорига ностандарт, қалбаки ва сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси ташкил этилди (1995 й.).

Биринчи миллий “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри” (1995 йилда) тузилди ва чоп этилди. “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри” Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили нашр этилади ва дори воситаларининг муомаласи билан шуғулланувчи барча муассаса ва ташкилотлар учун расмий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

“Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри”га Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида расмий қайд этилган чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг дори воситалари, тиббий техника ва тиббиёт буюмлари, даволаш-диагностика воситалари ҳамда субстанцияларнинг тўлиқ рўйхати киритилган. Реестрда савдо номи ва ишлаб чиқарувчи фирма номининг ўзгариши ва бошқа сабаблар муносабати билан қайта қайд этилган дори воситалари ҳамда шу йилларда қайд этилганлиги бекор қилинган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳам акс эттирилади.

Дори воситаларининг назорат-руҳсатнома миллий хизматининг ташкил этилиши ва ривожланишида иккинчи босқич (1996-2000 йй.) алоҳида ўрин тутди. Хорижий давлатларнинг дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби бўйича амалий тажрибаларини умумлаштириб, дори воситаларига қўйиладиган мавжуд талаб ва экспертиза тизимларини таҳлил этиб, маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатимизда дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш) тизимини такомиллаштириш учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Дори воситалари ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш - қайд этишнинг янги қоидалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Қайд этиш тартибида рўй берган асосий ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” (1997 й.) ва “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” (1999 й.) ги кучга кирган қонунларига мувофиқ белгиланди. Қабул қилинган қонунлар ёрдамида дори, профилактика ва диагностика воситаларининг хавфсизлиги, самарадорлиги ва сифатини таъминлаш учун ҳуқуқий асослар белгиланди.

Миллий назорат-рухсатнома тизими ривожланишининг учинчи босқичи (2001 й. бошлаб), экспертиза ўтказиш тактикаси, талаб ва муддатлари, клиник синовлар тартиби ўзгарган пайтда рўй берди, лекин учта тамойил ўзгармай қолди:

Дори воситаси инсон хавфсизлигининг барча замонавий талабларига жавоб бериши лозим;

Дори воситаси касалликни даволашда самарали бўлиши лозим;

Давлат назорати остидаги янги дори воситаларининг меъёрий техник ҳужжатлари, таҳлили, клиник синовлари ва экспертизаси бўйича қабул қилинган ҳужжатлар тартиби халқаро қоидалар ва стандартлар талабига жавоб бериши лозим.

Шундай қилиб, халқаро фармацевтик регламентлаштириш талабларига мувофиқ равишда Республикамизда дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини белгиловчи назорат-рухсатнома тизими фаолиятини такомиллаштириш жараёни узлуксиз равишда олиб борилмоқда.

Фармацевтика маҳсулотлари, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги №181-сон Қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси (ДВ ва ТТСНББ) ташкил этилди.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси ҳисобланиб, ўзининг фаолиятида ҳукумат фармонлари, қонунлар, қарорлар, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияномаларига вазирлик буйруқ ва йўриқномаларига амал қилади.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармасининг вазифалари:

Дори воситалари, тиббиёт буюмлар ва тиббий техника сифатининг давлат назоратини ташкил этиш ва стандартлаштириш;

Дори, профилактика ва диагностика воситаларининг экспертизасини, клиникагача ва клиник синовларини, ҳамда тиббий техника ва тиббиёт буюмларининг клиник ва техник синовларини ташкил этиш;

Дори, профилактика ва диагностика воситалари ва буюмларига оид меъёрий-техник ҳужжатлар - фармакопея мақолалари (ФМ), вақтинча фармакопея мақолалари (ВФМ), спецификациялар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ва экспертизасини ташкил этиш;

Маҳаллий ва хорижий дори, профилактика, диагностика воситалари, тиббий техника, тиббиётда қўлланиладиган буюмларни сертификатлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

Давлат фармакопеяси, Давлат реестри ва бошқа меъёрий ҳужжатларни нашр этишга тайёрлаш ва чоп этилишини ташкил этиш;

Дори воситаларининг муомаласи соҳасида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга илмий-услубий хизматлар кўрсатиш.

Бош бошқарма олдига дори воситалари бозоридаги вазиятнинг систематик таҳлили, янги дори воситалари, тиббиёт жиҳозлари ва буюмларини рўйхатдан ўтказиш, маълум воситаларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва тадқиқотлар ўтказиш тизимини қайта ишлаш вазифалари туради.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси таркибига: Фармакология ва Фармакопея қўмиталари, Дори воситаларини экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази, фармацевтик назорат бўлими, гиёҳвандлик воситалари назорати ва янги тиббий техника бўйича қўмиталари дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмларни қайд этиш бюроси каби таркибий тузилмалар киради.

**Фармакология қўмитаси** дори, диагностика ва профилактика воситаларини тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида уларнинг (клиникагача ва клиник) синовларини ўтказиш учун белгиланадиган талабларни ишлаб чиқиш, бу синов натижаларини таҳлил қилиш, дори воситаларининг тиббиёт амалиётига татбиқи учун тавсиялар ишлаб чиқиш каби йўналишлар бўйича фаолият юритувчи орган ҳисобланади. Шунингдек Фармакология қўмитаси самарасиз ва эскирган дори воситаларини Давлат Реестридан чиқаришга тавсия этиш вазифасини ҳам бажаради.

Фармакология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар бўйича эксперт органи ҳисобланади.

Фармакология қўмитаси ҳамма янги дори воситаларини клиник синовдан ўтказиш учун руҳсат бериш, янги дори воситаларини тиббий амалиётга қўлланилишига ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришга тавсия қилиш, эскириб қолган дори воситаларини тиббий амалиётдан чиқариш тўғрисида тавсия бериш вазифаларни бажаради, шунингдек ҳамма хориждан келтирилган дори воситаларига ҳам клиник тадқиқотларини олиб боради.

- Фармакология қўмитаси тавсиялари Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул Бош бошқармаси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

Ундан ташқари фармакология қўмитаси қуйидаги масъулиятлар юклатилади:

- янги дори воситаларини ва янги дори шакллари клиник синовдан ўтказиш учун руҳсат бериш;

- янги дори воситалари ва шакллари амалиётда қўлланилиши, ёки қўлланилмаслиги тўғрисидаги тавсияномани кўриб чиқиб уни тасдиқлаш;

- янги дори воситалари учун берилган номларни кўриб чиқиб, берилган номни тасдиқлашга тавсия қилиш;

- янги дори воситаларини юқори бир маротабалик ва юқори суткали дозаларини аниқлаб тасдиқлаш, қайси гуруҳга мансуб бўлишини аниқлаш;

- эскириб қолган дори воситаларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш тўғрисидаги тавсияни тайёрлаш;

- янги дори воситалари ва шакллари тиббиёт амалиётида қўллаш ва ишлаб чиқариш учун тавсияномаларни тайёрлаш;

Ушбу фаолиятларни амалга оширишда қўмита томонидан олдиндан текшириш, тажрибалар ўтказиш ва тегишли адабиётлардан аниқланишига мухтож бўлган дори воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг

тегишли комиссиялари, илмий текшириш институтлари мутахассисларига тегишли хулоса чиқариш учун юборилади.

Экспериментал тажрибалар ва клиник синовлар ўтказиш учун алоҳида клиникалар, шифохоналар ва лабораториялар ажратилади. Буларни рўйхати эса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Фармакология қўмитаси мунтазам равишда янги дори воситалари тўғрисида расмий маълумотларни чоп этади.

Фармакология қўмитаси ўзининг ваколати доирасида илмий текшириш институтларини ва олий таълим муассасалари илмий кенгашлари билан боғланиб туради. Қўмитаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон Республикаси “Ўзфармсаноат” концерни ва бошқа тегишли маҳкама ва ташкилотлар билан бирга ҳамкорликда олиб боради.

Дори воситасининг **клиникагача синов**и унинг фармакологик таъсирини (дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари) ўрганиш, шу жумладан тажриба хайвонларида синаш ва дори шаклини яратиш мақсадида ўтказилади. Клиникагача синовнинг асосий мақсади дори воситасининг етарли равишда самарадорлигини ва организмга бўлган ножўя таъсирлар даражасини аниқлашдир.

**Клиник синов** – дори воситаси самарадорлиги ва хавфсизлиги беморларда аниқланиши ёки тасдиқланишидир, бу синовлар фармакология қўмитасининг клиник базаларида шартнома асосида ўтказилади. Клиник синовларни ўтказиш тартиби ва босқичлари ЎзР ССВ нинг 2001 йил 25 июль 334-сон буйруғига биноан тасдиқланган.

Клиник синовнинг I босқичи –дори воситасининг хавфсизлигини дастлабки баҳолаш ҳамда унинг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини розилик билдирган катта ёшлик беморларда ўрганиш асосида даволаш дозаларининг бошланғич схемасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг II босқичи дори воситасининг терапевтик самарадорлигини ва қисқа муддатдаги хавфсизлигини баҳолаш, муқобил терапевтик дозаларни, самарадорликнинг дозаларга боғлиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг III босқичи одатда дори воситаси қайд этилгандан сўнг ўтказилиб, бунда унинг терапевтик самарадорлиги ва хавфсизлиги тасдиқланиб, узок муддатли нохуш ёки бошқа касалликларга боғлиқ таъсирлари аниқланади.

Клиник синовнинг IV босқичи дори воситасининг бозордаги муомаласи бошлангандан сўнг ўтказилади. Бу синовларнинг мақсади – дори воситасининг терапевтик аҳамиятини, унинг келажақдаги қўлланиш стратегиясини белгилаш, ҳамда ножўя таъсир доираси, бошқа дорилар билан мутаносиблиги бўйича қўшимча маълумотлар олишдир.

**Фармакопоя қўмитаси** дори, диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек фармацевтикада ишлатиладиган ёрдамчи воситаларни, стандартларни экспертизадан ўтказувчи, амалиётга жорий этилишини таъминловчи бўлиmdir.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакопея қўмитаси вазирликнинг 1992 йил 14 апрелидаги 227-сон буйруғига биноан биринчи марта Тошкент фармацевтика институти қошида ташкил этилди. 1994 йил 22 июлида “Ўзфармсаноат” Давлат-акционерлик концерни тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сон “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан Фармакопея қўмитаси “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни ихтиёридан қайта Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тасарруфига ўтказилди ва шу кунга қадар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси таркибида фаолият юритмоқда.

Фармакопея қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Дори, диагностика, профилактика воситаларини яратувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган меъёрий-техник ҳужжатлар (МТХ) лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, уларнинг сифатини талаблар даражасига қўтариш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясини чоп этишга тайёрлаш; Дори ва ёрдамчи воситаларга қўйиладиган умумий стандарт талаблари ва назорат усуллари яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;

Республикадаги дори воситалари назорат-таҳлил лабораториялари, дорилар муомаласига алоқадор бўлган ташкилот ва муассасаларни МТХлар билан таъминлаш;

Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, сифат назоратини амалга ошириш, сақлаш бўйича бошқарув ҳужжатлари ва йўриқномаларни тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш.

**Тайёрланган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ва расмийлаштириш ишлари Фармакопея қўмитаси президиуми хулосаси асосида олиб борилади.**

**Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси**

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси - гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ноқонуний муомаласининг олдини олиш бўйича фаолият олиб боровчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ҳисобланади.

Қўмитанинг вазифалари:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

1961, 1971 ва 1988 йиллардаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциялари тавсияномаларига мос равишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар рўйхатини кўриб чиқишда қатнашади;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомаласи устидан назорат қилишни таъминлайди; вазирликлар, ташкилотлар буюртмалари асосидаги тиббиёт ва илмий

максадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат қилади;  
гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш бўйича юридик шахсларнинг аризаларини кўриб чиқади;  
гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради;  
гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар экспертизасининг янги усулларини баҳолашда қатнашади;  
Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситаларга бўлган эҳтиёжини жамлайди ва БМТ нинг гиёҳвандлар назорати қўмитасига квота ажратиши учун юборилади;  
БМТ нинг гиёҳвандлик воситалари муомаласи бўйича ҳалқаро гиёҳвандлик назорати қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Дори воситаларини экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази (ДВЭ ва СДМ) Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли қарорининг ижроси сифатида ЎзР ССВнинг 1995 йил 6 июндаги 250-сонли буйруғига биноан ЎзР ССВ қошидаги дори воситаларни стандартлаштириш ва сифатини назорат қилиш лабораторияси базасида ташкил этилган.

ДВЭСДМ асосий вазифаси Республикада ишлаб чиқарилган ва импорт бўйича келтирилади дори, профилактика, диагностика воситалари ва тиббий техника, тиббиётда ишлатиладиган буюмлар ва даволаш-озиклантириш маҳсулотларининг сифатини давлат назоратидан ўтказиш; дори воситаларини стандартлаштириш, сифатни назорат қилиш усулларини такомиллаштириш, янги усулларни ишлаб чиқиш ва шунингдек, янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш.

ДВЭСДМ ўз таркибида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

Дори воситаларини ва сифат назорати стандартлаштириш лабораторияси;  
Фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси;  
Вакцина, зардоб воситалари ва микробиологик тадқиқотлар лабораторияси;  
Тиббий техника сифатини назорат қилиш лабораторияси;  
Илмий-услубий ва ахборот бўлими.

Давлат маркази лабораториялари дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш учун АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларнинг етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ускуналари билан жиҳозланган, Дори воситаларини сертификатловчи орган ҳисобланади. Андижон, Самарқанд, Ургенч ва Қарши шаҳарларида Давлат марказининг филиаллари мавжуд.

Дори воситалари стандартизацияси ва экспертизаси давлат марказида илмий – услубий ва ахборот ҳамда сертификатлаштириш бўлимлари мавжуд.

**Янги тиббий техника қўмитаси** - Республикага олиб кириладиган ва Республикада яратилган янги тиббий техникани таҳлил ишларини амалга ошириб, қайд этиш руҳсатномасини тайёрлайди, бу қўмита ишида тиббий техника жихозлари ва маҳсулотлари сифатини назорат қилиш лабораторияси ёрдам беради.

Янги тиббий техника қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг таркибий қисми бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббиёт амалиётида қўлланиладиган тиббий техника, тиббий ашёлар, ҳамда ташхис воситаларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг экспертизаси, стандартлаш, қайд этиш ва қайта қайд этиш фаолиятини олиб боради.

Тиббий техника, тиббий ашёлар ва ташхис воситалари, касалликларни олдини олиш, даволаш, тиббий муолажа, ҳамда ташхис қуйиш мақсадида қўлланиладиган, асбоб, анжомлар, мосламалар, кўрилмалар ва ёрдамчи воситалар бўлиб, улар тиббиёт мақсадларида қўллашга мўлжалланган.

Қайд этиш жараёни маҳаллий ҳамда хорижий тиббий техника, тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситаларининг ҳалқаро стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини аниқлашга ва уларни тиббиёт амалиётида қўллашга босқичма - босқич руҳсат этишга қаратилган бўлиб, қуйидаги талабларни ўз ичига олади:

меъёрий - техник ҳужжатлар экспертизаси;

техник синовлар;

лаборатория синовлари;

тиббий синовлар;

кимёвий токсикологик, микробиологик тадқиқотлар;

кимёвий, токсикологик, микробиологик тадқиқотлар, техник лаборатория ва тиббий синовлар далолатномалари таҳлили;

тиббий ашёни ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўллаш таклифини киритиш;

қайд этиш гувоҳномасини расмийлаштириш;

қайд этилган ашёни Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритиш.

Янги тиббий техника қўмитаси вазибалари:

- янги тиббий техника, тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситалари меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг техник талаблари ва синовлари лойиҳаларини белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этиш;
- экспертлар ҳулосалари, лаборатория текширувлари ва техник синовлар натижалари асосида тиббий техника, ашёлар ва ташхис воситалари клиник синовларига руҳсат бериш;
- синов натижаларини кўриб чиқиш ва улар асосида тиббий техника, тиббий ашёлар, ҳамда ташхис воситаларини қайд этиш ва тиббиёт амалиётида қўллаш масаласини ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- янги тиббий техника, тиббий ашёлар, ҳамда ташхис воситаларини ишлаб чиқариш учун тавсияномалар бериш;

- тиббий ашёлар ишлаб чиқарилишини такомиллаштириш ёки тўхтатишга тавсиялар бериш мақсадида тиббий ашёлар номенклатурасини қайта кўриб чиқиш;
- янги тиббий техника, тиббий ашёлар ва ташхис воситаларини тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этиш, эскирган ва амалиётга жорий этилмаган тиббий ашёларни рўйхатдан чиқариш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;
- янги тиббий техника, тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситаларини стандартлаш ва сифат назорати бўйича услубий қўлланма, бюллетень, ахборот хати, йўриқнома ва бошқарув ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлашга тайёрлаш;
- маҳаллий ва хорижий тиббий техника, тиббий ашёлар, ҳамда ташхис воситалари клиник ва техник синовларини белгиланган тартибда ўтказиш учун таянч клиникалар, марказлар рўйхати тайёрлаш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- тиббий техника, тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситаларининг янги меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, бекор қилиш, техник шароитларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш ёки чегаралаш борасида ўз таклифларини киритиш;
- тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тиббий техника, тиббий ашёлар, ҳамда ташхис воситалари рўйхатларини мунтазам кўриб чиқиш, янгиларини ўз вақтида Давлат реестрига киритишни таклиф этиш, эскирган, муомаласи тўхтатилган ашёларни рўйхатдан чиқариш;
- тиббий техника, тиббий ашёлар, ҳамда ташхис воситалари экспертизасини ўтказиш учун тегишли ташкилот ва муассаса ходимларини ва муассаса раҳбарларининг розилиги асосида экспертиза ўтказишга жалб этиш.

Қўмита қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тиббий техника, ашёлар ва ташхис воситалари сифати ҳақидаги тегишли маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар ва улар наъмуналарини корхоналар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларидан олиш;
- давлат реестрига киритилмаган ва Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилмаган тиббий техника ва тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва олиб кириш, улардан фойдаланишни таъқиқлаш ҳақида юқори ташкилотларга хабар бериш;
- тиббий техника, тиббий ашёлар ва ташхис воситаларини ишлаб чиқаришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш борасида таклифлар киритиш;

Қўмита ишларини бажариш учун шартнома асосида тегишли соҳа мутахассисларидан ташкил топган экспертлар гуруҳлари тузиб ўз иш фаолиятларини юритади.

**Илмий услубий ва ахборот бўлими** – Республикада фармацевтика соҳаси бўйича илмий – амалий янгиликларни мазкур соҳа мутахассисларига ва аҳолига етказиш билан шуғулланади. Ушбу вазифалар “Ўзбекистон

фармацевтика хабарномаси” ва ҳар йили бир марта чиқариладиган “Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри”ни тайёрлаш ва чоп этиш йўли билан амалга оширилади.

**Сертификатлаштириш сектори** тиббиёт буюмлари ва дори воситаларига мувофиқлик сертификатини беради.


**Фармацевтик назорат бўлимининг** асосий вазифаси - дори воситалари ва тиббий буюмлари бўйича сифат стандартлари талабларини бажарилишини, шу жумладан сертификатланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва қўллаш жараёнида назоратни амалга оширади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фармацевтика ва тиббий маҳсулотларга қўйиладиган давлат ва тармоқ стандартларининг (фармакопея мақолалари, техник шартлар, ишлаб чиқариш регламентлари, технологик йўриқномалар ва бошқа техникавий ва меъёрий ҳужжатлар) талабларига риоя этилишини назорат қилади. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқарилаётган, ҳамда, сотилаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини амалдаги стандартларга риоя этилишини назорат қилади. Дорихона муассасаларида дори воситаларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш жараёнларида амалдаги стандартларга риоя этилишини назорат қилади. Фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи ваколатланган назорат-таҳлил лабораторияларида амалдаги стандартларга риоя этилишини назорат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда Бош бошқарманинг сифатни яхшилаш ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилишини ва сотилиши олдини олиш бўйича ёзма кўрсатмалари бажарилишини назорат қилади. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатига тааллуқли бўлган аризалар ва шикоятлар бўйича Бош бошқарма орқали қонунда белгиланган тартибда чораларни кўради.

Фармназорат бўлими ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фармацевтика фаолияти бўйича лицензия комиссияси ишида иштирок этади, яъни Фармназорат бўлимининг ваколатлари доирасида Фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг шарт-шароитларига эксперт хулосаларини беради. Фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомини ва лицензия шартномалари талабларини бажарилишини назорат қилади.

## Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминовчи фармацевтик секторни бошқариш тузилмаси

Сифат стандартлар назорати тизими ўз ичига ўз ўрнида қамраб олади:  
Фармацевтика ишлаб чиқариш  
Дори воситаларини тайёрлаш  
Тайёрлашдан кейинги назорат  
Дори воситалар сифатини назорат қилиш  
Дори воситаларини хориждан келтиришдаги назорат  
Дори воситалари муомаласининг инспекцион назорати;  
Ножуъ таъсирлари мониторинги  
Лицензиялаштириш ва сертификатлаштириш



**Малака ошириш бўлимида** – Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP) қоидалари ва талаблари асосида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларини қайта тайёрлаш ташкил этилган.

**Метрология бўлими** – сертификация бўлимига синов ўтказиш учун топширилган тиббий буюмлар ва техниканинг меъёрий ҳужжатларга мослигини синовлар асосида текширади.

**Қайд этиш бюроси** – чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тавсия этилаётган дори воситалари ва тиббий техникани Республикада сотишга руҳсат этиш учун қайд этиш ҳужжатларини расмийлаштиради.

ЎзР амалдаги қонунчилигига мувофиқ дори воситалари (субстанциялар) ўрнатилган тартибда уларни рўйхатдан ўтказилгандан сўнггина тиббиёт амалиётида қўлланиши мумкин. Рўйхатга олишдан аввал ССВ томонидан тасдиқланган қоидалар (“МДХ ва хорижий давлатлар дори воситалари ва субстанцияларининг экспертизаси, клиник синовлари, рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби” йўриқномаси 1998 й.)га мувофиқ ўтказиладиган экспертиза ва клиник синовлар асосида қайд этилади. Экспертиза ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қўмита президиумида ҳамда ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси эксперт кенгашида натижалар тасдиқлангандан сўнг қайд этиш бюросида рўйхат гувоҳномаси расмийлаштирилади.

Рўйхатга олиш гувоҳномаси чет элдан маҳсулот олиб кириш, ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Рўйхатга олиш гувоҳномасининг берилиши шартнома тўлов асосида амалга оширилади. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати - 5 йил. Дори воситасини катта рўйхатдан ўтказилаганда рўйхатга олиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати яна 5 йилга узайтирилиши мумкин.

## 7.2. ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СИФАТ СТАНДАРТЛАРИ

Дори воситаси ишлаб чиқарилишидан то истеъмолгача бўлган даврда унинг сифатини таъминлаш ишларининг қатъий қўлланиши асосида дори воситаларининг сифат таҳлил тизими ташкил этилади. “Дори воситасининг сифати” тушунчаси унинг рўйхатга олиш (қайд этиш) босқичида тақдим этилган тавсиф ва кўрсаткичларга мослиги ва шунингдек, қайд этиш хужжатларида баён этилган барча хоссаларига мослиги билан белгиланади.

“Сифатни таъминлаш” тушунчаси сифатсиз дориларни ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва истеъмолига йўл қўймаслик, олдини олиш бўйича талаблар мажмуасини акс эттиради. “Сифат назорати” тушунчаси барча босқичларда, яъни яратиш, ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол босқичларида маҳсулотнинг талабларга мос эмаслигини аниқлаш ва сифатини баҳолашга қаратилган.

Дори воситалари сифатининг давлат стандартларини ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, экспертиза ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида “Дори воситаларининг сифат стандарти. Асосий қоидалар” соҳа стандарти 2002 йилда тасдиқланган. Ушбу соҳа стандарти мамлакатда ишлаб чиқарилган тайёр дори воситаларига тааллуқлидир.

**Дори воситаларининг сифат стандарти** – дори воситаларининг назорат усуллари ва меъёрий кўрсаткичлари рўйхатини ўз ичига олган меъёрий хужжатдир.

Дори воситаларига талабларни белгиловчи дори воситаларининг сифат стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

Дори воситалари сифатининг Давлат стандартлари

Конкрет корхона дори воситасининг Корхона фармакопея мақоласи.

Дори воситалари сифатининг Давлат стандартларига қуйидагилар киради:

Умумий фармакопея мақоласи

Вақтинча фармакопея мақоласи

Фармакопея мақоласи

Дори воситаларининг сифат стандартлари сифатли, самарали ва хавфсиз дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқарилишини таъминлаши лозим. Дори воситалари сифат стандартлари тиббиёт, фармацевтика фанларининг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган муддатларда қайта кўриб чиқилади.

**Умумий фармакопея мақоласи (УМФ)** конкрет дори шакли учун меъёрий кўрсаткичлар рўйхатини ёки синовнинг умумий усуллари келтириб, дори воситаларининг физик, физик-кимёвий, кимёвий, биокимёвий, биологик, микробиологик таҳлил усуллари таърифини, таҳлилда қўлланадиган реактивлар, титрланган эритмалар, индикаторларга бўлган талабларни ўз ичига олади.

**Фармакопея мақоласи (ФМ)** дори воситасига (ҳалқаро патентланмаган номли) ишлаб чиқилади ва амалдаги фармакопеянинг талабларига мос сифат

назоратининг мажбурий кўрсаткичлари рўйхатини ва усуллари (унинг дори шаклини ҳисобга олган ҳолда) ўз ичига олади.

Умумий фармакопея мақолалари ва фармакопея мақолалари одатда 5 йилдан сўнг қайта кўриб чиқилади ва қайта ишланади, вақтинча фармакопея мақоласи эса 3 йилдан ошмаган муддатда қайта ишланади.

Оригинал (патентланган) дори воситасига патент химоясининг таъсир муддати давомида фармакопея мақоласини ишлаб чиқиш ва уни Давлат Фармакопеясига киритиш фақат патент муддати тугагандан сўнг ёки дори воситасини яратувчи ташкилот билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Умумий фармакопея мақолалари ва фармакопея мақолалари Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини ташкил этади. Давлат Фармакопеяси Ўзбекистон Республикаси ССВ Фармакопея қўмитаси томонидан нашр қилинади.

**Вақтинча фармакопея мақоласи (ВФМ)** тиббиёт амалиётида қўлланишга тавсия этилган ва тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқаришга тақдим этилган янги дори воситаларининг биринчи саноат сериялари учун ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

**Корхонанинг фармакопея мақоласи (КФМ)** маълум бир ишлаб чиқариш корхонасининг дори воситаси сифатини назорат усуллари ва кўрсаткичлари рўйхатини ўз ичига олади ва Давлат Фармакопеяси, умумий фармакопея мақолалари ва мазкур стандарт талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади. КФМдаги сифат кўрсаткичлари Давлат Фармакопеясида қайд этилган талаблардан паст бўлмаслиги лозим. Корхона фармакопея мақоласининг муддати дори воситасининг технологик ишлаб чиқариш жараёнини ҳисобга олган ҳолда 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади.

Дори воситасини яратувчи ташкилот ёки ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ишлаб чиқилган корхонанинг фармакопея мақоласи уларнинг ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлиб, фақат уларнинг муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

ЎЗР ССВнинг Фармакопея қўмитаси ҳамда дори воситасини яратувчи ташкилот ёки ишлаб чиқарувчи корхоналар Давлат Фармакопеяси, умумий фармакопея мақоласи, фармакопея мақоласи ва вақтинча фармакопея мақоласининг асл нусхаларини тақдим этувчи ташкилотлар ҳисобланади.

Дори воситаларининг сифат стандартлари реестрини юритиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ва шунингдек, манфаатдор ташкилотларни Давлат фармакопеяси, умумий фармакопея мақоласи ва фармакопея мақоласи билан таъмилаш Ўзбекистон Республикаси ССВнинг Фармакопея қўмитаси томонидан амалга оширилади.

### **7.3. ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА ҲАЛҚАРО СИФАТ СТАНДАРТЛАРИ**

Ривожланган мамлакатларнинг фармацевтика саноати дори воситаларининг сифатини, уларни яратиш, ишлаб чиқариш ва назоратини таъминлашда юқори талабларни белгиловчи стандартлар асосида фаолият

юритади. Савдо учун лицензияларни бериш тизими барча дори воситаларининг ваколатли органи томонидан белгиланган хавфсизлик, сифат ва самарадорликнинг ҳозирги замон талабларига мос келишини кафолатлайди. Ишлаб чиқаришни лицензиялаштириш тизими маълум бозорда сотишга рухсат берилган маҳсулот фақат мазкур лицензияга эга ишлаб чиқарувчи корхона томонидан чиқарилганига кафолат беради. Фармацевтик маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча корхоналар ишлаб чиқариш лицензиясига эга бўлишлари мажбурийдир. Таъкидлаш лозимки 1991 йилдан Европа Ҳамжамияти Ҳайъати дори воситаларини сифатли ишлаб чиқариш амалиётининг тамойиллари ва қоидаларини белгиловчи директивани қабул қилди. Дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариш лицензияларини олишда айнан шу тамойиллар ва қоидаларга асосан назорат қилинади.

**Сифатли ишлаб чиқариш амалиёти** (good manufacturing practice - GMP) маҳсулотни белгиланган меъёрга мос равишда сифат стандартлари бўйича ишлаб чиқаришни ва назоратини кафолатлайдиган дори воситаси сифат таъминотининг бир қисмидир.

Фармацевтик маҳсулотнинг GMP талабларига мос равишда ишлаб чиқарилишининг ва корхонанинг GMP қоидаларига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил этганлигининг назорати дори воситалари сифатини кафолатлашнинг (миллий, ҳудудий ва ҳалқаро) тизимлари ва уларни сертификатлаштириш тизимининг ажралмас қисмидир.

GMPнинг турли ҳужжатларига киритилган умумий стратегияси ва тактикасига қарамасдан, улар ўзига хос хусусиятларга эга ва уларнинг ҳар бири маълум бир бозор учун мажбурийдир. Шундай мисол сифатида Европа Ҳамжамиятининг, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Фармацевтик инспекция конвенцияси, АҚШнинг Дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш агентлиги (FDA)нинг GMP қоидаларини келтириш мумкин. Шу сабабли, фармацевтик корхона қайси бозорда ўз маҳсулотининг сотувларини режалаштирса, шу бозор ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган сифат талаблари қоидаларига амал қилиши керак. Яъни, фармацевтика бозори шароитида GMP қоидалари амал қилиниши - муваффақиятли сотувларни ташкил қилиш воситасидир. Ҳалқаро GMP талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ўтиш, дори воситаларини сертификатлаштириш ва сифатини кафолатлаш миллий тизимларининг ташкил этилиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим.

“Дори воситаларининг сифатли ишлаб чиқариш амалиёти бўйича қўлланма” аниқ бобларга бўлинган бўлиб, унинг бошида GMP тамойиллари келтирилган.

“Сифатни бошқариш” (1 боб) бобида дори воситаларининг ишлаб чиқарилишида қўлланадиган сифат таъминотининг фундаментал концепцияси баён этилган. Таъкидлаш лозимки Турли хил бозор, регион, давлат ва мульти миллий компаниялар учун хос (специфик) бўлган GMP бўйича қўлланмалар борлигидан қатъий назар, барча ишлаб чиқарувчилар

амал қилиши лозим бўлган ЖССТнинг GMP бўйича қўлланмаларида баён этилган минимал талаблар бор.

2 қисм – “Тайёрланиш ва сифат назоратининг тегишли амалиёти” сифат таъминотининг умумий тамойилларини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш бўлими ва сифат назорати бўлими ходимлари томонидан алоҳида олиб бораётган фаолият бўйича раҳбарликни назарда тутди.

3 қисм стерил воситалар ва фаол фармацевтик моддаларни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қўлланмани ўз ичига олади.

**“Сифатли лаборатория амалиёти” (Good Laboratory Practice - GLP)** янги дори воситаларининг инсон, ҳайвон организмига ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш учун, уларни клиникагача ўрганиш босқичида ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг сифати ва стандартлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**“Сифатли клиник амалиёти” (Good Clinical Practice - GCP)** синов субъектининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва дори воситалари синовлари жараёнида ҳато ва қалбакиликни олдини олиш учун ишлаб чиқилган клиник синовларни ўтказиш қоидаларини ўз ичига олади. GCP қоидаларида клиник синовларини режалаштириш, ўтказиш, мониторинг, аудит, ҳисобот, ҳужжатлаштирилиш тартиби келтирилиб, бу қоидаларнинг татбиқи синовларнинг илмий ва биэтик қоидалари асосланганлигини кафолатлайди.

#### **7.4. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЛАБОРАТОРИЯСИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Дори воситалари сифатини назорат қилиш бўйича лаборатория ёки марказлар Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббий техника сифатини таъминловчи назорат-руҳсатнома тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Дори воситалари сифатини назорат қилиш бўйича ваколатли лабораторияларни асосий қисми Соғлиқни сақлаш муассасаси ҳисобланиб, ишлаб чиқариш фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига, молиявий ишлар бўйича ҳудудий давлат органларига буйсунади.

Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари, йўриқномалари ва бошқа мейёрий ҳужжатларга амал қилади. Лабораториянинг ташкилий тузилиши ва ходимлар штати асосий вазифаларига, бажариладиган иш ҳажмига ва амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ равишда аниқланади.

Лаборатория, унга юклатилган вазифаларни бажарилишини ва ходимлар меҳнат фаолиятининг хавфсизлигини таъминловчи, шунингдек лойиҳалаштиришнинг қурилиш мейёрлари талабларига жавоб берувчи бинода жойлашган бўлиши керак. Лаборатория юридик шахс ҳисобланади; унинг молиявий маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш мақсадида банкда мустақил

баланси, ҳисоб ва бошқа счёти рақамлари бўлади; алоҳида мулкка, номи ва реквизитлари келтирилган штамп ва муҳрга эгадир.

Лаборатория иш фаолиятини юритиш учун ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси ва “Ўзстандарт” Агентлиги аккредитациясидан ўтган ва лицензия олган бўлиши керак.

**Асосий вазифаси.** Лаборатория дори воситалари ва тиббий техника сифати бўйича давлат назоратини рўйхатга олингандан кейинги ва давомли назоратни ўтказди.

Асосий фаолиятига мувофиқ равишда лаборатория қуйидаги вазифаларни бажаради:

Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ дори воситаларини сертификациялаштириш ва танлаб назорат қилишни амалга оширади;

Дорихона муассасалари ва ташкилотларида таркибида юрак гликозидлари сақловчи дори воситалари ва доривор ўсимлик хом ашёларининг биологик сифат назоратини амалга оширади;

Агар лабораториянинг микробиологик хизмати мавжуд бўлса, дорихоналарда тайёрланган стерил дори воситалари, тозаланган сув, ҳамда идиш ва қадоклаш воситаларидан олинган ювиндиларни микробиологик текширувини ўтказди;

Сифатсиз дори воситалари аниқланган ҳолларда тезликда бу дори воситаларининг сотилишини тўхтатиб туриш кераклиги ҳақидаги хулосани Бош бошқармага тақдим этади;

Шартнома асосида белгиланган тартибда фармацевтик фаолият юритиш учун лицензияга эга юридик шахслардан келган дори воситалари сифатини текширади ва сертификатлар беради.

Зарур ҳолатларда дорихона муассасалари ва корхоналарига фармацевтик фаолият учун лицензия бериш ёки лицензия беришни асосланган ҳолда рад этиш ҳақида хулоса чиқариш учун лицензион ҳайъатишида иштирок этади.

Назорат-таҳлил лабораторияси дори воситаларининг сифат назоратини амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади. Бу қатор назорат-таҳлил лабораториялар Ўзбекистон Республикаси “Дори-дармон” Давлат Акционерлик компанияси қошида, шунингдек вилоят “Дори-дармон” Акционерлик Бирлашмалари қошида фаолият юритмоқда.

Ушбу назорат-таҳлил лабораториялар қуйидаги вазифаларни бажаради:

Акционер дорихона муассасаларида тайёрланган дори воситалари сифатини назорат қилиш;

Акционер дорихоналар фаолиятини дори воситалари сифатини назорат қилиш бўйича ташкилий-услубий бошқариш;

Акционер дорихоналарни реактивлар, титрланган эритмалар билан таъминлаш, уларнинг сақланиши ва ишлатилишини назорат қилиш;

Йилнинг ҳар чорагида дорихоналарда тозаланган сув, тез эскирувчи ва нотурғун воситалар сифатини назорат қилади.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун лаборатория талабга жавоб берувчи иш жойларига эга ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган

бўлиши керак. Назорат-таҳлил лабораторияларининг асосий хоналарига қуйидагилар киради:

аналитик зал – кимёвий таҳлилларни ўтказиш учун мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш хонаси. Аналитик зал аналитик столлар, мўрили жавонлар, титрланган эритмалар учун айланма таглик, идиш ва реактивлар сақлаш учун жавонлар, штативлар, ўлчов идишлари ва ҳ.к. билан таъминланган бўлади;

ўлчов хонаси – аналитик тарозилар билан жиҳозланган бўлади;

физик-кимёвий таҳлил асбоблари хонаси (оптика хонаси) – рефрактометр, фотоколориметр, потенциометр, спектрофотометр ва бошқа асбоблар билан жиҳозланган бўлади;

биологик таҳлил ўтказиш хонаси ёки мустақил бокс (катта лабораторияларда мавжуд);

идишлар, бюреткалар, пипеткалар ювиш хонаси;

лаборатория мудири хонаси. Бу хонада дори воситалари йўриқномалари картотекаси, сўровномалар ва махсус адабиётлар учун жавонлар, таҳлиллар бўйича қўлланмалар картотекаси жойлашган бўлади;

услубий хона (катта лабораторияларда);

ходимлар хонаси;

тез алангаланувчи моддаларни сақлаш ва тез портловчи суюқликлар ғамламаси учун омборхона.

## **7.5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФАРМАЦЕВТИК МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Ишлаб чиқаришдаги сифат назоратини шартли равишда иккига, ишлаб чиқариш биноси, асбоб-ускуналар яроқлилигини ва ходимлар малакасини текшириш билан боғлиқ бошланғич сифат назоратига ҳамда бевосита техник жараён сифат назоратига ажратиш мумкин.

**Техник назорат тизими** ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади (назорат объектлари, назорат жараёнлари ва уларнинг тартиби, иш жойининг техник жиҳозланиши, назорат усуллари, назорат жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари) ва бу жараён корхонанинг техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан амалга оширилади. Корхона техник назорат бўлимининг асосий вазифаси корхона томонидан сифат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилишининг олдини олиш ҳисобланади. Шунингдек, бу бўлим ишлаб чиқаришда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида маҳсулот сифатига нисбатан масъулиятни ошириш каби вазифаларни ҳам бажаради. ТНБ тузилиши ва штатлар сони ишлаб чиқариш хусусияти, ҳажми ва назорат жараёнларининг мураккаблигидан келиб чиқиб белгиланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Корхона бўлимлари ва цехларининг маҳсулот техник назорати билан шуғулланадиган барча ходимлари ТНБ таркибига киради.

Фармацевтик корхонада сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилса, жавобгарлик корхона раҳбарияти ва шундай маҳсулот чиқишига айбдор бўлган цех раҳбарлари (шу жумладан ТНБ ходимлари)га юклатилади.

Корхона фақат ТНБ қабул қилган маҳсулотнигина сотиши мумкин. Маҳсулотга айна шу маҳсулот белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқловчи аналитик паспорт ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган бўлиши шарт.

**Маҳсулот сифатини назорат қилувчи ишлаб чиқариш лабораторияси.** Одатда бу лаборатория маълум бир фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарига келтириладиган субстанция ва бошқа хом ашёлар сифатини назорат қилиш, шу корхонада дори воситаси ишлаб чиқаришнинг оралик ва охириги босқичларида сифат назоратини амалга ошириш каби вазифалар юклатилган ҳолда ташкил этилади. Ишлаб чиқариш лабораторияси лаборатория синовлари билан биргаликда, маҳсулот сифатига алоқадор барча масалалар билан боғлиқ фаолиятни амалга оширади. Уларга намуна олиш, спецификациялар ва синовлар ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар, сотувлар учун рухсатномаларни расмийлаштириш, ҳужжатлаштириш ва беришни ташкил қилиш каби тадбирлар қиради. Бу ҳужжатлар зарур текширувлар ҳақиқатан ўтказилганлигини, сифати қониқарли, деб топилмагунга қадар бошланғич хом ашё ҳамда материаллар ишлатиш учун рухсат берилмаганлигини, тайёр маҳсулот эса сотиш ва етказиб бериш учун рухсат берилмаганлигини қафолатлайди.

Ҳар бир фармацевтик корхона ўз тузилмасида сифатни назорат қилувчи ишлаб чиқариш лабораториясига эга бўлиши керак. Сифат назорати технологик жараёнлар (ишлаб чиқариш) дан мустақил равишда фаолият юритиши зарурдир. Ишлаб чиқариш лабораторияси корхонанинг бошқа бўлимлардан мустақил бўлиши, малакали ва етарли билимга эга бўлган шахс раҳбарлиги остида ва синов маркази сифатида ваколатлаган ҳолда иш юритиши керак.

Лабораториянинг жиҳозланиши, шунингдек тузилиши ва штатлар сонини белгилаш учун ишлаб чиқариш хусусияти, ҳажми ва назорат жараёнларининг мураккаблигини ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш зарурияти ва бажариладиган иш туридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш лабораторияси барча зарур хоналарга эга бўлиши керак. Корхона томонидан ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотларнинг сифатли назоратини амалга ошириш учун лабораторияда белгиланган тартибга кўра зарур хоналарнинг (кимёвий назорат бўлими, микробиологик ва/ёки фармакологик бўлимлар) бўлиши талаб қилинади.

## **7.6. ФАРМАЦЕВТИК МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ**

**Маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича умумий маълумотлар**

Сертификация сўзи лотин тилида “тўғри бажарилган” маъносини англатади. Махсулот “тўғри бажарилганини” билиш учун, сертификация жараёни амалга оширилади.

Сертификатлаштириш – махсулот, жараён ёки хизматнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ёзма равишда учинчи томондан тасдиқлаш жараёнидир. Бундай тасдиқланишнинг, шу жумладан, фармацевтик махсулот учун ҳам оммавий эътироф этилган тури – мувофиқлик сертификатидаир. “Мувофиқлик” атамаси белгиланган талабларнинг риоя этилишини англатади.

Мувофиқликни тасдиқлаш жараёни учинчи томонни (сертификатлаштириш идораси) иштирок этишини тақозо этади. Сертификатлаштириш идораси (учинчи томон) – сотувчи, ишлаб чиқарувчи (биринчи томон) ва истеъмолчи (иккинчи томон) лардан мустақил бўлиши лозим.

Фармацевтик махсулот истеъмол товарларининг ўзига хос гуруҳини ташкил этади, бунинг сабаби шундаки, бу махсулот сифатини фақат махсус лаборатория синовлари, шу жумладан кимёвий, микробиологик ва биологик таҳлиллар ёрдамида тасдиқлаш мумкин. Юқорида санаб ўтилган синовлар натижасида фармацевтик махсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини – сифатини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Фармацевтик махсулотнинг сифатига бўлган талаблар сифат стандартларида (фармакопея, фармакопея мақоласи, вақтинча фармакопея мақоласи, корхона фармакопея мақоласи, фармацевтик махсулотни спецификация ва ҳ.к.) каби меъёрий – таҳлил ҳужжатларида акс эттирилган.

Фармацевтик махсулотни сертификатлаштиришнинг асосий мақсади – дори воситалари ва тиббий буюмларнинг меъёрий ҳужжатлар мажбурий талабларига мувофиқлигини исботлашдир. Сертификатлаштириш тизимини яратиш орқали бу жараённи амалга ошириш қоидаларини белгилаш ва бошқариш амалга оширилади.

Фармацевтика махсулотларини сертификатлаштириш ҳуқуқий асоси ЎзР “Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Озиқ-овқат махсулотларининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.94 йил №409, 03.11.2002 йил № 342, 05.12.2002 йил № 427, 06.07.2004 йил №318, 05.08.2004 йил №373 сонли қарорлари ҳисобланади.

Мувофиқликни тасдиқлаш ўрнатилган тартибда ташкил этилган, ўз ичига қоидалар, йўриқномаларни ва бошқарув органини мужассам қилган сертификатлаштириш тизими орқали амалга оширилади.

Умумий ҳолатда сертификатлаштириш тизими қуйидагилардан ташкил топган бўлади:

- тизим фаолиятини бошқарувини ва назоратини олиб боровчи марказий орган;
- система аъзолари (сертификатлаш идоралари. Синов лабораториялари ва назорат органлари);

мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар; сертификатлаштириш ва инспекцион назоратни тартиб қоидалари.

Ҳар қандай сертификатлаштириш тизимида мувофиқликни тасдиқлаш ва мувофиқлиги тўғрисида маълумот етказиш бўйича икки хил услуб қўлланилиди: мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси.

*Мувофиқлик сертификати* – маҳсулот ёки хизматларнинг муайян меъёрий ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизимининг қоидалари бўйича берилган ҳужжат.

*Мувофиқлик белгиси* – сертификатлаштириш тизими қоидалари бўйича қўлланилидиган, рўйхатдан ўтган белги. Мазкур белги тегишлича идентификациялаштирилган маҳсулот ёки хизматлар, аниқ стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга мос келишга етарлича ишонтирадиган, маҳсулотга ёки хизматлар ҳужжатида қўйилади. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш ихтиёрий ва мажбурий бўлиши мумкин. Ихтиёрий сертификатлаштириш одатда ишлаб чиқарувчи (биринчи томон) томонидан амалга оширилади ва унинг асосий мақсади маҳсулотлар сифатли ва рақобатбардош эканлигини кўрсатиш, халқаро бозорга олиб кириш учун замин яратишга қаратилган. Бунга GMP сертификатида эга бўлган фармацевтика корхоналари мисол бўлиши мумкин.

Мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотларга инсон соғлиги ва фаолияти билан боғлиқ, сифатсиз бўлса зара етказиши мумкин бўлган маҳсулот ва хизматлар киритилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар (хизматлар) рўйхати ўрнатилган тартибда, қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади (ЎЗР ВМ 2004 йил 6 июнь №318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорининг 1-илоvasи).

### **Хорижий давлатларда фармацевтик маҳсулотни сертификатлаштириш амалиёти.**

Фармацевтик маҳсулотнинг хавфсизлиги ва безарарлигининг назорати барча давлатларда йўлга қўйилган. Турли органлар ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган хавфсизлик назоратининг жуда кўп усуллари ва жараёнлари маълумдир. Буларга турли стандартлар (FDA, ISH, НАСР, ЖССТ ва ҳ.к.) талабларига риоя этиш бўйича давлат назорати, санитария-гигиена назорати, мутасадди ташкилотлар назорати ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни қабул қилиш назорати (техник-назорат бўлими (ТНБ) ва ишлаб чиқариш сифатини назорат қилиш тизимлари) мисол бўлади.

Сифатни назорат қилиш бўйича яхши ривожланган қонунчилик мавжудлиги ва хусусий бизнеснинг шаклланган анъаналари шароитида ишлаб чиқарилган фармацевтик маҳсулот сифати, безарарлиги ва синовлари назорати бўйича масъулият ишлаб чиқарувчи корхонага юклатилади.

Бу ҳолатларда ишлаб чиқарувчи ихтиёрий сертификатлаштириш ишларини кўпинча амалга оширади.

Давлат назорат органлари томонидан одатда ялпи текширувларни ўтказмайди, фақатгина сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага нисбатан жабрланувчи тараф ёки унинг вакили мурожаат қилган ҳолатда белгиланган тартибда зарурий жазо чоралари қўлланилади.

Шу билан бирга Европа Ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг давлат органлари, фармацевтик маҳсулот сифатининг давомли назорати механизмига эга бўлиб, шунингдек бу мамлакатларда фармацевтик тақсимот каналларининг назорати йўлга қўйилган.


Европа Иқтисодий Ҳамжамият қондасига асосланган ҳолда, Европа Иттифоқи мамлакатларининг давлат назорат органлари чегараларда “учинчи мамлакатлар”дан импорт қилинаётган дори воситаларининг серияли назоратини амалга оширилади.

Фармацевтик маҳсулотни сертификатлаштириш ривожланган мамлакатларда узоқ вақтдан бери ва кенг қўлланилади, фақат бу тизим ўзига хос номланиши ва ўзига хос хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Бунинг яққол мисоли сифатида GMP сертификатига эгалик қилиш ва GMP талабларига асосланган ишлаб чиқаришни олиш мумкин.

Баъзи давлатлар ўз ҳудудида амал қилувчи миллий стандартлар ёки бошқа амалдаги техник меъёрларга мувофиқ бўлмаган маҳсулотларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида қатор халқаро сертификатлар (ISO, NET, GMP ва б.)ни талаб қилиш орқали ўз бозорларини ҳимоя қилади.

Айнан бир турдаги маҳсулот сифат стандартлари ва меъёрий техник ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳамда сертификатлаштириш жараёнларини ўтказиш тартиби турли мамлакатларда фарқланади. Бу эса халқаро савдо тизимида техник тўсиқларни юзага келтиради. Шунинг учун маҳсулотга ишлаб чиқилган стандартларнинг ва сертификатлаштириш қоидаларининг уйғунлиги халқаро бозорда рақобатчиларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини таъминловчи ва халқаро миқёсда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

## **ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ ТЕХНИКА ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**



### **Ўзбекистон Республикасида фармацевтик маҳсулотни сертификатлаштириш тизимининг қонуний асослари**

Фармацевтик маҳсулотни сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 5 декабрда №427- сонли қарорида тасдиқланган мажбурий сертификатлаштиришдан ўтадиган маҳсулот ва хизматларнинг рўйхати асосида амалга оширилди. Қонунда импорт ва

экспорт қилинадиган маҳсулотларни сертификатлаштириш шартлари белгиланган. Бунда мажбурий сертификатлаштиришдан ўтадиган маҳсулот унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисига эга бўлиши кераклиги қайд этилган. Мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулот Миллий сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан сертификатлаштириш ўтказиш муаммоси ҳал этилмагунча божхона органлари томонидан ушлаб турилади.

Қонунда, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ташаббуси билан исталган маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини қайд этиш мақсадида ихтиёрий сертификатлаштириш тартиби ҳам кўзда тутилган. Ундан ташқари, қонунда, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузган ишлаб чиқарувчиларнинг жавобгарлиги, ҳамда асосланмаган ҳолда сертификат берган ёки буюртмачининг тижорат сирларини ошкор этган сертификатлаштириш органларига нисбатан жавобгарлик тартиблари келтирилган. Мажбурий сертификатлаштиришдан ўтиш лозим бўлган маҳсулотнинг савдоси билан унинг сертификатсиз шуғулланганлик учун сотилган маҳсулот қийматига тенг жарима ундирилади. Жарима тўлаш сертификатлаштиришни ўтказишдан озод этмайди.

Сертификатлаштириш қоида ва талабларини бузган сертификатлаштириш субъектларига белгиланган қонунчилик асосида чора ва санкциялар қўлланилади. Уларга мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, жарималар, лицензия ва аккредитация аттестатларининг амал қилиниши тўхтатиш ёки улардан маҳрум қилиш, товарларни давлат ҳисобига мусодара қилиш ёки номувофиқлик аниқланганда уни йўқ қилиш, мол-мулк мусодараси, тартиб-қоида ни бузганлиги учун масъул шахсларни озодликдан маҳрум этиш каби чоралар қиради.

Аҳолини юқори сифатли ва безарар дори воситалари билан таъминлашда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2003 йил 1 январдан дори воситаларининг мажбурий сертификацияси жорий этилди. Бунда сертификатлаштириш идоралари томонидан буюртмачига сертификатлаштириш схемасига асосан фармацевтик маҳсулотнинг ягона намунадаги мувофиқлик сертификати берилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат мувофиқлиги тасдиқланган бўлган дори воситаларининг савдоси рухсат этилади.

Республика фармацевтика тизимида мажбурий сертификатлаштириш жорий этилиши дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва дистрибьюцияси билан шуғулланувчи корхоналарга сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича масъулият ва мажбурият юклайди.

Дори воситаларини сифат стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш бўйича сертификация синовлари аккредитациядан ўтган дори воситалари сифатини назорат қилиш лабораторияларида ўтказилади. Ҳозирги пайтда Республикада аккредитациядан ўтган синов лабораториялари ва сертификация идоралари асосида фаолият юритаётган сертификатлаштириш

тизими шаклланган. Уларга қуйидаги сертификатлаштириш органлари киради:

ЎзР ССВ дори воситалари экспертиза ва стандартизация Давлат маркази қошидаги тиббий маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг Марказий идораси;

ДВЭСДМ Марказий сертификатлаштириш идорасининг Андижон филиали;

ДВЭСДМ Марказий сертификатлаштириш идорасининг Ургенч филиали;

ДВЭСДМ Марказий сертификатлаштириш идорасининг Самарқанд филиали;

ДВЭСДМ Марказий сертификатлаштириш идорасининг Қарши филиали;

Тошкент фармацевтика институти қошидаги дори воситалари стандартизацияси Илмий маркази (ДВСИМ);

МЧЖ “S o f D o r i” тиббий маҳсулот сертификация органи.

Юқорида кўрсатилган сертификатлаштириш идоралари қошида аккредитациядан ўтган синов лабораториялари фаолият юритади.

Марказий идора сертификатлаштириш тизимини бир марказдан туриб мувофиқлаштиради ва фаолиятининг назоратини амалга оширади.

**Дори воситаларининг сертификатлаштирилишини ўтказиш тартиби**

Фармацевтик маҳсулотни сертификатлаштирилишини ўтказиш учун ягона қоидалар белгиланган. Бу қоидалар маҳаллий ишлаб чиқарилган ва хориждан келтириладиган барча фармацевтик маҳсулотга тааллуқлидир.

Фармацевтик маҳсулотнинг сертификацияси “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аккредитациядан ўтган тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари томонидан амалга оширилади. Фармацевтик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сифат тизимининг сертификацияси эса сифат ва ишлаб чиқариш тизимини сертификатлаштириш учун аккредитациядан ўтган идоралар томонидан ўтказилади. Сертификатлаштириш синовлари мазкур маҳсулотни сертификатлаштиришда меъёрий ҳужжатларда келтирилган синовларни ўтказиш ҳуқуқига эга, техник компетентлиги ва мустақиллиги бўйича аккредитациядан ўтган синов лабораториялари ва марказлари томонидан амалга оширилди.

Сертификатлаштиришни ўтказиш учун буюртмачи белгилаган тартибда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аккредитациядан ўтган тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимига кирган сертификатлаштириш идорасига буюртма беради. Буюртмага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилиниши лозим:

Мувофиқ фаолият тури учун берилган лицензия;

Ишлаб чиқарувчи корхонада ўтказилган таҳлил натижалари келтирилган баённомалар (маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун) ёки хорижий фирманинг сифат таҳлил натижаларининг меъёрий ҳужжатларга мослиги туғрисидаги хулосаларини ўз ичига олган таҳлил сертификатлари;

Йўл-транспорт ҳужжатлари (счет-фактура, юк-хати ёки инвойс).

Сертификатлаштириш идораси буюртмачи томонидан тақдим этилган буюртма асосида буюртмани рўйхатдан ўтказди, сертификация схемасини танлайди ва синовларни ўтказиш учун дори воситаларидан намуна олади. Дори воситаларининг намуналари сертификатлаштириш синовлари учун меъёрий ҳужжатларда келтирилган кўрсаткичлар бўйича таҳлилни ўтказиш учун зарур бўлган миқдорда танлаб олинади. Арбитраж таҳлилини ўтказиш зарурати бўлганида тўлиқ икки мартабали таҳлилни ўтказиш учун қўшимча равишда намуна олинади.

Намуналарни танлаш, уларнинг ёрлиқланиши ва тамғаланиши, шунингдек, уларни синов жойларига етказиб бериш жараёнлари сертификатлаштириш идораси томонидан буюртмачи иштирокида амалга оширилади. Бунда намуна олиш далолатномаси икки нусхада тузилади. Намунанинг олиниши ва сақланишининг тўғри амалга оширилиши учун жавобгарлик сертификатлаштириш идорасига зиммасига юклатилади.

Божхона таъминоти остидаги импорт бўйича келтирилган дори воситалари намуналарини олиш сертификатлаштириш идорасининг вакили, божхона назоратчиси ва маҳсулот эгасининг иштирокида амалга оширилади. Бунда далолатнома уч нусхада тузилиб, иккинчи нусхаси божхона органига топширилади.

Дори воситаларини сертификатлаштириш идораси синовларни амалга ошириш учун намуналарни аккредитациядан ўтган лабораторияга беради. Мазкур синов лабораторияси дори воситаларининг таҳлилини ўтказди, таҳлил натижаларини ўрганиб, таҳлил баённомасини расмийлаштиради ва сертификатлантириш идорасига юборади. Маҳаллий ва хорижий дори воситаларининг сертификатлаштириш жараёнидаги сифат назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур дори воситасини қайд этиш вақтида тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар (сифат стандартлари) асосида ўтказилиши зарур.

Бир вақтнинг ўзида дори воситасининг 5 тадан ортиқ серияси сертификатлаштириш учун топширилса, сифат назорати барча кўрсаткичлар бўйича дори воситалари сериясининг миқдорига кўра танланма усулда (ҳар бир учинчи, бешинчи ва ҳ.к. сериялар учун) амалга оширилади. Ижобий натижалар кузатилса, қолган серияларнинг сифат назорати “Тасвирланиши”, “Қадоқланиши”, “Ёрлиқланиши”, зарур бўлганда “Чинлиги” кўрсаткичлари асосида ўтказилди.

Доривор ўсимлик хом ашёсининг 5 тадан ортиқ серияси бир вақтда сертификатлаштириш учун топширилса, сифат назорати барча кўрсаткичлар бўйича партия ҳажмига кўра ҳар бир сериядан танлов усулида амалга оширилади. Таҳлил натижасида ижобий натижалар аниқланса, қолган серияларининг сифат назорати “Чинлиги”, “Майдаланганлик даражаси”, “Намлик”, “Омбор зараркундалари билан зарарланиши даражаси” ва зарур бўлганда, “Радиоктивлик” кўрсаткичи бўйича олиб борилади.

Инъекция учун дори воситалари ва кўз томчилари қўшимча равишда чинлик, рН, ранглилик, тиниқлилик кўрсаткичлари бўйича серияли

мажбурий назорат қилинади. Зарур бўлганида инъекцион дори воситаларининг таҳлили “Стериллик” кўрсаткичи бўйича ҳам таҳлил қилинади. Бу ҳолда мувофиқлик сертификати дори воситаларининг бутун келтирилган партиясига берилади.

Инфузион, зарур бўлганида, инъекцион дори воситалари қўшимча равишда “Пирогенлик” кўрсаткичи бўйича таҳлилдан ўтказилади.

GMP сифат сертификатиغا эга, шунингдек маҳсулотни барча белгиланган қонун-қоидалар асосида тўғридан-тўғри келтириш контрактлари асосида олиб келувчи хорижий ишлаб чиқарувчиларининг дори воситаларининг сифат назорати “Тасвирланиши”, “Қадоқланиши”, “Маркировка” ва зарур бўлганида, “Чинлик” кўрсаткичлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи корхонанинг сертификати мавжуд бўлмаганида ёки тақдим этилган аналитик паспортда меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган барча кўрсаткичлар тўлиқ кўрсатилмаган бўлса, дори воситаларининг сифат назорати барча кўрсаткичлар бўйича олиб борилади.

Қуйидаги фармацевтик маҳсулот барча кўрсаткичлар бўйича мажбурий назоратдан ўтказилади:

Дори воситаларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган субстанциялар (дори моддалари);

Белгиланган рўйхатга расман киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар;

Наркоз (шу жумладан ингаляцион наркоз) учун ишлатиладиган дори воситалари (кислород ва азот (III) оксидидан ташқари);

Рентгеноконтраст воситалар.

Сертификатлаштириш таҳлилининг ижобий натижалари асосида сертификатлаштириш идораси дори воситалари учун мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради, уни Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимининг давлат реестрига қайд этади ва буюртмачига берилади.

Дори воситасининг сифат кўрсаткичи меъёрий ҳужжатлар талабига номувофиқлиги аниқланган ҳолатда, синов лабораторияси синов баённомаси билан бирга хулосани сертификатлаштириш идорасига юборади. Бу ҳолатда сертификатлаштириш идораси номувофиқлик баённомасини расмийлаштиради ва бу тўғрисида 3 кун ичида таъминотчи (ишлаб чиқарувчи), “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси божхона идоралари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси хабар беради.

Дори воситаларини сертификатлаштириш вақтида белгиланган талабларга мувофиқлигини келгусидаги тасдиқланиши мақсадида сертификатланган маҳсулотнинг назорати сертификатлаштириш идораси томонидан ўтказилади. Сертификатга эга дори воситалар бўйича инспекцион назорат камида йилига бир марта амалга оширилади. Инспекцион назорат натижаларига асосан сертификатлаштириш идораси мазкур дори

воситаларига берилган мувофиқлик сертификатини амал қилинишини тўхтатиб қўйиш ёки уни бекор қилиши мумкин.

### **Сертификатлаштириш схемалари**

Схема 1. Махсулот намуналари синовларининг ижобий натижалари асосида унинг мажбурий курсаткичлар ва биринчи навбатда безарарлиги бўйича мувофиқлигини бахрлашни кузда тутати. Мазкур схема, шунингдек, буюртмачининг буюртмасида махсулот учун меъёрий хужжат аниқ белгиланмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Схема 2. Аккредитациядан ўтган лабораторияларда мажбурий курсаткичлар асосида махсулот синовини ўтказиш, кейинчалик ҳам, савдо тизимидан саралаб олинган танланма махсулот сифатини даврий равишда назорат қилиш жараёнларини ўз ичига олади. Мазкур схема бўйича назорат қилинган махсулот сертификат билан бирга, мувофиқлик белгиси билан ёрликланиши таъминланади.

Схема 3. Махсулотнинг сифат назорати рўйхатидан ташқари, Сертификатлаштириш идораси томонидан буюртмачининг ишлаб чиқариш ва сифат менежменти тизимини назоратини кузда тутати (агар корхонада сифат тизими ишлаб чиқилган ва сертификатлаштирилган бўлса). Мазкур схема асосида махсулотга Мувофиқлик белгиси берилиб, корхонада даврий равишда инспекцион назоратни ўтказиш мақсадида махсулот синовлари амалга оширилади.

Схема 4 бўйича, Сертификатлаштириш идораси аккредитациядан ўтган лабораторияда ўтказилган синовлар баённомаси асосида мувофиқлик ва - гигиеник сертификатини бериш билан бирга, ишлаб чиқарувчи корхона ва савдо тизимидан танлаб олинган намуналар синовларини ўтказиш орқали сертификатланган махсулотнинг инспекцион назоратини кўзда тутати. Махсулотнинг сакланиш муддати асосида назоратнинг даврийлиги белгиланади. Мазкур схема бўйича ҳам, махсулотни Мувофиқлик белгиси билан ёрликланиш кўзда тутилади.

Схема 5. Сертификатлаштириш идораси томонидан махсулот синовлари билан бирга, ишлаб чиқариш ёки сифат менежменти тизимининг назорати ва бу назоратдан кейинги сертификатлаштирилган махсулот ва ишлаб чиқариш жараёнининг инспекцион назорати кузда тутилган. Бу схема асосида ишлаб чиқариш ҳолати назоратида ишлаб чиқариш (сифат) тизимлари сертификацияси бўйича экспертларнинг иштироки зарурий шарт ҳисобланади.

Схема 6. Сифат менежменти тизимини баҳолаш ва кейинчалик унинг инспекцион назорати учун Ўзстандарт агентлиги томонидан- аккредитациядан ўтган сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш органи жалб этилади ва шу билан 5-схемадан фаркланади.

Схема 7. Асосан импорт билан келтириладиган махсулот партиясини сертификатлаштириш учун қўлланилади. Бу схема бўйича сертификатлаштириш идораси, одатда, узининг аккредитациядан ўтган лабораториясига меъёрий хужжатлар талабларига асосан махсулот

идентификациясини, сериядан намуналар танлаб олишни, ва кейинчалик амалга ошириладиган синовларни олиб бориш учун курсатма беради.

Схема 8. Якка холда ишлаб чиқарувчи, импорт қилинувчи ёки сотилувчи маҳсулотнинг синовларини амалга оширишда қулланилади. Бунда синовлар, баҳолаш ва сертификат муайян бир маҳсулотга оид бўлиб, кейинчалик уюртмачи томонидан сертификатланган маҳсулотнинг мувофиқлик белгиси билан ёрликланиш амалга оширилади.

Схема 9. Маҳсулот сифатининг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи таъминотчининг декларацияси ва унга илова қилинган меъёрий ҳужжатларни мувофиқлигининг исботи сифатида қулланишига асосланган. Бу схема билан уюртмачи аккредитациядан утган лабораторияда синовларнинг утқазилиши ёки сифат менежменти тизимини сертификатлаштиришни ёхуд ҳам униси ҳам бунисини утқазилишини таъминлаб, кейинчалик декларация қабул қилиб, стандартлаштириш идорасига сертификацияга уюртма беради. 9-схемани қулланишнинг зарурий шarti - уюртмачи ихтиёрида маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини билвосита ёки бевосита тасдиқловчи барча ҳужжатларнинг бўлишидир. Агар мазкур шарт бажарилмаса, сертификатлаштириш идораси уюртмачига маҳсулотни бошқа схема бўйича сертификатлаштиришни таклиф этади.

«Бир турдаги маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қоидалари»нинг VI бандига мувофиқ («Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2005 йил 7 сентябрда №340 сонли буйруқ билан тасдиқланган) Ўзбекистон Республикасида фармацевтик маҳсулотларга фақат 3, 4 ва 7 схемалар қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини сертификатлаштириш асосан маҳсулот партияларини сертификатлаштириш йули билан амалга оширилади (7-схема), бу Республикада сотилаётган дори воситаларнинг асосий қисми яқин ва узоқ хориж мамлакатлардан импорт қилиниши билан боғлиқдир.

Фармацевтик бозорини кўп қисмини эгалаган маҳаллий ва хорижий фармацевтик корхоналар учун ишлаб чиқариш ҳолатининг назоратини ўз ичига олган схеманинг қўлланишини мақсадга мувофиқдир (3, 4 схемалар). Бунда корхонага серияли ишлаб чиқариш учун мувофиқлик сертификати тақдим этилади ва корхона ўз маҳсулотининг сериявий назоратидан озод этади. Сертификат уч йил муддатга берилади, маҳсулотга мувофиқлик белгиси билан ёрликланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришнинг сифат назорат тизими мавжудлиги ёки "Сифатли ишлаб чиқариш амалиёти" (GMP) талабларига мувофиқлиги асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

Хар бир муайян ҳолатда қулланиши мумкин бўлган сертификатлаштириш схемаси сертификация идораси томонидан уюртмачининг таклифи, келтирилган маҳсулотларнинг ҳажми ва келтирилиш муддати, синов усуллари, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмолининг ўзига ҳос тарафларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Уюртмачи мувофиқлик сертификати бўлган ва мувофиқлик белгиси билан ёрлиқланган маҳсулотни реклама қилиш ҳуқуқига эга. Мажбурий

сертификатлаштиришдан ўтиши лозим бўлган, аммо сертификатга эга бўлмаган маҳсулотни реклама қилиш руҳсат этилмайди.

### **7.7. ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Фармацевтика бозорида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашнинг асосий тамойили дори воситаларининг сифати ва безарарлигини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда чиқарилган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ҳарид қилинаётган товарларнинг сифати ва безарарлигини таъминланиб берилиши - истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

Дори воситаларининг сифатини таъминлаш - муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб, дори воситаларини яратилишидан то бевосита истеъмолчига етиб боришигача бўлган ҳамма босқичларда турли омиллар мажмуини ҳисобга олишни талаб қилади. Турли муассасалар - ишлаб чиқарувчи корхоналар, даволаш- профилактика муассасалари, дори воситалар билан улгуржи ва чакана савдо қилувчи ташкилотлар дори воситалари сифатини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшади. Дори воситаларини бозорга чиқаришда асосий кўрсаткичлар бўлиб уларнинг сифатлилиги, самарали ва безарар бўлиши керак.

Бозор муносабатлари шароитида дори воситалари сифатини назорат қилиш давлат томонидан тартибга солиниши зарур бўлиб, бу дори воситалари сифатини баҳолашда ягона давлат сиёсати таъминланиши ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқ - манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Кўпчилик мамлакатларда дори воситаларининг сифати бевосита давлат органлари томонидан назорат қилинади. Охирги йилларда дори восита сифатини кафолатлашга қаратилган бир қанча зарур чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ресурсларни бир тизимга келтириш ва ҳамкорликдаги ҳаракатлар дори воситалари сифатини таъминлашнинг самарали концепциясини шакллантиришга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси ва унинг ҳолати

XX аср охирида бутун жаҳон ҳамжамияти фармацевтик бозорга қалбаки дори воситаларининг кириб келиши каби катта муаммога тўқнашди. Қалбакилаштириш тўғрисида биринчи маълумотлар Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти томонидан 1982 йилда аниқланган. Дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси ҳозирда бутун дунё учун долзарб. Ҳалқаро фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, қалбакилаштирилган дори воситалари ривожланган мамлакатлар фармацевтик бозори улушининг 5-8% ини ташкил этади.

Бундан 6 - 8 йил аввал дори воситалари сифатининг кучли назорати ташкил этилган Ўзбекистон Республикасини ҳам дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси четлаб ўтмади. Биринчи қалбаки дори воситаси тўғрисидаги маълумот 1998 йил Красноярскнинг “Красфарма” фармацевтик заводи ишлаб чиқарган, қон ўрнини босувчи қалбаки “Полиглюкин” дори воситаси асосида аниқланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра қалбаки дори воситалар миқдори 1998 йилга нисбатан бир неча маротаба ошган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон фармацевтика бозорида барча фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича қалбаки дори воситалари аниқланган. Уларни аниқлаш кўрсаткичлари ўртача қуйидаги гуруҳлар асосида тақсимланади:

1. Антибактериал воситалар - 47,8%;
2. Ошқозон-ичак тизимига таъсир қилувчи дори воситалари – 13,5%;
3. Анальгетиклар - 10,9%;
4. Тўқималар алмашинувига таъсир қилувчи воситалар - 9,5%
5. Замбуруғларга қарши воситалар - 7,7%
6. Гормонал воситалар - 5,6%
7. Бошқа дори воситалари - 5%

Дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси қўламлари ҳақида маълумотлар ҳозирча етарли эмас. Ҳозирги пайтда бу муаммо ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда, ривожланиб келаётган мамлакатларга ҳам таъсир қилмоқда. Бу муаммо кўпроқ дори воситаларини ишлаб чиқариш, импорти, тарқатилиши, етказиб бериш тизимининг тартибга солиниши ва назорати кучсиз бўлган мамлакатларда кўпроқ кузатилади.

Қалбаки дори воситалари миқдорининг қўпайишига бир қанча омиллар таъсир қилади. Бу омиллар яхшилаб ўрганиб чиқилиб, муаммони Давлат миқёсида белгилаб, дори воситаларини тақсимлаш тизимида қалбакилаштиришнинг олдини олиш бўйича самарали дастурлар ишлаб чиқилиши керак. Қуйида қалбакилаштирилишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар келтирилган.

- Қонун базасининг етарли эмаслиги.

Ҳар бир мамлакатда дори воситалари қалбакилаштирилишининг олдини олиш ва бу муаммони бартараф этишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлиши керак. Агар дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини назорат қилувчи қонунлар етарли бўлмаса ёки умуман йўқ бўлса, қалбакилаштириш жазосиз қолиши мумкин.

- Амалдаги қонунларни етарли даражада қўлланилмаслиги.

Мавжуд қонунларнинг сўзсиз бажарилиши йўлга қўйилмаганлиги қалбакилаштириш каби жиноятларнинг содир бўлишига олиб келади, чунки бу ҳолда қамалиш ёки жазодан қўрқиш ҳисси бўлмайди.

- Жазо санкцияларининг кучсизлиги.

Дори воситалари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жазо санкциялари юмшоқлиги ёки умуман жазоланмаслиги қалбакилаштиришга олиб келади.

- Кўп сонли воситачилар иштирокидаги келишувлар.

Маҳсулот кўплаб воситачилар ёки расмий келишувлардан ўтса, ва назорат тизими етарли бўлмаса, бу ҳолатда дориларни қалбакилаштирувчиларга бозорга ўз маҳсулотларини киритишга қулай имконият яратилади.

- Талабнинг таклифдан юқорилиги.

Дориларга талабнинг таклифдан устунлиги, қалбакилаштиришни келтириб берувчи омил ҳисобланади. Чунки, бу ҳолатда қалбаки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш катта фойда олиш имконини беради. Баъзан дориларга талабнинг ортиши дориларнинг керак бўлмаган ҳолларда ҳам истеъмол қилиниши туфайли юзага келади.

- Нархларнинг юқорилиги.

Дориларга бўлган нархларнинг юқорилиги ва нархлар орасидаги катта фарқларнинг бўлиши арзонроқ қалбаки дори воситаларини бозорга киритиш имконини беради.

- Дориларни ноқонуний ишлаб чиқарилишининг мукаммаллашуви.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш ва қадоклаш учун таклиф этилаётган мураккаб замонавий асбоб-ускуналарнинг пайдо бўлиши туфайли, қалбаки дориларни ҳақиқийларидан фарқлашни мураккаблаштиради. Чунки, бу ҳолат дориларни қалбакилаштирувчиларга ҳақиқий дори воситаларига айнан ўхшаш бўлган қалбакиларини чиқариш имконини берди.

- Манфаатдор томонларнинг орасидаги самарасиз ҳамкорлик.

Улгуржи таъминотчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг тегишли назорат органларига дори воситаларининг қалбакилаштириш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни бериш истагининг йўқлиги миллий ҳокимият органларига ушбу фаолиятни тўхтатишига имкон бермаяпти.

- Экспорт қилувчи мамлакатлар томонидан ва эркин савдо зоналарида назоратнинг мавжуд эмаслиги.

Экспорт учун ишлаб чиқариладиган фармацевтик воситалар мазкур мамлакат ўзи учун ишлаб чиқарган дори воситаларига қабул қилинган стандарт бўйича назорат қилинмайди. Ундан ташқари хорижий мамлакатлар учун мўлжалланган дорилар назорати кучсиз бўлган эркин савдо зоналари орқали экспорт қилинади. Бу эса шу зоналарда қайта қадоклаш ва ёрлиқлаш имкониятини яратади. Натижада қалбаки дорилар савдоси кўпаяди.

## **Қалбаки дори воситалари тўғрисида тушунча**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, қалбакилаштирилган дори воситалари дунёнинг деярли барча мамлакатада аниқланган. 1992 йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳалқаро фармацевтик ишлаб чиқарувчи фирмалар ассоциацияси ҳамкорликда ўтказган дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоларига бағишланган 1-ҳалқаро анжуманда “қалбаки дори воситаси” тушунчасига таъриф берилди.

**“Қалбаки дори воситаси** - бу олдиндан кўзда тутилган ҳолда ва алдов йўли билан чинлиги / ёки олинмиш манбалари бўйича ёлғон ёрлиқлар билан таъминланган фармацевтик маҳсулотдир” Қалбакилаштириш нафақат оригинал воситалар, балки генерик дори воситаларига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Қалбаки дори воситаларига керакли ингредиентли ёки бошқа ингредиентли, актив ингредиенти йўқ бўлган ёки керагидан кам миқдорда актив ингредиент сақлаган ҳамда қалбаки қадоқланган дори воситалари киради.

Фармацевтик бозори тизимида қалбаки маҳсулотларнинг кириб келиши натижасида қуйидаги ножўя ҳолатлар кузатилиши мумкин:

Дори воситаси таркибида асосий таъсир қилувчи модданинг кам миқдорда бўлиши ёки умуман мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолда бемор организмида тегишли фармакотерапевтик таъсир вужудга келмайди.

Агар восита ёрлиқда кўрсатилмаган таъсир қилувчи моддани сақласа, бемор организмига салбий таъсир қилувчи захарли ёки кераксиз биологик актив модданинг тушиб қолишига олиб келади.

Расмий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг маҳсулотига нисбатан ишончнинг сусайиши кузатилади.

Ишлаб чиқарувчи фирмалар ва давлат муассасаларига иқтисодий зарар етади.

### **Қалбакилаштирилган дори воситаларининг таснифланиши**

Ўзбекистон Республикасида кириб келган ва сотилган қалбаки дори воситалари ишлаб чиқарилиши шароитларига кўра 6 та гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - таъсир қилувчи моддаси умуман бўлмаган дори воситалари. Бундай дори воситаларини “плацебо” ( бўш воситалар) деб аталади. Бу дори воситаларини ишлаб чиқаришда одатда оддий нейтрал компонентлар (талък, оҳак, бўр ва ҳ.к.), ҳамда табиий бўёқлар (лавлаг, сабзи ва бошқалар) қўлланилади. Бундай қалбакилаштириш тури кам учрайди ва қалбаки восита оригиналдан осон фарқланади. Бу дори воситалари нисбатан хавфсиз бўлсада, лекин даволаниш жараёнида самара бермайди. Бу усул билан асосан таблетка, ҳамда суртма дори ва геллар қалбакилаштирилади.

Иккинчи гуруҳ - бу гуруҳ воситалари таркибига асосий таъсир қилувчи модда ўрнига бошқа унга ўхшаш ингредиентлар киради, яъни асосий таъсир қилувчи модда ўрнига арзонроқ, аммо самарасизроқ модда киради. Кўпинча арзонроқ дори воситасининг ёрлиқланиши қимматбаҳо воситанинг ёрлиқланишига алмаштирилади. Масалан: оддий физиологик эритма

флакониға самарали оғриқ қолдирувчи ёки онкологик воситаларнинг ёрлиқлари ёпиштирилади. Бундай гуруҳ дорилар ҳавфли бўлиб, кутилаётган терапевтик таъсирни кўрсатмайди.

Учинчи гуруҳ - бу гуруҳ воситалари ёрлиғида кўрсатилган асосий таъсир қилувчи моддадан олиниши бўйича фарқланадиган модда сақлайди. Текшириш натижасида дори воситасининг таркиби мос келади. Аммо барибир восита қалбаки бўлади. Масалан: Bayer (Германия) концернининг аспириин қутичасига маҳаллий ишлаб чиқарилган ацетил салицил кислотаси солинган бўлади. Бу гуруҳ дорилари беморга катта зиён келтирмайди, аммо кўп ҳолларда қўлланилаётган воситанинг терапевтик таъсири паст бўлади.

Тўртинчи гуруҳ - бу гуруҳ воситалари ўз таркибида аниқ миқдорда таъсир қилувчи моддаларини сақлаб, аммо бирламчи қадоқлаш бўйича оригиналдан айрим элементлари билан фарқ қилади. Масалан: “Авентис” фирмасининг “Клафоран”, “Хиноин” фирмасининг “Но-шпа” воситалари оригиналлариға мос келадиган ҳолда қалбакилиги аниқланган. Бу гуруҳ воситаларидан бемор терапевтик самарани олиши мумкин, аммо дори воситаларини қонуний ишлаб чиқарувчилари катта зиён кўрадилар.

Бешинчи гуруҳ - “яримқалбаки” воситалар деб юритилади, улар етарли сифат даражасига эга, қонуний ишлаб чиқариладиган корхона номидан ишлаб чиқариладилар, номланиши, таркиби ва упаковкалари таниқли фирмаларнинг “Бренд”лари бўлган оригинал воситалариға ўхшаш бўлиб, аммо уларни сотишда оригинал воситаларни ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлари бузилади. Масалан: “Шеринг Плау” фирмасининг “Целестодерм” воситасига дизайни ва упаковкиси бўйича ўхшатиб “Целектодерм” номли воситани бошқа фирма ишлаб чиқарган.

Олтинчи гуруҳ – нусха - воситалари бўлиб таркибида керакли таъсир қилувчи моддаларининг айнан ўзи ва керакли миқдорда бўлади, ҳамда улар замонавий технологияси бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналарда (баъзида ишлаб чиқарувчилар ўзи томонидан) ишлаб чиқарилади. Охирги учта вариантдаги қалбаки дорилар катта ёки кичик қонуний ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналар учун хосдир. Бу ҳол кўпинча таниқли фирмаларнинг у ёки бу ҳудуддаги филиалларида кузатилади. Бу нусхалар фарқланиши мураккаб бўлган қалбаки дори гуруҳидир. Бундай воситанинг оригиналдан фарқланиши фақат махсус кимёвий лабораториядагина амалга ошириш мумкин.

Юқорида кўрсатилган қалбаки дори воситаларининг барча гуруҳлари соғлиқ учун зарар келтиради, чунки улар қонуний сифат назорўйхатидан ўтмайди.

### **Қалбаки дори воситаларининг стандартға мувофиқ келмаслик кўрсаткичлари**

Қалбакилаштирилган дори воситалари меъёрий ҳужжатларнинг асосан бешта кўрсаткичи талабига жавоб бермайди: “жиҳозлаш”, “ёрлиқланиши”, “ташқи кўриниши”, “чинлиги” ва “таъсир этувчи моддалар миқдори”. Дори

воситасининг биринчи учта кўрсаткич бўйича стандартга мувофиқ келмаслигини визуал аниқлаш мумкин. Куйида қалбакилаштиришнинг тез-тез учрайдиган белгиларини келтирамиз.

“Ёрлиқланиши” бўйича қалбакилаштирилган дори воситаларининг асл нусхалардан асосий фарқланадиган белгилари куйидагилар: кўп ҳолларда ёрлиқларнинг ксеронусха бўлиши, штрих-кодлари, ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи, қайд этиш рақами бўлмаслиги, ёзувларнинг ноаниқ ва нотекис бўлиши, айрим ҳолларда грамматик ҳатоликлар учрайди ёки айрим ҳарфлари белгиланган тартибда босилмаганлигидир.

“Жиҳозлаш” кўрсаткичи бўйича куйидаги белгилар билан фарқланади: иккиламчи жойлаш қутисининг нотекис елимланганлиги, “ишлатиш бўйича йўриқнома”нинг қутиларга аксарият ҳолда нотекис жойлаштирилганлиги.

“Тасвирланиши” кўрсаткичи бўйича дори шаклининг ранги оригиналдан фарқ қилади, кўп ҳолларда тўқроқ, таблеткаларнинг юзасида ёт доғларнинг бўлиши, ампулалар ностандарт, турли ўлчамларда бўлиши, бир хил тўлдирилмаганлиги ва нуқсонли қавшарланиши, ёрлиқларнинг нотекис елимланиши мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида аниқланган қалбаки дори воситаларининг таҳлил натижалари бўйича салмоғини куйидагича тақсимлаш мумкин:

Ташқи кўриниши, жиҳозланиши ва ёрлиқланиши – 50-60%

Чинлиги – 25-35%

Микдорий таҳлили – 5-10%

Бошқа кўрсаткичлар – 1-2%.

Юқори технологияга эга бўлган қалбаки дори воситаларини фақат мутахассисларгина асл нусхадан фарқлай оладилар, чунки улар махсус аниқланадиган айрим кўрсаткичлар билан фарқланадилар. Бундай қалбаки дорилар дорихона тармоғида тез-тез учраб туради.

Барча дори воситаларини қалбакилаштириш ҳолатлари «Дори-Дармон» АК тизимидаги назорат - таҳлил лабораторияда, ҳамда Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг сертификатлаштириш идораси томонидан аниқланмоқда. Қалбаки дори воситаларининг асосий қисми Республикамизга хориждан кириб келади (Хиндистон, Хитой, Польша ва МДХ мамлакатларидан). “Плива”, “Авентис”, “Эбеве”, “Новартис”, “Элай-Лилли” ва бошқа хорижий ишлаб чиқарувчи фирмаларининг қалбакилаштирилган дори воситалари ҳам Ўзбекистонда аниқланган. Шу билан бирга, Россиянинг “Биосинтез” ОАЖ, “Красфарма” ОАЖ, “Биохимик” ОАЖ, “Ай Си Эн Томск химфармзавод” ОАЖ каби ишлаб чиқарувчи фирмаларининг қалбаки дорилари ҳам фармацевтик бозоримизда учрайди.

**Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозоридаги дори воситаларини қалбакилаштиришнинг олдини олиш чора-тадбирлари**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фармацевтика бозорига сифатсиз дори воситалари кириб келишини олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тад-

бирлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 декабрь 2002 йилдаги 427-сонли “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” Қарори ва “Дори воситаларини сертификатлаштиришни ўтказиш қоидалари” бу йўналишдаги асосий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, Аҳолини сифатли ва безарар дори воситалари билан таъминлашнинг ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш идораси томонидан бериладиган дори воситасининг мувофиқлик сертификати жорий этилди. Фақат шу мувофиқлик сертификатига эга бўлган дори воситаларигина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилишига руҳсат этилади. Дори воситаларининг белгиланган сифат стандартларига мувофиқлиги “Дори воситалари экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази”нинг аккредитациядан ўтган ва бошқа ваколатли лабораторияларда текширилади.

Сертификатлаштириш жараёнини осонлаштириш мақсадида вилоятларда сертификатлаштириш идоралари ташкил этилган. Андижонда, (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари учун), Урганчда (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун), Самарқандда (Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари учун), Қаршида (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун). Юқоридаги идоралар томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари МХ давлатларида тан олинади.

Шу йўл билан Республикага ностандарт дори воситаларини киритилишига ўзига хос тўсиқ қўйилмоқда. Лекин, мажбурий сертификатлаштириш ҳамма муаммоларнинг ечими бўла олмайди. Фармацевтик бозорда қалбаки маҳсулотларнинг кириб келишини олдини олишнинг самарали усуллари ўз ичига олган бир қатор чора тадбирларни ишлаб чиқиш керак. Ҳозирги кунда қалбаки дори воситалари ҳақидаги маълумотлар ахборотлар оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот) ёрдамида мутахассисларга мунтазам равишда етказилмоқда. Дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси ечимини алоҳида давлатларнинг назорат органлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин.

### **Дори воситаларини қалбакилаштиришни бартараф этиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари бўйича чора- тадбирлар**

*Фармацевтика саноати.* Фармацевтика саноати қалбаки дори воситаларини аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди. Қўлланадиган чоралар:

дори воситаларининг ҳимоя тизимини татбиқ этиш, ўз маҳсулотларини қалбакилаштирилишини олдини олиш мақсадида ҳимоя ёрлиқларидан ва бошқа воситаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини қўллаш;

ўз омборида дори воситалари ва қадоклаш материалларининг ноқонуний ишлаб чиқарувчи ва қадокловчиларга сотиш мақсадида ўғирланишини олдини олиш.

*Дори воситаларини хориждан келтирувчи ташкилотлар.*

Фармацевтика маҳсулотларини хориждан олиб келувчи ташкилотлар қуйидаги чораларни кўришлари керак:  
хориждан олиб келинаётган дори воситалари тегишли давлатларда қонуний йўл билан ишлаб чиқарилганлиги кафолатланиши;  
келтирилаётган давлатларда хавфсизлик чораларини ўрганиш ва фойдаланиш;  
четдан олинган дори воситаларига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида расмийлаштирилган фармацевтика маҳсулотининг сифат сертификатини имконият даражасида олиш.

*Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари.*

Фармацевтика маҳсулотлари билан улгуржи ва чакана савдо қилувчилар қуйидаги чораларни кўришлари керак:

дори воситаларини фақат қонуний ва ишонли манбалардан сотиб олиш;  
дориларнинг қалбакилигига ёки дорининг сифати, самарадорлиги, хавфсизлиги шубҳали бўлган дориларни сотиб олмаслик, сотмаслик ёки етказиб бермаслик;  
дори воситаларининг сифат назоратини визуал ва бошқа ноаналитик усуллар билан ўтказиш, шу билан бирга, ёрлиқлаш сифатини ва қадоклаш материалларини, ишлаб чиқарувчининг номи ва манзилини текшириш.

*Соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари.*

Ҳамма Соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари қалбаки дори воситаларига қарши курашга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Дори воситаларини тавсия этувчи шифокорлар баъзи бир дорилар ишлатилганда даволанишнинг самарасиз кечишига алоҳида аҳамият беришлари керак, чунки бу - дори қалбакилигининг белгиси бўлиши мумкин. Қалбаки, деб тахмин қилинган дори воситалари ҳақида дори воситалари сифатини назорат қилувчи миллий органларга хабар қилиниши, улар эса ўз навбатида намуналар олиб, экспертиза ўтказишлари керак.

*Истеъмолчилар.* Истеъмолчилар ҳам ўз шифокорларига қуйидаги маълумотларни етказишлари керак:

қўлланилган даволаш чораларига қарамасдан соғаймаслик ҳолатлари тўғрисида;  
даволаниш давомидаги барча ножўя таъсирлар тўғрисида (кутилмаган ножўя таъсирлар қўлланилаётган дори воситаларининг қалбакилигидан далолат беради).

Дори воситаларининг қалбакилаштирилишини бартараф этиш каби муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга муаммонинг ижобий ҳал бўлиши, фармацевтика бозори муомаласига фақат сифатли, самарали ва безарар дори воситалари киритишга алоқадор бўлган мутасадди ташкилот ва шахсларнинг ҳамкорлигига боғлиқ.

## **7.8. НОСТАНДАРТ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Ишлатишга яроқсиз бўлган дори воситаларини йўқ қилиш тартиби бўйича вақтинчалик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”, Давлат санитар назорати ва Табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, бу йўриқнома ишлатишга яроқсиз бўлган, қалбаки дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш бўйича ягона тартибни белгилайди.

Мазкур йўриқнома стандарт талабларига жавоб бермайдиган ва лаборатория тажрибаларидан аниқланган дори воситалари ва тиббий буюмлар партиялари, шунингдек қалбаки дори воситалари ва тиббий буюмлар учун қўлланилади.

Бу йўриқномада қуйидаги тушунчалар қўлланилган:

- “дори воситалари” – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташҳис қўйиш ва стерилизация воситалари киради;
- “тиббий буюмлар” – касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар. Улар жумласига боғлаш ва тикиш материаллари, шприцлар, қон ва инфузион эритмаларни қўйишга мўлжалланган системалар, беморларни парваришlashда қўлланиладиган ашёлар ва материаллар киради.
- “йўқ қилиш” – дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳар хил усуллар ёрдамида яроқсиз ҳолга келтирувчи йўқ қилиш ҳолати бўлиб, бунда ёқиб юбориш, майдалаб ташлаш, бўлиб ташлаш, қўйдириб ташлаш, ёки кўмиб ташлаш мумкин.

Мазкур Вақтинчалик йўриқнома талабалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дори воситалари ва тиббий буюмлар муомуласи билан шуғулланувчи барча даволаш – профилактика муассасалари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир.

Йўқ қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- белгиланган яроқлилик муддати ўтганда;
- сертификациялаш бўйича синовлар натижасида маҳсулотнинг сифат талабига жавоб бермаслиги аниқланганда;
- дори воситалари ва тиббий буюмлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигида рўйхатдан ўтмаган бўлса ва уларни идентификациялаш имконияти йўқ бўлса;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қалбакилиги аниқланганда;
- бошланғич завод упаковки бузилган бўлиб, қайтариб юбориш имконияти бўлмаган ҳолларда.

Эслатма: Мазкур йўриқнома ишлатишга яроқсиз гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиблари учун қўлланилмайди.

Йўқ қилиш тартиблари.

Дори воситалари ва тиббий буюмлар партиясини йўқ қилиш бўйича рухсат олиш учун ташкилот раҳбари 10 кунлик муддати орасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига (кейинчалик Бош бошқарма) йўқ қилиш учун тайёрланган дори воситаси ва тиббий буюмларнинг номи, серия рақами, миқдори, ишлаб чиқарган (фирма) ташкилот номи, давлати ва маҳсулот эгаси кўрсатилган тавсиянома жўнатиши керак.

Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра дори воситалари ва тиббий буюмларнинг йўқ қилиниши бўйича рухсат Бош бошқарма томонидан ташкилот раҳбарлари келтирган тегишли аккредитациядан ўтган лабораторияларнинг маҳсулотнинг меъёрий хужжатлар бўйича сифат талабларига жавоб бермаслиги тўғрисидаги хулосалари асосида қабул қилинади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш бўйича беш кишидан кам бўлмаган миқдорда, Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Санитария – эпидемиологик хизмати соҳаларидан тегишли вакиллар жалб этилган ҳолда комиссия тузилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Комиссия ўз фаолиятини аъзоларнинг 80% дан кам бўлмаган иштирокида амалга оширишга ҳақли.

Бош бошқарма томонидан рухсат олингандан кейин комиссия белгиланган тартибда дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш мумкин. Комиссия томонидан сана, вақт, жой ва йўқ қилинадиган дори воситаларнинг физик – кимёвий мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда йўқ қилиш усули белгиланади.

Йўқ қилишга тайёрланган дори воситалари ва тиббий буюмлар, партиясининг йўқ қилингунга қадар сақланиши ва жавобгарлиги ички буйруқ асосида фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган моддий жавобгар шахсга юклатилиб, сақлашга топширилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг номи серияси ва упаковка миқдори кўрсатилади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг партиясини йўқ қилиниши маҳсулот эгаси ёки унинг вакили иштирокида – амалга оширилади.

Маҳсулот партияси йўқ қилингандан кейин комиссия аъзолари дори воситалари ва тиббий буюмларнинг йўқ қилинганлиги тўғрисида далолатнома тузади.

Далолатномада қуйидаги маълумотлар келтирилиши керак:

- дори воситалари ва тиббий буюмлар партиясининг йўқ қилинган жойи, сана ва вақти;
- далолатнома тузилган жой, сана ва вақт;
- дори воситалари ва тиббий буюмлар номи (серия номери, яроқлилик муддати ва ишлаб чиқарувчи номи);

- йўқ қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар миқдори;
- дори воситалари ва тиббий буюмлар партия эгаси (моддий жавобгар шахс);
- йўқ қилиш учун рухсат ким томондан қабул қилинган;
- йўқ қилиш усули тиббиёт мақсадларда ишлатиладиган товарларни йўқ қилишда иштирок этган комиссия аъзолари (фамилия, исми ва отасининг исми, лавозимлари кўрсатилган ҳолда). Далолатнома комиссия аъзолари имзоси билан тасдиқланади.

Эслатма.

1. Йўқ қилишга рухсат этилмайди:

1.1. Суд ва тергов органлари томонидан иш қўзғатилган дори воситалари ва тиббий буюмлар партияси, уларнинг сақлаш муддатидан қатъий назар.

1.2. Агар дори воситалари ва тиббий буюмлар билан шуғулланувчи шахслар сифатсиз маҳсулот партиясини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юбориш тўғрисидаги рекламацияга эга бўлса.

## **8 БОБ. ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИНИНГ ДОРИХОНАСИ**

### **8.1. ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИ ДОРИХОНАСИ ВАЗИФАЛАРИ**

Даволаш-профилактика муассасаси қошидаги дорихона беморларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари, санитария ва

гигиена ашёлари, дезинфекция воситалари ҳамда бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Стационар шароитда шифохоналарда, диспансерларда, туғуруқхоналарда ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморларнинг дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланиши турли мулк шаклидаги дорихоналар ёки шифохоналар қошидаги дорихоналар (шифохона дорихонаси) орқали амалга оширилиши мумкин.

Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси фармацевтика фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган лицензиялар асосида олиб боради ва лицензияда кўрсатилган фаолият турларидан бошқа фаолият билан шуғулланишга руҳсат этилмайди.

Давлат тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси, бевосита шифохона бош шифокорига бўйсунди, ушбу муассасанинг тузилмавий таркиби ҳисобланади ва бўлимлари билан бир хил тенг ҳуқуқга эга бўлади. Дорихонанинг иш тартиби бош шифокор томонидан белгиланади.

Даволаш-профилактика муассасасининг ихтисослиги, беморларга ажратилган ўринлар сони ва бошқа кўрсаткичларига қараб дорихонага етарли ишчи ўринлари ажратилади.

Дорихонада иш ўринлари сони ва ойлик маошлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Дорихонанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- даволаш-профилактика муассасаси бўлимларини ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи таъминотчилардан белгиланган тартибда, шартнома асосида сотиб олинган дори воситалари, боғлов материаллари, беморлар парваришида ишлатиладиган санитария ва гигиена ашёлари, дезинфекция воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш;

- ҳарид қилинган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган тартибда дорихонага қирим қилиш ва физик-кимёвий хоссасаларига қараб сақлаш;

- Республикага четдан келтириладиган ва маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарда мавжуд бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг турлари ҳамда нархлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш ва ҳарид қилиш бўйича таклифларни ўрганиш;

- даволаш-профилактика муассасаси бўлимларидан дори воситалари ва бошқа тиббий буюмлар учун талабномалар қабул қилиш;

- қабул қилинган талабномалар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари асосида белгиланган тартибда дори турларини тайёрлаш, уларни сифатини назорат қилиш, ёрликлаш ва тегишли бўлимларга тарқатиш;

- шифохонанинг бўлимлари ва хоналаридаги дори воситалари, боғлов материаллари, беморлар парваришида ишлатиладиган санитария ва гигиена ашёлари, дезинфекция воситалари ва бошқа тиббий буюмларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида сақланиши, ишлатилишини назорат қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини қўриш учун раҳбариятга ахборот бериш;

- тиббиёт ходимларига фармацевтика янгиликлари, дорихонада мавжуд бўлган янги дори воситалари ва уларни ишлатилиши ҳақида ахборот бириш;

- даволаш-профилактика муассасаси ва эҳтиёжига кўра дори воситалари ва тиббий буюмлар захирасини доимий равишда тўлдириб бориш;

- ихтисослашган даволаш-профилактика муассаса дорихоналари учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларида белгиланган тартибда ва етарли миқдорда зардоб дори воситалари ҳамда вакциналар захирасини ташкил этиш;

- даволаш-профилактика муассасаси бўлимларига дори воситалари таъминотини сифатли ва юқори маданият билан олиб бориш;

-дорихонада мавжуд бўлган дори воситаларини сақлашда амалдаги санитария қоидалари ва меъёрларига ҳамда фармацевтик талабларга риоя қилиш.

Дорихонага юридик шахслардан мувофиқлик сертификати ва керакли маълумотлари етарли бўлмаган ҳамда талаб даражасида расмийлаштирилмаган ҳужжатлар асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қабул қилиш тақиқланади.

Дорихона ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил ишлаган малакали шахсга рухсат этилади.

Дорихонага иш ҳажми, иш тартиби ва турига қараб даволаш-профилактика муассаса раҳбари томонидан ўрнатилган тартибда иш ўринлари ажратилади.

Ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш даволаш-профилактика муассаса раҳбари томонидан дорихона мудирини билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дорихона мудирини даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан ўрнатилган тартибда ишга тайинланади ва ишдан бўшатилади, даволаш-профилактика муассасаси раҳбарияти ва дорихона мудирини ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Дорихона мудирини дорихона ишини ташкил этади ва унинг фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.

Дорихонанинг иш тартиби даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

Фармацевтика соҳасида тугалланмаган олий маълумотли бўлган шахсларнинг бу соҳада ўрта махсус маълумотли бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда фармацевтика фаолияти билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Дорихона ходимлари белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишлари керак.

Ишлаб чиқариш хоналарида ва иш ўринларида чекиш, овқатланиш, шахсий ва ишга керакли бўлмаган буюмларни сақлашга рухсат этилмайди.

Раҳбар дорихона ходимларига қонунчилик билан кафолатланган меҳнат шaroитлари ва ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаб бериши керак.

Белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмайдиган ҳамда фармацевтика фаолияти билан ғайри қонуний шуғулланувчи шахслар қонун олдида жавобгар ҳисобланади.

Даволаш-профилактика муассасаларининг дорихонаси ўзаро тузилган шартнома асосида фармацевтика институтларининг талабалари, фармацевтика коллежларининг ўқувчилари, фармацевтлар малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчилар учун ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш маркази бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Даволаш-профилактика муассасалари дорихонасининг раҳбари ва ходимлари белгиланган тартибда 5 йилда бир маротаба малака ошириш курсларида ўқишлари керак.

## **8.2. ДОРИХОНА БИНОСИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УНДАГИ АСБОБ УСКУНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

Даволаш-профилактика муассасаларининг дорихонаси алоҳида қурилган бинода ёки даволаш-профилактика муассасасига қарашли бинонинг бир бўлагиди алоҳида блок ҳолида ташкил этилиши мумкин.

Дорихона амалдаги меъёрий ҳужжатларининг санитария қоидалари ва меъёрлари талабига мос келадиган ҳамда дори воситаларни фармацевтика талабларига асосан сақланишини таъминлайдиган биноларда ташкил этилади. Дорихонанинг умумий майдони, хоналар сони ва ўлчамлари шифохонанинг ихтисоси, тузилиши, фаолият тури ва иш ҳажмига қараб белгиланади. Бунда дорихонага санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига мос келадиган, бажарадиган иш ҳажмига қараб хоналар ажратилади ҳамда кириш-чиқиш йўллари бошқа бўлимлардан алоҳида бўлади.

Даволаш-профилактика муассасаси дорихонаси бинолари ва жиҳозланиши, фаолият юритиш меъёр ва қоидалари Сан ПиН №0078-98 билан тасдиқланган.

Ишлаб чиқариш хоналари технологик жараёни ҳисобга олган ҳолда узвий кетма-кет боғланган бўлиши керак.

Дорихонанинг ишлаб чиқариш хоналари ички деворлари юзаси ва шифтлари текис бўлиши, улар дезинфекцияловчи ва ювиш воситалари билан чангдан ҳўллаб тозалашга чидамли бўлган материаллар билан қопланиши керак. Жумладан деворлар юзасини қоплаш учун оч рангдаги сувга чидамли эмал бўёқлардан, кафеллардан фойдаланишга рухсат этилади.

Ушбу хоналарнинг полларга плиткалар, кафеллар ётқизилиши ёки чоклари бириктирилган ленолиум, релин билан қопланиши мумкин.

Бошқарув ходимлари ва ёрдамчи хоналарининг ички деворлари юзаси, шифти ва полларини пардозлашда бошқа қурилиш материаллардан фойдаланишга руҳсат этилади.

Дори воситалари ва тиббий буюмлар омборхонаси санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бериши керак, ҳамда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари, қўлланмалари асосида, фармацевтика талаблари даражасида сақлаш учун керакли мебеллар, стеллажлар, шкафлар, асбоблар, ускуналар билан жиҳозланган бўлиши керак. Омборхона полларининг юзаси дезинфекцияловчи ва ювиш воситалари билан ҳўллаб тозалашга чидамли бўлган материаллар билан қопланиши керак.

Термолабиль дори воситаларини сақлаш хонасида зарур шароитлар яратилган бўлиши, бунда хонага кондиционер, совутгичлар қўйилиши, ҳамда хона ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчаш асбоби (термометр, гигрометр ёки психрометр) билан таъминланиши керак. Ушбу ўлчов асбоби полдан 1,5-1,7 метр баланликда, кириш эшиклари ва иситиш асбобларидан камида 3 метр масофада ўрнатилади ва кундалик ҳарорат кўрсаткичи маҳсус дафтарда қайд этиб борилади. Дафтар тўлгандан сўнг бир йил сақланади ва ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

Дорихонада ишлаб чиқариш хоналари (ассистент хонаси, асептика блоки) дорихона мебеллари, дори турларини тайёрлашда, аралаштиришда, филтрлашда, қадоклашда, идишларга куйишда, идишлар оғзини беркитишда, стериллашда, сифатини текшириш ва баҳолашда, ёрликлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, шунингдек ўлчов асбоблари, тош-торозилар, кимёвий реактивлар ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланиши керак. Дорихонада ишлатиладиган ўлчов асбоблари, тош-торозилар Давлат қиёслаш маркази томонидан белгиланган тартибда метрология кўригидан ўтказилиши керак.

Дорихона мебелларининг устки қисми текис бўлиши, дори воситалари ва кимёвий моддалар таъсирига чидамли бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш хоналарига ва омборхоналарга фақат масъул ходимлар киришига руҳсат этилади, бегона шахслар кириши ман этилади.

Тозаланган сув олиш ва идишларни ювиш хоналари иш ҳажмига қараб керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланади ва амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Дорихонада тозалаш ишларини олиб бориш учун ишлатиладиган асбоб-анжомлар, дезинфекцияловчи ва ювиш воситаларини сақлаш учун алоҳида хона ёки шкаф ажратилади.

Даволаш-профилактика муассасаларининг дорихонасига кириш эшиги олдида идоравий бўйсунуши, иш тартиби кўрсатилган пешлавҳа осиб қўйилади.

Дорихона биноси ёнғиндан хабар берувчи ва товушли қўриқлаш мосламалари билан жиҳозлар билан таъминланиши керак.

Дорихона иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва фармойишларига ҳамда бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида олиб боради.

Дорихонада миқдорий буюм ҳисобига олинадиган дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари асосида тасдиқланади ва уларнинг ҳисоби белгиланган тартибда расмийлаштирилган махсус журналларда олиб борилади. Ушбу журналлар тўлгандан сўнг амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида сақланади ва сақлаш муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ва прекурсорларни ҳисобини олиб бориш, бўлимларга бериш, сақлаш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 28 ноябрдаги 527 сонли буйруғининг тегишли бандлари талабларига мувофиқ олиб борилади.

Этил спиртини ҳисобини олиб бориш, бўлимларга бериш, сақлаш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 26 июлдаги 462 сонли буйруғининг талабларига мувофиқ олиб борилади.

### **8.3. ДОРИХОНА МУАССАСАСИДАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ**

Даволаш-профилактика муассасаларининг бўлимлари дори воситалари ва тиббий буюмларни талабнома асосида дорихонадан олади. Талабномада муассасанинг штампи, муҳри босилган бўлиши ҳамда раҳбарнинг ёки даволаш ишлари бўйича раҳбар мовунининг имзоси билан тасдиқланади. Талабномада дори воситасининг номи, дозаси, тури (таблетка, ампула, суртма, қаламча ва б.қ.), умумий миқдори ва ўрам тури (кути, флакон ва б.қ.). Талабномада дори воситасининг номи лотин тилида ёзилади ва қўллаш усули кўрсатилади (ичиш учун, инъекция учун, сиртки, кўз томчиси ва б.қ.). Агарда талабнома (дори воситаси) маълум бир бемор учун ёзилса, унда беморнинг фамилияси, исми шарифи касаллик варақа рақами кўрсатилади. Дорихонадан дори воситалари масъул ходим томонидан даволаш-профилактика муассаса бўлими ҳамширасига талабнома асосида берилади. Талабнома икки нусхада тўлдирилади, биттаси дорихонада ҳисобот учун олиб қолинади, иккинчиси берилган товар билан бўлимга қайтариб берилади.

Гиёҳвандлик, психотроп воситалари, прекурсорларга ҳамда заҳарли моддалар ва этил спиртига алоҳида-алоҳида талабномалар ёзилади. Талабномада даволаш-профилактика муассасанинг штампи, юмалақ муҳри босилган бўлиши ҳамда бош шифокор ёки даволаш ишлари бўйича муовинининг имзоси билан тасдиқланади. Ушбу дори воситалари бир маротабалик ишончнома асосида берилади.

Даволаш-профилактика муассаса бўлимлари томонидан талабномалар ёзиш ва тўлдириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 26 июндаги 297 сонли буйруғининг III иловаси- “Дорихона муассасаларидан дори

воситаларини бериш тартиби”нинг тегишли бандларига мувофик расмийлаштирилади.

#### **8.4. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ**

Даволаш-профилактика муассасаларининг дорихонаси молиявий-хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида олиб боради.

Даволаш-профилактика муассаса дорихонасида товар моддий бойликларнинг тезкор ва бухгалтерия ҳисоби белгилаган шакллар бўйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида олиб борилади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ваколатли ташкилотлар томонидан белгиланган тартибларга мувофик шаклланади.

#### **8.5. МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА ТЕХНИКА ХАВҒСИЗЛИГИ**

Дорихонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги таъминлаш учун қуйидаги чоралар кўрилиши лозим:

- дорихонанинг барча ходимлари махсус ва санитария кийимлари билан таъминланиши;
- махсус асбоб-ускуналар (дистиллятор, автоклав, қуритиш шкафи, электр, газ асбоблари каби) билан ишловчи барча ходимлар махсус тайёрлов курсида ўқишлари ва ишлаш ҳуқуқини берадиган гувоҳномага эга бўлишлари;
- иш жойларида техника хавфсизлиги ва асбоб-ускуналар билан ишлаш тўғрисида қўлланмалар бўлиши;
- дорихонанинг барча ходимлари диспансеризация ва техника хавфсизлиги инструктажидан ўтиши ҳамда бу тўғрисида дорихонада ҳужжатларнинг тўлиқ мавжуд бўлиши;
- дорихонада товар-моддий бойликларни талаб даражасида сақлаш учун етарли шароит яратилиши керак.

Дорихона фаолиятини тугатиш амалдаги қонунчиликка мувофик белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **9 БОБ. ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

#### **9.1.ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА**

Фармакоиктисодиёт бу – беморларни дори воситалари билан даволаш қийматини комплекс таҳлил қилишдир.

Фармакоиктисодиёт тадқиқотлари дори воситаларидан фойдаланиш ҳамда даволашнинг алтернатив усуллариининг қийматларини таққослаш билан олиб борилади.

Фармакоиктисодий таҳлил шифохоналарда аксарият ҳолларда қандай дори воситаларидан фойдаланиш зарурлигини, бемор учун берилган энг

яхши ва самарали дори воситасини аниқлаш, имконини беради. Шунингдек икки даволаш усуллари таққослаш мумкинки, бунда ушбу даволаш схемасини қўллашда беморнинг соғлиғи яхшиланиши ҳамда касалликни даволаш учун аниқ воситани танлаш мумкин.

Фармакоиктисодий изланишлар предмети:

- камида икки хил даволаш усуллари таққослаб олинган таҳлилнинг фармакотерапевтик натижалари;
- янги дори воситаларини хавфсизлиги ва самарадорлиги;
- фармакотерапия ва диагностика ўтказишдаги иқтисодий ҳаражатлар;
- фармакоиктисодий статистика ;
- дори воситаларини бир гуруҳ касалликларда клиник синовларини хужжатлаштириш.

Бир давлат ёки дунё миқёсида олиб қараганимизда Соғлиқни сақлаш тизими ҳаражатлари, яъни даволашга кетадиган ҳаражатлар доимий ошиб бормоқда. Шунинг учун алтернатив даволаш усуллари танлаш муаммосини ҳал қилишда иқтисодий омиллар асосий ўринни эгаллайди. Яъни ҳозирги кунда қуйидаги муҳим савол ўз жавобини топишни талаб этади: дори воситаси акс эттирган нарҳидаги даражада самарадорликка эгами?

Дори воситаларини иқтисодий баҳолаш – бу нафақат алтернатив даволаш усуллари нарҳини солиштириш, балки даволаш усулининг барча клиник жараёнларни, янги дори воситасини қўллагандаги оқибатларини, шунинг билан барча асосий даволаш усули, дори воситалари билан бирга ишлатиладиган воситалар (тиббий техника анжомлари), тиббий персонал ҳаражатларини ўз ичига олган ҳолда бутун молиявий ҳаражатларни баҳолашдир. Одатда даволаш жараёни даволашнинг самарадорлиги ва хавфсизлигига кўра баҳоланган. Бу мақсадда аниқ терапевтик кўрсаткичлар бўйича даволаш натижаларини баҳолайдиган ёндашувлар ишлаб чиқилган, масалан GCP (Good Clinical Practice) стандарти. Шунинг билан бирга юқорида кайд этилганидек, дори воситаларини самарадорлигини ва хавфсизлигини баҳолашда иқтисодий критерияларга таяниш мақсадга мувофиқ.

Дори воситаларини даволаш жараёнида қўлланишини, фармакологик самарадорлигини иқтисодий баҳолаш масалалари билан боғлаб шуғулланадиган фан, фармакоиктисодиёт дейилади.

Фармакоиктисодиётнинг мақсади минимал иқтисодий ҳаражатларда максимал клиник самарадорликка эришишни таъминлашдир. Минимал ҳаражатлар дейилганда фақат дори воситаларини энг арзонини қўллаш назарда тутилмайди. Фармакоиктисодиётда асосий мақсад дори воситаси қийматидан, нарҳидан тежаш эмас, балки юқори самарадорликка эга ва хавфсизроқ дори воситасини қўллаган ҳолда умумий даволаш ҳаражатларидан тежашга ҳаракат қилишдир.

Умумий даволаш ҳаражатларидан тежаш бу, юқори самарали ва хавфсиз дори воситасини қўллагандан кейин, даволаш курсини қисқаришига, бирга қўлланивчи воситаларни қисқаришига, ножўя таъсирларни камайиши

ҳисобига уларни бартараф қилишга кетадиган харажатларни қисқаришига, стационар ёки амбулатория шароитида даволашдаги харажатлар қисқаришига, беморни тезроқ соғайиши ва жамиятга иш қобилиятини тиклаган ҳолда қайтиши ҳисобига келтириши мумкин бўлган фойда ҳисобига эришилади.

Фармакоиктисодиётнинг ривожланиш тарихи ҳақида фикр юритганда, уни 80-йилларда Канада, Буюкбритания ва АҚШда пайдо бўлиб, секин-аста изланишлар натижалари умумланиб, Соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида йўналишга айланиб бораётганини айтиш мумкин. Аввалига изланишларни Соғлиқни сақлаш тизими дастурларини иқтисодий баҳолаш усуллари сифатида ўрганилган. Кейинчалик 90-йилларда изланишлар яхши натижалар берганлиги ва Соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий баҳолаш муҳим ўрин тута бошлангандан сўнг, “фармакоиктисодиёт” атамаси кириб келган.

Бу вақт ичида қилинган ишлар маҳсули сифатида АҚШ Соғлиқни сақлаш тизими, тиббий хизмат кўрстиш ва тиббий товарлар ишлаб чиқарувчи ассоциация (U.S. Yealth and Human Services, Aqency for Health Gare Policy and Reseaarch, and the Health Outcomes Work Group of Pharmaceutical Research Manufacturer’s Association ) томонидан таъсис этилган ISPOR ( International Sociatary of Pharmacoeconomies and Outcames Research) –Ҳалқаро фармакоиктисодиёт изланишлар ташкилотини келтириш мумкин. Бу ташкилот бутун дунё бўйича фармакоиктисодиёт изланишларни молиялаштиради, олинган натижаларни йиғади ва умумлаштиради.

Бу ташкилот томонидан 1998 йил февраль ойида ўтказилган илмий-амалий учрашув ва конференцияда фармакоиктисодиёт бўйича услубий қўлланмалар муҳокамадан ўтказилди ва тасдиқланди. Бу услубий қўлланмалар ёрдамида фармакоиктисодиёт изланишларни ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш ва Соғлиқни сақлашда якуний ҳулосалар чиқаришда кўмаклашадиган ахборот базаларидан фойдаланиш мумкин.

Айтиш мумкинки, фармакоиктисодиётни фан сифатида тан олинишига асос шу ерда қўйилди.

Фармакоиктисодиётнинг Европадаги ривожи ҳақида маълумотларни шу соҳага улкан хизматлари сингган М.Друммонд йиққан. Унинг билдиришича фармакоиктисоднинг умумий ривожланиши кўп ҳолларда Европада Соғлиқни сақлаш тизими олиб бораётган сиёсатга боғлиқ.

Илгари Европа давлатлари қонунчилигида дори воситаларига нарх белгилаш бўйича иқтисодий асос йўқ эди. Бироқ яқиндан бир қанча Европа давлатларида бундай талаблар қонунга киритилмоқда. Бундан ташқари баъзи давлатларда фармакоиктисодиёт изланишлар ўтказиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Европада фармакоиктисодиёт изланишлар 13 та давлатда олиб борилди. Ҳар бир давлатдан 5 тадан йирик тадқиқот натижалари олинди. Шунингдек ўтказилган фармакоиктисодиёт изланишларнинг умумий сони ва қўлланилган анализ усуллари ўрганилди. Натижалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Баъзи давлатларда фармакоиктисодиёт тадқиқотлар натижалари расмий органлар томонидан сўралмоқда. Масалан, Португалияда янги қонунда дори воситалари ҳаражатларини қоплаш масалалари билан шуғулланувчи агентлик, Infarmed дори воситасини формулярга киритишда иқтисодий экспертиза хулосасини талаб қилади. Финландияда 1998 йил бошидан дори воситаси учун улгуржи нарх белгилаш учун, компаниялардан фармакоиктисодиёт баҳоланганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этиши талаб этилади. Изланишлар янги дори воситасини қиймати ва самарасини баҳолашда бошқа мавжуд воситалардан устунлиги ҳақида кенг ва ишончли маълумотларга эга бўлиши керак.

Данияда формулярга янги дори воситаларини киритишда Дания тиббий агентлигига фармакоиктисодиёт изланишлар натижалари илова қилинади. Бундай келишув фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ҳам мавжуд бўлиб, уларни мақсади дори воситаларига ҳаражатларни қисқартиришдир.

Буюк Британияда Соғлиқни сақлаш департаменти томонидан клиник афзаллик миллий институти (NICE – National Institut Sor Clinical excelence) ташкил этилган. Бу институт ҳар йили 30 та янги дори воситалари ва технологияларни тўлиқ баҳолайди. NICE изланишлари натижаларига кўра янги технологиялар, дори воситаларини мувофиқ қўллаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилади. Умуман олганда Европа давлатларида фармакоиктисодиёт изланишларга жуда жиддий ёндошмоқдалар.

Бизга яқин бўлган Россияда Соғлиқни сақлаш тизимидаги фармакоиктисодиётнинг ўрни ҳақида бироз кенгрок маълумот берсак, 1999 йилни Россия учун фармакоиктисодиётнинг қад ростлаши десак бўлади. 1998 йил охирида Москва шаҳрида РАМН қошидаги онкология марказида биринчи бор “Россияда фармакоиктисодиёт. Биринчи тажриба” мавзусида илмий конференция ўтказилди. Конференция онкологик касалликларни даволашда фармакоиктисодиётнинг асосий муаммоларига бағишланди. 1999 йил апрель ва ноябрь ойларида “Человек и Лекарство” конгрессида ва Москва тиббиёт академиясида фармакоиктисодиёт бўйича маъруза ва амалий машғулот курслари ўтказилди ва эшитувчиларга сертификатлар берилди.

1999 йил 22-23 ноябрида Москва шаҳрида биринчи умумроссия “Фармакоиктисодиёт. Учинчи минг йиллик бўсағасида иқтисодиёт” мавзусида конгресс ўтказилди.

2000 йил 20-22 ноябрь кунлари, эса иккинчи–умумроссия фармакоиктисодиёт конгресси ўтказилди.

Умуман олганда Россияда фармакоиктисодиёт сўнгги йилларда яхшигина ривожланди. Буни РФ Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари билан таъминлаш, уларни сифатини яхшилаш ва мувофиқ фойдаланиш бўйича илмий асосланган ислохотлар ўтказётганида ва бунда фармакоэпидемиологик ва фармакоиктисодиёт илмий ёндашувларга таянганида кўришимиз мумкин.

## **9.2. ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Фармакоиктисодиёт – алоҳида фан бўлиб, шаклланишида шифохона ва амбулатория шароитларида фармацевтик ёрдам беришга талабнинг ошиши муҳим ўрин тутди. Бунда ёрдамнинг самарадорлиги, ҳаммабоплиги бемор ҳаёти сифатини ошириш, ишлаш қobiliятини кўтаришга қаратилган бўлиши керак.

Фармакоиктисодиётнинг бошқа соҳаларга нисбатан хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

интеграция ҳарактерига эга эканлиги (ҳар хил соҳа билимларини аҳолини дори воситалари билан таъминлаш мақсадида уйғунлаштириш);

аниқ соҳанинг муаммолари, унинг мутахассислиги ва хусусиятлари билан ҳал қилиш аҳамияти;

ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти (беморлар маблағлари ва Соғлиқни сақлаш тизимининг чекланган ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурияти);

ижтимоий аҳамияти (даволаш самараси, жисмоний соғлиқ ва жамиятда ижтимоий руҳий ҳолатларни аниқлаш).

**Фармакоиктисодиёт кўрсаткичлари таҳлил натижаларини ҳозирги вақтда асосий истеъмолчиларига:**

самарадорлиги бир-бирига яқин бўлган дори воситаларини солиштириш ва уларни мос келадиган рўйхат, дори воситалари формулярларига киритишда мутлоқ иқтисодий исботлар зарур бўлган эксперт, олим ва мутахассисларга;

давлат ва Соғлиқни сақлаш вилоятлар бўлимлари раҳбар ва мутахассисларига – фармакоэпидемиологияни қўллаган ҳолда Соғлиқни сақлаш ҳудудий дастурларини амалга оширишда зарурий бюджет маблағларини аниқлаш учун;

фармацевтик бозорда дори воситаларини татбиқ этишда керакли нарх – наво сиёсатини ўтказиш мақсадини кўзлайдиган фармацевтика мутахассислари ва улгуржи савдо компаниялари қиради.

Чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари асосида дори воситалари ассортименти доимий кўпайиши муносабати билан фармакоиктисодий изланишлар натижаларини қўллашга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Буларга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, дорихона муассасалари, илмий кафедралар ходимлари, шифокор ва истеъмолчилар қиради.

## **9.3. ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТДА ҲАРАЖАТЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулоти учун сўраши мумкин бўлган максимал нарҳни белгиласа, маҳсулотнинг минимал нарҳини ҳаражатлар белгилайди.

Даволаш баҳосини минималлаштиришни мақсад этган фармакоиқтисодиёт учун ҳам ҳаражатлар муҳим тушунча ва кўрсаткичдир. Фармакоиқтисодиёт тадқиқотлари қуйидаги ҳаражатларни аниқлайди:

**I. Бевосита тиббӣ ҳаражатлар (direkt cost)-бу ҳаражатлар бевосита даволашга алоқадор бўлиб, даволаш қиймати ва даволаш муассасаси ҳаражатлари қийматидан иборат.**

Бевосита тиббӣ ҳаражатлар манбаларига қуйидагилар киради:

Диагностика ва лаборатория тадбирлари.

Дори воситалари билан даволаш.

Қўшимча дори воситалари билан даволаш.

Қўшимча касалликларни даволаш.

Бемор томонидан даволаш режимига амал қилмаслик ҳаражатлари.

Дори воситаси ва унинг ўринбосари ножўя таъсирларини тўғрилаш.

Даволаш курси муддати. Даволаш муассасасида бўлиш қиймати.

Олий ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт персонали хизмати.

Жарроҳлик аралашуви.

Реабилитация (қайта тикланиш).

Беморга ғамхўрлик қилиш.

Одатда бу ҳаражатлар бюджет ҳисобидан ёки беморнинг ўзи томонидан қопланади.

**II. Бевосита нотиббӣ ҳаражатлар (хўжалик ҳаражатлари)-бунга бемор тиббӣ хизмат олиши учун зарур ҳамма ҳаражатларни ўз ичига олади. Масалан, беморни шифохонагача транспортировка қилиш, хусусий диета ҳаражатлари киради.**

**III. Билвосита ҳаражатлар (indirekt costs)-бунга атроф-муҳит, жамиятга касаллик туфайли пайдо бўладиган ҳаражатлар киради.**

Билвосита ҳаражатларни аниқлашда қуйидаги омиллар кўзда тутилади:

Вақтинчалик иш қобилиятини йўқотиш вақти.

Касаллик варақаси бўйича тўловлар.

Касалликдан кейинги ногиронликка ғамхўрлик қилиш.

Ижтимоӣ таъминот тўловлари.

Солиқ тўловлари (бунда бемор соғайиб, иш бошлагандан кейин тўлаши мумкин бўлган солиқ тўлови назарда тутилади).

Беморга ғамхўрлик қилишда яқинларининг ҳаражатлари.

Беморни ўлими билан боғлиқ ҳаражат ва йўқотишлар.

**IV. Номоддий ҳаражатлар (intangibli costs) - пул билан ифодалаб бўлмайдиган ҳаражатлар. Бунга қуйидаги руҳӣ, ижтимоӣ омиллар киради:**

а) Жузъӣ ёки танада (оғриқ, мажруҳлик, уйқунинг бузилиши);

б) Ақлий (реакция, ақлий концентрация, диққат, хотира);

в) Руҳӣ (кўркув, депрессия, нотинчлик);

г) Ижтимоӣ (изоляция, конфликт, мойиллик).

Бир сўз билан айтганда бу тоифадаги ҳаражатлар беморнинг ҳаёт сифатига таъсирини кўрсатади. Ҳаёт сифати атамаси – беморнинг жисмонӣ, ижтимоӣ ва эмоционал ҳолати, шунингдек руҳӣ жинсий қобилиятларини акс эттиради. Кўпинча даволашнинг ҳаёт сифатига таъсири махсус анкета

саволлари асосида баҳоланади, бемордан сўровнома оладиган шахс томонидан тўлдирилади. Анкетани анализ қилган ҳолда беморнинг соғлиғи, функционал имкониятларига нисбатан ўзининг фикри, аҳолининг умумий ижобийлашувига бўлган фикри баҳоланади.

Беморни даволашдаги асосий ҳаражат кўрсаткичлари:

Даволашнинг асосий қиймати – дори воситаларининг ўртача улгуржи нархи, кунлик доза миқдори ва даволаш курси муддати билан белгиланади.

Бемор томонидан кун тартибига амал қилиниши ёки беморни интизомлилиги (patient compliance) - бемор томонидан шифокор тавсия ва кўрсатмаларини бажариш истаги. Бемор дори воситасини қабул қилиш, кун тартибига амал қилиш ёки қилмаслиги даволаш қийматига сезиларли таъсир этади. Беморнинг лоқайдлиги дори воситасини самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Буни олдини олиш учун маҳсус дори шакллари ишлаб чиқилмоқда.

#### **9.4. ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ФОРМУЛЯРЛАРИ**

Фармакоиктисодиётни ўрганишда жаҳон амалиётида қуйидаги қатор усуллар кенг қўлланилмоқда:

- қиймат таҳлили (cost - benefit) – фойда даволаниш қиймати ҳамда натижалари бир вақтда пул шаклида баҳоланади;
- “қиймат - самарадорлик” (cost - effective) – таҳлили даволанишнинг қиймати пулда ҳисобланади, даволанишнинг натижаси эса маълум вазифаларни бажариш ҳисобланади;
- “қиймат - фойда” (cost - benefit) – таҳлили бунда натижалар бир турдаги даволашнинг иккинчи турдаги даволашга нисбатан устунлиги паст сифати тушунчасида баҳоланади;
- “қиймат - минималлаштириш” (cost - minimization) – таҳлилида тенг терапевтик самарадорликдаги бир нечта даволаш турларининг қиймати таққосланади;
- “касалланиш қиймати” (cost - of - illness) – таҳлилида қандайдир касалликнинг даволашдаги тўғридан-тўғри ҳамда, жузъий ҳаражатлар баҳоланади;
- “қиймат - наф” таҳлили.

Ушбу усуллардан Соғлиқни сақлашда турли дастурларни молиялашни режалаштиришда анчадан буён фойдаланиб келинади. Ушбу таҳлил усулининг концепцияси унча ҳам мураккаб эмас, лекин уни тушуниш учун баъзи бир деталларини, яъни қачон ва қаерда ушбу усулдан фойдаланиш мумкинлигини қўшимча равишда тушунтириш талаб қилинади.

**Қиймат фойда таҳлили (ҚФТ)** жамоатчилик инвестиция дастурларини баҳолашни тартибга солиш эҳтиёжига жавобан пайдо бўлди. Умуман Соғлиқни сақлаш учун ҳаражатлар жамиятга ижтимоий фойда келтириши лозим, ҚФТ усули эса Соғлиқни муҳофаза қилиш дастурларини молиялаш

тўғрисида тўғри қарор қабул қилишда ёрдам беради. Ҳар қандай режалаштиришда мақсадга эришишнинг бир нечта эҳтимолли йўллари аниқлаш, сўнгра энг оптимал йўлни танлаш учун кўрсаткичларни изоҳлаш лозим. Кўпинча шундай қарорлар изчиллик асосида қабул қилинади. ҚФТ алтернатив қарорларни танлаш жараёнини бир қанча объективлаштиришга ёрдам беради.

ҚФТ усули даволаш дастури ёки усулини амалга оширишдаги эҳтимоллик фойдаларини келгуси йилда пул кўринишида баҳолаб боришдан иборат. Бунга ёнма – ён равишда ушбу дастурни йил давомида амалга оширишнинг барча харажатлари баҳоланади. Бундай ҳисоб-китоблар даволашнинг бир нечта алтернатив дастурлари (ёки усуллари) учун олиб борилади. Амалда қўллаш учун фойда ва харажатлар орасида катта ижобий фарқни таъминлайдиган дастур ютиб чиқади ва таклиф этади.

ҚФТ – усулининг камчиликлари кўпинча пул кўринишида ўлчаш қийин бўлган ҳамда аниқлаш осон бўлмаган фойдаларни пул миқдорида баҳолаш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлардир. Бу муаммо иқтисодчиларнинг кўп уринишларига қарамасдан ўзининг якуний ечимини топмади. Амалий нуқтаи назаридан, таҳлилчилар эҳтимоллик фойда кўрсаткичларини улар қанча керак бўлса шунчасини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Қолган ўлчамлар “етишиб бўлмайдиган фойдалар” деб баҳоланадилар, бундай ҳолларда раҳбарият якуний қарорни қабул қилишда уларни эркин ҳолда кўриб чиқишлари мумкин.

**“Қиймат – самарадорлиги” таҳлили (ҚСТ).**

ҚСТ таҳлили раҳбарга эҳтимоли бўлиши мумкин бўлган алтернатив устунликларини аниқлашга ёрдам беради. Умуман олганда ҚСТ қарор назарий ҳамда математик усуллариининг дастурларини амалга оширишдаги турли ёндашувларини кўриб чиқишда ҳаракат усулини танлашга ёрдам беради. Аслида эса ҚСТ турли дастурлар орқали таклиф этиладиган Соғлиқни сақлаш учун захира ҳамда фойдаларни жамлаш усулини кўрсатадиган усул бўлиб ундан энг қулай ва яхши вариантни танлаб олиниши мумкин. Бунда дастурга (ёки даволаш усулига) кетадиган харажатлар биргина умумлаштирилган сон билан кўрсатилади, самарадорлик эса – бошқа умумлаштирилган ўлчам билан кўрсатилади.

Бунда ечим турли дастурлар ўртасидаги самарадорлик ва харажатларнинг нисбатини ҳисобга олишга асосланади. ҚСТ усули энг кам харажат доирасида берилган самарадорликка қандай дастур орқали эришиш мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради.

ҚСТни ўтказиш учун қуйидаги бирламчи маълумотлар зарур бўлади:

- олдинга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун (арзон бўлиши шарт бўлмаган) оптимал ечим;
- энг камида иккита алтернатив дастурнинг бўлиши;
- дастурларнинг самарадорлиги уни арзонлаштиришга эмас, балки унинг ечими жараёнининг оптималлаштириш орқали эришилади.

Бунда ҳар бир алтернатив дастур учун қуйидаги параметрлар орқали кўриб чиқиш тавсия этилади:

фойдали натижа;  
зарурий маъмурий ҳаракатлар;  
зарур бўлган штатлар ҳамда жиҳозлар;  
наrxни белгиловчи омиллар ҳамда чегирмалар;  
қиймат.

ҚСТ усулида кўпинча Соғлиқни сақлашда, дастурлар учун ҳаражатлар ҳисоблашда фойдаланиш мумкинки, уларнинг натижалари Соғлиқни мустаҳкамлаш иборалари бўйича баҳоланади (мисол учун, умрни узайтириш омиллар). ҚСТ усули оламшумул дастурларга кирмасада, ундан амалиёт тиббиёт ходимлари ёки алоҳида шифохоналарнинг маъмурияти самарали фойдаланиши мумкин.

#### **“Қиймат - минималлаштириш” таҳлили (ҚМТ).**

Агарда икки ёндашишда (даволаш усулларида) уларнинг тенг самарадорлиги кўрсатилган бўлса, ҳар бир усуллариининг ҳаражатларини таққослаш мумкин. Таққослашнинг бундай усули ҚМТ деган ном билан юритилади. Мисол учун, даволашдаги воситадан фойдаланиш қиймати турлича бўлиши мумкин.

#### **“Қиймат - наф” таҳлили (ҚНТ).**

ҚНТ шундай иқтисодий усулни кўрсатадики, ундан фойдаланилганда (даволаш усулида) унинг самарадорлиги беморнинг ҳайрихохлигини ёки даволаш сифати нуқтаи назаридан баҳоланади. ҚНТ таҳлили ҚСТ таҳлиliga жуда ўхшайди, лекин уни қўлланилганда янги кўрсаткич ташқаридан даволаш усулидаги самарадорликни бемор томонидан жузъий баҳоланиши қўшилади. Кўпгина ҚНТ натижалари бемор ҳаётининг сифат ўзгаришини ташқари даволаш усулининг қиймати қўшилган ҳолда ифодаланади.

#### **“Касалланиш қиймати” таҳлили (КҚТ).**

КҚТ аниқ бир касалликнинг аниқ бир тарқалиши учун умумий (тўғри ҳамда жузъий) қийматни ўрганишда фойдаланилади. Ушбу услубият ўрганишда аниқ бир касаллик билан боғлиқ бўлган (макроиқтисодий маънодаги) барча ҳаражатларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган. Шу каби АҚШда бир неча гуруҳ касалликлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, жамиятга ҳаражатлар йилига юрак-томир тизимининг умумий қиймати 80 миллиард доллар, ўсимта касалликлари 30 миллиард долларни, ҳамда асаб-руҳий касалликлар 25 миллиард долларни кўрсатади. Бунда касалликнинг тўғридан-тўғри олдини олиш, аниқлаш, даволаш, Соғлиқни тиклаш, тадқиқот ҳамда ўқитиш, шунингдек тиббий муассасалар учун капитал қўйилмалар ҳаражатларини ўз ичига олади.

Жузъий ҳаражатлар йўқотилган иш кунлари бўйича аниқланади. Касалликнинг тўғридан-тўғри ҳаражатлари ёки жузъий ҳаражатлар аниқланганда касалликнинг олдини олиш ёки даволашга иқтисодий баҳо бериш мумкин бўлади. Тўлиқ мисол билан таҳлил қилиш мумкинки, келажакда Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва жамият тез-тез фармакоиқтисодий муаммоларга дуч келадилар. Лекин, ҳар бир вазифа учун хусусий йўл, хусусий услубият танланиши лозим. Бу услубият келгусида ҳар

кандай фармакоиктисодий маълумотларнинг мавжуд таянч принципларига ҳамда таҳлил усулларига таянади.

Фармакоиктисодиёт таҳлил усуллари биргина бемордагина эмас, балки даволаш муассасаларида, маъмурий-худудий туманда, вилоят ва яхлит давлат миқёсида қўллаш мумкин. Бу усуллар фармакотерапияни клиник ва иқтисодий томондан тартибга солиш имкониятларини беради. Фармакоиктисодиёт таҳлил усуллари даволашнинг аниқ стандартини танлашда, дори воситаларини қайд қилиш ва сотиб олишда, клиник тажрибаларнинг натижаларини баҳолашда муваффақият билан ишлатилмоқда.

Формуляр тизимининг қўлланилиши худудий тиббий ёрдамни сифатини бошқариш моделларини шаклланишига ҳар томонлама ёндашиш зарур рўйхатидан келиб чиқади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари олдида фармакоиктисодий масалаларни ҳал қилишда бир қанча муаммолар қаторида қуйидагилар ҳам бор:

- дори воситаларидан оқилона фойдаланишни таъминлаб берувчи ташкилий тузилмаларни тузиш;

- формуляр тизимни худуд ва муассасаларда қўллашнинг услубий таъминотини ишлаб чиқиш;

- тиббиёт муассасалари амалиётида фармакоиктисодий таҳлил асосларини қўллаш;

- тиббий ёрдам сифатининг назоратини ўтказишда дори воситалари хавфсизлиги ва сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- дори воситаларидан оқилона фойдаланишни қўллашда бемор ва тиббиёт мутахассисларини қизиқишини ошириш учун шароитлар яратиш.

Формуляр тизимни қўллашни таъминлаб берадиган ташкилий тизимни шаклланиши бир-бирини қайтарадиган, нохуш, ёмон оқибатларни келтириб чиқарадиган, ҳаётий зарур тоифасига кирмайдиган, клиника эпидемиология томонидан клиник самарасизлиги тасдиқланган дори воситалари сонини қисқартириш вазифаларини кўзда тутати.

Формуляр тизимини ташкилий тузилмасини шаклланиши ва дори воситаларидан оқилона фойдаланишга қуйидагилар имкон беради:

- дори воситалари ишлатилишининг клиник назоратини, зарур ҳолларда олиб борилаётган фармакотерапияни тўғрилашни ўтказиш;

- даволаш-профилактика муассасалари учун худудий формуляр ва формуляр рўйхатларини ишлаб чиқиш, ҳамда доимий равишда яхшилаб туриш;

- аҳолига бепул тиббий ёрдам таъминотини давлат дастурларини амалга оширишда дори воситаларига бўлган эҳтиёжнинг тиббий-иктисодий ва фармакоиктисодий жиҳатдан асослаб бериш;

- аҳолини, таъминотчиларни, ишлаб чиқарувчи фирмалар, тиббий суғурта ташкилотлари тиббиёт ходимлари, тиббиёт муассасалари

органлари раҳбарларини ахборот билан таъминот хизматини яратиш;

тиббиёт муассасалари эҳтиёжи учун сотиб олинadиган дори воситаларининг фармакоиктисодий самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг нарх - наволарини тўғрилаш шароитини яратиш.

Формуляр учун дори воситаларининг даволаш самарадорлиги, ҳавфсизлиги ва нархлари критерийларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олиниши керак. Бу қийин ишни амалга оширишда шифокорлар тўқнаш келадиган бирламчи муаммолардан бири дори воситалари тўғрисида мутлоқ замонавий ахборотларни қидиришдир. Тиббиёт муассасаларида формуляр рўйхатларни ишлаб чиқиш бир қанча тадбирларни босқичма-босқич бажарилишини кўзда тутди.

## **10. БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБ ИСТИҚБОЛИНИ АНИҚЛАШ**

### **10.1. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИСТЕЪМОЛИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР.**

Дори воситалари асосида ёрдам кўрсатишнинг ҳар бир босқичларида улар эҳтиёжининг истиқболини тўғри аниқлаш, дори воситаларнинг рационал ишлатилишини ажралмас шарт ҳисобланади. Дори воситаларига бўлган талабни илмий асослаб режалаштириш, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондирибгина эмас, балки дори воситаларини сотиб олиш ресурсларидан ҳам тежамкор фойдаланишдир.

Дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш фармацевтик бизнесни ташкиллаштиришда энг муҳим ҳисобланади, чунки бир тарафдан бу ишлаб чиқарувчига максимал фойдани олишга, иккинчи томондан аниқ истеъмолчининг эҳтиёжни қондириш ва соғлиғини сақлашга имкон беради.

## **10. 2. ЭҲТИЁЖ, ТАЛАБ, ИСТЕЪМОЛ, ТАКЛИФ ТУШУНЧАЛАРИ.**

Эҳтиёж – қондиришни талаб қилувчи бирор бир нарсага бўлган муҳтожлик заруратидир.

Эҳтиёжлар омилларга қаратилган бўлиши мумкин:

- физиологик (овқатга, кийимга, уй-жойларга);
- социал (у ёки бу социал гуруҳга мансуб бўлиш);
- интеллектуал (билимга, ҳиссиётга, эркин фикрга ва бошқа).

Инсонни соғлом бўлиши таъминлаш зарурияти - дори воситалари, боғлов материаллар, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар ҳамда бошқа дорихона ассортиментидаги товарларни мавжудлигида ўз аксини топади.

Агар талаб қондирилмаса одам ўзини ноқулай, эзилган ва ҳаттоки бахтсиз ҳис қилади ва у ўз заруриятларини қондириш чорасини қидиради, ёки ўз эҳтиёжларини камайитиришга интилади.

Эҳтиёжларни қондириш жараёни, истеъмол қилиш деб айтилади. Истеъмол қилиш даражаси даволаш-профилактикаси ва бошқа муассасаларга дори воситалари ва тиббиёт товарларни ҳақиқий сотилган ҳажми билан таърифланади.

Истеъмол қилиш даражаси таклиф ҳажми билан ҳам узвий боғлиқдир.

Таклиф - бу истеъмолчиларнинг талабномалари асосида (тиббиёт) товарларни таъминотчилар томонидан берилган ҳақиқий ҳажми.

Талаб - эҳтиёжни бир қисми бўлиб, сотиб олиш хусусияти билан мустақамланади. Талабнинг эҳтиёждан фарқи, у ўлчанади, сотиш ҳажмининг йиғилган маълумотлар, истеъмолчилар сўрови ва бошқалар асосида истиқболи аниқланади.

Ҳозирги кунда дори воситаларига бўлган эҳтиёж дунё бозорида йилига ўртача 15% ўсиб бориши кузатилмоқда.

Дори воситалари эҳтиёжини аниқлашда улар истеъмолига таъсир этувчи омилларни эътиборга олиш керак.

Талабни шакллантиришдаги асосий омиллар қуйидагилар:

- аҳоли сонини ўсиши ва унинг моддий фаровонлигини яхшиланиши;
- даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларини ва улардаги бўлган тиббиёт ва дорихона ходимлари сонини кўпайиб бориши;
- тиббиёт фанларининг ривожланиши, янгича ташхис усуллари татбиқ қилиш, дори воситаларидан самаралироқ фойдаланиши;
- аҳолини умумий маданияти ва тиббий саводхонлигини ошиши;
- катта ёшдаги дори воситаларига талаб кўп бўлган одамлар сонини ортиб бориши.

Дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш кўп омилларга боғлиқ жуда мураккаб жараён, чунки истеъмол маҳсулоти бўлган дори воситалари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Дори воситаси – бу аксарият ҳолда кимёвий субстанция бўлиб, у инсон ҳаётини сақлаб қолишга мўлжалланган, истеъмол маҳсулоти сифатида инсон саломатлигига зарар етказмаслик мақсадида алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Дори воситалари биологик фаол моддалар бўлиб, улар ҳар бир функционал аъзога алоҳида ёки касаллик чакирувчиларга қарши таъсир қилади. Дори воситаларининг умумий сони бизнинг мамлакатда турли дори воситалари рўйхати, дозаси ва қадоқланиши бўйича ҳозирги вақтда 4000 ни ташкил қилади.

Дори воситаларни асосий ўзига хос томони шундан иборатки, маҳсулот сифатида ишлатилиши ва беморлар томонидан ўзи танлаб ололмагани учун улар таъсири ва қўллаш хусусиятларини биладиган мутахассислар белгилаб берадилар. Бунинг учун бемор амбулатория, поликлиника ёки даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилиши керак. Бундан ташқари профилактика ва санитария – гигиена мақсадлари учун дори воситалари ва тиббий ашёларни ишлатишда ҳам акс этади. Дори воситаларни ишлатиш ёки уни қўллаш учун йўлланма бериш фақатгина касалнинг хусусиятларига боғлиқ бўлиб қолмай, бемор дори воситаларини қабул қилиши, тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқдир.

Дори воситаларига бўлган эҳтиёж доимий бўлмайди, у одам организмидаги турли патологик ўзгаришлар даврида пайдо бўлади ва улар истеъмолини асосий сабаби аҳолининг соғлиғини сақлашдан иборат.

### **10. 3. ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ.**

Дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун бир неча усуллар кенг миқёсда қўлланилади:

Меъёрий усул – аниқ касалликларни даволашда қўлланиладиган маҳсус таъсирга эга бўлган воситалар (диабетга, силга, шишга қарши ва б.) учун. Бу усул битта даволаш курсидаги воситаларни оптимал тўпламига ва касалликнинг объектив статистикасига асосланган. Ушбу усул оддийлиги, арзонлиги, қулайлиги билан ажралиб туради.

Иқтисодий-математик усуллар

Бу усуллар кенг омилли корреляцион-регрессион таҳлилга асосланган. Мантикий-иқтисодий усуллар экспертли баҳолашига асосланган. Бу усул муоммоларни ҳал қилувчи мутахассисларнинг фикрлари билан боғлиқ. Дори воситаларини таҳлили ва эҳтиёжини истикболлашда турли гуруҳ воситалар истеъмоли шаклланишини ўзига хос эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Истеъмолига кўра дори воситалари 3 гуруҳга бўлинади:

Меъёри чекланган дори воситалар (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, этил спирти в.б.).

Махсус таъсирга эга, 1-2 касалликни даволашда ишлатиладиган воситалар.

Кенг спектрда таъсир этувчи, кўп касалликларни даволашда ёки уларни олдини олишда ишлатиладиган дори воситалар (иситма тушурувчи, сульфаниламидлар, витаминлар ва б.).

### **Меъёри чекланган дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.**

Ушбу гуруҳ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва этил спиртини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан (17.06.96й. 489-сон буйруқ) гиёҳванд ва психотроп дори воситаларга 1 йилга 1000 та аҳоли учун аниқ миқдорий меъёрлар ҳисобланган. Хусусан: морфин - 0,3 гр, промедол – 5,0, омнопон – 0,3 ва ҳ.к.

Даволаш - профилактика муассасаларида бу меъёрлар ўринлар сони ва муассаса йўналишига кўра белгиланади.

Этил спиртининг меъёри даволаш муассасининг тури, ижтимоий таъминоти билан боғлиқ.

Масалан, даволаш муассасалари учун қуйидаги меъёрлар қўйилган:

1. Дорихона муассалари учун: 1000 та якка тартибда тайёрланиш лозим бўлган рецептлар учун 2800гр.

2. Касалхона учун: жарроҳлик профилактикасида битта бемор учун – 400гр, терапияда -170гр.

3. Амбулатория–поликлиника учун: битта та рўйхатда турувчи бемор учун йилига- 50гр.

Соғлиқни сақлаш муассасаларига спиртлар турли эритмалар бор, салицил, ментол кўринишида ҳам юборилади.

Ижтимоий таъминот муассаларида этил спирти меъёрлари қуйидагича;

1) Мактабларга: битта ўқувчи учун йилига 2 гр.

2) Мактабгача тарбия муассасаларида: битта ўрин учун йилига 20 – 100 гр.

Меъёри чекланган воситаларни эҳтиёжи қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\Xi = \frac{M * C}{1000},$$

Бу ерда М – 1000 та аҳоли учун йиллик истеъмоли меъёри, 1000 та рецепт ва бошқалар.

С – аҳолини сони, рецептларни сони ва бошқалар.

Ξ – дори воситаларга бўлган эҳтиёж.

### **Махсус таъсирга эга бўлган дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш**

Дори воситаларни истеъмоли аҳолининг касалланиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси билан боғлиқ. Махсус таъсирга эга бўлган дори воситаларининг эҳтиёжи ҳар бирига алоҳида ҳисобланади.

Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади. Шу касалликда бир киши учун ишлатилган препаратлар бир курси учун йил давомида кетадиган дори воситалари миқдори

Эҳтиёжни аниқлаш қуйидаги формула билан топилади:

$E = M \times K \times B$ , бунда

Э - дори воситаларига бўлган эҳтиёж;

М - 1 даволаш курсига битта бемор учун кетадиган дори воситасининг миқдори;

К – бир йил давомида даволаш курсларининг сони;

В – беморлар сони.

### **Кенг спектрли таъсир қилувчи дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш**

Бу гуруҳга кенг таъсир этувчи арсеналли дори воситалари киради. Уларга турли касалликларни кўзғатувчиларга нисбатан фаолликни кўрсатувчилар: антибиотиклар, сульфаниламид дори воситалари, нитрофуран хосилалари, алкалоидлар, оксидловчилар, огир металл тузлари, фенол хосилалари ва бошқалар мисол бўлади. Бу ерга яна организмнинг функционал системасидаги хилма хил касалликларни даволовчи дори воситалари, бир хил таъсирли, аммо келиб чиқиши ҳар хил бўлган: анальгетик ва иситма тушурувчи, марказий нерв системасини кўзғатувчи, ухлатувчи, седатив ва нейролептик, маҳаллий оғриқсизлантирувчи, ўраб олувчи ва адсорбцияловчи, тери буриштирувчи ва шиллиқ пардаларни яллиғлантирувчи, балғам кўчирувчи ва кўнгил айнатувчи, сурги, витамин, гармон дори воситалари ва бошқалар киради.

Кенг спектрли таъсир қилувчи дори воситаларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш икки босқичда амалга оширилади:

- керакли маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш;
- иқтисодий-математик усуллар, эксперт баҳолаш ва бошқалар асосида аниқ дори воситаларининг эҳтиёж истиқболини аниқлаш .

Шу таҳлил жараёнида берилган гуруҳ препаратларига бўлган талабни тахминан, бир дори воситаси ўрнига иккинчисини қўйиш мўлжалланган ўзгаришларни, ҳамда шу препаратни маҳаллий қўлланиш хусусиятларини аниқлаш керак.

**Истиқболни аниқлашда эксперт усуллари.** Сифат ва миқдорий таҳлил қўлланганда экспертлар энг зарур тадбирларни, уларни бир-бирига боғлиқлигини баҳолаш, сотиш жараёни кетма-кетлигини, ва шу ҳар бир тадбирларни бажариш эҳтимолини, муддатларини ажратиб олишга ёрдам беришади.

Экспертлар берилган масалани бошқариш имкониятини ва уни ҳал этишда ҳар бир омилларнинг ҳиссасини баҳолаб сўнгра ушбу муаммони ечиш учун мақсадга мувофиқ бўлган ходиса, тадбирларни аниқлаб берадилар. Бундан ташқари улар бу тадбирларни истиқболини аниқлаш даврида объектив бажарилиш эҳтимоллигини ҳисобга олган ҳолда, бу тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлган муддатларни улар кетма-

кетлигини ва бир-бирига боғлиқлигини аниқлаб берадилар. Эксперт баҳолашдаги натижалар статистик усуллар билан қайта ишлаб чикилади.

Экспертли баҳолаш усул оддий, ҳаммабоп ва мутахассислар бўйича фикрларни умумийлаштиришда ўзини етарли даражада ишончли усул деб тавсия этган.

Олинган натижаларни қайта ишлаб чиқишда, баҳоларни мослигини (W) кўрсатадиган экспертларни омилкорлик коэффицентини ҳисоблаб чиқиш зарур.

$$W = \frac{12 S}{m^2 (n^3 - n)},$$

бунда m – экспертлар сони

n – аломатлар сони

S – ҳар бир аломат квадратларнинг йигиндиси ўртасидаги ва ҳар бир аломат бўйича қаторларнинг ўртача квадрат йигиндисининг ўртасидаги фарқи.

**Экстраполяция усуллари.** Изланишли истиқболларни оладиган асосий усулларида бири экстраполяция усули ҳисобланади, бунда олдинги ғоялар келажакда сақланиши хақида ва уларнинг динамик қатор тахминланган ҳолда унинг мантикий асоси ҳисобланади.

Динамик қаторларни таҳлили асосида қонунийлик, ўрнатилган ўзгаришлар ва регрессионли аппарат кўпроқ қўлланилган ҳолда белгилаб қўйилган ғояни таърифлашда ва уни узайтиришда тегишли аппроксимирли тенглик танлаб олинади.

**Истиқболни аниқлашда моделлаш усуллари қўлланиши.** Истиқболини аниқлашда 3 та гуруҳ моделлари қўлланилади: мантикий, ахборотли ва математик.

*Мантиқий моделлар* асосида диалектик принцип ётади. Ҳар қандай объектларни хусусиятлари бир-бирига боғлиқ ва бири иккинчисига таъсир этади, бошқача деганда:

агар қайсидир бир турдаги объектларда қандайдир ўзгаришлар берган бўлса, унда ўхшаш объектларда ҳам худди шундай жараёнлар содир бўлади;

агар ўхшаш иккитасидан битта объектда қандайдир янги хусусият топилган бўлса, унда балки бошқа объектда ҳам у аниқланган бўлиши мумкин.

*Ахборотли моделлаш* усуллари билан истиқболлаш асосида оммавий ахборот оқимларнинг (мақолалар, китоблар, патентлар, ихтиролар ва бошқалар) таҳлили, структурали ва бошқа «ахборотли сигналлар» номли ўзгаришлар ҳамда турли хил янги ғояларни аниқланиши турибди. Маъноли таҳлил (контент-таҳлил) ахборотни сифатли ва миқдорий ўрганишни тахмин қилади. Бунда тезлик, структура, ўзаро муносабатлар, ўртача катталликлар ва бошқа нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади.

#### **10.4. ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ**

Дори воситаларнинг эҳтиёжи уларнинг ҳақиқий истеъмоли ва уларга бўлган талабни ўзгариш қонуниятлари таҳлил аниқлиги билан бевосита боғлиқдир.

Талаб деганда пулларда ифодаланган у ёки бу товарга ҳаридорларнинг эҳтиёжи тушунилади. Талабни миқдорий жихатдан ўлчаш мумкин, бунда талаб катталиги тушунчаси қўлланилади. Бу ҳаридорлар (истеъмолчилар) ҳоҳлайдиган, аниқ нархлар бўйича қайсидир давр ичида молиявий имкониятларга эга бўлган, сотиб олишга тайёр бўлган маълум товар миқдорини билдиради. Бундан келиб чиқадики сотиладиган товарни талаб ҳажми энг аввало унинг нархи билан боғлиқ. Одамлар, ҳарид қиладиган товар миқдори ва унинг баҳоси ўртасидаги муносабати талаб қонунини таърифлайди. Баъзи тенг шароитларда товар нархи ва талабнинг катталиги ўртасида қайта (ёки салбий) алоқа, яъни нархларни пасайиши, талабни кўпайишига олиб келиши ва аксинча мавжудлигини талаб қонуни тасдиқлайди.

Талабнинг катталигига иккита гуруҳ омиллар муайян таъсир этади:

Дори воситаларни эҳтиёжни шакллантирувчи омиллар;

Иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи (товар ва уни аналогининг нархи, истеъмолчининг даромади ва б.)

### **Дори воситаларига бўлган талаб қуйидаги асосий негизлар бўйича таснифланади:**

#### **1) Талабнинг генераторига қараб:**

шифокорлар томонидан (поликлиника, стационарлар);  
аҳоли томонидан.

#### **2) Қониқтириш даражаси бўйича:**

Ҳақиқий (ҳақиқатдан қониқтирилганда кўрсатилган бўлиши мумкин). У дорихонанинг мурожаатлар сонига тенг;

Сотилган (ҳарид натижасида қониқтирилган). У истеъмолга тенг;

Талаб қониқтирилмаган – етарли миқдорда ёки нотекис равишда дорихона тармоғига келган дори воситаларга бўлган талаб. У сотилган ва ҳақиқий талаблар орасидаги фарқига тенг;

#### **3) Маркетинг турига қараб:**

Маркетинг турига қараб талабнинг таснифи.

|            |                                 |                |                      |
|------------|---------------------------------|----------------|----------------------|
| Талаб тури | Маркетингни таъсир этиш мақсади | Маркетинг тури | Маркетинг тадбирлари |
|------------|---------------------------------|----------------|----------------------|

|                                                                                                        |                                                             |                                                    |                                                                                     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.Инкор этадиган ёки йўқ бўлган (истеъмолчиларга номаълум ёки унчалик маълум бўлмаган дори воситалари) | Талабни яратиш: салбий муносабатни йўқ қилиш ёки бепарволик | - конверсион (ўзгартирувчан) ёки -рағбатлантирувчи | Фосстис тадбирларини ишлаб чиқиш (реклама, шахсий сотувлар, сотишни рағбатлантириш) |
| 2.Потенциал (янги дори воситаси)                                                                       | Талабни ҳақиқий қилиш                                       | Ривожланаётган                                     | Сифатли                                                                             |
| 3.Ўзгариб турувчан (мавсумий, ҳар соатлик дори воситалариистеъм оли учун)                              | Талабни текисланиши                                         | Синхромаркетинг                                    | Талабнинг ўзгаришлари давридаги қарши реклама                                       |
| 4.Сўниб келувчан (кам таъсирли дори препатларга)                                                       | Талабни қайта тиклаш                                        | Ремаркетинг                                        | Янги сотиш бозорини қидириш, нархларни пасайиши                                     |
| 5.Барқарор (талаби турғун бўлган дори воситаларга)                                                     | Эришилган талаб даражасини қўллаб туриш                     | Қўллаб турадиган                                   | Қўллаб турувчи реклама                                                              |
| 6.Хаддан ортиқ: -кучайган талаб (мода даврида)                                                         | -Камайтириш                                                 | - Демаркетинг<br><br>- қарши ҳаракат кўрсатувчи    | -Нархларни кўтарилиши, рекламани қисқартириш, -ишлаб чиқишни тўхтатиш               |

ФОССТИС – талабни шакллантириш ва савдони рағбатлантириш - бир қанча тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, товарни бозорга юборишга йўналтирилган, бунинг учун эътиборли реклама, товар рекламаси, бевосита ва махсус молия воситалари ёрдамида савдони рағбатлантириш, сотувдан олдинги ва сотувдан кейинги ярмаркалар, кўргазмалар амалга оширилмоқда.

Турли товарларга талаб кўплиги унинг қиймати билан ҳам белгиланади. Талаб катталиги эластик нарх коэффиценти билан таърифланади. Унинг нархи 1% га ўзгариши билан талаб катталиги қанча фоизга ўзгаришни кўрсатади. Агарда маълум товарга нарх ўзгариши билан талаб ўзгариб кетса – бу эластик талаб; агарда нарх ўзгариш билан талаб ўзгармаса – бу ноэластик талаб дейлади.

Нархнинг эластик талабига ҳар хил омиллар муҳим таъсир этади унинг энг асосийларига қуйидагилар киради:

Агарда бозорда кўп ўхшаш товарлар бўлса, талаб эластик бўлади. Бу ҳолда маълум товарга нархни кўтарилиши, уни ўрнини босувчи

товарни харид қилишга олиб келади, борию шу товарни нархи вақтинча пасайиб кетса унинг савдо ҳажми кўтарилади;

Агар бозорда ўхшаш товарлар йўқ бўлса - унда талаб ноэластик бўлади.

Шундай экан, товарларга нархларни кўтарилиши унинг сотувини камайишига сабаб бўлмайди (чунки талаб > таклиф).

Аниқ товарни сотиб олиш заруриятининг даражаси катта бўлса, талаб турғун бўлади (ноэластик). Бу ҳолда нархларни бироз кўтарилиши савдо ҳажмини муҳим қисқаришига олиб келмайди. Шу гуруҳнинг товарларига (ва хизматларга) қўйидагилар киради, масалан: барча дори воситалари, малакали тиббий ёрдам.

Нарх маркетинги нуқтаи назардан истеъмолчининг туркуми ёки нархларни ўзгариши билан боғлиқ бўлган истеъмолчилар бўғинлари.

Истеъмолчиларни шартли равишда 4 туркумга ажратиш мумкин:

4.1. “Тежамкор” харидорлар. Улар нархлар (товар сифати ва ассортименти)га юқори сезувчанликка эга бўлиб, эластик турғун талабни шакллантиради. Уларга кам таъминланганлар, нафақа олувчилар, кўп болали харидорлар киради.

4.2. “Нуфузли” харидорлар. Улар нархларга кам эътибор берган ҳолда, кўпроқ товарнинг ташқи кўринишга, харидорларга хизмат кўрсатиш савиясига аҳамият беришади. Бу харидорлар томонидан эластик талаб шаклланади.

4.3. “Мулоҳазали” харидорлар томонидан кам ифодаланган ноэластик талаб шаклланади. Бу харидорлар кичик фирмаларни қўллаб – қувватлаш учун паст нархдаги товарларни олишга тайёр бўлади.

4.4. “Бефарқ” харидорлар. Нархларга эътибор бермаган ҳолда, асосан фойдаланишдаги қулайликка аҳамият беришади. Бу харидорларга бизменлар кириб, улар томонидан турғун ноэластик талаб шаклланади.

Самарали нарх сиёсатини ўтказиш мақсадида юқорида санаб чиқилган омилларни барчасини ҳисобга олиш зарур.

#### **10.5. ДАВОЛАШ -ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ ДОИМИЙ ФАОЛИЯТДАГИ ХАЙЪАТ ВАЗИФАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 12 октябрда 506-сонли буйруғи асосида дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналарни сотиб олиш, тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланишни назорат қилувчи “Доимий фаолиятдаги хайъат” (кейинчалик матнда ДФХ) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва барча даволаш – профилактика маассасаларида ташкил этилган ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғига, Давлат санитария – эпидемиология назорати департаменти бош врачларига бўйсунди.

ДФХ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва фармойишларига ҳамда мазкур низомга амал қилган ҳолда олиб боради.

Жойларда дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб –ускуналарни сотиб олиш, тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланишни назорат қилувчи ДФХ, ўз фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига ва даволаш –профилактика муассасалари ички буйруғига асосан ташкил қилади.

ДФХ раиси этиб Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, вилоят ва шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ва даволаш –профилактика муассасалари бош врачларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари, ДФХ аъзолари этиб етакчи мутахассислар, мос равишда Вазир, вилоят ва шаҳар соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқлари ва бош врачлари томонидан тайинланади ва тасдиқланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш бошқармалари даволаш – профилактика муассасалари буйруқларига асосан ҳайъат аъзолари таркиби ўзгартирилиши, ҳайъатнинг фаолияти тугатилиши ёки янгидан тузилиши мумкин.

Доимий фаолиятдаги Ҳайъатнинг асосий вазифалари:

Ҳаётий зарур дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналарга бўлган талабни ўрганади ва буюртма тузади. Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб –ускуналар, шу жумладан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжни беморларнинг сони, касаллик турлари, даволаш – профилактика муассасаларидаги даволанувчи беморлар ўринларининг сони ва демографик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ўрганиб боради. Бунда зарур бўлганда соҳа бўйича етакчи мутахассислар жалб этилади.

Полипрагмазия ва политерапияга йўл қўймаслик, айти беморга бирданига 3 ва ундан ортиқ антибиотик тайинлаш мувофиқ деб топилганда мажлисда баённома билан расмийлаштирилади.

Даволаш –профилактика муассасаларининг дорихонаси, даволаш бўлимларида дори воситалари ва тиббий ашёларнинг яроқлилиқ муддати, сақлаш шароитлари ҳамда уларнинг сони ва умумий миқдорини текширади.

Бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган ҳамда мурувват ёрдами йўналиши бўйича олинган дори воситаларининг ҳар бир қутида муассаса муҳри мавжудлигини текшириш асосида аниқлайди.

Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланишни таъминланишини текширади.

Даволаш –профилактика муассасалари ички дорихоналарининг йиллик фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлайди.

Бўлимларида эса миқдорий ҳисоби юритилувчи дори воситалари тиббий ашё ва тиббий асбоб –ускуналарнинг қолдиқ миқдорий ҳисоб – китобини ҳамда улар бўйича ҳисоботнинг тўғри юритилишини текширади.

ДФХ даволаш – профилактика муассасаларида ҳисоб – китоб ўтказиш бўйича ҳар 10 кунда сотиб олинган дори воситалари ҳақида шифохона дорихонаси мудиридан маълумот олади, ҳар ойда дорихонада ва бўлимларда ҳисобдаги дори воситаларининг ўрнатилган тартибда, ҳайъат аъзолари иштирокида йўқ қилинишини амалга оширади.

ДФХ йилнинг ҳар чораги учун бажарилган ишлар бўйича ҳисобот (кейинги ойнинг 15 санасигача) тайёрлайди ва юқори ташкилотларга топширади.

Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналарни сотиб олишда иштирок этади. Бунда таъминотчилардан фақат республика ҳудудида қўллашга рухсат этилган ва Давлат реестрига киритилган, мувофиқлик сертификатига эга бўлган Ҳаётий зарур дори воситалари рўйхати ҳамда шифохона формулярига киритилган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг харид қилинишини, сақлаш омборхоналари, музлатгич хоналари ва уларнинг транспортировкасида музлатгич меъёрига риоя қилиш ҳолатлари устидан олиб борилаётган мониторинг ўтказилишида иштирок этади.

Таъминот туридан қатъий назар, дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналарнинг барча тақсимотлари бош мутахассислар ва барча ҳайъат аъзолари иштирокида амалга оширилади, баённома билан расмийлаштирилиб, ҳайъат аъзоларининг имзолари билан тасдиқланади.

ДФХ томонидан дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналарни харид қилишдаги зарурий мезонлар:

- Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналар фақат фармацевтика фаолияти билан шуғулланишга (сотиб олиш ва сотишга) рухсат берувчи лицензияси мавжуд бўлган таъминотчилардан харид қилиниши;
- Харид қилинаётган дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналар учун ваколатли сертификация органлари томонидан расмийлаштирилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган мувофиқлик сертификати нусхаси мавжуд бўлиши;
- Маҳсулотда бирламчи ва иккиламчи ўрамларнинг бутунлиги, қайд ёзувларининг бир – бирига мос келиши, ёрликда маҳсулотнинг номи, ўлчов бирлиги, серияси ва партия рақами, қайси давлат ва фирмада ишлаб чиқарилганлиги;
- Дори воситаларининг яроқлилик муддати тиббиёт амалиётида қўллаш учун 60 фоизда кам бўлмаслиги;
- Чекланган улгуржи савдо устамаларининг қўлланилиши ва даволаш муассасаларида ҳисоб – китоб юритиладиган нархларнинг тўғри белгиланиши;

- Дори воситаларига тўзилаётган буюртма дори воситаларининг халқаро номланишига ва дозасига мувофиқ бўлиши;
- Дори воситаларининг самарадорлиги, хавфсизлиги, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги таҳлили;
- Мурувват ёрдами юклари ўрнатилган тартибга кўра далолатнома асосида қабул қилиниши;
- Дори воситаларини сотиб олишда рақобат нархларининг ўрганилганлиги ва таҳлили асосида буюртма берилганлиги;

Эҳтиёждан ортиқ бўлган дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий асбоб – ускуналарни бошқа даволаш – профилактика муассасаларига қайта тақсимот учун юқори ташкилотларга маълумот тайёрланади.

ДФХ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг сақланиши, ҳисобининг юритилиши ва мақсадга мувофиқ устидан доимий назорат ўрнатиш бўйича вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472 – сонли Қарори асосида Даволаш – профилактика муассасалари учун режадаги йиллик эҳтиёжни жамлаб ССВ қошидаги “Дори воситалари тиббий буюмлар сиёсати Маркази”га (жорий йилнинг ноябрь ойигача, кейинги йилларда йиллик эҳтиёж июнь ойигача) топшириш юзасидан назорат ўрнатади;

Даволаш – профилактика муассасаларининг дорихоналарида гиёҳвандлик дори воситаларини сақлаш шароитлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 21 июлда 1048 – сон билан рўйхатга олинган “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарор талабларига жавоб бериши устидан доимий назорат олиб борилади.

## **11 БОБ. ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДА УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

### **11.1. ДОРИ ВОСИТАЛАРНИНГ МУОМАЛА СОҲАСИДА ЛОГИСТИК ЁНДОШУВИ**

Дори воситаларини муомала соҳасида хом ашё, субстанция олиш ёки доривор ўсимликни ўстиришдан бошлаб, токи сўнгги истеъмолчига дори препаратларини етказиб бергунча бўлган йўлни икки қисмга ажратиш мумкин. Хом ашёни олишдан бошлаб, токи тайёр маҳсулот ишлаб чиқаргунча бўлган йўлнинг бир қисми техник-ишлаб чиқариш мақсадидаги *маҳсулотнинг ҳаракати* деб айтилади.

Йўлнинг иккинчи қисми тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига, ёки фойдаланувчига етиб бориш ҳаракати *товар ҳаракати* деб аталади.

Бу икки оқимни бирлаштирилганига унча кўп бўлгани йўқ ва уни, *орасидаги муносабат моддий оқим* деб номланди. Бу эса ўз навбатида маҳсулот ҳаракати жараёнида пайдо бўлган янги объект *логистика* (грекчадан *logistics* – ҳисоблаш, фикрлаш санъати) фанини ўрганиш предметиға айланди.

Ҳозирги кунда логистикани кўпгина таърифи мавжуд бўлиб, улардан бири логистика - истикболни аниқлаш, харид қилишни амалға ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини режалаштириш, буюртмаларни қайта ишлаш, захираларни бошқариш, омборхона фаолияти ва транспорт орқали ташишларни режалаштиришни ўз ичига оладиган комплекс хўжалик фаолияти деб кўрилади.

Фармацевтик бозорда улгуржи савдони ривожланиши, фармацияни ташкил қилиш ва иқтисодиётининг келажак йўналишини белгилашда логистик ёндашувларни қўлланиши, фармацевтик логистика деб аталади.

*Фармацевтик логистика* - фармацевтик ва бошқа товарлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган фармацевтик ёрдамда истеъмолчиларни қониқтира оладиган ахборотли, молиявий ва хизмат қилиш оқимларини ўз ичига оладиган бошқариш ва қулайлаштиришни таъминлайдиган фан ва амалий фаолиятдир.

Логистика моддий ресурсларни тақсимлаш, ишлаб чиқаришни техник, технологик, ташкилий таъминлаш тўғрисидаги фан сифатида, илмий – техник тараққиёт таъсири натижасида маҳсулотлар айлануви жараёнини такомиллаштириб боришга бўлган доимий талаб таъсири остида пайдо бўлди.

Логистика қуйидагиларға асосланади:

- техникаға (материаллар оқими);
- информатикаға (ахборотлар оқими);
- ишлаб чиқаришға (мос ҳолдаги бошқарув моделлари билан).

Товар ҳаракати жараёнининг мураккаблашувига бир қатор омиллар сабаб бўлди, уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

ўтказувчи бозорлар учун олиб борилган конкрет курашлар, уларни эгаллаш, кенгайтириш, бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш, истеъмолчилар хоҳиш – иродасини ўрганиш, товарнинг ҳаётийлик даврини ўрганиш, рақобатчилар бозорға таклиф қилаётган товарларни ва истеъмолчилар талабини ўрганиш;

аниқ ўтказувчи бозорларға йўналтирилган ва истеъмолчилар буюртмасига асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, барча босқичларда моддий ресурслар ҳаракати. Аниқ ва пухта ўйлаб чиқилган, режалаштирилган ва ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнларини амалға ошириш;

Товар ҳаракати тўғрисидаги ахборотнинг муомала жараёнининг барча босқичларида ва маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида тартибга солинган ҳаракат;

Логистик тизим фаолияти логистик қоидалар асосида амалга оширилади. Логистик қоидалар деганда логистик тизимда энг мақбул йўналишларни аниқлаш учун, юклар ва усуллар йиғиндиси тушунилади;

Логистик тизим (ЛТ) деганда элементлар ва улар ўртасида юк (материал) оқимини, у пайдо бўлган нуқтадан истеъмол қилинадиган нуқтагача бошқариш мақсадида пайдо бўладиган ўзаро алоқалар ва бу жараёнлар учун зарур бўлган ахборот оқимлари йиғиндиси тушунилади.

Логистик тизимнинг элементлари қуйидагилардир: ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи корхоналар ва бошқа тармоқларнинг корхоналари, тижорат-воситачилик корхоналари транспорт ва омбор қувватлари, етказиб берувчилар, буюртмачилар, ахборот тизимлари, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш мосламалари, бошқарув органлари (менежмент).

Моддий оқимлар тизимининг муваффақиятли ишлаши логистик инфраструктуранинг ривожланишига жуда боғлиқдир.

Логистика инфраструктураси деганда бир корхонадан бошқа корхонага моддий ва ахборот оқимларини ишончли ҳамда бир маромда етказиб турилишини таъминлайдиган транспорт ва бошқа зарурий элементларнинг йиғиндиси тушунилади.

Логистика фаолиятининг асосий соҳаларидан бири маҳсулотни таъминлаш, уларни бевосита истеъмолчига етказиб бериш ҳисобланади. Логистик фаолияти биринчи навбатда юкларни ташиш учун зарур бўладиган транспорт билан жуда боғлиқдир. Транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичи – бу бажарилган транспорт ишларининг ҳажми, яъни юкларни маълум бир масофага энг кам харажатлар билан ташиш ҳажми ҳисобланади.

Қуйидагиларга қилинган харажатлар логистик сарф – харажатлар ҳисобланади:

ташишга, ортишга, туширишга, қайта ортишга, юкларни манипуляция қилишга;

транспорт – омбор ишларининг ҳамма турлари бўйича тахлаш;

ахборот хизматини кўрсатиш, яъни ахборот оқимларини ташкил этиш;

айланма маблағларни тутиб туришга ва омборларда юкларни сақлаб туриш натижасида қилинаётган таваккалчилик;

логистик бошқаришга.

Моддий (юк) оқимларининг фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган зарур тушунчалардан бири ахборот оқимларидир. Шунингдек тескари алоқа, яъни режалаштирилган иш қандай натижа билан тугатилини солиштириш учун зарур бўладиган ахборот, алоқа тушунчаси ҳам кенг фойдаланилади. Тескари алоқа логистик жараёнларни янада самаралироқ

бошқаришга имкон беради. Ахборот оқимлари логистик каналлар орқали ўтадиган ахборот каналларининг йиғиндисидир.

Логистик канал – етказиб берувчи, истеъмолчи, ташувчи, воситачи, суғуртачилардан иборат қисман тартибга солинган кўплик. Истеъмолчи ёки етказиб берувчи бозор иқтисодиёти шароитида ташувчиларни, суғуртачиларни ва ҳ.к. ларни турли хил усуллар билан (рейтингини ҳисоблаш, операцияларни тадқиқ қилиш усуллари қўллаш ва ҳ.к) танлаш имкониятига эгадир. Танлаш амалга оширилгандан сўнг логистик канал, логистик занжирга айланади.

Логистик занжир – бу чизикли тартибга солинган кўплаб жисмоний ва юридик шахсларнинг (ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, умумий фойдаланиладиган омборлар) кўплиги бўлиб, улар ташқи моддий оқимни бир ЛТ дан бошқа ЛТ га етказиб бериш бўйича ёки якуний истеъмолчига етказиб бериш бўйича (ноишлаб чиқариш истеъмоли, шахсий истеъмол) операцияларни амалга оширадилар. Умумий ҳолатда логистик занжир ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, воситачи ва ташувчиларни бирлаштиради.

Бу оқимларнинг ўзаро ҳаракати ва ўзаро алоқаси тадбиркорлик логистикаси фаолиятида ўз аксини топади, у корхоналар, етказиб берувчилар ва буюртмачилар ўртасидаги барча моддий ва ахборот оқимларини бирлаштиради ва ташкил қилади.

Логистик жараёнлар муваффақиятли бориши учун логистик бошқарувдан фойдаланилади, бу бошқарув корхонани умумий бошқаришнинг бир қисми ҳисобланади. Логистик бошқарув ўзида режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш кабиларни акс эттиради ва уларнинг асосида мос ҳолдаги ахборот ётади. Логистик бошқарув корхонани умумий бошқариш билан бирга фаолият юрита туриб, у моддий (юк) оқимларнинг тежами ва илдам бўлишини, зарурий захираларнинг энг қулай ҳажмини таъминлаши керак, моддий оқимлар мавжуд бўлишининг шароити ва талаблари тўғрисида ахборотга эга бўлиши керак.

Олимлар ва амалиётчилар тасдиқлаши бўйича моддий захираларни 30-70 % қисқартирилиши, сақлаш вақтини камайтириш, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боришини тезлатиб, товар айланишининг иқтисодий самарадорликка эга бўлишига имкон яратади. Бунда 7-R логистик қоида жорий қилинди: Right product (керакли маҳсулот); Right quantity (керакли миқдорда); Right condition (берилган сифатда); Right place (керакли жойда); Right time (белгиланган вақтда); Right customer (аниқ истеъмолчи учун); Right cost (кам чиқимли).

Орасидаги моддий оқимнинг қайси қисмида ҳаракати ўрганилишига қараб, логистикаси *сотиб олиш* (ташкилотни моддий ресурслар билан таъминлаш), *ишлаб чиқариш логистика* (маҳсулот ишлаб чиқарадиган ёки сақлаш ва бошқалар бўйича хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг ичидаги моддий оқимлар билан бошқариш), *тақсимловчи логистика* (тайёр товарни истеъмолчига етказиб бериш) турларига бўлинади.

Дори воситаларнинг ассортименти авж олиб ўсиши товар ҳаракатидаги бошқариш ишларини янада мукамаллаштиришга сабаб бўлмоқда

(тақсимловчи логистика). Товар ҳаракати ёки тақсимловчи логистика – бу истеъмолчи талабини қондириш ва даромадни олиш мақсадида ишлаб чиқариш жойидан истеъмол қилиш жойига материаллар, тайёр буюмлар ва уларга тегишли маълумотларни етиб боришни режалаштириш ва назорат қилиш фаолиятidir. Қисқа қилиб айтганда, бу керакли товарни, керакли истеъмолчига, керакли жойга ўз вақтида етказиб бериш жараёнидир.

Тақсимловчи логистикада товар ҳаракатининг турли каналлар орқали моддий оқим ишлаб чиқарувчидан сўнги истеъмолчига етиб келади. Таъминотчининг ишончи (маҳсулотни аниқ муддатга, қатъий график асосида етказиш ва б.), инвестиция ва кредитлаш имкониятлари, муомала ҳаражатларнинг катталиги, мавжуд бўлган ассортиментга талаб, нархи ва бошқалар каби омиллар ҳаракати моддий оқимнинг (фармацевтик ва бошқа товарлар) шаклланишига таъсир кўрсатади.

Моддий оқимга яна бир неча кичик оқимлар ҳамроҳ бўлади: молиявий оқим (пул воситалари ҳаракати), ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади: а) инвестициявий; б) дори воситаларини сотиб олишни таъминловчи; в) транспорт ҳаражатларини қопловчи; г) савдони таъминлаб берувчи;

рақобат муҳитида фирма учун яна бир афзаллиги - сервис хизматлардир;

ахборотли –бошқа оқимлар билан параллел ҳолда тўғри йўналишда ҳаракатланади, тескари йўналишида эса логистик занжир давомида қайта алоқа ўрнатади;

транспортли – моддий оқим ҳаракатини таъминлайдиган (масалан: дорихона ассортименти буюмларини ташишни ташкил қилиш) зарур бўлган барча элемент ва фаолиятлар йиғиндисини ўз ичига олади.

Логистиканинг асосий вазифаси товарни истеъмолчига етиб боргунча молиявий, ахборотли, сервис, транспорт хизматларини режалаштириш, ташкиллаштириш ва ҳар бир моддий оқимлар ҳаракатдаги фаолият турларини назорат қилишдир.

## **11.2. ТОВАР ҲАРАКАТИНИНГ КАНАЛЛАРИ. САВДО ТАРМОҒИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ**

Фармацевтик бозорда товар ҳаракатининг каналлари бир ёки бир неча компаниялар билан амалга оширилмоқда, улар дори воситаларини сўнги истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадилар ва уларни товар ҳаракатининг улгуржи ва чакана савдо корхоналари деб таърифлаш мумкин.


Товар ҳаракатининг каналлари – товар (ёки хизмат)га бўлган ҳуқуқни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтказишни таъминловчи ташкилот ёки алоҳида шахсларнинг йиғиндисидир.

Товар ҳаракатининг 2 та асосий тури мавжуд:

Тўғри.

Эгри.

Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчидан бевосита истеъмолчига етиб борса, бу каналнинг тўғри тури ҳисобланади. Бунда фақат 2 та қатнашувчи иштирок этади:




Тўғри каналларнинг яна бир номи бу – ноль даражали каналдир.

Эгри (кўп даражали) канал – маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига воситачилар тизими орқали сотилишидир. Агар воситачи 1 та бўлса – бу биринчи даражали канал:




Агар воситачи 2 та бўлса – иккинчи даражали канал:



Товар ҳаракати каналлари вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин: вертикал товар ҳаракати каналлари ягона тизим сифатида иш кўрсатади, ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана воситачилар, истеъмолчиларни ўз ичига олади. Улар умумий мақсадларни кўзлайдилар ва бирлашган назоратда хизмат кўрсатадилар;

горизонтал товар ҳаракати каналлари, бир қанча фирмалар бирлашмаси бўлиб, аниқ бозорни биргаликда эгаллаш учун мўлжалланган. Бундай сотиш тизимдан дорихона тизимида ҳам фойдаланса бўлади. Масалан: кенг кўламда реклама компаниясини ўтказиш ва ўз товарлари савдосини кўпайтириш мақсадида аниқ ҳудуд дорихоналарини бирлаштириш.

Дорихона савдо қилиш тармоғи учун билвосита иккинчи даражали (воситачи билан) каналлари хос. Иккинчи даражали канал қатнашувчилари:



Савдо қилиш тармоғининг асосий турлари.

Савдо қилиш тармоғининг ташкиллаштириш 3 та асосий омилларга боғлиқ:

Маҳсулот тури.

Бозорнинг географик кўлами.

Истеъмолчининг феъл-атвори.

Уларга мувофиқ савдо тармоғининг 3 асосий турлари ажратилади:

1. Муҳсулот турлари бўйича.

2. Худудлар бўйича.

3. Истеъмолчининг феъл-атвори бўйича.

### *1. Махсулот турларига қараб савдо тармоғи.*

Махсулот турига қараб савдони ташкил қилишда бир ёки бир неча хил товар турларига ихтисослаштирилган алоҳида бўлинмалар шаклланади. Қачонки махсулот номлари ассортименти бўйича ажралиб турса ва махсус билимларни талаб қилинса, шунда бу савдо қилиш тармоғи афзалроқ кўрилади.

Шундай қилиб, дорихона товарлари анча фарқланадиган ассортиментли гуруҳларга бўлинади: дори воситалари ва санитария – гигиена ашёлари, боғлов воситалари ва беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар; тиббиёт техника, оптика ва бошқалар.

Шу билан дорихона тармоғида аниқ товарлар гуруҳлари савдоси бўйича ихтисослаштирилган бўлинмалар шаклланади (масалан, тиббиёт техника учун – «Тибтехника» магазинлари, кўзойнак, гардиш, линзаларни сотиш учун – «Оптика» ва б.).

Кейинчалик бундан ҳам кенгроқ ихтисослаштириш эҳтимоли бор. Масалан, тайёр дори воситалари, доривор ўсимлик хом-ашёни ҳамда дори воситаларининг аниқ гуруҳлари (сил, диабет, ўсмага касалликларига қарши ва бошқа препаратларни сотиш бўйича ихтисослашган дорихоналар) савдоси бўйича ихтисослашган дорихоналар, гомеопатик дорихоналар.

### *2. Худудлар бўйича савдо қилиш тармоғи.*

Худудлар бўйича савдони ташкиллаштиришда худудий савдо қилиш тармоқ бўлинмалари шаклланади. Масалан: худудларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари савдосини ташкиллаштириш учун шаҳарлар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича дорихона тармоғи шаклланган.

Савдо фаолиятининг махсулот турлари бўйича ҳамда худудлар (мамлакатлар) бўйича ташкиллаштирилган мустақил тури бу экспорт – чет эл бозорида махсулотнинг савдоси.

### *3. Истеъмолчи феъл-атвори бўйича савдо қилиш тармоғи.*

Истеъмолчи феъл-атворига қараб савдони ташкил қилганда, бир ёки бир нечта истеъмолчилар турларини хизмат қилишига ихтисослаштирилган, алоҳида бўлинмалар шаклланади. Масалан, дори воситалари ва тиббиёт буюмлар сотиши учун қуйидагича ташкиллаштирилади:

фақат аҳолига хизмат қилувчи дорихоналар;

битта даволаш-профилактика муассасасига (шифохона) хизмат қилувчи дорихоналар;

бир нечта даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа ташкилотларни таъминлайдиган дорихоналар.

Дорихона тизимида тўғри шаклланган сотиш тармоғи истеъмолчиларнинг талабларини тўлиқ кондиритишга имкон беради, бу ўз навбатида товарни оптимал ҳаракатини таъминлаб беради.

### **11.3. УЛГУРЖИ ВОСИТАЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ТАСНИФИ**

Товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб беришда тадбиркорлик фаолияти мақсадида товарлар ёки хизматларни сотиш ва олиб сотиш мақсадида **улгуржи воситачи**(ташкилотлар ва алохида шахслар)ни ўрни катта.

**Улгуржи воситачиларни асосий вазифаси** - ишлаб чиқарувчилар ва чакана сотувчилар (дорихоналар билан) ўртасидаги узилишни йўқотиб мунтазам алоқаларни ва марказлаштиришни таъминлашдир.

Фармацевтик товарлар ҳаракати тизимининг зарур шarti - улгуржи воситачи (дорихона омбори) алоқалари орқали истеъмолчиларга етказиш ҳисобланади.

#### **Улгуржи воситачилар функциялари**

Фармацевтика бозорда улгуржи воситачилар куйидаги функцияларни бажаради:

Маркетинг — бозорни комплекс таҳлили, товар сиёсати ва нарх сиёсати ва бошқаларни амалга ошириш.

Ахборотли — керакли ахборот билан таъминотчиларни ва чакана ташкilotларни таъминлаш.

Товарларни қабул қилиш, сақлаш ва товар захираларини бошқариш.

Товарни ташиш.

Ўз харидорларини кредитлаш - товарларни истеъмолчиларга кредитга бериш.

Режалаштирилмаган ҳаражатлар хавф-хатарини қайта тақсимлаш.

Товарга эгалик ҳуқуқини олган ҳолда улгуржи воситачилар, товарларнинг бузилиши, ўғирланиши, унга кўйилган нархларнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган маълум хавф-хатардан ишлаб чиқаришни халос этадилар.

#### **Улгуржи воситачилар таснифи**

Улгуржи воситачилар боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган воситачиларга бўлинади:

Боғлиқ бўлмаган воситачилар таъминотчилардан товарни сотиб оладилар, товар сотиш ҳуқуқини олгандан сўнг улгуржи воситачиларга хос бўлган ҳамма функцияларни бажарадилар. Уларга дистрибьютерлар киради — бу фирмалар йирик ишлаб чиқарувчилардан тўлиқ улгуржи сотиб олиш асосида савдони бажаради. Дистрибьютерлар шахсий омборхоналарга эга, улар одатда товар ишлаб чиқарувчилари билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатадилар.

Боғлиқ бўлган воситачилар — товарга эгалик ҳуқуқини олмаган ва бевосита савдода иштирок этмайдиган фирмалар ёки айрим тадбиркорлар (агент ва брокерлар). Улар сотиш ёки олди-сотти жараёнларга кўмаклашади, яъни сотувчилар ва харидорларни бирлаштиради, ҳамда ахборот ва маркетингли функцияларни бажарадилар.

#### **11.4. УЛГУРЖИ ФАРМАЦЕВТИК ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ, ДОРИХОНА ОМБОРИДА ТОВАРЛАР ХАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Дорихона товарларнинг тарқатиш тизимида улгуржи воситачиларнинг асосий вакили улгуржи савдо ташкилотлари ҳисобланади.

Европа Хамжамияти комиссия кенгашининг 31.03.1992 йилдаги директиваси “Инсон учун дори воситаларни улгуржи сотиш қоидалари”да дори воситаларни аҳолига беришдан ташқари сотиб олиш, сақлаш, таъминлаш ва экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг барчаси дори воситаларнинг улгуржи савдони белгилайди. Улгуржи сотувчилар маълум географик кўлам аҳолисининг талабларини қондириш учун керакли дори воситалар ассортиментини мавжудлиги билан, ҳамда изохланган жойга қисқа муддатда талаб қилинган дори воситалар миқдорини етказишга кафолат бериши керак.

Хозирги вақтда қатор ривожланган мамлакатларда улгуржи сотиш тегишли яхши амалиётнинг қоидалари (GDP – Good Distribution Practice) мавжуд. Ушбу ҳужжатда товар ҳақаратининг ҳар бир босқичларида дори воситалари сифатини, қайд қилинишини, сақлаш талабларини бажара оладиган, етказиб бериш кафолатини ва бошқаларни таъминлаб берадиган тегишли улгуржи савдонинг асосий негизлари белгиланган. Ушбу ҳужжат дори воситаларини улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ходимнинг билим даражаси ва тажрибасига қўйилган талабларни ҳам ўз ичига олган. Улгуржи сотиш жараёнида зарур бўлган асосий ҳужжатлар санаб ўтилган бўлиб, улар дори воситалари ҳаракатини акс эттирувчи, турли хил логистик жараёнларини изохлайдиган буюртмалар, йўриқномалардир.

Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 16 декабр 547-сон буйруғи билан тасдиқланган улгуржи стандарт (ОСТ TST 42-03:2002)га биноан дори воситалари улгуржи савдо корхоналарига “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида дори воситалари улгуржи савдоси билан шуғулланадиган ташкилотлар киради.

Товар ҳаракатининг каналлари (логистик каналлар) асосий қисмини улгуржи савдо ташкилотлари ташкил этади.

Улгуржи савдони амалга ошириш қуйидаги вазифаларни кўзда тутиб режалаштирилади:

- товар захираларни кўпайтириш ва сақлаш;
- дори воситаларни ишлаб чиқарувчиларидан келадиган моддий оқимни охирги истеъмолчилар учун товар оқимига қайтадан тузиш;
- дори препаратларининг юклаш ҳажмларини йириклаштириш;
- сервисни сифатини яхшилаш.

Улгуржи савдо корхона ва ташкилотлари дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш лицензиясига эга бўлган ишлаб чиқарувчилардан, бошқа улгуржи савдо корхона ва ташкилотларидан, ҳамда

ўрнатилган тартиб асосида рўйхатга олинган чет эл фирмаларидан етказиб бериладиган дори воситаларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Улгуржи савдо корхоналари хусусий фармацевтика амалиёти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган бошқа улгуржи савдо корхоналарига, ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлаб чиқарувчи – корхоналарга, дорихона муассасаларига, дори воситаларни сотиши мумкин.

Фақат ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган дори воситалари, тиббий буюмлар, санитария – гигиена ашёлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилиши мумкин.

Дори воситалари билан улгуржи савдони Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибга кўра маълум фаолият турига берилган лицензия асосида амалга ошириш мумкин. Лицензияни, уни берган орган ҳақидаги маълумотни танишиб чиқишга қулай жойда ўрнатилган бўлиши керак.

Улгуржи савдо корхонаси товар ҳаракатини асосий вазифасини, мустақил равишда ёки дистрибьютернинг бўлинмалари сифатида фаолият кўрсатадиган *дорихона омборлари бажаради*. Омборхоналар келиб тушган товарларни қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда, истеъмолчиларга бериш учун мўлжалланган бўлади.

Дорихона омборининг асосий вазифаларига: дорихона, даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа ташкилотларга сифати ва амалдаги қонунчиликнинг ҳамма талабларига жавоб берадиган дори воситалари, тиббий буюмлар, дорихона жихозлари ва инвентарларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш киради.

Дорихона омбори асосий вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

таъминотчилар билан шартномаларни тузиш;

дорихона асортиментига мос товарлар ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш;

даъво ва изланиш ишларини олиб бориш;

истеъмолчиларга томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчилардан сифати, миқдори ва қиймати бўйича қабул қилишни амалга ошириш;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини физик-кимёвий хусусиятлари ва ДФ талабларини ҳисобга олган ҳолда улар сақланишини ташкил қилиш;

фармацевтик, парафармацевтик ва бошқа товарларни ҳисобга олиш ва бериш тартибига қатъиян риоя қилишни ташкил қилади.

Дорихона омборига қўйилган фармацевтик талаблар тегишли тармоқ стандартида белгиланган.

Дорихона омбори бажарилаётган иш ҳажмига, санитария-гигиена қоидаларига, ёнғинга қарши, бойликларни сақлаш талабларига жавоб берадиган шароитда жойланиши керак. Омборхона алоҳида турадиган

бинода, (бино тизимининг ижара ҳуқуқида ёки бошқа ҳуқуқлар асосида қонунчиликка зид келтирмаган ҳолда) жойлашиши мумкин.

У ерда албатта сув билан таъминланиш, канализация, иссиқлик, тортиб кетадиган вентиляция қурилмалари мавжуд бўлиши шарт.

Ташқарида ташкилий-ҳуқуқий шакли, корхона номи, жойлашган ўрни (юримдик манзили) ва иш тартиби ёзилиши керак.

Дорихона омбори дори воситалари ва тиббиёт буюмларини физик-кимёвий, фармакологик, токсикологик хусусиятларига асосан сақлаш ва тегишли бутлигини ҳамда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сифатини стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаб берувчи ажратилган ва махсус жиҳозланган биноларга эга бўлиши керак. Омборхонада алоҳида кириш йўли, товарларни қабул қилиш учун ажратилган жой бўлиши керак. Агар омборхона кўп қаватли уйларда жойлашган бўлса, товарни ортиш ёки тушириш хонадонларнинг деразаси тагида амалга оширишга рухсат этилмайди. Тиббиёт ёки дорихона сифатида хизмат қилувчи биноларда майда улгуржи омбор жойлашганда маъмурий-маиший хоналар умумий бўлиши мумкин.

Омборхона хоналари бажариладиган функцияларига қараб узвий қабул қилиш, сақлаш, буюртмаларни жамлаш ва маҳсулотларни бериш ишлари функционал боғлиқ бўлиши лозим.

Омборхона хоналарининг майдони, сақланиши кўзда тутилган маҳсулотлар ҳажмига мос келиши лозим бўлиб, 150 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги лозим:

маҳсулотларни қабул қилиш жойи;

тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар ва дори воситаларини сақлаш жойи;

махсус сақлаш шароитини талаб қилувчи дори воситаларини сақлаш хоналари;

экспедиция (жўнатиш) жойи.

Маъмурий-маиший хоналарнинг умумий майдони ходимларнинг сонига боғлиқ, лекин амалдаги меъёрлар ва қоидаларга биноан 34 м<sup>2</sup> кам бўлмаслиги керак.

Дорихона омбори бажарадиган функцияларидан келиб чиқиб, тегишли жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиши лозим.

Дорихона омборида бўлиш лозим бўлган *жиҳозларнинг тахминий руйхати*:

стеллажлар, поддонлар, подтоварлар, товар ости мосламалари;

музлаткич камералари;

юкни юклаш-тушириш механизация воситалари;

ҳаво кўрсаткичларини расмийлаштирувчи асбоблар;

ёғоч ва металл шкафлар (сейфлар);

ишчи стол ва стуллар;

махсус ва устки кийимбош ва пойафзал алоҳида сақловчи шкафлар;

санитар ҳолатни сақлаш учун инвентар ва дезинфекцияловчи воситалар.

Сақлаш хоналарнинг сони алоҳида хоналарда сақланишни талаб қилувчи дори воситалари гуруҳларига қараб белгиланади. Одатда, омборхонанинг иш ҳажми қанча бўлишидан қатъий назар қуйидаги сақлаш бўлимлари бўлиши кўзда тутилади: қуруқ дори воситалари, суюқ дори воситалари, тайёр дори воситалари, санитария ва гигиена товарлари, боғлов материаллари, захарли ва гиёҳванд дори воситалари (агарда уларни сақлаш учун алоҳида лицензия бўлса).

Бундан ташқари дорихона омборида дори воситаларини қадоқлаш ва ўраб жойлаш, ёрдамчи бўлимлари, транспорт бўлими ва в. ҳ.к. ташкил қилиниши мумкин. Молиявий ишларни бажариш учун бухгалтерия, иқтисодий режалаштириш бўлими ҳам кўзда тутилади.

Дорихона омборларида бошқа соҳа омборларидан фарқли равишда, асосан олий фармацевтик ва ўрта махсус маълумотли малакали ходимлар ишлаши талаб этилади. Дорихона омбори ходимлари сони улар бажарадиган иш ҳажмига (савдо ҳажми) асосан белгиланади.

Дорихона омборида товарлар ҳаракати қуйидаги логистик жараёнлардан иборат: товар қабул қилиш, сифат назорати, сақлаш жойларига жойлаштириш, сақлаш бўлимларидан товарларни бериш. Омборхонада товарларни сақлаш ишлари амалдаги тармоқ стандарти ва бошқа меъёрий-техник ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Қабул қилиш бўлими бошқа хоналардан алоҳида бўлиши, лекин асосий дори воситалари сақлаш хоналари билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Дорихона омборида келиб тушган маҳсулотларни қабул қилиш ва тегишли бўлимларга беришни амалга ошириш мақсадида камида уч кишидан иборат қабул хайъати ташкил этилади. Қабул хайъати раиси қабул бўлими бошлиғи, кичик иш ҳажмига эга омборларда эса дорихона омбори мудирини ҳисобланади.

Қабул қилиш хайъати таркибига бўлим мудирлари, маҳсулот қабул қилишга тегишли бошқа шахслар ҳам кириши мумкин. Баъзи ҳолларда хайъат таркибига мутахассис-экспертлар ёки бетараф ташкилот вакиллари киритилиши мумкин.

Қабул қилишда иштирок этувчи шахслар дори воситаларини сон ва сифат жиҳатдан қабул қилиш қоидаларини, тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотларни юборишнинг асосий ва алоҳида шароитларини, дори воситалари физик-кимёвий хоссаларини, дори турларини ишлаб чиқариш шакллари, нарх наво ва бошқаларни яхши билиши мажбурийдир.

Дорихона омборига захарли ёки гиёҳвандлик воситалари келиши билан дарҳол захарли ва гиёҳванд дори воситалари сақлаш бўлимига топширилади. Уларни сон жиҳатидан ва кузатув ҳужжатларига мослиги омборхона мудирини томонидан текширилади.

Қабул қилиш бўлимида маҳсулотларни қайси бўлимга тегишли бўлса шу бўлим мудирлари (ўринбосарлари) иштирокида очиқ кўрилади, лозим бўлган тақдирда бетараф ташкилот вакили юқни қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат асосида қатнашади.

Товарларни етказиб бериш шартнома асосида амалга оширилади.

Дори воситаларни амалдаги регламентлари асосида улгуржи ва чакана дорихона тармоқлари орқали сотишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши талаб этилади:

мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик бўйича декларация;  
мувофиқлик сертификатининг асл нусхаси эгаси томонидан, нотариус ёки сертификат берган товарларни сертификатлаштириш идораси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;  
товар-кузатув ҳужжатлари (счёт-фактура) ишлаб чиқарувчи ёки таъминотчи (сотувчи) томонидан расмийлаштирилган бўлиб ҳамда ҳар бир товар номи бўйича ўрнатилган талабларга улар мувофиқлиги ҳақида маълумотлар;  
мувофиқлик сертификати номери ва унинг амал қилиш муддати;  
сертификат берган идора; ёки мувофиқлик бўйича декларация қайд қилинган номери ва унинг амал қилиш муддати;  
декларацияни қабул қилган ишлаб чиқарувчи ёки таъминотчининг (сотувчининг) номи ва қайд қилган идора.

Барча ҳужжатлар нусхаси ишлаб чиқарувчининг (таъминотчи, сотувчи) имзо ва муҳри билан манзили ва телефонлари кўрсатилган ҳолда тасдиқланган бўлиши лозим.

Дори воситаларини қабул қилишдан олдин уларнинг яроқлилик муддатига эътибор бериш лозим.

*Яроқлилик муддати* – тайёр дори воситаси меъёрий таҳлил ҳужжатлари талабларининг барча кўрсаткичлари бўйича сифат мувофиқлигига кафолат берадиган вақтнинг муддатидир. Бундан ташқари сақлаш муддатига мувофиқ маркировкада сақлаш муддатини тугаши ҳақида кўрсатмаси бўлиши керак.

Дорихона ассортиментидаги дори воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа товарлар аксарияти учун охирги ва кафолатли яроқлилик муддатлари белгиланган.

Дори воситалари етказиб беришнинг алоҳида шарт-шароитларида қолган яроқлик муддатлари белгиланган бўлиб, уларга мувофиқ ишлаб чиқарувчи омборидан жўнатиш вақтида этикеткасида кўрсатилган яроқлилик муддатининг 80% қолиши, махсус яроқлилик муддати қисқа бўлган бактерия препаратлари учун 50% кам бўлмаслиги керак.

Юқоридаги дори воситаларининг дорихона омборларидан чакана савдо шахобчаларига ва даволаш-профилактика муассасаларига жўнатишда қолган яроқлилик муддатининг 60%, бактерия препаратлари учун эса этикеткада кўрсатилган яроқлилик муддатидан 40% кам бўлмаслигига аҳамият берилади.

Яроқлилик муддати қанча қолганлигини серия рақамидан ҳам аниқлаш мумкин.

*Серия* - битта технологик жараёнда ёки бир қатор кетма-кет технологик жараёнларда олинган аниқ дастлабки ашё миқдори, қадоклаш материаллар ёки ярим маҳсулотларни қайта ишлаб чиқилганда, сифатнинг хослиги бир хиллик бўлган тайёр маҳсулот (дори воситаси)нинг аниқ миқдори.

Серия рақами араб рақамларида бирга қўшилган ҳолда белгиланади. Бунда охирги тўртта рақам ишлаб чиқарилган ой ва йилни белгилайди. Охирги тўртта рақамлардан олдингилари эса ишлаб чиқарилган серия рақамлари ҳисобланади (рақамлар ўлчами 5 мм дан кўп бўлмаслиги керак).

Сақлаш муддати серия рақамлари рим рақамларида (араб рақамида ҳам бўлиши мумкин) белгиланда ой кўрсатилиб, араб рақамларида эса - иккита охирги рақамлар йилни кўрсатади. Яроқлилик муддатларини қўйидаги вариантларда кўрсатилиши мумкин: “яроқлик муддати Х.02” ёки “Х.02. гача”.

Барча ишлаб чиқарувчилардан келтирилаётган маҳсулотлар – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббиёт техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси синов лабораториялари ва бошқа ваколатли орган томонидан мажбурий назоратдан ўтказилади. Булар Фармацевтика бозори муомаладаги дори воситаларнинг қуйидаги сифат тартиби асосида регламентга солинади:

- “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 28 декабрь қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари сифатини яхшилаш тўғрисида» 1999 йил 15 март 163-сонли буйруғи.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 8 апрель 162-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Дори воситалари сифат стандарти». Тармоқ стандарти;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2002 йил 29 декабрда тасдиқланган «Дори воситаларини сертификатлаштириш қоидалари».

Сертификатлаштириш вақтида ҳамда сақлаш жараёнида аниқланган сифатсиз дори воситаларига номувофиқлик баённомаси расмийлаштирилади ва 3 кун ичида буюртмачига (ишлаб чиқарувчига), Ўзстандарт агентлигига ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига хат орқали билдирилади. Сифатсиз дори воситалари белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Лаборатория таҳлиллари ёки охирги экспертиза хулосасидан кейин товар сақлаш бўлимларига берилади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сақлаш хоналари ўз тузилиши, таркиби, майдон ўлчамлари ва жиҳозланиши жиҳатдан амалдаги меъёрий техник ва лицензиялаш ҳужжатларида дорихона омборлари ва дорихоналарига келтирилган ҳамма талабларига жавоб бериши керак. Хоналарнинг тузилиши, эксплуатация ва жиҳозланиши дори воситалари ва тиббиёт буюмларлари бутлиги физик – кимёвий хоссаларини сақлаб беришни таъминлаши зарур. Бунинг учун хоналар қўриқлаш ва тегишли ёнғинга қарши воситалар билан таъминланади.

Дори воситаларни сақлаш хоналарда жойлаштириш: стеллажларда, завод тараларнинг стандарт идиш тагликларида, товар тагликларида,

элеватор стеллажларининг тарасида (майда товарлар) мумкин. Стеллажлар ташқи девордан 0,6-0,7 м узокликда, томдан 0,5 м полдан 0,20 м узокликда жойлашган бўлиши керак. Стеллажлар орасидаги масофа товарлар олдида бемалол келишни таъминлаб берадиган ва 0,75м кам бўмаслиги, стеллажлар оралиғи ёритилган бўлиши керак.

Сақлаш хоналари тоза бўлиши, улар санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда тозаланади.

Тайёр препаратларни стеллажларда, жавонларда, шкафларда сақланаши бўйича қуйидаги талабларини бажариш керак:

дори воситаларни жойлаш ва ўрнатишни асл ёрлиқларда этикеткаси (маркировкаси) ташқарига қилиб амалга оширилади;

дори воситалари ёнида дори воситалари номи, серия, сақлаш муддати, миқдори белгиланган стеллаж карталари ўрнатилади. Карта қалин қоғозда чоп этилади. У ҳар бир янги келтирилган серияга кейинчалик ўз вақтида тарқатишни назорати учун юрғизилади.

Сақлаш бўлимларида сақлаш муддатлари бўйича картотека юрғизилади. Сақлаш муддатлари ўтиб кетган препаратлар, бошқа дори воситалардан алоҳида, таҳлил натижалари келгунча сақланади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларнинг жойлашув ҳисоби учун белгиланган қоидаларга асосланган ҳолда компьютер дастурлари ва технологияларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Сақлаш бўлимлардан товарларни бериш дорихона ва даволаш-профилактика муассасалари, бошқа сотиб олувчи-ташкилотлар томонидан берилган буюртмаларга биноан амалга оширилади.

Буюртма-талабномалар 1-2 нусхада (иккинчи нусхаси дорихонада киримни назорат қилиш учун қолади) алоҳида ҳар бир бўлимга ёзилади. Буюртма-талабномада дори воситаларни номи, ўлчов бирлиги ва талаб қилинадиган миқдори кўрсатилади. Заҳарли ва гиёҳвандлик воситалари ҳамда этил спирти учун миқдори сўз билан кўрсатилаган ҳолда алоҳида талабномалар ёзилади.

Омборхонага келиб тушган ҳамма талабномалар қайта кўриб чиқилади ва керак ҳолда айрим ўзгартиришлар киритилади. Бунда дорихона омборида дори воситасини мавжудлиги, уни етказиб беришнинг бир текислиги, хизмат қилувчи даволаш-профилактика муассасаларнинг ихтисоси, улардаги ўринлар сони инобатга олинади.

Республикага ёки вилоятларга чекланган миқдорда келадиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тегишли коэффицентлар бўйича таксимланади. Тарқатиш коэффиценти – аниқ дорихона томонидан хизмат қилувчи ҳудуд бўйича статистик кўрсаткичнинг (касаллар сони, ўринлар миқдори) дорихона омбори билан хизмат кўрсатувчи ҳудудларлардаги шу кўрсаткичининг умумий сонига нисбати.

Ҳар бир дорихона ёки даволаш-профилактика муассасалари бўйича ҳамма дори воситалари номлари буюртма-талабномаларни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар асосида сақлаш бўлимларида йиғилади, товар юк-хатлари билан солиштирилади ва экспедиция бўлимига берилади.

Экспедиция бўлимида тиббиёт товарларининг қадоқланиши амалдаги қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарилади. Товарлар қадоқланиши буюртманинг хажмига қараб омбор бўлимларида контейнерларнинг ҳар хил габаритли, яшиқларда амалга оширилади. Бунда экспедиция бўлими товарни жойларнинг миқдори бўйича қабул қилади. Экспедиция бўлимида қадоқловчи товарни қадоқлашда қўшимча қилинадиган варақани иккита нусхасини тўлғизади ва имзолайди, битта нусхаси яшиқга қўйилади. Иккинчи нусхаси эса юк хати билан экспедиция бўлимида қолади.

Товарларнинг омборхона бўйича ҳамма бўлимлардаги ҳаракати товарларнинг ҳисобга олиш ва назорат қилинишини таъминлайдиган амалдаги ҳужжатларга риоя қилган ҳолда олиб борилади. Омборхонанинг моддий жавобгар шахси бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришни белгиланган тартиби асосида товарларнинг кимири ва чиқимини албатта белгилаши керак.

Товарларни жўнатиш санаси, препаратнинг номи (дори шакли ва дозасини), етказилган миқдор, берилган препаратнинг нархи, қиймати, таъминотчининг ва олувчининг номи ва манзили, мувофиқлик сертификатининг рақами ва берилган санасини аниқлаб берадиган ҳужжатлар билан биргаликда етказиб берилади.

Дори воситаларни юк жўнатишдаги жавобгар шахсларга қуйидагилар юклатилади:

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳар бир буюртмани белгиланган ҳолда кузатув ҳужжатлар билан таъминлаб бериш;

- товар-кузатув ҳужжатларида ҳамма зарур ахборотни мавжудлигини назорат қилиш;

- дори воситалари ва тиббий буюмларни ташиш жараёнида бутлиги, физик – кимёвий хусусиятлари бузилмасини таъминлаш.

Омборхонадан товарни олиб кетиш учун махсус рухсатнома билан расмийлаштирилади. “Товар моддий бойликларни олиб чиқиш учун рухсатнома” экспедиция бўлимида товарлар юклатилган ва кўчиргич қоғоз орқали иккита нусхада ёзилгандан сўнг берилади. Иккинчи нусхаси олувчининг имзоси билан экспедиция бўлимида қолади. Рухсатнома фақат берилган кунида ўз кучига эга.

### **11.5. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТДА ИШЛАТИЛАДИГАН БУЮМЛАРНИ САҚЛАНИШИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Товарларни сақлаш товар ҳаракатининг барча бўғинларида, яъни тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бошлаб уни истеъмол қилиш мобайнида амалга оширилади.

Товарларни сақлаш – бу товарнинг сифати ва миқдорини ўзгартирмаслик мақсадида омбор хоналарига жойлаштириш ва сақлаш жараёнидир. Сақлашдан асосий мақсад – товарларнинг бошланғич хоссаларини барқарорлигини таъминлаш демакдир. Тегишли сақлаш

хоналарининг мавжудлиги, зарур сақлаш тартибларини яратилиши, сақлаш давомида товарларни тўғри жойлаштиришни ташкил қилиш – товарларни сақлаш шарт-шароитларининг асосини ташкил қилади.

Омборхоналарда ва моддий хоналарда сақлаш учун фармацевтик маҳсулотларнинг хусусиятларига боғлиқ муайян шароитлар асосида амалга оширилади. Сақлаш шароитларининг (хаво ҳарорати ва намлиги) асосий кўрсаткичларини назоратини олиб бориш учун ҳар бир хонада термометр ва гигрометр бўлиб, улар сақлаш учун хоналарнинг ички деворларида иситкич приборлардан ердан 1,5-1,7 метр баландликда, эшикдан эса 3 метр масофада жойлашган бўлади. Хаво ҳарорати ва намлиги бир кунда камида 1 марта текширилади, приборларнинг кўрсаткичлари ҳар бир бўлимда бўлиши керак маҳсус ҳисоб дафтарида белгиланади.

Сақлаш хоналарида хаво тозалигига риоя қилиш учун тортиб кетадиган вентиляция қурилмалари бўлиши керак. Дорихона ассортиментидаги маҳсулотлар сифатига турли ташқи омиллар айниқса физик-кимёвий хусусиятларга таъсир кўрсатади. Шу сабабли уларни сақлашда юқоридаги омиллар таъсирини ҳисобга олиш лозим.

Ёруқликдан сақланиш лозим бўлган дори воситалари-қоронғи, салқин хоналарда ёки эшиклари зич ёпиладиган, ички томони қора рангли бўёқ билан бўялган шкафларда ёки қопқоқлари зич ёпиладиган қутиларида сақланиши талаб этилади.

Атмосферадаги сув бўғлари ёки намликга сезгир бўлган дори воситалари салқин жойларда, герметик ёпилган, сув бўғлари ёки намликни ўтказмайдиган матодан ясалган, шиша, металл, алюмин, пластмасса идишларда сақланиши лозим:

- қуйдирилган гипс яхши ёпиладиган идишларда сақланади (масалан, маҳкам ёпиладиган ичига ёпиладиган полиэтилен плёнка солинган ёғоч кути ёки ёғоч бочкаларда);

- хантал кўкини ичи лакланган темир банкаларда сақланади;

- хантал маҳкам беркитилган идишларга солинган полиэтилен плёнка ёки пергамент қоғозга ўралган ҳолда сақланади.

Учувчан дори воситалари салқин жойларда герметик беркитиладиган учувчан моддаларни ўтказмайдиган материалларда тайёрланган идишларда сақланади.

Кристалгидратлар хавонинг нисбий намлиги 50-65% бўлган салқин жойларда герметик ёпиладиган шиша, металл ёки қалин пластмассадан ишланган идишларда сақланади.

Хаво ҳароратининг юқори ёки пастлиги таъсир этувчи дори воситаларни сақлашда, уларни ёрлиғи ва ишлатиш учун қўлланмасида кўрсатилган ҳарорати режимига эътибор берилади.

Органопрепаратларни қуруқ, шароитда, ёруғликдан сақланган ҳолда  $1^{\circ}\text{C} + 15^{\circ}\text{C}$  гача бўлган ҳароратда сақланади (бошқа кўрсатма берилмаган бўлса).

Тиббий ёғлар одатда  $+4^{\circ}\text{C} + 12^{\circ}\text{C}$  гача сақланади.

Газлар таъсиридан сақланиши шарт бўлган дори воситалари герметик ёпиладиган газларни ўтказмайдиган материаллардан, ишланган идишларда иложи борида ўлатилган ҳолда сақланади.

Турли фармакотерапевтик гуруҳга мансуб бўлган дори воситаларини сақлашда ҳидли ва бўёвчи дори воситалари гуруҳи ҳам ажратилади.

Ҳидли дори воситалари гуруҳига учувчан ҳамда учувчан бўлмаган лекин ўта ҳидли дори воситалари киради. Уларни герметик ёпиқ идишларда бир биридан алоҳида ҳолда номи бўйича сақланади.

Бўёвчи хусусиятли дори воситаларига – идишларда, жиҳозларда ва рангли из қолдирувчи оддий санитар-гигиеник ишловда ювилмайдиган дори воситалари киради (бриллиант яшили, метилен кўки, индигокармин ва ҳ.к.).

Бўёвчи дори моддалари алоҳида маҳсус зич ёпилувчи шкафларда сақланади (номи бўйича). Бўёвчи моддаларни ишлатишда уларнинг ҳар бири учун алоҳида торозлар, ховончалар, шпателлар ва бошқа инвентарлар ажратилади.

Доривор ўсимликлар ҳам ашёси ва йиғмаларни сақлашда қуйидагилар талаб этилади:

а) яхши ёпиладиган идиш;

б) қуруқ яхши вентиляцияланувчи ҳаво алмашуви таъминланган хона. Таранинг тури ҳам ашёни сақлаш жойига боғлиқ.

Омборхонада доривор ўсимликлар ҳам ашёси сўкчакларда сақланади бунинг учун ёпиқ яшиқлар, қоплар (кесилган ҳам ашё), икки қаватли қоплар, картон ўрамлари (порошоклар) бўлиши керак.

Ўз таркибида эфир мойларини сақловчи (масалан: шалфей ўти), айрим гигроскопик ўтлар, барглар, мевалар (масалан: ангишвонагул барги, далачай ва бошқалар) алоҳида яхши ёпиладиган идишда сақланади.

Заҳарли ва гиёҳванд моддалар сақловчи дори воситалар алоҳида хоналарда, маҳсус кулфланадиган темир шкафларда сақланади.

Қурилган ширадор меваларни омбор ҳашоратларидан химоялаш учун флаконга хлороформ солиб, буғлари чиқиб турувчи трубкаси бўлган пробка билан ёпилади ва мевалар сақлайдиган яшиқ ичига солиб қўйилади.

Таркибида юрак гликозидлари сақловчи доривор ўсимликлар ҳам ашёсига (масалан: ангишвонагул барги, марваридгул меваси ва бошқалар) алоҳида эътибор бериш керак. Давлат Фармакопеясида улар учун қатъий сақлаш муддатлари ва биологик фаоллигини қайта текшириш учун талаблар белгиланган.

Барча доривор ўсимликлар ҳам ашёси вақти-вақти билан Давлат Фармакопеяси назоратидан ўтиб туриши шарт. Стандартга жавоб бермаган ҳам ашёни яроқсиз деб топилади ёки қайтадан ишлаб чиқилган ва ижобий назоратдан сўнг ишлатилади.

*Тез ва енгил алангаланувчи прекурсорларни сақлашда уларнинг физик-химёвий хоссаларини ҳисобга олиш керак (сирка кислота ангидриди, ацетон, этил эфири, хлорид кислотаси, фенил сирка кислотаси, сульфат кислотаси, толуол).*

Тез алангаланувчи прекурсорларни минерал кислоталар (айниқса олтингугурт ва азот кислоталари), сиқилган газлар, ёнувчан моддалар (ўсимлик ёғлари, сера, боғлов воситалари), шунингдек органик моддалар билан портловчи аралашмалар (калий хлорат, калий перманганат, калий хромат ва ҳ.к.) ҳосил қилувчи ноорганик тузларни бирга сақлаш тақиқланади.

Прекурсорлар билан ишлаганда (қадоқлаш, жойдан-жойга ташиш, юклаш) эҳтиёткорлик чоралари қўрилиб, идишнинг ҳолати, герметиклиги, тўғрилигини доимий кузатиб турган ҳолда ишлаш лозим.

Тез алангаланувчи прекурсорлар зич беркиладиган, мустаҳкам шишали ёки металл идишларда сақланади. Шиша идишлар, баллон ва бошқа катта ҳажмли идишларни баландлиги бўйича бир қатор қилиб сақланади. Уларни бир неча қаторга, иситиш манбалари яқинига қўйиш тақиқланади. Сўкчак ва иситиш манбаси орасидаги масофа бир метрдан кам бўлмаслиги керак.

*Нитрат ва сульфат кислоталарини* сақлашда уларни ёғочли, органик табиатли бошқа моддалар билан муносабатда бўлишининг олдини олиш лозим.

*Нитроглицерин эритмаси* - портловчи модда, уни дорихонада, дорихона омборларида катта эмас, яхши беркитилган склянкалар ёки металл идишларда салқин, қоронғи жойда сақланади, ёнғиндан эҳтиёт бўлиш керак. Нитроглицерин сақлайдиган идишни суриш ва шу препаратни тортиб олиш жуда эҳтиёткорлик билан бажарилиши зарур.

*Эфир* (тиббийёт ёки наркоз учун) фабриканинг ўрамида, қоронғи, салқин (иситиш приборлардан узоқроқ) жойда сақланади. *Диэтилэфир* билан ишланганда силкитиш, зарба бериш, ишқалашдан сақланиш керак.

*Калий перманганат* глицерин, олтингугурт, чанг, органик мойлар, эфирлар, спиртлар, органик кислоталар ва бошқа органик моддалар билан портловчи бирикмалар ҳосил қилади. Уни маҳсус ажратиб қўйилган жойда, тунука барабанларда, дорихонада - оғзи маҳкам ёпилган ва юқорида кўрсатилган воситалардан алоҳида сақланади.

*Портловчи ва тез аланга олувчи воситалар* алоҳида (қуруқ, тўғри қуёш нуридан, ёнғин ва ер ости сувларидан ҳимояланган, биринчи қаватда, темирбетон коплама ва металл эшикли) хоналарга жойланиши керак, хонанинг поли эшигидан ичкарига қияланиб цементланган, ўйилмаган текис бўлиши керак. Ёнмайдиган сўкчаклар полдан 0,25м дан кам бўлмайдиган баландликда, сўкчаклар кенлиги 1м дан кам бўлмаган, четлари 0,25м дан кам, сўкчаклар оралиги 1,35м дан кам бўлмаслиги керак; ёнмайдиган шкафлар кенлиги 0,7м дан, баландлиги 1,2м дан кам бўлмайдиган эшикларга эга бўлиши керак; электр ўтказиш мосламалари, ёритувчи ва бошқа электржихозлари портлаш хавфсизлигини таъминлайдиган шунингдек учуриш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

Тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар солинган идишлар зарбалардан сақлайдиган, ёки ағдарувчи баллонларда бир қаторда сақланади.

Идишни суюқ моддалар билан тўлдириш даражаси 90% ҳажмдан ошмаслиги керак. Катта миқдордаги спиртлар металл идишларда, 75%дан ортиқ бўлмаган ҳажмда тўлдирилиб сақланади.

Портловчи ва ёнувчи воситалар сақланадиган хоналарга керосин лампалар ва шамлар билан кириш тақиқланади, фақат электр ёритгичларидан фойдаланилади.

*Дезинфекцияловчи воситалар* (хлорамин Б ва бошқалар) герметик беркитилган идишларда сақланади. Сақлаш учун хона алоҳида бўлиб ва пластмасса, резина ва металл буюмлар, ҳамда тозаланган сув олинадиган хоналардан узоқроқда жойлашган бўлиши керак. Бунда сақлаш жойи салкин ва ёруғликдан химояланган бўлиши лозим.

*Боғлов материаллари* ёғоч яшиқларда, қуруқ, хавоси тоза хоналарда, чангдан ва ҳашаротлардан нарироқларда сақланиши керак. Ностерил материалларни иситилмайдиган хоналарда сақлаш мумкин. Стерил материаллар ҳарорати ўзгариши кам бўладиган хоналарда сақланиши керак, бунда ҳарорат ўзгарганда қадоқланган товар ичига ҳаво кирмаслигини таъминлаш лозим. Стерилланган боғлов воситаларни омборхонада чиққан йилига қараб сақлаш керак, чунки ҳар беш йилдан сўнг унинг стериллигини ҳар йили танлаб текшириб турилади. Ўрами бузилган ёки нам тортган бўлса, у ҳолда маҳсулот стерилланмаган ҳисобланади.

*Резина буюмларини* сақловчи хонага қуёш нури тушмаслиги керак, кўпинча ертўлаларда, қоронғи жойларда сақланади. Қуруқ хоналарнинг намлигини сақлаш учун карбол кислотасининг 2%ли сув эритмаси идишларда қўйилади. Резинанинг эластиклигини сақлаш учун хоналар ва шкафларга шиша идишда аммоний карбонат солиб қўйиш керак. Сақлашда амал қилинадиган талаблар: 1). ёруғликдан сақлаш; 2). ҳарорат 0°С дан паст ва +20° юқори бўлмаслиги; 3). намлик 65%дан кўп бўлмаслиги; 4). механик шикастланишдан ҳолислик; 5). фаол моддалар (йод, хлороформ, формалин ва бошқалар) таъсиридан химоялаш; 6). иситувчи манбадан узоқ (камида 1 метр) жойлашган бўлиши керак; 7). ҳаво кирмаслиги керак.

Резина буюмларини шкафларда, яшиқларда, жавон ва стеллажларда сақлаш мумкин. Шкафлар эшиги зич ёпиладиган ва ичидан текис юзи бўлиши керак.

Баъзи резина буюмларни сақлашда маълум талабларга риоя қилиш керак:

грелкалар, тагига қўйиладиган чамбараклар, муз солинадиган халтачалар бироз шишириб қўйилади;

приборларнинг ечиладиган резина қисми металл қисмидан алоҳида сақланади;

қўлқоплар, бужлар, эластик катетерлар ва бошқалар қутиларда зич ёпилган ва устига талък сепилган ҳолда сақланади. Пастки қаватлардаги буюмлар эзилиб ва босилиб кетмаслиги учун уларни бир неча қават қилиб сақлаш мумкин эмас.

*Пластмассадан тайёрланган буюмларни* қоронғи ва ҳавони тозалаб турадиган, учувчи воситаларнинг буғлари учрамайдиган, ёнғин бўлмайдиган хоналарда сақлаш керак. Буюмлар иситгичлардан 1метр узоқликда жойлашган бўлиши керак. Целлофанлар, целлулоид, аминопластли буюмлар сақланувчи хоналарнинг намлиги 65%дан ошмаслиги керак.

Синтетик материалларни сақлаш алоҳида шароитларни талаб қилмайди. Даволаш-профилактика муассасаларида резина ва эластопластлар буюмлар 5%ли фенолнинг глицериндаги эритмасига солиб қўйилади.

*Тиббий техника, хирургик инструментлар* қуйидаги талабларга мувофиқ сақланади:

хоналар қуруқ ва иссиқ бўлиши керак. Хирургик инструментларни уйиб ҳамда медикаментлар ва резина буюмлар билан сақлаш қатъий ман этилади;

ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги ( 60%дан ошмаслиги) бирдан ўзгариб қолмаслиги керак;

инструментлар яшиқларда, шкафларда, қопқоқли қутиларда номи ёзилган ҳолда сақланади. Инструментларни заводнинг коррозияга қарши мойи билан сақланади. Агарда бундай мой бўлмаса унда уларни юпка қилиб вазелин билан қопланади. Мойланган инструментлар юпка парафинли қоғозга ўраб қўйилади. Кесувчи буюмларни (пичоқ, скальпеллар) механик зарар етказишни (кертиклар) олдини олиш ва ўтмас бўлмаслиги учун уларни яшиқларнинг маҳсус уяларида ёки пеналларда сақланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

*Тиббиёт зулукларни* сақлашда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

- хона ёруғ, дориларнинг ҳидисиз; максимал тозаликга риоя қилган ҳолда, ҳидли ва заҳарли воситалар билан биргаликда бўлмаслиги керак;
- зулуклар кенг бўйинли шиша идишларда, бўз салфеткали ёки икки қаватли марли билан шпагат ёки резинка билан қаттиқ бойланган ҳолда сақланади;
- банкани хлорсизлантирилган, перекисли бирикмалардан, оғир металл тузларидан, механик қўшимчалардан ҳоли сақланади. Сувни алмаштиришда идиш деворлари ичидан ювилади, сўнгра идиш бўйнига марли ёпилади ва ундан сув қуйилади. Бунда идишнинг учдан бир қисми сувга тўлиши керак.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

И.А. Каримов Йўлимиз – мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли:

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқи. 1994 йил 5 май.-Т.:Ўзбекистон, 1994. -38 б.

И.А. Каримов, -Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –

Т., Ўзбекистон, 1997.,-63 б.

А.З.Мўминов. Пути совершенствование лекарственного обеспечения населения. //Кимё и фармацевтика//1994 г.с.7-9.

- В.И.Криков., В.И.Прокопишин. “Организация и экономика фармации”. М.,”Медицина”. 1991 г.
- В.И.Прокопишин. Основы лекарственного обеспечения населения. М., Медицина. 1983 г.
- П.Носиров, Ш.Абдуллаева. «Маркетинг бозор иқтисодиётининг асоси».Т., Ўзбекистон. 1994 й.
- У.С. Салихбаева; Ўзбекистон Республикасида фармацевтик бозорни ривожланиш муаммолари ва истикболлари.// Кимё ва фармацевтика. 2002.№. 6. 13.
- Э.Р. Тошмухамедов, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда фармацевтиканинг ривожланиши.//Кимё ва фармацевтика. 2001.№2.б. 3.
- Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуни.
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни.
- Э.Р. Тошмухамедов, И.Н. Жўраев. «Лекарственное обеспечение сельского населения в Узбекистане». Изд. «Медицина» Т., 1973 г.
- Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти А.Н. Юнусхўжаев таҳрири остида I, II, III китоб. Тошкент 2001 ва 2003 йиллар.